



ҲУЗУР –
ҲАЛОВАТДА ЁСИБ



БОБ ЖОРЖ

БОБ ЖОРЖ

ҲУЗУР —
ҲАЛОВАТДА ЎСИБ





Муаллиф муқаддимаси

Сиз билан биз ўртамизда кўп ўхшаш томонлар бор.

Биз, эҳтимол, ҳеч қачон учрашмаганлигимизга қарамасдан, мен кафолат бериб айтаманки, бир хил сабоқ олганмиз. Мен “актёрлар” мактабини назарда тутяпман.

Бир куни Шекспир шундай деган экан: “Бутун дунё — театр, ундаги одамлар — актёрлардир”. Туғилганимиздан бошлаб бизни хоҳлаган нарсамизга эга бўла олишимиз учун ўзимизни яхши тутишга ўргатишади. Бизнинг қанчалар яхши ишлашимиз ва ўз ишимиз учун қандай ҳақ олишимиз бир-бирига чамбарчас боғлиқдир.

Ўзингни яхши тут, шунда ширинлик оласан.

Ўз хонангни тартибга сол, шунда кундалик сарф-харажатларингга пул оласан.

Яхши машқ қил, шунда университет командасида ўйнай оласан.

Агар озсанг, сенга кўпроқ учрашувлар белгилашади.

Коллежда ўқигин, шунда яхши жойга ишга жойлашасан.

Кўпроқ пул ишлаб топ, шунда ўзингни бахтлироқ ҳис қиласан.

Ва ҳоказолар.

Бу дунёнинг фалсафий фожеаси шундан иборатки, бизнинг қўл-оёғимизни ана шундай шартлар кишанлаб ташлаган. Биз уларни ўз масиҳийлик ҳаётимизга ҳам олиб кирамиз. Биз ўз ролимизни бажаришимиз керак,

шу зарурат туфайли Худонинг халос қилувчи марҳамати ўз аҳамиятини йўқотади. Бу ақида кўпинча: “Худо ўзига ўзи ёрдам берадиганларга ёрдам қўлини узатади” деган масиҳийлик ибораси билан изоҳланади. Ёмон эмас-а! Ягона муаммо шуки, бу асло Муқаддас Китоб тамойили эмас.

Биз ўз ролимизни ўйнамаслигимиз мумкин бўлган фақат битта бошпана мавжуд — бу Исо Масиҳнинг шакшубҳасиз севгиси ва Унинг қабул қилинишидир. Бу бизни халос қиладиган худди ўша марҳаматдир. Худди шу севги бизнинг ҳаётимизни қўллаб-қувватлаб туради. У бизни ҳозир, бугун... қандай яшашга ва қандайдир рол ўйнамасликка ўргатади.

Мен “*Мумтоз масиҳийлик*” номли биринчи китобимда одамларга руҳий қулликдан қутулишга, Исо Масиҳдаги озодликка қувонишга имкон берадиган жуда кўп Муқаддас Китоб ҳақиқатлари ҳақида ҳикоя қилганман. Биз минглаб хатлар олганимизда, илгари ҳеч бундай қилмаган одамлар — Худони эркин англашга ва севишга имконни кўрган минглаб одамлар бизга қўнғироқ қилганларида, бошимдан кечирган ҳиссиётларни тасвирлаш қийин. Озодликни қўлга киритиш — бу бир нарсa, эркин одам бўлиб яшашни англаш эса — бу умуман бошқа нарсa. Қулликдан чиқиш орқали келган қувончли кечинмалардан сўнг албатта энди бу озодликка қандай муносабатда бўлишга ўрганиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Марҳамат туфайли қутилган, марҳамат туфайли озод бўлган одамлар қандай қилиб ҳузур-ҳаловатда ўсишни ўрганишлари керак.

Мазкур китобнинг мақсади ана шудир. “*Мумтоз масиҳийлик*” да мен Масиҳдаги ўз шахсиятимизнинг масиҳийча тушунчасини, гуноҳларнинг тўла кечирилишини, У орқали тақводорликка ва Масиҳнинг қайта тирилган ҳаётини қабул қилишимиз нима эканлигини талқин қилиб бердим. Биринчи китобнинг мақсади — одамларни Масиҳда халос қиладиган ҳақиқат ҳақида сўзлаб

беришдир. Яна менинг бу китобдаги энг муҳим вазифам — Масихда ўзларини эркин ҳис қила бошлаган одамларга, сизлар Унинг ҳузур-ҳаловатида ўсасизлар, Худонинг севимли болаларининг ўсиши нима эканлигини биласизлар, деб шулар ҳақида айтиб беришдир.

Ҳаётимдан ҳикоя қилинган воқеалар ҳақиқатда ҳам юз берган воқеалардир. Мен фақат баъзи бир одамларнинг шахсий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун, уларнинг исмларини ўзгартирганман, холос. Бу китобда ёзилган ҳолатларнинг — ҳикоя ривожини, муаммолар ечими, суҳбатлар матнининг стенографик ёзувлари бўлма-са-да, бўлиб ўтган воқеаларни аниқ акс эттиради.

Бир неча йил давомида мен “тақводорлик вазифасини бажаришдан”, жуда кўп бемаъни кўрсатмаларни амалга оширишдан, ўзларига мунофиқлик ниқобини кийишдан чарчаган одамларни кўрдим. Чарчаганларга, оғир юк остида қийналиб, ҳориб-толганларга Раббий Исо шундай дейди: “МЕНИНГ ҳузуримга келинг, Мен сизларга ором бераман” (Матто 11:28).

Сизнинг орангизда мумкин бўлмаган мезонларга мос бўлишга қўлидан келганча ҳаракат қилаётганларга, Худого ёқиш учун интилиб, сохта “раҳмдил масиҳий”нинг ҳаёти билан яшашга ҳаракат қилаётган, аммо буларнинг бари уларда етарли эмаслигини намойиш этаётганларга мен шундай деб айтаман: мазкур китоб саҳифаларида умид ҳақида ҳикоя қилинган.

Муқаддас Рух шу китобда ҳикоя қилинаётган Каломдан ва Муқаддас Китоб ҳақиқатларидан фойдалансин, сиз ўзингизда Масихнинг қайта тирилган ҳаётини тўла сезишингизга имкон берсин, деб ибодат қиламан. Токи Унинг Ўз қони эвазига сиз учун қўлга киритган озодлигидан шодланишингизга, Унинг ажойиб ҳузур-ҳаловатида ўсишингизга имкон берсин.

Боб Жорж



Ўзбек тилидаги нашрига сўзбоши

Азиз ўқувчи, Сизнинг олдингизда китоб турибди. Бу масиҳийча китобнинг дўконда пайдо бўлиши катта ва муҳим воқеадир. Шунини таъкидлашимиз керакки, бу — бестселлер, яъни бозори чаққон китоб. Бестселлерлар ҳар хил бўлади: бозорнинг бир зумлик талабларига, янги урф таъсирларига мувофиқ бўлади, китобда акс эттирилган мавзуларнинг машҳурлигига асосланади, муаллиф номининг машҳурлигига, асар тилининг, воқеалар баёни услубининг жозибadorлигига асосланади ва ҳ... Мазкур китобнинг машҳурлиги эса унинг *долзарблигига* асосланган.

Яхши воиз ёки хизматчи бўлмаслик мумкин, яхши илоҳиётчи бўлмаслик мумкин, бутун ҳаёт давомида бир марта бўлса-да Муқаддас Китобнинг ҳаммасини тўла ўқиб чиқмаслик мумкин... Бироқ Исо Масиҳни топган ҳар бир одам ўзига Масиҳда қандай ҳаёт тайёрланаётганлигини билиши зарур. Қўлларида Худо ҳадя қилган хазинани ушлаган жуда кўп масиҳийлар бундан сўнг нима қилишлари кераклигини билмайдилар. Худо кечирган ва гуноҳлари ўтилган кўп масиҳийлар Масиҳдаги ўзларининг ҳақиқий аҳамиятини, ўз лавозимлари ва Раббимизнинг бойликларини билмайдилар.

Юракларида Худо билан яшайдиган жуда кўп масиҳийлар бу хазина ҳақида унутиб қўядилар. Улар

ҳаётининг кўп қисмини, йилларини яна ниманидир бефойда излашга сарфлайдилар. Шу нимадир, уларнинг ёки руҳий устозларининг фикрича, “ўзларининг халос бўлишларини охирига етказиши”, уларнинг ҳаётларини қувонч, хотиржамлик ва ишонч билан тўлдириши керак эди. Аммо жуда кўп масиҳийларнинг кўнгиллари вайрон бўлган, бу йўлда ҳолдан тойганлар. Бизга худди “эътиқод қадамлари” ёки “руҳий ўсиш” сифатида кўрсатиладиган рўзалар, ибодатлар, жамоатдаги хизмат, гувоҳликлар, қурбонликлар, турли бағишловлар ва жуда кўп бошқа нарсалар баъзида юрагимизни яна “нимагадир эришиш” истаги билан тўлдириб, биз билан барҳаёт Худо ўртасига тўсиқ солади. Улар биздан: “Эй оғир юк остида қийналиб, ҳориб-толган ҳаммаларингиз! Менинг ҳузуримга келинг, Мен сизга *ором бераман...*” (Матто 11:28) деган Шахсиятни шошилиш диний воқеалар орқали узоқлаштирадилар.

Бундай масиҳийларнинг ҳаёти ёпиқ айлана бўйлаб чексиз югуришни эслатади. Ва ниҳоят энди мен ўзимда 100% масиҳийни топиш учун нима қилиш кераклигини билгандай эдим. Аммо, эвоҳ... “Қани, қани ўша мен гуноҳим учун тавба қилганимда Масиҳни англаш қувончи?!... Эҳтимол, бу ўз-ўзини алдашдир? Шунча гапириладиган, у ҳақда ёзиладиган ўша руҳий ўсиш нима ўзи? Аммо ҳеч ким *менга* қандай ўсишим кераклиги ҳақида аниқ кўрсатма бермайди. Тўғриси айтганда, мен энди аниқ билмайман ҳам — умуман, мен ўзи нажот топганманми ёки йўқми...” Бу ноиложликдан айтиладиган сўзларга қандай жавоб қилиш мумкин? Яна бир нечта ёд бўлиб кетган гаплар, фикрлар, яна бир марта сабр-тоқатга чақиритиш керакми?

Ўйлашимча, бу китобнинг муаллифи ҳар бир имонли кишининг ҳаётида пайдо бўладиган ана шу саволларга жавоб бера олган. Бир вақтлар унинг ўзи ҳам (ана шу сўзбошининг муаллифи сингари) худди шундай

тушкунликда қолган ва унинг ҳам қаршисида ана шундай жавобсиз саволлар турган эди. Раббий Ўз болаларини севади, уларни тўғри йўлга бошлайди. Боб Жорж жон-жон деб Худо унга ўргатганларини, Муқаддас Ёзув унга ўргатаётганларини, ҳар куни унга ўзларининг олдиндан билиб бўлмайдиган муаммолари юзасидан мурожаат қиладиган одамлар билан бўладиган кундалик мулоқот туфайли у ўрганганларини бошқаларга улашади (китоб муаллифи жонли эфирда бутун Америкага намоён этиладиган жуда машҳур масиҳийча “Инсон — инсонга” кўрсатувининг ҳам бошловчисидир).

Бу китоб Масиҳ ҳақида, масиҳийлар ҳақида, уларнинг руҳий муаммолари, шу муаммоларнинг табиати ҳақида ҳикоя қилади. Азиз китобхон, сиз бу ерда ўзингиз учун қизиқ ва зарур нарсаларни топасиз, ўзингизнинг жуда кўп эски яраларингиз учун ажойиб хушхабар малҳамини оласиз. Ўқинг, ушбу китобни қўлингизда Муқаддас Китоб билан ўқинг, агар зарур деб топсангиз, муаллиф билан баҳслашинг. “Изланг, топасиз...” — дейди Исо. Бу китоб масиҳийча характерни тарбиялаш учун яна бир қўлланмадир. Бу тарбияда биринчиликни муаллиф фақат Масиҳга беради. Бу китоб бизни Худо ҳузур-ҳаловати билан ўсишимизга ҳалақит берадиган нарсаларни, биз билан Исо ўртасида тўсиқ бўладиган ғовларни бартараф қилишга ўргатади. У бизнинг хатоларимизни, адашган жойларимизни кўрсатади. Бу хатолар вақти-вақти билан ва аста-секин ўзларини эслатиб, қалбимизга тушкунлик ва умидсизлик уруғларини сочиб, онгимизнинг туб-тубига яшириниб олади. Аммо Масиҳ бизни бундай ҳаётга ундамаган. У шундай дейди: “Келинглр... Мен сизга ором бераман”.

Муҳаррир



1

Ҳақиқий дунёдаги ҳақиқий ҳаёт

Мен олти йилдан бери масиҳий бўлганим учун Далласга умумшаҳар Инжил дастурига бошчилик қилиш учун келган эдим. Мен Американинг бир нечта энг йирик жамоатхоналари билан ишлардим, кундалик радио дастурларини ёзардим, маҳаллий телестудиялар билан ҳамкорлик қилардим. Бу доимий шодлик муҳити эди, мен шу муҳитнинг марказида эдим. Мен ўзим ҳақимда, эҳтимол, мен энди масиҳийча етукликнинг олий нуқтасига етдим, деб ўйлай бошлаган эдим, то... то бир куни рафиқам Эми билан бозор-ўчар қилишга боргунимча.

Ўша куни савдо марказида одам кўп эди, ҳамма ёқда шовқин-сурон, машиналар тўхташ жойлари тўла, машина қўйиш учун жой йўқ эди. Аммо мен бирданига бир эмас, иккита жой топганимда — яна нақ савдо марказининг олдидан — бу кунни бахтли кун деб ҳисоблай бошладим! Аммо мен бу “ибодатимга қилинган жавоб”га яқинлаша бошлаганимда, ёнимдан яп-янги чет эл машинасида бир йигит тез ўтиб кетди. У машинасини нақ иккала тўхташ жойини ажратиб турган чизик устига қўйиб, бирданига иккала жойни ҳам банд қилди.

Олдиниға мен буни тасодиф деб ўйладим. Мен ойнани туширдим ва хушмуомалалик билан шундай дедим:

“Кечирасиз, жаноб, сиз, эҳтимол, сезмай қолгандирсиз, аммо сиз бирданига икки жойни банд қилдингиз”.

У менга нафрат билан қаради ва тиржайиб шундай деди: “Ҳа, буни биламан”. У машинадан тушганда мен уни яхшироқ кўришимга имкон туғилди. Бу оқ тушган сочлари яхшилаб таралган ўрта ёшлардаги эркак эди. Кўйлагининг тугмалари ечилган, кўкрагида эса саноқсиз тилла занжирлар осилганди. Бу уни худди совут кийиб олган жангчига ўхшатар эди.

Бир кўришдаёқ бу одам менга ёқмади. Шунинг учун кескин оҳангда мен унга шундай дедим: “Яхши, марҳамат қилиб, сиз ўз машинангизни жойларнинг бирига оларсиз, менга ҳам машинамни қўйишга имкон берарсиз?” У ёшгина бир қизга машинадан чиқиш учун ёрдам қўлини чўзар экан, “Йўқ!” — деб жавоб қилди.

Шу дақиқаларда мен учун Худо фарзанди бўлган барча йиллар ўз аҳамиятини йўқотди. Кайфиятим ўзгариб хавфли тус ола бошлаган эди. “Дўстим, — дедим мен зўрға, — агар сен ҳозироқ ўз аравангни олмасанг, мен ўзингни тутун чиқаадиган қувурга тиқиб қўяман. Ўзим аравангни йўлимдан олиб ташлайман!” Мен ваъда қилган таҳдидимни бажариш учун машинадан туша бошладим.

Эми менга худди ақлдан озган одамга қарагандай назар ташлади. Мен ўшанда унга ақлимни йўқотишдан қўрқмаслигимни, ҳозир мени фақат шу жойни йўқотиш ташвишга солаётганлигини айтдим. Мен тўсатдан тўхтаб қолдим. “Сен нима қияпсан? — деб сўрадим ўзимдан. — Ахир, қачонлардир сен фақат Худога хизмат қилиш билан машғул бўлиш учун ўз даромадли ишингдан воз кечганингдан хурсанд эдинг-ку. Энди эса фақат шу бадбахт жойдан маҳрум бўлмаслик учун бошқа бир одам билан ёқалашишга ҳам тайёрсан!”

Ниҳоят, мен ўзимни босиб олдим, усталик билан бу жойдан чиқиш учун машинамни орқага тисардим. Шунга ҳам бир неча дақиқа сарфладим. Бошқа машина

ҳайдовчиси менинг машинам бамперига ёпиштирилган куйидаги ёзувни кўришини истамадим: “*Жилмай! Исо сени яхши кўради*”.

Сиз билан ҳам худди шунга ўхшаш воқеа содир бўлганми? Сизнинг Исо Масихга бўлган самимий ва ҳақиқий эътиқодингизга қарамай, ана шундай аҳмоқона, худди умуман ҳеч қачон хушxabарни эшитмагандай вазиятга тушганмисиз. Агар биз бутунлай самимийликка интиладиган бўлсак, бундай воқеа бизнинг ҳаётимизда ҳам бўлиб туришини тан олишимиз керак. Ана шундай кутилмаган дақиқаларда биз кимлигимизни ва нимага эътиқод қилишимизни бутунлай унутиб қўйишимиз мумкин. Биз гоҳида ўзимизни эшитиб қоламиз “Мен эса сени масиҳий деб ўйлардим!” — “Мен ҳам ўзимни масиҳий деб ўйлардим! — деб жавоб қиламиз ўзимизга ўзимиз. — Мен бунга қандай журъат қилдим?”

Келинг, яхшироқ гаплашиб олайлик. Бундай “кутилмаган дақиқалардан” ташқари, биз шуни биламизки, масиҳийлар узоқ вақт Худо Каломига умуман зид тарзда яшашлари мумкин. Тўғриси, ҳаммамизнинг ҳаётимизда ўзимиз васвасалар билан курашадиган ва муваффақиятсизликларни ҳис қиладиган томонлар мавжуд. Баъзида биз ўз масиҳийлик ҳаётимизда умуман бирон нарсага эриша олишимиз ҳақида ўйланиб қоламиз. Ҳар бир имонли, мен билган ҳамма одамлар, эҳтимол, эндигина эътиқодга кирганлардан ташқари, ўзларида ҳаворий Павлус тасвирлаган нарсани ҳис қиладилар: “Шундан ўзим қилаётган ишларни ўзим тушунмайман: мен нимани хоҳласам, уни қилмайман ва нимани ёмон кўрсам, уни қиламан... Менда, яъни ирсий табиатимда яхши нарса йўқлигини аниқ биламан. Яхшилик қилиш истаги дилимда бор бўлса-да, уни рўёбга чиқаришга кучим етмайди. Мен истаган яхши ишни қилмаяпман, аксинча, истамаган ёмон ишни қиляпман” (Римликларга 7:15, 18, 19).

Бу зиддият барча асрлардаги, барча мазҳабдаги, барча географик ҳудудлардаги масиҳийларга танишдир. Уларнинг барчаси айбдорлик исканжасига тушадилар, улар фақат яхши иш қилишни жуда хоҳлардилар. Аммо уларнинг самимий ҳаракатларига қарамай, бу уринишлар кифоя қилмай қоларди. Қисқача қилиб айтганда, бизга энг керак нарсa — бу *ҳаётдир*. Айнан шуни бизга Исо Масиҳ таклиф қилади: “Мен эса уларга *ҳаёт*, фаровон *ҳаёт* бериш учун келганман” (Юҳанно 10:10).

Ўзимнинг “*Мумтоз масиҳийлик*” китобимда мен барча масиҳийларга барҳаёт Масиҳни ўз ҳаётларига қайтаришга ёрдам бермоқчи эдим. Аммо мен “масиҳийлик ҳаёти билан” яшашга ўргатмоқчи эмасдим, худди виключателнинг чиқиллаши каби ҳаётимизнинг осонгина олдинга ҳаракат қилишига имкон берадиган қандайдир мўъжизакор формулани ҳам бермоқчи эмасман. Йўқ, бизнинг ҳаётимиз — бу Исо Масиҳдир! “Чунки сизлар ўлгансизлар, *янги* ҳаётингиз эса Масиҳ билан Худо ҳузурида пинҳондир. Ҳаётингизнинг ўзи — *Масиҳдир*. У оламга қайтиб зоҳир бўлгач, сизлар У билан бирга улуғвор тусда зоҳир бўласизлар” (Кол. 3:3, 4).

Бу китобда биз Худо фарзандларининг ҳар бирига тегишли бўлган ажойиб меросни кўриб чиқамиз. Бу бизнинг Масиҳ билан ўхшашлигимизга боғлиқ. Бутрус шундай дейди: “Раббимиз Исо Ўзининг улуғворлиги ва камолоти шарофати ила бизни даъват этган ва бизга Ўзини танитган. *Яшаш ва Худо йўлида юришимиз* учун керак бўлган ҳамма нарсани У бизга Ўзига хос илоҳий куч-қудрат билан ато этган” (2 Бут. 1:3). Шундай қилиб, масиҳийлик ҳаёти Масиҳдан “бошланмайди” ва кейин қандайдир яхшироқ нарсa томон “ҳаракат қилади”. “Олдинга сурилган ёки мукаммаллаштирилган масиҳийлик” мавжуд эмас. Масиҳийлик ҳаётини бошлаётган ҳар бир одам уни ўзи олиши мумкин бўлган ҳамма нарсани олишдан бошлайди.

Мен ёшлигим ўтган Индиана штатидаги олмаларни мисол қилиб келтирмоқчиман. Бу ҳақда мен аллақачон “*Мумтоз масиҳийлик*” асаримда гапирганман. Эрта баҳорда у ердаги олма дарахтларида майда, умуман мазасиз ва тошдай қаттиқ мевалар пайдо бўлади. Биз болалигимизда уларни бир-биримизга отиб ўйнардик. Бир куни мен шундай олма билан ўртоғимнинг нақ пешонасига урганимда қанчалар қувонганимни кўрсангиз эди... Аммо мен бу ҳақда ҳикоя қилмоқчи эмасман. Бу қаттиқ ва майда меваларнинг табиати қанақа? Бу тарвуз ёки қовоқ эмас. Ўй, улар росмана олма меваларидир. Улар ўсаверади ва ушбу олмаларнинг табиати ўзгармайди. Улар ўсгани сайин қандай бўлса, шундайлигича қолаверади, ҳеч бир янгиликка эга бўлмайди. Улар фақат *пишади*.

Одамлар баъзи бир оятларни, масалан юқорида парча қилиб келтирилган 2 Бут. 1:3 оятни ўқиганларида бериладиган саволга бу жавобдир. Қандай қилиб одамга барча керак нарсалар берилади-ю, айти пайтда у доимо курашни давом эттираверади? Агар биз ҳамма зарур нарсаларни олган бўлсак, бизга яна нима керак?

Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин: биз руҳан туғилганимизда, бизга ҳамма нарса берилганига қарамасдан, олдимизда тамомила келажак ҳаётимиз туради. Ана шу келажак ҳаётда биз Масиҳни англаймиз, Унинг бойликлари билан, шон-шарафи ва У бизга ҳади этган ҳаёт билан ўсамиз.

Айнан шу сабабли ҳаворий Бутрус шундай деб ёзади:

*Раббимиз ва Халоскоримиз Исо Масиҳнинг иноятига таяниб, Уни таниб-билиб борган сайин **ривож топинглар**. Ҳозирдан то мангу кунгача Унга шон-шухрат бўлсин! (2 Бут. 3:18).*

Агар сиз рисоладагидай йўл тутишга ҳаракат қилишдан чарчаган бўлсангиз, барибир тўғри йўл тута олмасангиз, унда бу китоб сиз учун мўлжалланган. Биз ҳақиқий ҳаётни турли нуқтаи назардан кўриб чиқамиз, бизда яшайдиган Исо Масиҳ бизга қандай жавоб беришини билиб оламиз. Биз нима сабабдан ҳузур-ҳаловатда ўсиш — бу ўз-ўзимиздан каттароқ ва кучлироқ бўлиб қолишимиз эмас, балки биз ўзимизни йўлдан олиб, *Масиҳнинг* бизда ва биз орқали *яшашига* имкон беришимизни кўрамиз.

Энг аввало, мен ҳузур-ҳаловатда ўсмаслик нима эканлигини кўрсатишим зарур. Бу китоб “катта руҳонийётга томон ўн қадам” ҳақида эмас, шунингдек, “ўн иккита зина орқали масиҳийлик характериға” кўтарила олишимиз керак бўлган зинапоя ҳақида ҳам ҳикоя қилмайди. Ҳозирги эътиқод кучайиб тарқалаётган пайтда, йўл қўйиладиган энг катта хато — ҳузур-ҳаловатда ўсиш — бу фақат баъзи бир “қоидалар”га риоя қилиш деб ҳисоблашдир. Шундай қилиб, *масиҳийлик ҳаётига* биз фақат *яшаб ўтиш керак бўлган нарса каби эмас, балки ўрганиш керак бўлган нарсадай киришамиз*. Сиз синф хонасида, семинарда ёки Муқаддас Китоб билан ёлғиз қолганингизда, бу машғулотлар ажойиб бўлишига қарамасдан, ҳузур-ҳаловатда ўса олмайсиз. Аслида, сиз китоб ўқиш орқали, жумладан, ушбу китобни ўқиш орқали ҳам ҳузур-ҳаловатда ўса олмайсиз. Сиз Ўз Каломи орқали бизга ҳақиқатни ўргатадиган Раббий Исо Масиҳ билан шахсий, ўзаро муносабатга киришиш орқали ҳузур-ҳаловатда ўсишингиз мумкин. Сиз Унинг Каломини ҳақиқий ҳаёт ва ҳақиқий дунёнинг шовқин-суронида ўзингиз билан оласиз.

Бу ерда “жадвални” режалаштириш мумкин эмас, ундан ҳузурланиш ҳам мумкин эмас. Севгучи Худонинг Ўз хоҳиш–иродасига кўра, бизнинг бу бузуқ дунёдаги йўлимиз, худди ўзимиз каби, ҳар биримиз

учун ягона бўлади. Ушбу китоб саҳифаларида биз кўп одамлар билан учрашамиз. Биз ҳаётда дуч келадиган барча вазиятга қарамасдан, Худо қандай қилиб бизни ҳузур-ҳаловатда ўстиришини бу одамларнинг ҳаёти кўрсатади.

Ж. Е. Анчагина мурасасиз одам эди. У ўз оиласига кўп машаққатлар ва азоблар етказган. Бир куни у Исо Массихда яширинган ҳаётни ва гуноҳларнинг кечирилиши ҳақида эшитди ва унинг ҳаёти ўзгарди. Кейин у бедаво ўпка саратони касаллиги билан касалланганини билиб қолди. Агар Ж. Е. га ҳузур-ҳаловатда ўсиш белгиланган бўлса-да, у, менинг ҳаётим тез орада тугаса керак, деган ҳақидаги қўрқинчли фикр босими таъсирида яшарди.

Гэри ичувчи ота билан бир оилада катта бўлди. Бола тўрт ёшда экан, отаси уйдан чиқиб кетди. Ўсмирлигидаёқ у ашаддий ароқхўр ва гиёҳванд бўлиб ўсди. Ўзининг тан олишича, дунёдаги барча ҳақорат сўзлари худди унинг танасига ўйиб ёзилгандай эди. Бир куни кечкурун гиёҳванд моддалар таъсири остида у бир дўсти билан иккита одамни дўппослаб урди ва қамокқа тушиб қолди. Қамокда Гэри Хушхабарни эшитди ва у юқоридан қайта туғилди. Агар Гэри учун ҳузур-ҳаловатда ўсиш белгиланган бўлса-да, у буни қамокда бошлаши керак эди.

Китобимнинг сўнгги бобларида мен сизга Ж. Е. ва Гэрининг тақдири ҳақидаги ҳикояни давом эттираман.

Ҳақиқий одамларнинг тарихи бизга Исо айтганларининг тўғрилигини эслатади: “Дунёда қайғу-алам чекасизлар; лекин дадил бўлинглар, Мен дунёни енгдим” (Юҳ. 16:33). Агар ҳузур-ҳаловатда ўсиш бенуқсон шароитни талаб қилса, унда у ҳеч қачон бошланмасди. Чунки биз ҳақиқий ҳаётда ўсишимизга тўғри келади. Миллионлаб масиҳийлар ўтмишда ҳам, бизнинг замонимизда ҳам шафқатсиз тартиб ва қувгин-

лар ҳукми остида яшаганлари ва яшаётганлари ҳақидаги ҳақиқатни эсланг. Агар ўша ердаги художўйлар ҳузур-ҳаловатда ўсишни хоҳласалар, улар буни айнан ана шундай душманлик муҳитида қилишларига тўғри келади.

Аммо ҳамма мисоллар ҳам шундай машаққатли эмас, ҳамма мисолларни ҳам биз фожеали дея олмаймиз. Дунё турли-тумандир. Баъзида мен Билли Грэм ҳақида, унинг бу дунёдаги хизмати тўғрисида ўйлайман. Доктор Грэмнинг аҳволига тушган одам шундай шароитда ўсиши керакки, худди у аквариумда — ҳамманинг кўзи олдида яшаётгандай бўлиши керак. Тадбиркор одам кўпинча рақобатнинг жуда чигал ва ифлос шароитларида ҳузур-ҳаловатда ўсиши керак. Мактаб ўқувчилари тенгдошлари томонидан доимий кўрсатиладиган жисмоний ва ижтимоий босим таъсири остида ҳузур-ҳаловатда ўсишлари керак. Кўп одамларнинг бахтли оилаларда яшашдек имтиёзлари бор. Улар намунавий оилаларда ўсишларига тўғри келади.

Сизнинг ҳаётингиздаги ҳолат қандай бўлишидан қатъий назар, *айнан шу ҳолатда* сиз ҳузур-ҳаловатда ўсишингизга тўғри келади.

Гапнинг кўпинча одамлар сезмайдиган яна бир томони бор: биз ахлоқий бузуқлигимиз ва гуноҳларимизга қарамасдан, ҳузур-ҳаловатда ўсамиз! Қандай қилиб? *Агар биз фақат ўз диққатимизни биз қилаётганларимиз орасида Худо қилаётган ишларга қаратсакки-на.* Ибронийларга мактубда 12:1, 2 шундай дейилган:

Мана, бизнинг атрофимизни ўраб олаётган нақадар йирик шохидлар оломони бор экан! Шунинг учун ҳар бир оғирликни, айниқса ҳадеб пойлаб турадиган гуноҳни бир четга улоқтириб ташлайлик, тақдиримиздаги мусобақада сабр-тоқат билан чопайлик. Имонимизнинг Илгори ҳамда уни ка-

молга Етказувчи Исога кўз тикайлик. У Ўзини кутаётган шодлик учун шармандаликни менсимай, хоч азоб-уқубатига чидади. Ҳозир эса У Арши Аълонинг ўнг томонида ўтирибди.

Масиҳ бизнинг диққатимиз маркази бўлиши керак. Аксинча, агар биз фақат ўзимизга эътибор бера бошласак, унда натижасини олдиндан айтиб берса бўлади. Исо Масиҳ шундай деган:

Мен — ток, сизлар — новдасизлар. Ким Мен билан алоқада бўлиб, Мен у билан алоқада бўлсам, у кўп ҳосил беради. Менсиз ҳеч нарса қилолмайсизлар (Юҳанно 15:5).

Исонинг айтишича, У — ток, биз эса — новдалармиз. Новдалар ўзидан ўзи ўса олмайди, ёки ўзича ҳосил беролмайди. Новданинг вазифаси шундан иборатки, у токда “бўлиши” ёки “ток билан боғланган ҳолатда” қолиши керак. Бу новдаларнинг токка тобе муносабатда бўлишини билдиради ва новданинг ҳаёти токдан оқиб ўтишига имкон беради. Қолаверса, токка новда тўсқинлик қилмаслиги кераклигини англатади. Ўша кунни машиналар тўхташ жойида мен Худога батамом итоат этмасдан қандай масиҳийча ҳаётда яшашим мумкинлигини кўрсатдим: ҳеч қандай! Мен кўпинча, масиҳийча ҳаёт нафақат қийин, балки унинг имкони йўқ, дейман! Фақат Исо Масиҳ шундай ҳаёт кечири олади. Бизнинг энг тўғри қабул қиладиган қароримиз — Унга шу ҳаёт билан бизда яшашига имкон бериш!

Аммо биз ҳаммамиз ўз ҳаётимиз устидан назоратни ўз қўлларимизга олишимиз мумкин (кўпинча шундай қиламиз ҳам) ва бу билан ўзимизнинг масиҳийча ҳаётимиз билан мустақил яшай олмаслигимизни исботлаймиз. Эзгу хабар шундан иборатки, Худо биз ҳақимиз-

даги бу нарсаларни билади ва барибир бизни қабул қилади. Биз гуноҳ қилган вақтимизда, У хижолат бўлмайди. Биз “Исога кўз тиккан вақтимизда”, биз “Каломуллоҳ инсон қиёфасига кирган, У *иноят ва ҳақиқатга тўла*” (Юҳанно 1:14) ва улуғворликка эга бўлган Шахсга қараймиз. Биз гуноҳ қилганимизда, Унинг ҳузур-ҳаловати: “*Ва Мен ҳам сени маҳкум қилмайман*” (Юҳанно 8:11), дейди. Кейин Унинг ҳақиқати: “Мен сенга мукамал йўлни кўрсатишимга имкон бер”, — дейди ва озодликка йўлни кўрсатади. “Агар Менинг каломимга риоя қилсангизлар, ҳақиқий шогирдларим бўласизлар. Сизлар ҳақиқатни билиб оласизлар, *ҳақиқат эса сизларни озод қилади*” (Юҳанно 8:31, 32). Худо ўзининг чексиз Яратувчилик ҳузур-ҳаловати ва кучи бўйича бизнинг заиф ва ёмон томонларимизни ўзига олади ва “Худони севганларга, яъни Худо Ўз муроди бўйича даъват этганларга” (Римликларга 8:28) ҳамма нарса яхшилик бўлиб хизмат қилади. Мен ҳали ёшгина масиҳий бўлган пайтларимда, менинг ҳаётимда бир воқеа юз берган эди. Бу бизнинг ҳузур-ҳаловатда ўсишимизга йўналтирилган сабрли, аммо матонатли Худо ишининг яққол мисолидир.

Мен масиҳий бўлишимдан илгари Берни исмли одам бошлиқ бўлган йирик бир компанияда савдотик бўйича бошқарувчи бўлиб ишлардим. Берни билан мен бир-биримизни ёқтирмасдик. Аммо у менга иш берарди, чунки мен у учун жуда кўп пул ишлаб берардим. Мен ҳам унинг компаниясидан кетмасдим, чунки у менга яхши ҳақ тўларди. Ўша пайтда биз тез-тез турли реклама тадбирларини ўтказиб турар эдик. Шунда реклама қилиш мақсадида биз истеъмолчиларга молларимиздан намуналар берардик. Бир куни шундай реклама пайтида мен идорамизнинг ертўласига тушдим. У ерда бизнинг истеъмолчиларимиз учун белгиланган тефлон кастрюлкалар ва товалар солинган қутилар

уюмини кўриб қолдим. Хотиним Эми бундай совғадан хурсанд бўлиши ҳақида ўйлаб, Берни буни ҳеч қачон сезмаслигини билиб, мен қутилардан бирини уйга олиб кетдим. (Тўғриси, мен бундай вазиятга “ўғирлик” деган Муқаддас Китоб тушунчаси тўғри келади, деб ҳисоблайман).

Орадан бир неча йил ўтди, мен аллақачон Бернининг компанияси билан рақобат қиладиган ўз компаниямга эга бўлдим. Бундан мен жуда хурсанд эдим. Чунки энди мен тадбиркорлик дунёсида Берни билан курашиш ва уни сиқиб чиқариш имконига эга бўлган эдим.

Аммо ўз компаниямга эга бўлганимдан сўнг орадан ҳеч қанча вақт ўтмай мен масиҳий бўлдим. Бир куни Худога, мен учун ҳаётимдаги ўзим эътибор қаратишим керак бўлган томонларни кўрсат, деб сўраб, ибодат қилдим. Шунда Худо менинг онгимга солган нарсадан ҳайратга тушдим.

Мен Худодан: “Менинг ҳаётимда ўзим ўзгартиришим керак бўлган нарсани менга кўрсат, мен уни ўзгартираман”, — деб сўрадим. Мен аниқ бир товушни эшитмадим. Аммо эшитганим жуда тушунарли эди. Жавоб қуйидагича бўлди: “Бор, Бернига кастрюлкалар ва товалар ҳақида айтиб бер”.

Юрагим музлаб қолгандай эди. Мен зўр бериб ибодат қилардим: “Раббий, наҳотки мен қилишим керак бўлган *бошқа иш йўқ?*” Наҳотки, ашаддий душманингни олдига боришинг ва унга кастрюлкалар ва товалар ўғирлаганингни айтиб бериб, ўғирлигингни тан олишинг кулгили бўлмаса?! Бир неча ой давомида мен буни эсдан чиқаришга ҳаракат қилдим. Аммо қачон ибодат қилмай, хотирамда Берни гавдаланаверарди. Мен Худога илтижо қилдим: “Раббий, агар мен бир жиддийроқ нарса, масалан телевизор, ёки машинани ўғирлаган бўлсам ҳам майли эди, ахир бу... оддий *кастрюлкалар билан товалар-ку*”. Мен буни эркаклик шайним учун

ҳақорат деб ҳисоблардим. Шу ҳақда эслаганимда, кўз ўнгимда ўзимни камситилгандай ҳис қилаверардим.

Бироқ Худо менинг ҳаётимга Ўз муҳаббати ва ҳузур-ҳаловати билан кириб келди. Мен энди бир пайтлар Бернини ёмон кўрган одам эмас эдим. Энди мен бирга ишлаган кунларимизни эслаганимда, ҳамма нарса менга бошқача бўлиб кўринарди. Ўша пайтларда мен руҳий зулматда бўлган эканман. Аммо энди Худо мени Ўзининг нур шоҳлигига олиб келди. Берни билан ўртамизда пайдо бўлган муаммоларнинг кўпида ўзим айбдор эканлигимни мен эндигина англаяпман. Ўзим ана шу зулматда бўлганлигим сабабли, мен Бернига энди катта иззат-ҳурмат билан муносабатда бўляпман. Чунки менинг одамларга нисбатан муносабатларимда ўзгариш содир бўлди. Биз нималар қилмаслигимиз тўғрисида ва диёнат билан яшашимиз ҳақида Титусга 3:2–5 мактубда айтиб ўтилган:

...Ҳеч кимни ёмонламасинлар. Урушқоқ бўлмай, барча инсонларга ювошлик ва мулоимлик билан муомала қилсинлар. Чунки бир вақтлар бизлар ҳам фаҳмсиз, итоатсиз, адашган одамлар эдик, ҳар хил эҳтирос ва завқларга қул эдик, гина-қудрат ва бахилликка тўлган, бир-биримиздан нафратланадиган разил одамлар эдик. Аммо Қутқарувчимиз Худо Ўзининг илтифот ва инсонпарварлигини очиқ кўрсатди. Худо бизнинг қилган савобли ишларимиз туфайли эмас, балки Ўзининг раҳм-шафқати туфайли бизни қутқарди, гуноҳларимизни ювиб, бизни янгидан тугилтирди, Муқаддас Рух орқали бизга янги ҳаёт ато этди.

Энди менинг онгимда Берни Масих у учун жон берган одамдай гавдаланарди. Аммо Берни ҳеч қачон Хушхабар ҳақида, “Раббимиз, Қутқарувчимизнинг сев-

гиси ва марҳамати” тўғрисида эшитмаган. Ўзим хижолат бўлишимга қарамай, Берни билан мураккаб ўзаро муносабатларимизга қарамай, мен унга шу кастрюлкалар ва товалар ҳақида айтиб беришимни Худо хоҳларди. Мен учун бунинг ўзгача бир аҳамияти йўқ эди. Аммо шу ишни қилишимни Худо исташини мен инкор қила олмасдим. Орадан олти ой ўтди. Ниҳоят, бир куни мен Бернига телефон қилдим ва уни тушликка таклиф этдим. У рози бўлганига жуда ҳайрон бўлдим.

Белгиланган куни биз учрашдик. Биласизми, мен ўзимда яхши ҳикоя қила олиш қобилиятим бор эканлигини билдим! Биз сиёсат, спорт, тадбиркорлик ва кейинги йилларда юз берган кулгили воқеалар ҳақида гаплашдик ва ажойиб мазали тушлик тановвул қилдик. Аслида, биз ҳамма нарса тўғрисида гаплашдик, мутлақо ҳамма нарса ҳақида, фақат кастрюлкалар ва товалар ҳақида гаплашмадик, холос.

Шундан сўнг биз Бернининг машинасида менинг идорамга йўл олдик. Мен энг асосий қилишим керак бўлган нарсани қилмаганимни тушуниб турардим. Берни машинани тўхтатди ва тушлик учун миннатдорчилик билдирди. У кўтаринки кайфиятда эди. Мен машина эшигини очдим ва бир оёғимни ерга қўйдим. Аммо шу пайт яна қайтиб жойимга ўтирдим ва машина эшигини қайтадан ёпдим.

— Берни, — дедим мен. — Мен сенга яна бир нарса тўғрисида айтиб бермоқчи эдим. Бундан бир неча йил илгари биз бозорда кастрюлкалар ва товаларни реклама қилганимиз эсингдами?

— Ҳа, эсимда, — жавоб қилди у.

— Биласанми, Берни, ўшанда мен сендан бир нечта кастрюлка ва товалар ўғирлаб олган эдим. Энди сенга уларнинг пулини тўламоқчиман.

Берни лол бўлиб қолган эди. У нафақат кимдир унга ўзининг ўғри эканлигини тан олганидан ҳай-

рон бўлганди, балки, кимдир унинг нарсаларини ўғирлаганидан, у буни билмай қолганидан ва энди ўша “кимдир” шу ўғирланган нарсаларнинг пулини тўламоқчи эканлигидан ҳайрон қолганди!

Мен унга тўлов чекини ёзиб берганимдан сўнг, шундай қўшимча қилдим:

— Берни, биласанми, мен сенга яна ниманидир айтиб бермоқчи эдим. Мен сенинг компаниянгдан ишдан кетганимдан кейин Исо Масихни билдим, Уни ўз Эгам ва Қутқарувчим деб қабул қилдим. У ҳақда ва нималарни ўрганганим тўғрисида мен сенга ҳикоя қилиб бермоқчиман.

Бернининг кайфияти анча яхши эди, Масих қандай қилиб менинг ҳаётимни ўзгартирганлиги ҳақидаги ҳикоямни давом эттирдим. Мен Бернига нафақат қилган ўғирлигимдан (жами йигирма долларлик сарф-харажат бўлган) афсусда эканлигимни, балки ўзим ишлаётган ва менга ойлик тўлаётган одамга нисбатан ҳурматсизлик қилганимдан ҳам афсусда эканлигимни айтдим. Жуда кўп ойлар давомида мен қилган ўғирлигим натижасида юз бериши мумкин бўлган ҳақорат манзарасини кўз олдимга келтириб яшадим. Аммо, аксинча, Бернининг кайфияти дўстона эди, суҳбатимиз бир-биримизга ишонч оҳангида ўтди. Мен эса Худо шу йўлни кўрсатгани учун қувондим ва Унга ҳамду санолар айтиб, идорамга қайтиб келдим. Нима сабабдан нима қилишим кераклигини Худо аниқ билишга батамом ишонишим учун шунча вақт керак бўлганлиги ҳақида ўйладим. Нега ўша ондаёқ Худога ишонч билдирмадим?

Ҳақиқатдан ҳам, Худони кастрюлкалар ва товалар қизиқтирадими? Менимча, бу нарсалар Уни ҳеч қизиқтирмайди! Худони менинг ғурурим қизиқтирарди.

Ўйлаб чиқарилган яна бир таълимот мавжуд. Бу таълимотга кўра, мен ана шу олти ой давомида “Худо

билан мулоқотдан четда” бўлдим, чунки Худо кўрсатмаларига дарҳол риоя қилишни рад қилдим. Баъзилар ўша онда менда “гувоҳликнинг ҳеч қандай кучи бўлмаган” ва менинг ибодатларим “шифтдан сакраб кетарди”, холос. “Ахир, охир-оқибатда Худо итоатсиз масиҳийлар билан мулоқотда бўлмайди-ку?”

Бу жуда кулгили! Албатта, мен ушбу қадамни қўйишим — Худога ишонишим даражасида ҳузур-ҳаловатда ўсишим учун менга шунча вақт керак бўлишини Худонинг Ўзи билган. Айнан Берни билан бўлган воқеа туфайли менинг Худога ишонишим ғалатикун? Айни пайтда У менга Ўз Каломи орқали ажойиб тарзда Ўзини намоён қилган, Ўзининг буюк ҳақиқатларига ўргатган, мен ўнлаб одамларни Масиҳ ҳузурига олиб келишим учун мендан фойдаланган. Буларнинг бари — мен ўз ҳаётимнинг ҳар бир жабҳасида Унга ишонишни хоҳламаслигимга қарамай содир бўлди.

Шунингдек, баъзида кимлардир тақводор ёки “руҳий” (итоаткор) масиҳий ёки юз фоизга “шаҳвоний” (итоатсиз) масиҳий бўлиши мумкинлигини таъкидловчи таълимотни тарғиб қилишади. Ё ундай, ё бундай. Менимча, бундай ёндашув мутлақо ҳақиқий эмас, Муқаддас Китобга мос келмайди. Ўз ҳаётининг барча жабҳаларида Худога юз фоиз ишонадиган масиҳий бўлмайди. Ҳар биримиз нимададир Худога ишонишни ўргандик. Аммо шу билан бир қаторда ҳар биримизда ҳали иродамизни бука олмаган ҳаётимиз жабҳалари ҳам мавжуд. Эҳтимол, биз ҳаётимизнинг шундай томонлари борлигини билмасмиз ҳам. Масалан, мен ўз оилавий ҳаётим, болаларим ва хизматимга тааллуқли ҳамма нарсада Худога ишонишим мумкин. Айни пайтда молиявий ва бўш вақтим масалаларини ўзим ҳал қила оладигандай ҳис қиламан. Бутун умр давомида ҳузур-ҳаловатда ўсишимиз — ҳаётимизнинг янги-янги жабҳаларида Худога ишониш эҳтиёжларига У бизнинг

кўзимизни очади, ёки Унга янада кўпроқ ишонишни ва Худога ҳаётимизнинг ана шу томонларини қаратишни ўрганиш жараёнидан ўтишни ўргатади.

Шубҳасиз, мен Раббий Исо Масиҳни англашда ўсиб бораётган пайтимда ва *айни вақтда* мен ҳали ҳаётимнинг У ўзгартирмоқчи бўлган қисмини Унга ишонишга тайёр бўлганимда, фақат ўсишга ҳақиқий ёндашувгина бошимдан ўтган воқеани изоҳлаб бериши мумкин. Бошида мен: “*Агар сизнинг олдингизда ҳузур-ҳаловатда ўсиш вазифаси турган бўлса, унда сиз ўз эътиборингизни биз қиладиган ишларимизга қаратмасдан, Худо қиладиган ишларингизга қаратишингиз керак*” деган фикрни ёзганимда, айнан шуни назарда тутганман. Келинг, далилларга тик қарайлик: агар Худо биз то “ҳамма гуноҳларимизни ҳаётимиздан йўқ қилмагунимизча” кутганда ва шундан сўнггина бизнинг ҳузур-ҳаловатда ўсишимизни бошлаганда эди, унда мен ишонч билан айта оламанки, ўсиш ҳеч қачон бошланмас эди!

Худо бизни доимо йўналтириб турадиган бу жараёндаги асосий ҳақиқатлардан бири — бизнинг *Ундаги моҳиятимиз* ҳақидаги ҳақиқатдир. Мен ҳайдовчини тутун чиқариш қувурига тикмоқчи бўлган ўша кунда Раббий дарҳол менинг юрагимда ишлай бошлади. У менга шундай савол берди: “Боб, сен кимсан?” — “Мен сенинг фарзандингман, Раббим”. — “Бу нимани билдиради, Боб?” — “Раббий, бу — Сен мени батамом қабул қиласан дегани. Менинг барча гуноҳларим, ҳаттоки шу гуноҳим ҳам кечирилади дегани. Мен Масиҳнинг тақводорлиги билан ўралганман дегани. У — менда, мен эса — Ундаман”. — “Ўғлим, ана шу айтганларингга биноан автомобиллар тўхташ жойидаги ғазабланишингда бирор бир маъно борми? Нима муҳимроқ: Менинг сендаги ҳаётимми ёки ўз гурурингни ҳимоя қилишингми? Сен нима деб ўйлайсан:

ҳаётингда керак бўладиган бошқа нарсалар ҳақида ҳозир гапирмасак ҳам бўлади, Мен машиналар тўхташ жойидан сенинг машинанг учун бошқа жой кўрсата оламанми?” Ҳа, ўша пайтдаги менинг ҳулқим ўзимга ҳам энди аҳмоқона бўлиб кўринди: “Албатта, Раббий, бу Сенинг қўлингдан келади”. — “Ундай бўлса, ким эканлигингни эсдан чиқарма, шунингдек, Мендаги барча бойликларингни ёдингда тутгин. Менга ишон.”

Мен шундай қилдим ҳам.

Менинг Масиҳда ким эканлигим нуқтаи назаридан қараганда, менинг ножўя ҳулқим бирон-бир маънога эгами? Йўқ, ҳеч қандай маъноси йўқ! Худонинг ҳузур-ҳаловати ҳақидаги ажойиб ҳақиқат шундаки, бу барча фикрларнинг мақсади одамни қоралаш эмас. Уларнинг вазифаси — биз яна Ундан тобелик муносабатларига мурожаат қила олишимиз учун бизга *аслида ким эканлигимизни* эслатишдир. Мен пастга йиқилиб тушиб, ўзини худди чувалчангдай тутаётган капалак эдим. Маълумот аниқ эди: “Ўрнингдан тур ва учиб кет”. Кастрюлалар ва товалар воқеасида ҳам худди шундай бўлди. Ҳозир мен ўша пайтдагидан кўпроқ тушунганимга қарамасдан, Худо ўшанда ҳам мен билан худди шу тарзда гаплашган. У ҳамиша биздан: “Сиз аслида кимсиз?” деб сўрайди. Кейин У бизни яна Ундан тобелик муносабатларига мурожаат қилишга ва ўзимизнинг ҳақиқий моҳиятимизга мос ҳаракат қилишга ундайди.

Масиҳдаги художўйнинг моҳияти — бу биз то ҳузур-ҳаловатда ўсар эканмиз, ҳамиша такрор–такрор қайтадиган ўша ҳақиқатдир. Ушбу ҳақиқатнинг мустаҳкам пойдевори “*Мумтоз масиҳийлик*” китобида қўйилган эди. Бу китобда биз шу ҳақиқатга кўпинча мурожаат қиламиз ва уни такрорлаймиз. *Биз Масиҳда ким эканлигимиз эҳтиёжини ўзимизга эслатишдан ҳеч қачон чарчамаймиз!* Бу — Худо бизни масиҳийча ҳаётнинг

биринчи кунидан бошлаб, то биз масканимизга — осмонга қайтмагунимизча ўргатишга ҳаракат қиладиган ўша ҳақиқат деганидир. Бу ҳақиқат бизга мезон беради. Шу мезон асосида биз бутун ҳаётимиз давомидаги тафаккуримизни ва ҳаракатларимизни баҳолай оламиз.

Яна бир шундай ҳақиқат мавжудки, у бизнинг ҳаёт йўлидаги йўналишимизни кўрсатиб беради. Бу — *барҳаёт Масиҳга бўлган бизнинг ҳаётий эътиқодимиздир*. Исо: “Менсиз сиз ҳеч нимага қодир эмассиз” деганда, У нимани назарда тутган бўлса, айнан ўшани айтган. Жуда кўп масиҳийлар тушуна олмайдиган ҳақиқат шундан иборатки, у бизнинг Масиҳни қабул қилган *пайтимизгача ва ундан кейинги* ҳолатимизга тааллуқлидир! Баъзида бу ҳақиқатни тушуниш жуда қийинчилик билан амалга ошади. Аммо ўз тажрибамдан келиб чиққан ҳолда мен шуни аниқ айта оламан: бу сабоқ уни ўзлаштириб олишга арзийди! Исо шундай дейди: “Сизлар ҳақиқатни билиб оласизлар, ҳақиқат эса сизларни озод қилади” (Юҳанно 8:32). Кўпинча ҳақиқатни тинглаш унча ёқимли бўлмайди, бироқ сиз барҳаёт Масиҳга ишончда бўлаётганингизда, ҳақиқат ҳамisha сизни озод қилади. “Менсиз сиз ҳеч нарсага қодир эмассиз”, деб бизга айтилган ўша сўз яна шундай деб ҳам таъкидлайди: “Мени қўллаб-қувватлаётган Исо Масиҳнинг мадади билан ҳар нарсани қила оламан” (Филиппиликларга 4:13). Бу ерда асосий сўз “мадади билан”. Бундай ҳаёт ҳамма нарса “мен” орқали, ўзини ривожлантириш, ўзини назорат қилиш орқали амалга ошадиган ҳаётдан умуман фарқ қилади.

Бизга “яшаш ва Худо йўлида юришимиз учун керак бўлган ҳамма нарсалар” берилганига, бизда Муқаддас Рух мавжудлиги орқали “илоҳий табиатдан баҳраманд бўлганлигимизга” (2 Бут. 1:3, 4) қарамасдан, биз барибир баъзида ҳаётга худди бизнинг ҳаётимизда бошқа

бирон-бир манба йўқдай ўз-ўзини таъминлаш нуқтаи назаридан ёндашамиз. Бу ҳолат ҳар биримиз билан ҳар қандай вақтда содир бўлиши мумкин. Биз назарий жиҳатдан тўғри масиҳийлар бўлишимиз, аммо худди амалиётчи динсизлар сингари яшашимиз мумкин. “Амалиётчи динсиз” атамаси остида мен нимани назарда тутаяпман? Бизга буни яхшироқ тасаввур қилишга ёрдам берадиган ибратли бир мисол бор.

Тасаввур қилинг-а, сиз юк машинасида катта йўлдан боряпсиз. Бирдан йўл четида елкасига катта қопда юк ортиб олиб, зўрға судралиб кетаётган одамга қўзингиз тушади. У тўхтаб сизга қўлини силкитади. Жазирамада оғир юкдан қадди букилган одамни кўргач, ачиниб кетасиз ва унга ёрдам беришга қарор қиласиз. Сиз машинангизни унинг ёнида тўхтатасиз ва унга манзилигача элтиб қўйишни таклиф қиласиз. Йўловчи миннатдорчилик ва хурсандчилик билан таклифингизни қабул қилади. У юк машинангизга чиқиб олади ва сиз йўлга тушасиз.

Бирпасдан сўнг сиз орқани кўрсатиб турадиган ойнага қарайсиз ва ақл бовар қилмайдиган ҳолатнинг гувоҳи бўласиз: сизнинг йўловчингиз машинада ўтириб олган, лекин ҳанузгача оғир қопни елкасидан олмаган. Сиз машинани тўхтатасиз ва шундай дейсиз: “Қулоқ сол, дўстим, елкангдаги қопингни машинанинг полига қўйсанг-чи!” У эса қуйидагича жавоб қилди: “Ҳечқиси йўқ. Мен сизни безовта қилмоқчи эмасман. Фақат мени керакли манзилимга етказиб қўйсангиз бўлди. Мен сиздан жуда миннатдор бўлардим”.

Шундай қилиб, сиз йўлингизни давом эттирасиз. Йўловчи эса елкасига оғир юк ортилганича, букчайиб ўтирибди.

Кўпчилигимиз масиҳийча ҳаётга худди шу тарзда келамиз. Биз қувонч билан Худонинг ёрдам бериш таклифини қабул қиламиз ва У бизни осмонга олиб бо-

риши керак бўлган “қутқариш вагонига” чиқамиз. Айни пайтда Муқаддас Китобнинг: “Бутун ғамларингизни Худога ташланглар, Унинг Ўзи сизларга ғамхўрлик қилади” (1 Бут. 5:7) деган аҳдига қарамасдан, устимиздаги юкимиз билан йўлимизда давом этаверамиз. Исо сизнинг тақдирингизни мангуликда ҳал қилиш ва сизни бугун кундалик ҳаётда тақдир ҳукмига топшириш учун келмади. *Исо Масих Ўз ҳаётини сиз учун берди, сиз орқали Ўзи яшай олиши учун ва У сизда яшаши учун ҳаётини қурбон қилди!*

Ўз кучимизга таяниб, масихийлик ҳаёти билан яшаётганимизда, кўпчилигимиз жуда кўп такрорланадиган муваффақиятсизликлардан сўнг қачонлардир ўз ҳаётимизда Раббийнинг мўъжизакор аҳдини ҳис қилишга бўлган умидимизни йўқотамиз: “Ўғри фақат ўғирлаш, бўғизлаш, барбод қилиш учун келади. Мен эса уларга ҳаёт, фаровон ҳаёт бериш учун келганман” (Юҳанно 10:10). Мен бу умидни қайта тикламоқчиман! Аммо ҳаётнинг бу тўлақонлигини биз ҳузур-ҳаловатда ўсишни ўрганган вақтимиздагина ҳис қила оламиз. Эзгу хабар эса, ҳузур-ҳаловатда ўсиш нафақат *мумкин*, балки у Раббийнинг *жуда ўтқир хоҳиши* ҳамдир, деб таъкидлайди. Биз Масихда худди ток новдалари каби бўлиб, ҳақиқий ҳаётни, севги ҳаётини англашимиз мумкин. Бу қандайдир дабдабали мурожаат, “тўлақонли бағишлов” ёки мўъжизакор ибодат орқали содир бўлмайди. Бу оддий ҳаёт, ана шу ҳаёт давомида биз ўсамиз, ўсиш эса вақт талаб қилади. Бу саёҳат ва унинг ўсиш жараёни бизнинг бутун умримизни банд қилади. Бироқ Худо то бизни “Ўз Ўғлининг суратига айлантирмагунича” (Римликларга 8:29), бизда ишлайверади. Шу аснода, ўсаётганимизда ҳаётнинг ўзи бизга жуда кўп сон-саноқсиз далиллар кўрсатади, ҳали Худо бизда кўп нарсаларни қуриши кераклиги ҳақидаги эслатмаларни беради. Баъзида бу эслатмалар, худ-

ди мен билан машиналар тўхташ жойида содир бўлгани каби, биз унча юқори талаб даражасида бўлмаган вақтимизда тўсатдан келади.

Ҳузур-ҳаловатда ўсиш учун биз ўз маданиятимизни охиригача тўйинтирадиган ўша қолипни ўзгартиришимиз керак. Сўнгги бир неча ўн йилларда кечинмалар таассуротларини ниҳоятда устун қўйиб, қандайдир ўринбосарлар жамиятига айланиб қолдик. Биз энди спорт билан, масалан, бейсбол, баскетбол ёки футбол билан бошқа шуғулланмай қўйдик. Бунинг ўрнига биз оромкурсида ўтириб олиб, спортчиларни телевизор орқали томоша қиламиз. Болакайлар ҳовлида ўртоқлари билан ўйнашдан кўра, уйда ўтиришни ва компьютер билан ўйнашни ёки телевизор кўришни устун қўйишди. Миллионлаб одамлар ҳақиқий инсонларга ва чинакам ўзаро муносабатларга дуч келишни хоҳламай, романлар ва телевизордаги сийқаси чиққан кинофильмлар орқали мукамал севгига ва баркамол муносабатларга интилади. Ахир, фақатгина чинакам муносабатларда муваффақиятсизликлар ва ютуқлар, аламлар ва қувончлар, ғалаба ва мағлубиятлар мавжуд.

Мен, кўп одамлар масиҳийликка айнан ана шунақа анъаналарни олиб келганлар, деб ҳисоблайман. Биз *Ёзувдан* билиб олган ҳақиқатларимизни амалда *қўллашдан* кўра, Муқаддас Китобни ўрганишни ва *Ёзув ҳақида* жуда кўп майда-чуйда тафсилотларни билишни истаймиз. Биз таваккал ишга қўл уриш ва масиҳийлик ҳаёти билан *яшашни* бошлаш ўрнига, бундай ҳаёт *ҳақида* китоблар ўқишни хоҳлаймиз. Аммо мен илгари ҳам айтиб ўтганимдек, масиҳийлик ҳаёти — бу ўрганиш керак бўлган фан эмас, балки яшаш керак бўлган ҳаётдир! Шубҳасиз, биз ҳар гал Муқаддас Китобни ўрганаётган вақтимизда, Худо бизга ҳақиқатларни ўргатади.

— Муқаддас Китоб нима деяётганини кўрдингми? — деб сўрайди Раббий. — Ҳа, — жавоб берамиз биз.

— Унда хавфсизлик камарини тақиб ол, — дейди У, — чунки Мен сенга бунинг нима эканлигини кўрсатмоқчиман!

Ва У бизга буларнинг ҳаммаси бизнинг кундалик ҳаётимизда нима эканлигини кўрсатади. Чиндан ҳам ҳар биримиз Раббий билан яккама-якка бўламиз. Ҳеч ким биз учун бизнинг ҳаётимизни яшай олмайди. Ҳар биримиз Унинг олдига келишимиз ва айнан У бизни бошлаб борадиган йўл билан шахсан ҳузур-ҳаловатда ўсишимиз керак.

Биз илгари ҳаракатланганимиз сайин, ўз эътиборимизни ўсиш жараёнининг ўзига эмас, балки *Худонинг Ўзига* қаратишимиз керак. Энг самимий ниятлардан келиб чиққан ҳолда, биз кераксиз бўлган нарсаларга катта эътибор қаратишимиз мумкин. Биз “Масихда бўлишни” хоҳлаймиз; бу истагимиз тўғри ва Муқаддас Китобга мувофиқдир. Аммо биз “*Масихда бўлиш*” ўрнига “Масихда бўлишимиз” мумкин. Биз барча эътиборимизни ўзимиз бўлишимиз керак бўлган Шахсга қаратиш ўрнига, биз қандай қилиб унда бўлишимиздан ташвишланамиз. “Масихга ишонч асосида яшаш” — бу биз “Масихда ишонч бўйича” яшаётганимизни, балки “*Масихга* ишонч асосида яшаётганимизни” кўзлайдиган тўғри мақсаддир. Биз эътиқодимиз етарлими ёки йўқми, шу ҳақда доимий равишда ўйлайвериб ўзимизни руҳан касал одам қилиб қўйишимиз, шу билан эътиқодимизнинг асосий *объекти* бўлган *Ўша* ҳақида умуман унутиб қўйишимиз мумкин. Биз “*ҳузур-ҳаловат ва ҳақиқатга тўла*” бўлган *Худони* инкор этиш ҳисобига, ўсиш жараёнига эътиборимизни қаратиб, “ҳузур-ҳаловатда” осонлик билан ўсишга ҳаракат қилишимиз мумкин. Энг аввало, биз Шахсга даъват этилганмиз.

Павлус Аполлос билан биргаликдаги хизматини тасвирлаб, шундай деб ёзган: “Мен уруғ экдим, Аполлос

суғорди; *лекин Худо ўстирди*” (1 Коринфликларга 3:6). Мен ушбу “Ҳузур-ҳаловатда ўсиб” китобини ёзар эканман, шуни биламанки, бу китобни ўқиш сизни ҳузур-ҳаловатда ўсишда бир зина юқорига *кўтармайди*. Аслида, сиз *ўзингизни* ўзингиз ўстира олмайсиз. *Худо ўсишнинг сабабчиси бўлади!* У: “Худо бизларда бошлаган хайрли ишини то Исо Масиҳнинг келадиган кунигача тамом қилишни” (Филиппиликларга 1:6) ваъда берган. Худо бизнинг онгимизни ўзимизни ихтиёрий равишда Худога қайтариб беришимиз ва Унга ҳаётимиз орқали Ўз режасини амалга оширишига имкон беришимиз учун, бизга бўлган севгисини У англаш билан тўлдирмоқчи.

*Худонинг куч-қудрати бизда амал қилмоқда. Шунинг учун Худо **биз сўраган ёки ҳаёл қилганимиздан ҳам ортигини бажаришга зоят даражада** қодирдир. Унга Исо Масиҳ уммати орқали ва Исо Масиҳнинг Ўзи орқали наслдан-наслга, то абад шон-шарафлар бўлсин! Омин (Эфесликларга 3:20, 21).*

Қолаверса, кейинги бобларда эзгу хабар ва буюк руҳлантириш мавжуд. Мен Худо сизнинг юрагингиз кўзини очиши ва сиз Унинг ажойиб ҳузур-ҳаловатида ўсиб борганингиз сайин мўл-кўл ҳаётга чиндан эга бўлишингиз, Унинг сизга нисбатан бўлган севгиси ва ҳузур-ҳаловатини тушунишингизга имкон бериши учун ибодат қиламан.



2

Шахсга даъват қилинганлар

Ёз кунларининг бирида, ҳали мактабда ўқиб юрган вақтларимда, фермага ишчи бўлиб ёлландим. Бунинг қандайдир аҳамияти йўқлигини мен тушунаман, бироқ мен ўша пайтда ҳақиқий пул тўланадиган ишга эга бўлганимдан ниҳоятда ҳаяжонда эдим. Биринчи иш кунимда тонг отар-отмас ўзим сингари барча мавсумий ёлланма ишчилар билан бирга юк машинасига ўтирдим. Машина бизни дала томонга олиб кетди. Ўша кун бизга помидор экилган далани юмшатиш ва уни бегона ўтлардан тозалаш топширилди. Бошлиғимиз қўлига кетмон олди ва нима қилишимиз кераклигини батафсил тушунтирди. Одатда помидор буталари орасида бегона ўтлар ўсади. Биз кетмон билан эгатлар орасидан ўтиб, шу бегона ўтларни йўқ қилишимиз керак эди.

Отам доимо бизга жисмоний меҳнатнинг муҳимлиги ва аҳамияти ҳақида жуда кўп гапирарди. Шунинг учун мен ўзимнинг янги ишимга илҳом билан киришдим. Мен ёлланган ишчилар орасида энг илғори бўлишга қарор қилган эдим. Мен чарчаганимга ҳам қарамай, то тушгача ғайрат билан ишладим. Тушлик пайтида соя-салқин дарахт тагига овқатланиб олиш учун жойлашиб ўтирдим. Оғир меҳнатдан барча мушакларим зирқираб оғриб, кафтларим қавариб кетган бўлса-да, яхши бажарилган ишимдан кўнглим тўқ эди.

Тамадди қилишга ўтирганимдан кейин орадан беш дақиқа ўтмай, қаттиқ сўкиниш аралаш бақир-чақир этилди. Кимдир айб қилиб қўйгани ҳаммага аён бўлди, энди нима бўлар экан деган мақсадда биз ҳаммамиз бошлиққа қараб турардик. “Қандайдир бефаҳм бутун бир даладаги помидорларни чопиб ташлаб, фақатгина бегона ўтларни қолдирибди!” — деб бақирарди ғазаб отига минган бошлиқ. Мен ҳам бошқалар каби ўша бефаҳмнинг кимлигини билишни истардим. Тез орада унинг ким эканлиги маълум бўлди.

Бу мен эдим!

Ростини айтишим мумкин: мен мутлақо самимий ва жон куйдириб ишладим, менга хўжайин берадиган иш ҳақини тўла оқлаш учун *ғайрат* билан меҳнат қилдим. Менинг самимий меҳнатим фойда эмас, зарар келтирди. Шубҳасиз, самимийлик — ажойиб нарса, аммо бу ёқимсиз воқеа муҳим ҳақиқатни кўрсатиб беради: сиз мутлақо самимий бўлишингиз мумкин, лекин самимий адашишингиз ҳам мумкин. Бу ҳузур-ҳаловатда ўсиш жараёнига ҳам тааллуқлидир.

Масиҳийлар жон куйдириб ўз-ўзини тартибга солиш ва содиқлик каби хусусиятлар ҳақида гапирганларини эшитган пайтимда, шу воқеа эсимга тушади. Шахснинг бундай хусусиятлари биз беихтиёр завқ оладиган хусусиятлардир. Бироқ *ўзини* тартибга солиш ва *ўзига* содиқлик доимо ҳам ижобий хусусият бўлавермайди. Биз қуйидагича саволни қўйишимиз керак: бу хусусиятлар ҳақиқатдан ҳам *айнан ўша керакли бўлган мақсадга* йўналтирилганми? Одам самимий содиқ ва тартибли бўлиши мумкин, аммо помидор даласида мен қилганим сингари, ўз кучини нотўғри йўналишда қўллаши мумкин. У бундай хислатларни фойдасиз, ҳаттоки зарарли натижаларга эришишга йўналтириши мумкин. Нацистлар ана шундай нотўғри йўналтирилган содиқликнинг жуда ёрқин намунасидир. Улар ўз ту-

шунчалари бўйича жуда олий мақсадларга интиланлар, ўзларини олий даражада бошқара олганлар, бироқ бу хислатлар ёвузлик йўлида хизмат қилган. Худди шу нарсаси Исо давридаги фарзандлар билан ҳам юз берган. Эҳтимол, Исо уларни мунофиқлар, басир пешволар, оҳакланган қабрлар, заҳарли илон зотлари (Матто 23:13, 16, 27, 33) деб атаган бўлса-да, балки улар динга ўта содиқликларини намоён қилгандирлар. Шубҳасиз, галатияликлар Мусо қонунига итоаткорликда ўзларини мукаммаллаштиришга уринишларида мутлақо самимий бўлганлар. Лекин Павлус уларнинг ўзларини яхшилашга бўлган садоқатларини ҳеч қачон мактамайди.

Эй бефаҳм галатияликлар! Ҳақиқатга бўйсунмаслик учун сизларни ким сеҳрлаб қўйди? Сизларнинг кўз ўнгингизда Исо Масиҳнинг хочга миҳлаб қўйилгани аниқ тасвир этилмаганмиди? Сизлардан бир нарсанигина билмоқчиман, сизлар Муқаддас Руҳни қандай қабул қилдингизлар: Таврот қонунига амал қилиш биланми ёки имон тўғрисидаги хабарни эшитиш биланми? Сизлар шунчалик фаҳмсизмисизлар? Муқаддас Руҳ кучи билан бошлаб, энди ўзингизнинг башарий кучингиз билан битирмоқчимисизлар? (Галатияликларга 3:1–3).

Агар Павлус қайтиб келиб, ҳозирги замон масиҳийсининг ҳолатини кўрса эди, шубҳасиз, у худди ўша юрак изтиробларини яна қайта ҳис қилган бўлар эди. Худди галатияликларга ўхшаб миллионлаб масиҳийлар ҳам ўз мангу тақдирларини ва осмонга чиқиш ҳуқуқларини Масиҳга ишониб топширганлар. Аммо улар фақат ўз кучларига ишонибгина масиҳийча яшашга уриняптилар. “Менсиз сизлар ҳеч нарсага қодир эмассизлар” деган Масиҳ ҳақиқатини ҳеч қачон

билмай ёки унутиб қўйиб, улар ўз кучларидан ва мақсадга интилувчанликларидан фақат Масихнинг Ўзи ярата оладиган нарсаларни кашф этишга интиладилар. Бу эса уларни фалокатга олиб келади. Худди мен кетмон билан ишлаганим сингари, улар ҳам қўллари қаварганига, терлаб кетганликларига ва кўз ёшларига қарамасдан, Худога керак бўлмаган нарсаларни яратиш учун жон-жаҳдлари билан ишлайдилар.

Бунинг муқаррарлигига ишонч ҳосил қилиш учун, келинг, мавзудан озроқ четга чиқамиз ва бугунги кундаги Америка масиҳийлик ҳаёти манзарасига нигоҳимизни қаратамиз. Одамлар “эътиқоднинг қайта туғилишини” Худо юборишига бизнинг муҳтожлигимиз ҳақида гапирганларини эшитганимда, мен одатда, қуйидагича жавоб қиламан: “Худо бизга эътиқоднинг қайта туғилганини аллақачон юборган, аммо, менимча, ҳеч ким буни сезмади”. Олтмишинчи йилларнинг охири ва етмишинчи йилларнинг бошларида америкаликларни жуда катта хушхабар тўлқини чулғаб олди. Жамиятнинг барча қатламларидан бўлган минг-минглаб одамлар Исо Масихга имон келтирдилар. Мен ҳам янги художўйларнинг ана шу авлодига мансуб эдим. Ўша пайтда мен пастор эдим ва минглаб ана шундай одамлар билан ишлардим. Улар ўз руҳий йўлларида олдинга интилаётган бир пайтда мен ўша даврнинг баъзи характерли белгиларига гувоҳ бўлдим. Афсуски, бу ҳузур-ҳаловатда ўсиш белгилари эмас, балки кучайиб бораётган чорасизлик гувоҳлиги эди.

Менимча, художўйларнинг бу авлодига “*яна нималарнидир*” *доимий излаш* ва “менинг масиҳийлик ҳаётимнинг ҳақиқий муваффақиятлари ва амалга оширилиши ҳали олдинда эканлигига ишончга асосланган руҳий безовталиқ хосдир. Навбатдаги китобимда, лентада ёки семинарда мен буни топаман. Масих кетидан боришдаги охирги уринишда ёки янада

жиддийроқ мажбуриятда мен руҳий ҳаётимни ҳақиқатга айлантирадиган сирни топаман!”

Улар ўз масиҳийлик ҳаётларини Масихдаги ҳаётга бағишлаб, ўзларини руҳий мақсадларга эришишга чин дилдан йўналтириб, масиҳийликни ҳаяжонли эътиқоддан бошлаганларига қарамасдан, бу авлоднинг жуда кўп художўйлари унутилиб кетди. Мағлуб бўлмаганлар эса “яна нималарнидир излаб” мутлақо қийналган бўлсаларда, ҳали ҳам ўзларини мажбурлайдилар.

Бундай изланишнинг аломати сифатида турли масиҳийча одатларнинг кенг тарқалганлиги гувоҳлик беради. Ҳар йили суҳбатларда тинмай такрорланадиган янги сўз пайдо бўлаётганга ўхшайди. Йилда “виждонли масиҳийлар кашф этаётган” қандайдир янги нарсалар вужудга келади. Худди ўйинчоқлар фабрикасидагидай, янги “масиҳийча беланчак-от” ҳар йили ишлаб чиқарилади ва уни харид қилиш истаги билан ёнаётган харидорлар ўша заҳотиёқ навбат ташкил қилишади.

Масиҳийлик ҳаётимнинг бошида бу Инжилнинг шахсий тарғиботи эди. Биз ҳамма нарсага гувоҳлик берардик, оёқ устида юрадиган, ҳаттоки ҳаракатланмайдиган нарсага ҳам. Бир куни қавмбоши дўстим шундай деди: “Менинг одамларим шундай яхши тайёрланганларки, ҳатто улар Раббий томонга девор устунни ўтказишлари ҳам мумкин! Менинг ўйлашимча, кимдир аллақачон буни амалга оширди ҳам”. Кўча бурчакларини ва самолётларни, автобус бекатларини ва хонадонларни кезиб чиққан ва бу фақат хотирада сақланиб қолган энг кўп гувоҳлик берувчи авлод биз бўлганмиз. Бизнинг фалсафамиз қуйидагича эди: “Ҳар гал сиз ким биландир 60 дақиқадан кўпроқ суҳбатлашадиган бўлсангиз, албатта бу хушхабарни улашиш учун илоҳий вақт ҳисобланади”. Бизга айтишларига қараганда, гувоҳлик қилиш — бу тўла амалга ошган руҳий ҳаётдан ҳузур-ҳаловат олиш сиридир. Биз жон-

жаҳдимиз билан ҳаракат қилдик, аммо ўзимиз ҳақиқат бунда эмаслигига амин бўлдик.

Сўнгра “Муқаддас Китобни “чуқур” ўрганиш даври келди. Биз охир замон ҳақидаги башоратларни ўқирдик, юнонча матнларни шарҳлашни ўрганардик, калом тўғрисидаги илмий ишларни тадқиқ қилардик. Бироқ тез орада биз ҳаттоки Худо Каломини ўрганиш ҳам қуруқ бўлиб қолиши мумкинлигига гувоҳ бўлдик. Бир куни мен семинария ўқитувчисига бутун норозилигимни баён қилдим: “Агар юнон тилини ўрганиш бизни руҳан бой қилса, нега унда грекларнинг ўзи умуман руҳан бой бўлмаганлар? Коринф ибодатхонаси батамом ҳайвонот боғига айланган эди, улар эса юнончани турли семинарияларсиз ҳам билишарди!” Йигирманчи аср масиҳийлари Муқаддас Китобнинг анча кенг билимларига эга бўлдилар, улар бирон-бир бошқа тарихий жамоатга қараганда кўпроқ маълумотга эга эдилар. Аммо биз ўзимиздан олдинги авлодларимизга қараганда руҳан юқори даражада эканлигимизни исботловчи далиллар борми? Менимча, бу ундай эмас.

Минглаб имонлилар Муқаддас Рух ҳадялари кетидан қувадилар. Менга кўпинча радиотелефон орқали кўнғироқ қилишади ва бир куни қулоғимга кимнингдир қуйидагича гаплари чалинди: “Мен Муқаддас Рухга тўлиб-тошганман, турли тилларда гаплаша оламан, лекин биз хотиним билан ажрашяпмиз”. Рухий ҳадялар ҳеч қачон кафолат бермайди.

Ғалати қилиқлар пайдо бўлаверарди, йўқолаверарди. Анча вақт ҳамма “башарий ҳаёт” ҳақида гапириб юришди. Кейинчалик “Худого хизмат қилиш ва улуғлаш” зарурати туғилди. Яқин-яқинларда ҳам биз ҳаммамиз “жавобгарлик гуруҳларисиз” ҳеч нарса қилолмас эдик. Одамлар эрта тонгни “руҳий соатга” бағишлаб, Муқаддас Ёзувни ёд олишга уринишарди, узлуксиз ибодатларда иштирок этишарди. Ҳозирда эса

мен доимо “иш жойидаги ростгўйлик” ҳақида эшитаман. Кейинги йил яна бошқа бирон нарска кашф этилади. Маслаҳатлар ўтказадиган иш хонамда мен бундай машғулотларга ниҳоятда берилиб кетган, аммо шундай бўлса-да, ҳаётлари вайрон бўлаётган кўплаб одамлар билан мулоқотда бўлганман.

Одамлар жавоб қидираётганларида ва ҳеч нарска худди кўнгилдагидай таъсир қилмаслигини билган вақтларида натижа доимо бирдай бўлади — *умидсизлик ва кўнгилнинг совиши*. Бу сўзлар бутун Америка бўйлаб мен учратган минглаб масиҳийларнинг ҳиссий ҳолатига тегишли. Улар ўзларига тақдим қилинган таълимотдан умидсизликка тушганлар. Чунки улар бу таълимот ижобий таъсир кўрсатмаслигини англаб етдилар. Улар эргашган устоз ва мураббийлардан уларнинг хафсаласи пир бўлди, чунки қўғирчоқбозликдан чарчаганлар. Содда қилиб айтганда, улар масиҳийлик ҳаётидан тўйганлар. Руҳи тушган масиҳийлар ўз кўнгилсизликларига ҳеч қандай жавоб топа олмайдилар. Минглаб шундай одамлар ўзларини “иккинчи навли” масиҳийлар қаторига қўшиб қўйганлар. “Мен масиҳийча яшашга уриняпман, лекин бу ҳеч қўлимдан келмаяпти”, — деб ўйлайди улар.

Сўнгги гап жуда ибратлидир. “Бу ҳеч менинг қўлимдан келмаяпти”, — деб айтишади одамлар. Айнан шу ерда муаммонинг илдизи кўриниб турибди. Масиҳийлик ҳаёти — оддийгина “бу” эмас! *Масиҳийлик ҳаёти* — бу *Масиҳ*, сизга Ўз ҳаётини бериб, У сизда яшай оладиган бўлгани учун Ўз ҳаётини сиз учун берган Ўша Шахс билан шахсий жонли мулоқотдир. “Масиҳ... *сизнинг ҳаётингиздир*, — деб ёзади Павлус Колосаликларга мактубда 3:4. — Зеро мен учун *ҳаёт* — *Масиҳдир*”, — деб таъкидлайди у Филиппиликларга мактуб 1:21да. Биз ўзимизнинг уринишларимизга ўзимизни батамом бахш этганимизда, биз *Уни* йўқотардик!

Бу муаммо янги эмас. Янги Аҳд муаллифлари бизни бир неча марта ҳаётимизнинг ҳақиқий маркази — Исо Масиҳнинг Ўзидан узоқлашиш анъанасидан огоҳлантирганлар. Павлус ўзининг барча мактубларида одамлар битта ягона асосда қатъий туришларига жуда катта ғамхўрлик билдиради:

*Мен сизларни Худонинг рашики билан қизганияман, чунки сизларни бир пок бокира қизни ягона эрга никоҳлагандай, Масиҳга тақдим этдим. Мободо Момо Ҳавони илон ўзининг ҳийлагарлиги билан алдаганига ўхшаб, **сизларнинг ўй-фикрингиз ҳам бузилиб, Масиҳга хос соддаликдан айрилиб қолмасангизлар**, деган хавотирдаман (2 Коринфликларга 11:2, 3).*

Бу бизнинг ҳар биримиз билан содир бўлиши мумкин. Биз ҳаммамиз кўзларимизни Исодан олиб қочиб, нигоҳимизни “бу дунёнинг донолиги — Худо олдидаги ақлсизликка” (1 Коринфликларга 3:19) қаратишга қодирмиз. Ваҳий китобида Раббий Исо Масиҳ ана шундай қопқонга илинган бир гуруҳ одамларга мурожаат қилган. Эфесдаги жамоатга У шундай дейди:

***Сенинг ишларинг, меҳнатинг, сабр-тоқатингни** биламан... Ҳаворий бўлмаган ҳолда ўзларини ҳаворий деб айтганларни синадинг ва ёлгонини фош қилдинг. Ҳа, сабр-тоқатинг бор. Менинг номим учун кўпни бошдан кечирдинг ва чарчамадинг (Ваҳий 2:2, 3).*

Бу жуда силлиқ янграйди, лекин Раббий давом қилади: “Бироқ сенга бир эътирозим борки, сен илк муҳаббатингдан айнаидинг” (4-оят). Албатта, эфесликлар жон-жаҳдлари билан хизмат қилдилар. Ўз инсоний

хатти-ҳаракатларида сабр-тоқатли бўлишган ва анчагина эзгу ишларни амалга оширганлар. Аммо до-нишмандлик излашда улар очикчасига дунёга назар-ларини қаратишди ва бу йўлда уларни Худо севгиси эмас, балки ўз ютуқларигина қизиқтирди.

Худди эфесликлар сингари, бизни халос қилган Исо Масиҳ, энг аввало, барҳаёт ва омон бўлиб ичимизда яшашини ва У улугвор умидимизнинг мағзи эканлиги-ни биз кўпинча унутиб қўямиз (Колосаликларга 1:27). “Худонинг Ўзи сизларга Исо Масиҳ уммати бўлишни ато қилди. Исо Масиҳ биз учун Худонинг ҳикмати бўлди, Масиҳнинг шарофати билан биз солиҳ, муқад-дас, гуноҳдан фориғ бўлдик” (1 Коринфликларга 1:30).

Менинг фикримча, кўп масиҳийлар ўзларининг Исо Масиҳда халос бўлишларига худди ёшгина қиз ўз ни-коҳига қарагандай муносабатда бўлишади. Бундай ни-коҳларни қачонлардир мен амалга оширганман. Қиз ти-ниқ кўзларини тикиб: “Мен эрга тегмоқчиман!” де-ди. Эътибор қилинг-а, у: “*менга* уйланишларини хоҳ-лайман” деб айтмади, балки оддийгина қилиб: “эрга *тегишни* хоҳлайман”, деди. Ёшлиги сабаблиги, у “эрга тегиш” — бу қувноқ ҳаёт, ҳамманинг диққат-маркази-да бўлиш, чиройли кийиниш деб ҳисоблайди. Шу фикр-нинг мантикий ниҳоясини кузатадиган бўлсак, мен бу қизнинг тўйини осонгина тасаввур қила оламан. “Эр ва хотин” деб эълон қилингандан сўнг у енгил нафас олади, никоҳ маросимини ўтказгани учун руҳонийга ва тўйга ташриф буюрганлари учун меҳмонларга миннатдорчилик билдиради, сўнгра эрига юзланади. Унинг қўлини қаттиқ сиқади, куёвга уни ёлғизликдан кутқаргани учун самимий раҳматлар айтади. Шундан сўнг у тўйхонадан чиқади ва таксига ўтириб уйига қайтиб кетади. Қиз ўз мақсадига эришди: у эрга *тегди*!

Биз кўпинча Масиҳни қабул қилиш — бизни сев-гувчи Раббий билан мустаҳкамланиб бораётган янги

муносабатларнинг *бошланиши* деб эмас, балки бирон бир нарсанинг *ниҳояси* — ҳукм ва дўзахдан халос бўлишга қарагандай муносабатда бўламиз.

Шубҳасиз, ҳукмдан халос бўлиш — бу Инжилнинг бир қисмидир, аммо бутун Инжил эмас. Исо абадий ҳаётни қуйидагича таърифлайди: “Абадий ҳаёт эса *Сени — танҳо Ҳақ Худони* ҳамда *Сен юборган Исо Масаҳни таниб-билишдан* иборатдир” (Юҳанно 17:3). Қутқарилиш — бу янги–янги ўзаро муносабатлар, янгидан туғилиш, янги ҳаётдир! Хотиржам бўлаверинг, бу шунингдек, Худодан ажралган эски ҳаётнинг туғашидир. Ундан сўнг “туғилишдан кейинги ҳаёт” келиши керак! Бу ҳаётнинг моҳияти Уни англашдан иборатдир. Шунинг учун биз У билан шахсий ўзаро муносабатлардан узоқлашганимизда, биз озиб-тўзиб кетамиз, яна бефойда “ниманидир қидиришга” жўнаймиз.

Нима бўлганда ҳам, бизнинг шахсий ўзаро муносабатларимиз фақатгина Уни англашдан иборат эмас. Сўзнинг ўзидан кўриниб тургандай, ўзаро муносабатлар бир томонлама бўла олмайди. Бу ҳам муҳим: *У-чи? У бизни биладими?*

Ҳаворий Юҳанно 2:23–25 да таъкидлашича, кўп одамлар “Унинг қилаётган ибратли мўъжизаларини кўриб, Унга имон келтирдилар. Аммо Исо ҳамма инсонларнинг кўнглини билгани учун, Ўзини уларга ишонмас эди. Унга инсон ҳақида бирор маълумотнинг ҳожати йўқ эди, чунки *инсон дилида нима борлигини У билар эди*”. Афсуски, масиҳийлик дунёси оммавий психология таълимотини қабул қилган заҳоти ана шу муҳим ҳақиқатни ўз назаридан четда қолдирди. Масаҳни ва бизни яратган Ўша Зот бизни тушуниши учун психологиянинг ёрдами керак эмас. У бизнинг Яратувчимиз бўлганлиги сабабли, У инсон юрагининг барча эҳтиёжларини яхши билади. Биз ҳақимиздаги ҳамма керак билимлар Худо Каломида аллақачон

айтилган дейди. Масихий психологиянинг ақлга тўғри келмайдиган алдови тўрига тушади; чунки биз Масихнинг “инсонда нима борлигини билишини” ё унутдик, ёки ҳеч қачон билмаганмиз.

Биз бирин-кетин *Уни* қандай билиш ҳақида тушунтирадиган масихийлик китобларини ўқиймиз. Лекин *У* ҳам *бизни* билишини ҳисобга олиб, эътиқодда қандай юриш ҳақидаги китобларни камдан-кам ўқиймиз. Демак, биз қуйидаги сўзлар билан тугатамиз: “Раббий, Сен осмонни мендан яхшироқ билишингни тан оламан. Аммо Сен менинг бу ерда, бу “ҳақиқий” дунёда нима-ларни бошимдан кечиришимни ҳатто билмайсан ҳам”.

Ҳақиқат шундаки, Масихнинг Ўзи ўша “ҳақиқий дунёдир”, биз қизиқадиган бошқа нарсалар тез орада йўқолиб кетади. Шуни ёдда тутинг: “Имон — умидвор бўлган нарсаларнинг мужассамланишидир, имон билан биз *кўринмайдиган* мавжудотга амин бўламиз” (Ибронийларга 11:1). Бошқача қилиб айтганда: “Биз кўриш билан эмас, эътиқод билан яшаймиз” (2 Коринфликларга 5:7). “Чунки биз кўзга кўринадиган нарсаларга эмас, кўзга кўринмайдиган нарсаларга қараймиз. Кўринадиганлари муваққат, кўринмайдиганлари эса абадийдир” (2 Коринфликларга 4:18).

Масих *бизни* билади, *У* *бизни* тушунади, *У* *бизни* яхши кўради, *У* *бизни* қабул қилади ва *У* *бизга* яқин бўлган ягона ҳақиқий донишманддир. *У* ҳамма муаммоларимизнинг ечими ва ташвишли ҳаётимизнинг тинчлигидир. *У*, фақат *У* *бизга* “яшаш ва Худо йўлида юришимиз учун керак бўлган ҳамма нарсани ато этган” (2 Бутрус 1:3). *У*, фақат *У* “иноят ва ҳақиқатга тўла” (Юҳанно 1:14), шунинг учун *У*нинг инояти шуни ўргатадики, “биз диёнатсизлик ва дунёвий орзу-эҳтиросларни рад этишимиз керак, бу дунёда Худодан қўрқиб, вазминлик ва тақводорлик билан ҳаёт кечиришимиз лозим. Шу орада буюк Худо ва Қут-

қарувчимиз Исо Масиҳнинг улуғворлик билан осмондан тушиб зоҳир бўлишига ва муборак умидимиз амалга ошишига кўз тикиб юрибмиз” (Титусга 2:12,13).

Бу ҳақиқатни нотўғри тушуниш оқибатида масиҳий, Муқаддас Китоб айтганидек: “Ўзининг бутун йўлларида беқарор, иккиланувчи бундай одам” (Ёқубнинг 1:8), *Каломни Худони билиш учун ўқийди, бироқ ўзини англаш учун эса психология китобларни ўрганадиган* одамларга айланишига мажбур қилади.

Павлус шундай дейли: “Мен учун ҳаёт — Масиҳдир...” (Филиппиликларга 1:21). Галатияликларга мактуб 2:20 да у дейди: “Энди яшаётган мен эмас, балки Масиҳ менинг ичимда яшаяпти”. Гарчанд энди биз яшамаслигимиз, балки Масиҳ бизда яшаши ҳақиқат эканлиги сабабли, сизга шундай бир савол беришга рухсат этинг: агар сиз ўзингизнинг ким эканлигингизни билмоқчи бўлсангиз, сиз кимни англашингиз керак? *Масиҳни!* Бошқача қилиб айтганда, *сизнинг* ҳақиқий шахсингизни очиш учун, сиз *Унинг моҳиятини очишингиз керак, чунки У сизнинг ҳаётингизда ягонадир.*

Бу ўзини ўзи таҳлил қилиш, ўзини ўзи англаш ва “ўзини ўзи тушуниш учун” ўтмиш ҳаёт тажрибаси хотираларига мурожаат қилиш заруратини бекор қилади. Павлус Римликларга мактуб 7:15 да “нима қилаётганимни тушунмайман” деганда, у “шунинг учун мен ким биландир маслаҳат қилишим керак” деб давом қилмади. У фақат Худо қонунида очиладиган ўз гуноҳи ва ўлими ҳолатини тан олади, Худонинг қарорини эълон қилади: “Худога шукр, Раббимиз Исо Масиҳ соясида Ўзи қутқаради!” (Римликларга 7:25).

Нима бўлганда ҳам, биз Масиҳдан ва ўзимизнинг ҳаётимиздан узоқлашган вақтимизда, бизни куйдириб кул қиладиган ва ўзидан ўзи туғилган, ўтакетган худбин, ўзича тартиб ўрнатувчи диний амалиётга қайтишдан ўзга чорамиз қолмайди, бунга ишонаверинг.

Масиҳийлар Муқаддас Китоб огоҳлантирган “нопок маслаҳат”ни қидиришга жўнаганларида, бу содир бўлади.

Мен ҳар куни ўта ростгўй, ўзларининг масиҳийча ҳаёти билан яшашга бўлган уринишларида худди юрак хуружи каби чинакам бўлган масиҳийларни учратаман. Аммо улар муваффақиятсизликларга дуч келадилар, қалбларида муҳтожликни ва бўшлиқни ҳис қиладилар. Улар ўз садоқатини янги куч билан намоён қилишга уриниб кўрдилар, ўзларини масиҳийлик ишига чуқурроқ бағишлашга ва охирги масиҳийча телбаликни қилишга ҳаракатда этдилар. Бироқ ўз мақсадларининг бажарилиши томон бир қадам бўлсада, яқинлаша олмадилар. Уларнинг китоб жавонлари изоҳлар, семинариядагиконспектлари, турлимасиҳийлик дастурлари ва курсларининг магнит тасмаларидаги ёзувлар билан тўла. Лекин билимларининг ўсишига қарамай, аслида ҳеч қачон ўсмадилар. Комиллик туйғуси йўқ — фақат бўшлиқ.

Мен ўзларини “тарғиб қилиш учун яратилганликларини” айтаётган жуда кўп қавмбошилар билан гаплашдим. Аммо уларнинг яширин истаклари қавмбошилиқдан кутилиш эди. Тэд бир неча йилдан бери қавмбошилиқ қилиб келарди. Четдан қараганда унинг ишлари яхшидай кўринарди. Нима бўлганда ҳам, у кунларнинг бирида ўз жамоатидагиларни ҳайратга солиб қўйди: у қавмбошилиқдан воз кечди. Буни у бугунги кунда шундай изоҳлайди: “Мен илоҳиётни яхши билардим, тўғри, гапларни топиб жой-жойига қўйиш қўлимдан келади. Бироқ менинг юрагимда чинакам эътиқод йўқ эди. Охир-оқибатда ўзим ҳис қилмаган нарсалар ҳақида гапириш жонимга тегди”.

Тэд қавмбошилиқдан батамом воз кечиб, тобутсозга ёрдамчи бўлиб ишга кирди. У шу даражада сурбет ва умидсиз бўлиб қолдики, ҳатто ўз ишини нохуш ҳазил

тариқасида қабул қиларди: “Агар менинг пешонамга ўликлар билан мулоқот қилиш ёзилган бўлса, яхшиси менга жавоб қайтара олмайдиган ўликлар билан мулоқотда бўла қолай деган қарорга келдим”.

Ҳозирда Тэд яна ўзининг қавмбошилиқ ишига қайтди. У хизматда куйиб, сўнгра жавоб топган ҳар бир кимса учун жонли мисолдир. Афсуски, кўплаб одамлар ханузгача жавоб топа олмаганлар.

Мен “хизмат учун даъват этилганмиз” деб, аммо ўзлари аслида шундай хизматнинг ҳар бир дақиқасини жуда ёмон кўрган масиҳий хизматчиларнинг қанчасини учратганимни ҳозир сизга аниқ миқдорини айтиб беролмайман. Ҳақиқатда эса, агар улар охиригача самимий бўлганларида эди, уларнинг кўпчилиги ҳатто Худодан ҳам нафратланишларини тан олган бўлар эдилар. Улар бўлса Худога хизмат қиляпмиз, деб ўйлаганлар.

“Биз хизмат қилиш учун нажот топганмиз”, — дейилган сийқаси чиқиб кетган иборада. “Агарда хизмат қилишда иштирок этсангиз, сиз тўлақонли ҳаётни ҳис қиласиз”. Аслида на Ёзув, на ҳақиқий ҳаёт тажрибаси бизни қўллаб-қувватламаслигига қарамасдан, айнан шуни бизга ваъда қилишади. Сиз жамоатда низо чиққанлигини ҳеч кўрганмисиз ёки унда иштирок этганмисиз? Бу шундай кечинмалардан бирики, у кўнгилни ағдар-тўнтар ва юракни чилпарчин қиладди. Мен буларни ўз бошимдан ўтказганман. Бу тўғрида бир ўйлаб кўринг: жанжалнинг марказида ким бўлган? Мен у ерда *бўлмаган* одамларни ишонч билан айтиб беришим мумкин: у ерда — жамоатга хизматга келгач, бир йилда бир марта гуллайдиган “Фисих нилуфар гуллари” бўлмаган. Йўқ, булар энг содиқ ва жонкуяр меҳнаткаш аъзолар эдилар! Масиҳий хизматчилар бу ноҳўя тартибсизликларнинг энг марказида бўлганлар. Агар масиҳийлик хизмати сизни янада маънавий томондан юксак қилса, унда жамоат ке-

лишмовчиликларининг келиб чиқишини қандай тушунтириб берасиз?

Бесамар ва меҳр-муҳаббатсиз, аммо жонкуяр хизматчилардан иборат бўлган бундай гуруҳга мансуб масиҳийларнинг акси сифатида Исо Масиҳнинг таклифи хизмат қилади:

Ким чанқаган бўлса, Менинг олдимга келиб ичсин; Муқаддас Битикда айтилганидек, Менга ишонганнинг вужудидан ҳаётбахш сув дарё бўлиб оқади (Юҳанно 7:37, 38).

Йўқ, бизнинг биринчи даъватимиз хизмат қилишга эмас! Янги Аҳд ўргатадиган даъват — бизнинг Унга даъватимиздир. Биз йўқолиб қолганимизда, абадий ҳаётга эга бўлиш учун Унинг ҳузурига кела олишимиз ҳақидаги хушхабарни эшитдик. Ҳозирда ҳам биз Худодо бандаси сифатида меҳр-муҳаббат, иззат-ҳурмат, тасалли, бошқарув, ҳақиқат, мазмун-маъно, мақсад ва юрагимиз истайдиган бошқа ҳамма нарсаларни олиш учун Унинг ҳузурига келишимиз мумкин. Олдиница У бизга таклиф қиладиган ҳаётга эга бўлиш ва уни тўлалигича ҳис қилиш учун биз Унинг олдига келамиз, шундан сўнггина У бизни хизматга сафарбар қилади. Биз, энг аввало, Унинг ҳузурига келганимиз ва “тириклик дарё сувларининг” оқимини ҳис қилганимиз учун, бу хизмат зерикарли бўлмайди. Исо мана шундай дейди:

Эй оғир юк остида қийналиб, ҳориб-толган ҳаммаларингиз! Менинг ҳузуримга келинг, Мен сизга ором бераман. Менинг бўйинтуругимга ўзингизни қўшинг ва Мендан ўрганинглар. Чунки Мен беозор ва соддадилман. Шундай қилиб, жонларингиз таскин топар. Чунки Мен солган бўйинтуруқ юмшоқ, Мен берган юк енгилдир (Матто 11:28–30).

Инсониятга “руҳни ривож топтиришнинг ўнта босқичини” ёки “фикр ойдинлашувининг тўққиз сўқмоғини” таклиф қилаётган дунё динларига қарши ўлароқ, Исо Масих: “Менинг ҳузуримга келинг”, — деб айтишни давом эттираверади. У шундай дейди:

Мен ҳаёт нониман. Менинг олдимга келган одам сира оч қолмас, Менга ишонган одам ҳеч қачон чанқамас (Юҳанно 6:35).

Мен оламнинг нуриман. Кимки Менга эргашса, зулматда юрмайди, балки ҳаёт нурига эга бўлади (Юҳанно 8:12).

Мен эшикман. Ким Мен орқали кирса, нажот топади. У кириб чиқиб, яйлов ҳам топади (Юҳанно 10:9).

Мен яхши чўпонман. Яхши Чўпон қўйлари учун жонини бағишлайди... Мен уларга абадий ҳаёт бағишлайман ва улар абадий ҳалок бўлмайдилар. Ҳеч ким уларни Менинг қўлимдан тортиб ололмайди. Уларни Менга берган Отам ҳаммадан буюкдир. Отамнинг қўлидан уларни тортиб олишга ҳеч кимнинг кучи етмайди. Мен ва Отам — бирмиз (Юҳанно 10:11, 28–30).

Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман. Менсиз ҳеч ким Отанинг олдига боролмайди (Юҳанно 14:6).

Мен — ток, сизлар — новдасизлар. Ким Мен билан алоқада бўлиб, Мен у билан алоқада бўлсам, у қўп ҳосил беради. Менсиз ҳеч нарса қилолмайсизлар (Юҳанно 15:5).

Мен тирилиш ва ҳаётдирман. Менга ишонган одам ўлса ҳам яшайди. Кимда-ким Менга ишониб яшаса, то абад ўлмайди (Юҳанно 11:25, 26).

Исо Масиҳ нафақат бизга йўл кўрсатиш учун келган; Унинг Ўзи *йўлдир*. У бизни нафақат баъзи ҳақиқатларга ўргатган; Унинг Ўзи *ҳақиқатдир*. У нафақат ҳаёт учун бизга қўлланма қолдирди, Унинг Ўзи *бизнинг ҳаётимиздир*. Инсон юраги қандай муҳтожликларни ҳис қилмасин, Масиҳ Ўзини қарор сифатида таклиф қилади. Унинг абадий жавоби — “*Мен Ўша...*”

Сиз ёш бола бўлганингизда, лат еган тиззангиз ва жароҳат олган бармоқларингиз оғриганда кимга мурожаат қилардингиз? Сиз кимнинг тасалли берувчи қўллари эркалатишини ва меҳрли сўзлари тасалли беришини хоҳлардингиз? Агар сиз кўплаб бошқа одамларга ўхшаган бўлсангиз, унда бу инсон сизнинг онангиз бўлади. У сизнинг кўз ёшларингизни артарди, қўллаб-қувватлаб, сизнинг ярангизни боғлаб қўйган бўларди.

Тасаввур қилинг-а, ана шундай воқеанинг гувоҳи бўлган ёши катта одам сизга: “Мана сенга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ҳақида қўлланма. Уйга кир, қўлланмани ўқиб чиқ, жароҳат ва яраларингни боғлаб ол. Сен ўзингга ўзинг хўжайинсан”, деб жавоб берса, қанчалар бемаъни бўлар эди. Тез тиббий ёрдамни талаб қиладиган жиддий жароҳатлар ҳақида гапирмай туриб, бола, энг аввало, биринчи тиббий ёрдам курсини ўрганишдан кўра ҳам, меҳр-муҳаббатга ва шафқатга зор эканлигини ҳар бир одам тан олади.

Масиҳийлик таълимоти менга ҳозирда ўша шафқатсиз одамни эслатади. Унда бор нарса — бу “руҳий етукликнинг ўнта поғонаси” ёки “масиҳий ота-оналар учун беш дақиқалик курс”, ёки “қайғули мағлуб қилишнинг бешта усули”дир. Худди Муқаддас Китоб

кўрсатмалар мажмуи, ҳаётнинг барча жабҳаларида ютуқларга эришиш учун қўлланма ва бизнинг ичимиздаги бўшлиқ ҳақида эслатиб турадиган ўша секин, сезилар-сезилмас овозни босиш ва виждонимизни хотиржам қилиш учун тақводорлик қатламлари бор қўлланмадан бошқа нарса эмасдай. Жуда кўп томонлардан биз Исо замонида яшаган яҳудийларга ўхшаймиз. Исо уларга шундай деган:

*Сизлар Муқаддас Битикларни текширасизлар, чунки улар орқали абадий ҳаётга эришамиз, деб ўйлайсизлар. Ана ўша Битиклар **Мен тўғримда гувоҳлик беради. Аммо сизлар абадий ҳаётга эришиш учун Мен тарафга келишни ис-тамайсизлар-ку** (Юҳанно 5:39, 40).*

Худди ўз ҳаётимизни таъмирлаш учун техникани қўллагандай, Муқаддас Китобдаги тамойилларни ахтариб топиш ўрнига, биз *Исо Масиҳ шахсини, Унинг жонли Сўзини билиш* учун Худо Каломи томон боришимиз керак! Исо шундай деган: “Эй оғир юк остида қийналиб, ҳориб-толган ҳаммаларингиз! *Менинг ҳузуримга келинг*, Мен сизга ором бераман” (Матто 11:28). Исо Ўзининг севгиси ва шафқатини ҳис қилиш, У билан қайта тирилишдан кейинги ҳаётни бирга яшаш учун ҳаммани таклиф қилади. Боласини шифокор хонасига олиб киришдан олдин ўзининг бир қисмини боласига берадиган она сингари, Масиҳ Уни қидирувчи имонлиларга Ўзини намоён қилади. У ҳам бизни озод қилувчи Муқаддас Китоб ҳақиқатларини қўллаш зарур бўлган соҳаларни ёритишдан илгари, имонлиларга хотиржамлик ва умид ато этади. Мен ишонаманки, назаримиз *Исога қаратилишдан олдин нимага йўналтирилганлигининг* шайтонга аҳамияти йўқдир. Бу худди Муқаддас Китобни билиш, дўстона

муносабатлар, ибодат қилиш, хайр-эҳсон бериш ёки Худога хизмат қилиш каби эзгу ишларнинг биридир. Биз нима қилмайлик, жонли Масиҳ марказда турмаган ҳамма нарса бор-йўғи Масиҳнинг ўрнини босувчидир, холос. Худо қўшимча сифатида ниманики марҳамат қилса, ўринбосар сифатидагиларни лаънатлайди. *Яхши нарса* кўпинча *аъло нарсанинг* кескин душмани бўлади. Хаворий Павлусда фақат дин бера олиши мумкин бўлган ўтмиш, тажриба ва ишонч ёрлиқлари бор бўлган. Бироқ барибир, унинг хулоса қилиб айтган фикри қуйидагича эди:

Лекин бир вақт фазилат деб билган нарсаларимни энди Масиҳ учун фойдасиз ҳисоблайман. Чинакам, Раббим Исо Масиҳни билишнинг афзаллиги олдида мен ҳамма нарсадан бош тортиб, фойдасиз деб билдим, ҳа, Масиҳга сазовор бўлай, деб ҳатто ахлат ҳисобладим (Филиппиликларга 3:7, 8).

Бир куни кечқурун хотиним телефонда бир аёл билан гаплашаётганини ва унга маслаҳатлар бераётганини эшитиб қолдим. “Инсон — инсонга” дастурида биз одамларнинг диққат-эътиборини уларга ёрдам бера олмаслигимизга, аммо буларни қилиш қўлидан келадиган Зот — Исо Масиҳга топширишимиз мумкинлигини тушунтирамиз. Эми телефондаги аёлга буни тушунтирмақчи бўларди, аммо у келтирган мисол менинг иззат-нафсимга тегди. “Йўқ, биз ғайриоддий масиҳийлар эмасмиз, — деди хотиним. — Биз худди қўйлар подасини йиғиб, уларни Чўпон кетидан йўлламоқчи бўлган чўпон “кўппаклари”га ўхшаймиз”.

Мен бу мисолнинг ниҳоятда тўғри эканлиги ҳақида ўйладим ва Павлуснинг Коринфликларга Иккинчи мактуби 4:5 да нима ёзганини эсладим: “Биз эса ўзимизни эмас, балки Раббимиз Исо Масиҳни тар-

ғиб қилмоқдамиз; биз — Исо йўлида сизларнинг қулларингиз, холос”. Худди шундай: биз ҳам Масих ҳақида эмас, кўпинча *ўзимиз* ҳақимизда гапирганмиз. Ана шу сохта назариянинг таъсирини ўзимизда ҳис қилишимиз ажабланарли эмас. Аммо биз Муқаддас Китоб *мактубига* — Исо бизда яшай олишига, Ўз ҳаётини бизга бера олишига ва Ўз ҳаётини бизга берган Исо Масихга қайтган вақтимизда — ана шундагина биз Муқаддас Китоб *кучининг* қайта туғилганини кўрамиз. Ўша: “Мен эса уларга ҳаёт, фаровон ҳаёт бериш учун келганман” (Юҳанно 10:10) деган Зот, худди эраимизнинг биринчи асридаги каби, ҳозир ҳам ҳаётимизни ўзгартиради. Муаммо Унда эмас, у *биз* йўлдан адашганмиз.

Шахсан Масих билан бўлган жонли мулоқотга қараганда, амалга ошмаган ўринбосар ҳисобланмиш дин бечора, камбағал ва бўш нарсадан ўзга ҳеч нима бўла олмайди. Биз Раббийни ва Унинг севгисини била олишимиз, шу севгини атрофимиздаги одамларга тарқата олишимиз учун Худо бизни яратган ва қутқарган. Ҳузур-ҳаловатда ўсиш каби самимий истагимиз орқали, биз ўрганишимиз керак бўлган жуда кўп Муқаддас Китоб ҳақиқатларини билиб, энг аввало, Шахсга даъват этилганлигимизни ҳеч қачон унутмаймиз.

Ҳақиқат билан бўлиш

Қавмбоши бошини чайқади. “Сен нима ҳақида гапираётганингни мен тушуниб турибман”, — деди у. — Масихда тўла тан олганлигимни биламан. Ўзимнинг Худо фарзанди эканлигимни ҳам биламан. Шунингдек, Унда тўла кечиримга эга бўлганлигимни ҳам биламан. Муқаддас Китоб “Биздаги Масих” ҳақида гапиришини ҳам биламан. Аммо менда яшовчи Масихнинг ғояси умуман менга сирли бўлиб кўринади. Мен уни қўлимга ололмайман.

Менга бунни айтган одам кўп йиллар давомида кадрдон дўстим бўлган эди. Қачонлардир мени Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича унча катта бўлмаган гуруҳни бошқариш учун таклиф қилишди. У ҳам шу гуруҳда эди. Мен машғулотларда руҳий зиёратларим пайтида Худо менга нималарни ўргатгани ҳақида, “улуғвор умидимизнинг мағзи — бизнинг ичимиздаги Масих” (Колосаликларга 1:27) ҳақиқатини мен тўлароқ англаб олишим учун Худо кўзимни очгани ҳақида мен унга сўзлаб бердим. Дўстим бу фикрларни инкор қилмади, уларга қарши жанг қилмади. У масихийнинг Масихда тўла тан олинишини таъкидлаб, яхши бир китоб ёзди. Юзлаб ва минглаб одамлар шу китобдан фойдаландилар. Нима бўлганда ҳам, бу ошкора суҳбатда мен кўплаб одамлардан инсондаги Масих ҳаётининг

умидсизлик ғояси ҳақида эшитган фикрларни у ҳам ифодалади.

Бу ғоя ҳақиқатдан йироқми? Ёки бу чуқур тақводорлик ниқоби остидаги соф ҳиссий даражада ҳақиқатдан юз ўгиришга интилишми? Ёки бизда ва биз орқали яшайдиган Масиҳ ҳақида Муқаддас Китобга мувофиқ ва чиндан ҳам ҳақиқий гапириш мумкинми? Қандай қилиб “сиздаги Масиҳ” ҳузур-ҳаловатда ўсиш билан алоқадор бўлади?

Келинг, энг аввало мен олдиндан ҳам айтиб ўтган парчага яхшилаб эътибор бериб, кўриб чиқайлик. Унда Исо бизга масиҳийлик ҳаётининг энг яхши намунасини беради:

Мен — ток, сизлар — новдасизлар. Ким Мен билан алоқада бўлиб, Мен у билан алоқада бўлсам, у кўп ҳосил беради. Менсиз ҳеч нарса қилолмайсизлар (Юҳанно 15:5).

Исо мени ва сизларни новда деб атайти, чунончи ток билан новда ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг исталган натижаси “кўп мевалардир”. Келинг, ток ва новданинг вазифаси ҳақида фикр юритиб кўрайлик. Қай бири мева беради? Гарчанд ҳар бир пайдо бўлган мева тўғридан-тўғри новдага маҳкамланган бўлса-да, мева бериш — бу токнинг иши эканлиги аниқ ва равшан. Масалан, агар сиз новдани токдан кесиб олсангиз, новда қанча мева бера олади? Йўқ, сира ҳам мева беролмайди! Меванинг пайдо бўлиши кучи новдада эмас; фақат ток ҳаёт манбаи бўла олади, демак, ток — меванинг ҳам ҳаёт манбаидир. Новданинг вазифаси — мевани тутиб туриш. Агар новда ва ток ўртасида ҳаётий алоқа ва ҳаёт оқими мавжуд бўлсагина, у мева бера олади. Новданинг вазифаси — тўла тобеликдир.

Ёшлик пайтларимда, оиламиз билан биргаликда денгиз бўйида ўтказилган таътиллар ҳақидаги хотираларим сақланиб қолган. Отам сувга тушиб, сувда чалқанча ётганича ўзини бўш қўйиб берарди. У узоқ вақт шу тарзда сувда бўларди ва ҳатто шу ҳолда мизғиб ҳам оларди. Мен ундан: “Ота, сиз бунни қандай қиласиз?” — деб сўрардим. У эса: “Ўғлим, умуман олганда, мен *ҳеч нарса* қилмайман. Мен фақат танамни бўш қўяман”, — деб жавоб берарди. Лекин, менимча, отам худди атайлаб сув устида туришга ҳаракат қилаётгандай *туюларди*. Мен ҳам шундай қилиб кўрганимдагина ҳақиқатни билдим. Мен сув юзида туришга қанчалик *кўп ҳаракат қилсам*, шунчалик тез сув тубига тушардим. Шунда мен отам нимани назарда тутганини тушундим: менинг вазифам сув ихтиёрига тўла ўзимни топширишдан иборат эди. Сув юзасида ушлаб туриш учун керак бўладиган ҳамма ишни сувнинг ўзи қиларди.

Масих ҳам масиҳийлик ҳаётини худди шундай қилади: *сиз ва мен масиҳийча яшай оламиз*. Новданинг бир ўзи мева бера олмагани ва мен ўзим сув юзида ўз танамни ушлаб туrolмаганим сингари, биз ўзимизда Масих ҳаётини яратишга қодир эмасмиз. Новданинг тоқда “бўлиши” ва менинг сувга “бўйсуним” бизнинг Исо Масихга тўла тобеликка муҳтож эканлигимизни кўрсатади: “Менсиз сиз ҳеч нарса қила олмайсиз”. Аммо қандай қилиб шу “боғлиқликни” ва “бўйсунитишни” мен тасвирлаган беғараз, онгли эътиқодга айлантириш мумкин?

Ўйлашимча, биз жавобни ўша Хушхабардан олинган қуйидаги парчадан топамиз. Унга имон келтирган одамлар билан суҳбатлашаётганда, Исо шундай дейди:

Агар Менинг каломимга риоя қилсангизлар, ҳақиқий шогирдларим бўласизлар. Сизлар ҳақиқат-

ни билиб оласизлар, ҳақиқат эса сизларни озод қилади... Шундай қилиб, агар Ўғил сизларни озод қилса, ҳақиқатдан эркин бўласизлар (Юҳанно 8:31, 32, 36).

Сиз қандай қилиб бундан 2000 йил илгари мавжуд бўлиб, ҳозир эса Муқаддас Руҳ орқали яшаётган Исо Масихда “бўлиш”га ўргана оласиз? Бу парчада У бизга ҳақиқатнинг беғараз ва ишончли мезонини кўрсатади: Бу — “Менинг каломим”дир. Яна бир марта Унинг таълимоти тартибини ўйлаб кўринг: олдин Унинг каломида бўлинг, кейин сиз ҳақиқатни англайсиз, шундан сўнг ҳақиқат сизни озод қилади. Бошқача қилиб айтганда, айнан ҳақиқат бўлган Ўғилнинг Ўзи сизни озод қилади. Бир куни мен Муқаддас Китобни ўрганиш машғулотларида бу мавзуда суҳбатлашдим. Шунда Жек исмли бир эркак юзида хижолат ифодаси билан қўлини кўтарди.

“Мен тушунмадим, — деди у, — бир томондан, биз Унинг каломида бўлишимиз керак, дейилган. Кейин эса ҳақиқат бизни озод қилади, деб айтилган. Шундан сўнг Ўғил бизни озод қилиши ҳақида таъкидланади. Нима экан? Бизни ҳақиқат, Калом ёки Масих озод қиладими?”

Мен унга шундай деб жавоб бердим: “Ҳа, шуларнинг ҳаммаси”. Мен кулиб юбордим. Чунки юз ифодасидан унинг боши баттарроқ қотгани кўриниб турарди. Мен давом қилдим: “Биласизми, Жек, Масих ва Ёзув ўртасида қарама-қаршилик йўқ. Ахир, Исо бутун Худо сўзининг маркази-ку. У — *жонли Калом*. Юҳанно Хушхабарининг биринчи боби эсингиздами? “Азалда Каломуллоҳ бор эди. Каломуллоҳ Худо наздида эди, *Каломуллоҳ — Худо эди*” ва “*Каломуллоҳ инсон қиёфасига кирди*, У иноят ва ҳақиқатга тўла биз аро маскан қилди. Биз Унинг улуғворлигини — Отанинг Ягонасига

хос улуғворликни кўрдик” (Юҳанно 1:1, 14). Демак, агар биз Ёзувга итоаткор, юмшоқ ва Масих Шахсини англашга ҳаракат қиладиган юрак билан мурожаат қилсак, унда айнан шу ердан бизга Ўзини намоён қиладиган Уни топа оламиз. *Унинг Каломида бўлиш — Унда бўлиш демакдир*”.

Масихни, яъни Муқаддас Китобни Каломдан — ёзилган Каломдан фарқлай олиш кўникмасининг муҳимлигига мен ўзим қатнашган бир анжуманда ишонч ҳосил қилдим. Маъруза қилаётган одам ўрнидан турди ва ҳаммага, кўзларингизни юмиб, “Исо ҳақида ўйланглар”, деб қизгин даъват қилди. “Исо... Исо... Исо...”, — ҳаяжон билан шивирларди у. Эсимда, ўшанда мен ичимда шундай деб ўйладим: “Фараз қилайлик, мен Исо ҳақида ўйлашни *хоҳлайман*. Мен нима тўғрида ўйлашиб керак?” Гарчанд ўзимни тутган бўлсам-да, аммо маърузачига шу саволни беришни жуда хоҳлардим.

У нима деган бўларди? Мен фикран Исонинг ташқи кўринишини *қандай эканлигини* тасаввур қилишим керак эдим? Қандай қилиб? Ҳозир Ер юзида яшаётган одамларнинг биронтаси ҳам У одам қиёфасида қандай кўринишда бўлганини билмайди. Хушхабарларда Унинг жисмоний кўринишининг тасвири йўқ, Унинг ердаги ҳаёти даврида яратилган Масихнинг бадий суратлари мавжуд эмас. Шундай қилиб, Исонинг сурати ҳақида ўйлашга уриниш — бу менинг ўз тасаввурим озукасига эътибор қаратиш демакдир. Маърузачи “Исо” исмини такрорлашда давом эттираётганини кузатаётган пайтимда менга унинг мақсади омма ичида ҳиссий кечинмаларни чорлаш бўлиб туюлди. У “Исо” сўзини қайта-қайта такрорлар, аммо унда *мазмун* йўқ эди.

Ҳатто, машҳур кўшиқда куйланганидек, “бу номда нимадир бўлса-да”, Исо Масихни ҳақиқий масихийча билиш Унинг тавсифлари ақлий кўринишига

асосланмайди. Шунингдек, “Исо” сўзи ўз-ўзидан ис-
сиқлик ва раҳмдилликни уйғотадиган ва кодланган сўз
эмас. Яна Унинг исми ёвузликдан ҳимояловчи ва руҳий
титроқни бартараф қиладиган сеҳрли сўз ҳам эмас.
Масиҳийлик — *объектив* эътиқоддир, яъни у *далил-
ҳақиқатларга* асосланган бўлиб, инсон шу далил-
ҳақиқатларга мувофиқ *ўйлаб, ҳаракат қила олади*. “Исо
ҳақида ўйлаш” — Муқаддас Китоб маъносида ҳақиқий
Шахс ҳақида, ўз вақтида инсон танаси ва табиатини қа-
бул қилган ва одамлар орасида яшаган, ўзига хослиги,
хулқ-атвори тўртта Хушхабарда тасвирланган мангу
Худо Ўғли ҳақида фикр юритиш деганидир. Кейинчалик
худди шу Исо муқаддас Худо билан одамларни яраш-
тириш учун ва уларнинг гуноҳларини ўзига олиш, шу
йўлда қурбон бўлиш учун ихтиёрий равишда Римнинг
хочига борди. Кейин инсонларни барча гуноҳлардан
батамом фориғ қилиб, ўликлар ичра қайта тирилди.
Шундан буён Унга ва Унинг ишига ишонч-эътиқодла-
ри туфайли беғараз қутулиш инъомини қабул қилган
ҳар бир эркак, аёл, бола ёки қизчага У қайта тирилиш
руҳий ҳаётини ҳадя қилади. Шунингдек, худди ўша
Исо жисмоний қайта тирилишни ва севувчи Самовий
Отамиз билан мукамал мангуликни ваъда қилади. Ма-
на, сиз фикр юритишингиз *мумкин бўлган* ҳақиқатлар.

Масиҳийлик дунёнинг бошқа динлари орасида аж-
ралиб туради. Бунинг сабаби — Насролик одам Исо
Масиҳнинг ўзига хос баёлотларининг уйғунлиги ва
бу баёлотларнинг тарихдаги конкрет жой ва вақтнинг
мутлақо аниқлигидир. Масалан, тарихда кўплаб диний
устозлар мавжуд: Конфуций, Будда, Муҳаммад. Ле-
кин уларнинг биронтаси ҳам (ўзга бирон кимса ҳам) ўзи-
ни Худо деб эълон қилмади, ўзининг кўплаб издошла-
рига у ҳақиқатдан Худо эканлигини ишонтира олмади.

Асрлар давомида одамлар турли худоларга эътиқод
қилган бўлсалар-да, худолар ҳақида уларга фақат

ғира—шира афсоналаргина маълум эди. Масалан, ҳеч ким Тавротни ёки Зевсни шахсан биламан, деб ишонч билан айта олмаган. Дунё динларида сиз ё бахтли ҳаёт йўлини биламан, дейдиган, бироқ охир—оқибатда оддий одам бўлган тарихий дин устозини, ёки худолар қаерда ва қачон яшаганларини ҳеч ким билмаган бошқа ғайриоддий мавжудотлар ҳақидаги фантастик ҳикояларни учратасиз, холос.

Нима бўлганда ҳам, агар сиз Муқаддас Китобга мурожаат қилсангиз, сиз холисона, тарихий далилларнинг ўзгармас баёнларини топасиз. Шахслар, жойлар ва вақт — ҳаммаси аниқ. Қайсар Август “Сурияда Квирийиний ҳокимлик қилганда” (Лука 2:2) бутун Рим дунёсидаги аҳоли рўйхатга олинишини амр этди. “Шунингдек, Юсуф ҳам Жалиланинг Насро шаҳридан Яҳудияга, Довудлар шаҳри Байтлаҳмга борди. Чунки у Довуд насаби ва хонадонидан эди” (Лука 2:4). Закарийнинг ўғли Яҳё Пайғамбар, Исонинг даракчиси ўз хизматини “Қайсар Тибериус салтанатининг ўн бешинчи йилида “ (Лука 3:1) бошлаган эди. Исо Масих хочга тортилгандан кейин бир неча ҳафта ўтгач, Бутрус Исроилда шундай деди: “Ана, бу Исони Худо тирилтириб қўйди, *биз ҳаммамиз бунинг гувоҳимиз*” (Ҳаворийларнинг Фаолияти 2:32). Сўнгги ўн йилликларда биз шунга амин бўляпмизки, “Биз нимани кўрган ва эшитган бўлсак, айтмай туrolмаймиз” (Ҳаворийларнинг Фаолияти 4:20), деб айтилган Масихнинг Хушхабари бўрттириб кўрсатиларди ва авжига чиққан аланга сингари тарқаларди. Масихийларнинг энг шафқатсиз таъқибчиси масихийликка мурожаат қилади ва шундай деб изоҳ беради: “Ундан сўнг Масих Ёкубга ва қолган бутун ҳаворийларга кўринди” (1 Коринфликларга 15:7). Жуда тезлик билан, айниқса, ўша вақтда телевидение, радио, газета-журналлар йўқлигини ҳисобга олсак, масихийлик бутун Рим империясини

эгаллаб олди. Ўша пайтда юз бераётган воқеаларни ўз кўзи билан кўрган сўнгги гувоҳ воқеалар тасвирини куйидагича сўзлар билан якунлади: “Ана шу шогирд бу ишларнинг ҳаммасига гувоҳ бўлиб, уларни ёзиб олган. Унинг гувоҳлиги ҳақиқат эканлигини биламиз” (Юҳанно 21:24).

Барча ўзгармас тарихий воқеаларнинг бошида, буларнинг сабаби ва маркази сифатида ўзини Худо деб эълон қилган Одам туради!

Бу тасдиқлар кўр-кўрона эътиқоднинг ёки қандайдир ҳиссий ўзгаришларнинг натижаси эмас. Улар ё ҳақиқий, ёки мавжуд бўлмаган далиллар кўринишида берилган. Деярли 20 аср давомида миллионлаб эркак ва аёллар бу нуқтаи назарларни тадқиқ қилиб келмоқдалар. Улар, Исо Масих ҳақиқатдан ҳам тирик, У — Раббий, улар билан шахсий мулоқотга киришамиз, деган хулосага келадилар. Бу — бизнинг эътиқодимиз асосидир. У ўрганиш учун очиқ, бамаъни ва оқилонадир. Бу бизни менинг асосий фикримга қайтаради: агар “биздаги Масихнинг” ҳақиқий аҳамияти ва тажрибасини билишни хоҳласак, бу объектив, аниқ ғояли масихийликнинг асосини ташкил қиладиган эътиқодни қабул қилишни ва уни ҳаётимизнинг ҳар бир кунига олиб киришни биз ўрганишимиз керак. *Фақат шундай қилибгина биз ҳузур-ҳаловатда ўса оламиз.* Бундан 2000 йил илгари буларнинг ҳаммасини таъкидлаган Исо ҳозирда улуғланган ва Отанинг ўн қўли томонида юксакда ўтирибди. У — ҳануз бизда ва биз орқали Муқаддас Рух сифатида яшаётган Ўша барҳаёт Масихдир.

Исо Масих Ўзининг ердаги хизмати вақтида У ҳақда гувоҳлик берувчи оятларга, *жонли* Каломга, *ёзилган* Каломга одамлар мурожаат қилишларини тўхтовсиз таъкидлаган. Фарзийларни танқид қилар экан, у шундай дейди: “Агар Мусога ишонганингизда эди, Менга ҳам ишонар эдингизлар; у Мен ҳақимда ёзган

эди” (Юҳанно 5:46). Исо қайта тирилгандан кейин Ўзининг икки шогирдига ҳамроҳлик қилиб, Қуддусдан саккиз чақирим узоқликдаги Еммаус деган қишлоққа бораётган эди. Лекин уларнинг кўзлари Уни танимоққа ожиз ва руҳан тушкун эканликларини кўрган Исо, буларнинг ҳаммаси шогирдларининг ишончи сустлигидан келиб чиқаётганлигини айтди:

Исо уларга: — Эй фаросатсизлар! Барча пайгамбар сўзларига ишончи суст одамлар! Масих Ўз улугворлигига эришмоқ учун шу азобларни бошдан кечирмоғи керакмасмиди? — деди. Шундай қилиб, Исо Мусо пайгамбардан тортиб, барча пайгамбарлар китобларида Ўзи ҳақида ёзилган оятларнинг ҳаммасини уларга тушунтира бошлади (Лука 24:25–27).

Исо шогирдларига қайта тирилган ҳолда намоён бўлгандан сўнг, уларга деди:

“Мен ҳали сизлар билан бирга бўлганимда, Мен ҳақимда Мусо Қонунида, Пайгамбарлар ва Забур китобларида ҳамма ёзилганлар бажо келиши керак, деб айтган эдим-ку. Мана шу бўлиб ўтганларга тўғри келади”. Кейин оятларни англамоқ учун шогирдларининг зеҳнини очиб юборди (Лука 24:44, 45).

Масих уларнинг зеҳнларини чархлаш ва уларга Ёзувлар худди тарих сингари “Унинг ҳаёти ҳақидаги ҳикоялар” эканлигини кўрсатиши керак эди. Бугун эса У бизнинг ақлларимизни очиши керак. Ва фақат шундан кейингина биз Худо Каломининг маъносини тўғри тушуна оламиз. Коринфликларга биринчи мактубининг 2:14-ояти бизга шундай дейди: “Инсон ўзининг туғма

ҳис-туйғулари билан Худо Рухи ўргатган нарсаларни қабул қила олмайди. У буларни тушунмагани учун тентаклик ҳисоблайди. Зеро илоҳий ҳақиқатни Илоҳий Рух ёрдамида муҳокама қилиш *лозим*”. Масиҳ ва Унинг Сўзи ҳақидаги ҳақиқий билим инсоннинг онги, интеллектуал қобилиятлари ёки оддий ўрганиш туфайли келмайди. Худо шундай дейди: “Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган, инсон ақли бовар қилмаган нарсаларни Худо Ўзини севганларга муҳайё қилган” (1 Коринфликларга 2:9). Масиҳ ҳақидаги ҳақиқий билимларни биз ўзимиз учун қандай қилиб оча оламиз? “Бизларга эса Худо бунини Ўзи Рухи орқали ошкор қилди” (1 Коринфликларга 2:10). Мана нима учун Павлуснинг мактубларида қуйидагиларга ўхшаш парчалар учрайди:

*Мен Раббимиз Исога бўлган эътиқодингиз ва бутун Худо азизларига бўлган муҳаббатингиз ҳақида эшитганимдан буён, доим сизларни ибодатларимда эслайман, тинмай **Худоба** шукроналар айтаман. Раббимиз Исо Масиҳнинг Худоси, улуғвор Падар, Ўзини таниб-билишингиз учун сизга ҳикмату ваҳий руҳини ато этсин. Унинг Ўзи сизларнинг кўнгли кўзларингизни ёруғ қилсин, токи У сизларни нақадар улуғ бир умидга чорлаганини билиб олинглар, Ўз азизларини қанчалик бой ва улуғвор бир меросга сазовор қилганини қадрланглар. Биз, имонлиларга таъсир ўтказаятган Худонинг ҳадсиз-поёнсиз куч-қудрати буюклигини ҳам билиб олинглар (Эфесликларга 1:15–19).*

Эътибор қилинг-а, донишмандлик ва ваҳийлик — ҳаёт давомида қўлга киритилган хусусиятлар эмас, балки Худонинг инъомларидир. Худо бу инъомларни кимга беради? “Худо мағрурларга қарши, аммо камтарларга *иноятлидир*” (Ёқубнинг 4:6). *Масиҳнинг* —

Раббийнинг ким эканлиги ва *биз* — Худо бандалари ким эканлигимизни англаш ҳар қандай ақлли, фикрловчи шахсдан итоаткорликни талаб қилади. Нима бўлганда ҳам, бизнинг Масихга итоаткорлигимиз қандайдир маънода мантиққа зиддир. Бир томондан, ёзилган Калом ҳақиқатнинг холис мезони сифатида бизга зарур; аммо бошқа томондан, биз қоғоздаги сиёҳ ҳарфларни оддийгина билишдан юқори бўлган руҳий тушунчага бизнинг ақлимизни очиш учун Муқаддас Рухга итоаткорликда яшашимиз керак. Худо ҳақиқатни Ўз ёзилган Каломига *қарши* очмайди, лекин У шунингдек, Унинг бандалари ёзилган Каломнинг билимдонлари бўлишларини хоҳламайди. Чунки уларнинг мақсадлари Ўзи барҳаёт Калом бўлган Масих Шахсини англашдан иборат эмас эди!

Агар биз биринчисида хатога йўл қўйсак, яъни руҳий билимни Ёзувларнинг холис ҳақиқатидан четда қидирсак, биз ҳимоясиз бўламиз ва барча турдаги ҳақиқатдан йироқ бемаъниликларга, хатоларга йўл қўйишга мойил бўлиб қоламиз. Биз “турли таълимотларнинг шамоли билан учиб, тебраниб юрадиган, қув одамларнинг ҳийласи ва тарқатаётган сохта таълимотларининг қурбони бўлиб, йўлдан озиб кетадиган” (Эфесликларга 4:14) бўлиб қоламиз. Ҳафтасига бир неча марта менга “Инсон–инсонга” радио дастурига шундай тоифадаги тингловчилар қўнғироқ қилишади. Мезон ёки ҳақиқат критерийси йўқ одамларни қанчалар хатоликлар кутаётганлигини кўриб ҳайрон қоласан!

Бир куни кечки пайт телефон орқали Лэрри қўнғироқ қилди. У ўзининг шахсий муаммоларига жавоб қидирай эди. Суҳбатимизнинг бошида у масихий эканлигини айтди. Аммо суҳбат давомида у Худо Каломини яхши тушунмаслиги аён бўлди. Мен унинг халос бўлиши ҳақида ундан тўғридан-тўғри сўрашга қарор қилдим. “Лэрри, — дедим мен, — келинг ўтмишга қайта-

миз. Сиз ўзингиз шахсан Исо Масихни ўз Қутқарувчингиз сифатида қабул қилдингизми?”

“Умуман олганда, йўқ, — жавоб қилди Лэрри, — лекин бир куни мен Унинг юзини ойда кўрдим!..”

Мен идорамда масиҳийлар қулоқ эшитмаган ғаройиб ҳодисаларни гапирганликларига гувоҳ бўлганман. Табиийки, ҳар қандай масиҳий гуноҳга ботиши мумкин. Ўз-ўзидан бунинг қандайдир уятли жойи йўқ. Аммо масиҳий бемалол жойида ўтирганича: “Худо менга бошқа аёл учун хотинингдан воз кечгин!” — деб айтди, деган гапларни эшитганимда, ўзимни йўқотиб қўяман, нима дейишимни билмай қоламан. Ахир, одамлар ўзларини шу даражада алдай оладиларми? Бемалол! Одамлар шахватни, ёлғонни, ўғирликни, ғийбатни ва пасткашликни оқлаганларини эшитганман... Яна бу қисқагина рўйхат, холос! Оқлардилар, аммо ҳеч қандай виждон азобини ҳис қилмас эдилар. Бу қандай қилиб содир бўлиши мумкин? Чунки улар тасаввурга эга эмаслар ёки атайлаб Худо Каломининг беғараз мезонларини эшитишни хоҳламайдилар. Мен шунга ўхшаган воқеалардан жуда кўпини айтиб беришим мумкин. Уларнинг баъзилари радио дастурга телефон қилган аёлнинг ҳикоясидан ҳам кулгилироқдир. Ўша аёлнинг айтишича, унинг “юқоридан қайта туғилиши” у ўз ошхонасида ўтириб, “шифт остида йиғилган ва сузиб юрган булутларни” кўрган куни содир бўлган экан. У бу воқеани ўзининг маънавий кечинмалари деб таъкидлар эди. Бошқа ҳикоялар жуда қайғули. Масалан, мен жамоатда тарбияланган, боласи оккультизмга берилиб кетганлигидан қайғуга ботган жуда кўп оилаларни кузатганман. Бизга туйғуларимизни ва фикрларимизни, бу ҳаётимизда ҳар куни дуч келадиган фалсафалар ва ҳавасларимизни баҳолай олишга қодир қиладиган холис ва ўзгармас ҳақиқат ниҳоятда зарур.

Ҳақиқий Масиҳга хизмат қилиш учун биз *Муқаддас Китоб* Масиҳга хизмат қилишимиз керак! Ҳар қандай ўзга Масиҳ бизни қутқара олмайди, ҳақиқий Масиҳ ҳаётининг янгилигига киришга қодир қила олмайди, булар инсон тасаввурининг мевасидир. Муқаддас Китобдан бўлмаган “ишониш” — бу бутпарастликдир. Шу аснода одамнинг ўзи яратган худога сиғиниш орқали кўхна истак қондирилади. Фақат Ёзув орқали биз Худо ҳақидаги тўла ва ишончли ҳақиқатни, инсон, қутулиш ва ҳаёт тўғрисида билиб олишимиз мумкин.

Бошқа қарама-қарши томонга ўтиб қолиш ҳам унчалик қийин эмас. Саҳифаларда нашр қилинган одатдаги сўзлар, таълимотларни билиш ёки тизимли илоҳиёт назарияси тирик Худо билан учрашиш истагида бонг ураётган юракларимиздаги “Худо бўшлиғини” тўлдиролмайдилар. Ҳали ҳам самимий, содиқ бўлган масиҳийлар фарзийларнинг хатоларини такрорлайдиган ҳолатлар учраб туради. Уларга Исо шундай дейди:

Сизлар Муқаддас Битикларни текширасизлар, чунки улар орқали абадий ҳаётга эришамиз, деб ўйлайсизлар. Ана ўша Битиклар Мен тўғримида гувоҳлик беради. Аммо сизлар абадий ҳаётга эришиш учун Мен тарафга келишни истамайсизлар-ку (Юҳанно 5:39, 40).

Жон Америкадаги энг яхши семинариянинг профессори, юнон тили ва Янги Аҳд ўқитувчиси эди. У раҳмдил ва юмшоқ кўнгилли бўлиб, факультет талабалари ва ҳамкасблари уни жуда яхши кўришарди. Аммо унинг қалби ташқи хулқига умуман мос эмас эди. У тушкунликда бўлиб, жуда заифлашган ва борган сайин умидсизлик ботқоғига ботиб борарди. Аммо бир куни у “Инсон–инсонга” дастурида менинг барҳаёт Масиҳ ҳақидаги сўзларимни эшитиб қолибди. Худди

ўша кунларда яна у айнан шу мавзуда дарс берадиган бошқа бир ўқитувчини учратибди. Ниҳоят, у ўзи ахтарган тинчлик ва қувончни топди.

“Ёшлигимда мен доимо Худога хизмат қилишни хоҳлардим, — изоҳ берди Жон. — Семинария менга масиҳийлик ишида ўзим эриша оладиган энг олий поғона бўлиб туюларди. Грек тилини ўқитишни эса энг керакли иш деб билардим. Аммо, албатта, шу мактабда ишлаб мен ҳақиқатни тушундим: олий даражада мен Исо Масиҳнинг Ўзига муҳтож эдим, *грек тилида эса Исони топиб бўлмайди!* Мен худди ҳаворий Павлус сингари: “чинакам, Раббим Исо Масиҳни билишнинг афзаллиги олдида” (Филиппиликларга 3:8) мен ҳамма нарсадан — ҳаттоки ўз маълумотим ва билимларимдан воз кечишга тайёр эдим. Мен Ёзувни билардим, бироқ Ёзувлардаги тирик Масиҳни мен йўқотардим. Уни фақат итоаткор, болаларча самимий эътиқод орқали билиш мумкин”.

Бу қандай юз берди? Шундай машҳур, меҳнаткаш олим илоҳиётни ўрганса, Муқаддас Китобни асл ўзи ёзилган тили мутахассиси бўлса-ю, Исони топа олмаса? Муқаддас Китоб шундай дейди: “*Худо мағрурларга қарши, аммо камтарларга иноятлидир*” (Ёқубнинг 4:6). Худонинг бутун ҳақиқати ҳузур-ҳаловатдаги ўз муҳтожликларини тан оладиган, мустақил масиҳийча яшай олмасликлари ҳақидаги ҳақиқатни ўзлари тушуна олмасликларини била оладиган итоаткор одамларга қаратилган. Мағрурлар ҳузур-ҳаловат ололмайдилар, чунки улар ҳузур-ҳаловатни олишни *истамайдилар*. Чунки улар ўзларида ҳамма нарса етишишига ишонадилар, ўз қобилиятларини севадилар. Демак, улар сўзларни ўргана оладилар, Ёзув ҳақида фикрлай оладилар. Аммо Масиҳга эга эга бўла олмайдилар. Юқори даражали ақл-заковатга ва совуқ юракка эга бўлиш ҳеч қийин эмас.

Менинг кузатишларимга қараганда, Худо одамларининг юракларини васвасага солувчи, ақл мағрурлигидан кучлироқ одамлар камдан-кам учрайди. Павлус шундай деб огоҳлантирган: “Билим кишини шишинтиради” (1 Коринфликларга 8:1). Аммо Жонга ўхшаган кимдир Масих шахсига жавоб берган пайтда, Худо ажойиб тарзда Масих танасининг тузилиши учун олимлик, билим ва тажрибанинг бутун юкидан фойдаланади. Бугунги кунда Жон — бебаҳо ва фаолият юритувчи ўқитувчи ва маслаҳатчидир. Шубҳасиз, таълим олиш ажойиб нарсa, лекин билим олишда биз Коринфликларга биринчи мактубнинг 13:2—оятини эсдан чиқармаслигимиз керак: “Агар башоратгўй бўлсам, агар бутун сирлардан воқиф бўлиб, ҳар қандай илмни билсам, агар тоғларни кўчирадиган имонга эга бўлсам-у, лекин севгим бўлмаса, мен ҳеч нарсa эмасман”.

Ҳузур-ҳаловатда ўсиш учун бизга бу қоидаларнинг иккаласи ҳам керак: Ёзувга, худди бизнинг ҳаётимиз учун ҳақиқатнинг Худо ваҳийлиги каби, содиқлик ва бизга Ёзувдаги Худони англашга имкон берувчи Муқаддас Рухга итоаткорлигимизни камтарона тан олиш. Бир куни, бундан йигирма йилларча олдин, мен Вилбер исмли ажойиб бир одамни учратдим. У ҳақидаги хотираларим мени доимо Худо Каломини айнан юқоридаги қоидалар билан ўргатишда давом қилишга ундайди.

Мен масиҳий бўлганимдан сўнг орадан бор-йўғи бир йил ўтиб, мен ҳали ўз мартабамнинг илк поғоналаридан чиқиб бораётган пайтларим эди. Мен ўша пайтда Нью-Йоркдаги ташкилотчилик учрашувида иштирок этардим. Аэропортга бориш учун мен лимузинда узоқ йўл босишим керак эди. Оғир ишчанлик ва совуқ муҳитда ўтган суҳбат пайтида мен анча кескин ҳолатда ўтирдим. Бундай суҳбатдан сўнг дабдабали лимузиннинг орқа ўриндиғида “катта амалдорга” ўхшаб ўтириш ме-

ни сира ўзига жалб қилмасди. Мен ҳайдовчи Вилберга, сенинг ёнингдаги олд ўриндикда ўтиришни хоҳлайман, деб айтдим.

Қисқа суҳбатдан сўнг Вилбер менга ёқиб қолди, Мен унга Масиҳ ҳақида ҳикоя қилиб беришни хоҳладим. Мен Вилбердан Исо Масиҳ ҳақидаги Хушхабарни қачонлардир у эшитган ёки эшитмаганлигини сўрадим.

Вилбер ўриндикда ўтирган жойида нафасини ичига ютиб, ҳаяжон билан сўради:

— Сиз масиҳиймисиз?

— Ҳа, — деб жавоб қилдим мен, — сиз-чи?

— Ҳа, жаноб, — деди. — Масиҳий билан бир машинада юриш қандай яхши. Мен Исони биладиган одамларни жуда кам учратганман.

Бир соатлик бу йўлнинг қолган қисми ҳузур-ҳаловатда ўтди. Юзаки, ишчан ҳолатда ўтган тўс-тўполондан сўнг Вилбер мен учун бир зумлик тоза ҳаводай эди. Биз у билан қандай қилиб Масиҳга келганлигимиз ҳақида, умуман ҳаёт ҳақида нималарни билганлигимиз ҳақида суҳбатлашдик. Яна Масиҳ ҳақидаги билимимиз бизнинг оилавий ҳаётимизни қандай ўзгартирганлиги ҳақида ҳам бир-биримиз билан ўртоқлашдик. У билан гаплашганим сайин, мен Вилбернинг жуда ақлли одам эканлигига ишонч ҳосил қила бордим. Масиҳ билан яқин ўзаро муносабатлардан ҳузур-ҳаловат олган йилларим давомида Худо донишмандлиги менинг бутун вужудимга сингиб кетган эди. Менинг Вилберга бўлган ҳурматим дақиқа сайин ошиб борарди.

Кейин суҳбат кутилмаган вазиятга ўзгарди. Мен ўзимда бўлган Муқаддас Китобни ўрганишим ҳақида гапираётганимда, Вилбер, менда Муқаддас Китоб йўқ, деб айтиб қолди.

— Сизда Муқаддас Китоб йўқми? — сўрадим мен ундан ҳайрон бўлиб. — Мен уни сизга совға қилишни

хоҳлардим, Вилбер. Менга ўз манзилгоҳингизни айтинг. Мен идорамга келган заҳотиёқ сизга Муқаддас Китобни юбораман.

Вилбер ўзини йўқотиб қўйди, ташвишли оҳангда нималардир деб ғулдиради. Кейин у шундай дейди:

— Жаноб Жорж, сиз жуда меҳрибон экансиз. Аммо сиз бекорга вақтингиз ва пулингизни сарфлайсиз. Мен ўқишни билмайман.

...Мен лол бўлиб қолдим. Менинг ёнимда Муқаддас Китоб ҳақиқатини ҳали мен учратган одамлар ичида ҳеч ким унчалик тушунмайдиган одам ўтирарди. У эса ҳатто, Муқаддас Китобни ўқишни билмайман, деб ҳам айтди.

— Унда сиз қандай қилиб шунча нарсаларни билиб олдингиз, Вилбер? — сўрадим мен.

Унинг юзида яна жилмайиш ифодаси пайдо бўлди.

— Эҳтимол, мен ўқишни билмасман, жаноб Жорж, лекин мен *ҳақиқий эзгуликни эшитаман!* Мен Исони яхши кўраман ва жамоатда ёки радиодан У ҳақда кўпроқ билиб олиш имкони пайдо бўлган заҳотиёқ, мен диққат билан қулоқ соламан. У менга йўл кўрсатишини сўраб Худога илтижо қиламан. У ҳар доим менга ёрдам беради.

Мен уйга қайтганимдан сўнг Вилберга фойдали бўла оладиган нарсалардан баъзиларини унга юбордим, жумладан, магнитофон тасмаларига ёзилган Янги Аҳдни. Вилбер бундан ўзи учун фойдаланганлигига мен шубҳаланмайман. Ўқий олмаслигига қарамасдан, ҳузур-ҳаловатда ўсиш учун унинг жуда муҳим фазилати бор эди: унинг Худони севувчи юраги, итоаткор этиқоди бор эди, у руҳ томонидан ўргатиларди. Аммо энг муҳими шу эдики, у ҳеч қачон *ўзининг биринчи севгиси* — бу *Шахс* эканлигини эсдан чиқармасди. Бу тошлардан Раббий Исо Масих ҳеч қандай аралашмаларсиз ҳақиқий ҳаётни қуриши мумкин. Ана шундай ҳу-

сусиятларга эга одамга керак нарсa — бу ё ўқиш орқали, ёки эшитиш орқали Худога яқинлашишдир.

Ўша пайтдан бери менинг ҳаётимда доимо Вилбернинг мисоли гавдаланаверади. Унинг ўқишга ташналиги Худо менга ҳадя қилган ўқий олишнинг афзаллигини эслатиб туради. Аммо айна пайтда Вилбер ҳеч қандай маълумотга эга эмас. Қўлга киритган донишмандлигим менинг эсимга ўз билимимдан завқланиш керак эмаслигини туширди. Агар мен Муқаддас Китобга фақат билим учун мурожаат қилсам, унда фақат билимдан бошқа нарсa ололмаслигимни тушундим. Мана руҳий ташналик йўлидан озиб кетишнинг асосий усули. Аммо, агар менинг истагим Масихнинг Ўзини англаш бўлса, У менга ўзини намоён қилади. Айна пайтда мен муҳтож бўлган барча билимларни беради. Мана ўсиш йўли!

Менинг қавмбоши дўстим, “Масих сизда” деган фикр мен учун ғайриоддий эшитилади, деб таъкидлайди. Ҳақиқатда эса сиздаги Масихда ҳеч қандай ғайриоддийлик йўқдир. Бу — Худо Каломида аниқ баён қилинган далилдир:

*Бироқ энди мен Худо учун яшай деб, Қонун олдида ўлганман, ҳа, Қонун ўзи мени ўлдирди. Мен Масих билан бирга хочга михлаб қўйилганман. Энди яшаётган мен эмас, балки **Масих менинг ичимда яшаяпти**. Энди танада яшаётганимга келсак, мени севган ва мен учун Ўзини фидо қилган Худонинг Ўзига бўлган имон билан яшаяпман (Галатияликларга 2:19, 20).*

Лекин Ёзув нафақат “улуғвор умидимизнинг мағзи — сизнинг ичингиздаги Масих” (Колосаликларга 1:27) деган ҳақиқатни эълон қилади, балки шунингдек, “*бизда Масихнинг фикри бор*” (1 Коринфликларга

2:16) ҳам дейди. Мана шу “Масих фикри” қаерда? У ер юзида яшайдиган ва янгидан туғилган ҳар бир масихийдадир. Демак, Масихнинг сизда борлиги — ҳақиқат, ҳар қандай масихий ҳис қиладиган холис фикрдир. Бу — ҳақиқат, чунки биз имонлилар сифатида, кучнинг, донишмандликнинг ва билимнинг янги манбаига эгамиз. Шунингдек, Масих Шахсиятидаги ҳаёт ва солиҳлик учун бизга керак бўладиган барча нарсаларга ҳам эгамиз. Мен Вилберда ана шуни кўрдим. Ташқаридан у донишмандликка, раҳмдилликка ва бамаъниликка тўла одам бўлиб кўринади. Лекин бу хусусиятларнинг ҳақиқий манбаи — барҳаёт, унда яшайдиган, унинг шон-шуҳратига ишонч бўлган Масихдир. Мана шулар ҳузур-ҳаловатда ўсишнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади.

Янги шахс

Мен Ж. Е. ни биринчи марта учратганимда, у жуда сержаҳл одам эди. У кўп йиллар давомида шундайлигича қолди. Ўша куни кечқурун мен ўтказган Муқаддас Китоб дарси унинг миясида жуда кўп саволлар туғдирди. Кейинчалик у шу саволларни батафсилроқ муҳокама қилиш учун менинг ёнимга келди.

— Мен тўққиз ёш бўлганимда, Исодан Қутқарувчим бўлишини сўрадим, — гап бошлади у. — Бироқ бугун сиз айтган гапларни шу пайтгача эшитган эмасман. Ҳеч ким менга, Худо сени қабул қилди, энди сенда яшайди, деб айтмаган.

— Ким сизнинг устозингиз бўлган? — сўрадим мен.

— Мен катта бўлган жойда, — изоҳ беришни бошлади Ж. Е. — бизга доимо Масихнинг мукамаллиги ҳақида ва биз У яшагандай яшашга ўрганишимиз кераклиги ҳақида, агар биз аксинча яшасак, Худо бизни жазолаши ҳақида гапиришарди. Мен ҳеч қачон бундай ҳаёт тарзига кира олмаслигимни тушуниб етишим учун менга кўп вақт керак бўлмади. Эътибор қилинг — мен ўшанда ҳали ўсмир бола эдим. Ва мен бу учун куч сарфлашни бас қилдим. Мен ўша пайтда айбдорлик туйғуси билан яшаганимни, Худодан ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ қочганимни тушунаман. Шу йиллар давомида мен вақти-вақти билан жамоатга бориб турдим, аммо менинг қалбимда айбдорлик туйғуси борган сайин оша борди. Мен жуда кўп ўқитувчиларнинг дарсларини тингладим. Бу дарслар мени шунчалар

ваҳимага солдики, энди мен ўз йўлимдан адашганимни англаб жуда қўрқа бошладим. Чунки Худо мени ҳамма жойдан топа оларди. Бугунги дарс менга озгина бўлса-да, ишонч бера олган биринчи Муқаддас Китоб дарси бўлди.

Ўша пайтда Ж. Е. 54 ёшда эди. Бу шуни англатадики, ҳаттоки ёшлик йилларида Масихга бўлган эътиқоди орқали юқоридан туғилишига қарамасдан, у *Худодан қочишга 35 йил умрини сарфлаган*. Қутқарилганнинг ҳолатига Ж. Е. каби ана шундай муносабатда яшаб ҳузур-ҳаловатда ўсиш мумкин эмаслигини гапиришнинг ҳам ҳожати йўқ! Қанчалар фожеали бўлмасин, у бошдан кечирган воқеа ягона эмас. Биз улар ҳақида сўзлаган ва Хушхабар мактубига самимий жавоб қилган минглаб одамлар буни ҳаётга татбиқ қилиш учун кўп йилларни сарфладилар, аммо бефойда. Аслида, менинг фикримча, ўртача масиҳий томонидан Масихда қабул қилинишни ва ўз шахсини заиф деб тушуниши бизнинг атрофимиздаги юзаки масиҳийликнинг асосий сабабидир. Имонлининг Масихда ўзига хослигини англаш — масиҳийлик ҳаётининг мажбурий пойдеворидир. *Агар Худо сизни қабул қилганлигига ишонмасангиз, ҳузур-ҳаловатда ўсиш мумкин эмас*. Яхшиямки, Ж. Е. ҳаётда ўзим гувоҳи бўлган жиддий бурилишнинг энг ажойиб намуналаридан бири бўлди. Ўша биринчи кечада у ҳамма нарсани тушунгани йўқ. Аммо у, шубҳасиз, унинг кўзлари очилди ва илгаригидан ҳам самимийроқ бўлди. Унинг ҳаётида биринчи марта “Хушхабар” деб эшитгани Ж. Е. учун ҳақиқатдан ҳам “эзгу хабар” бўлиб эшитилди. Унинг умидлари тикланди. Бунинг калити эса Худонинг беғараз севгисини тан олганини аён қилди, унинг Масихдаги ўзига хослигига хизмат қилди.

“Ж. Е., мени сизнинг қочишга уринганингиз ҳайрон қолдирмайди, — дедим мен. — Энг аввало, масиҳийлик ҳаёти Худонинг беғуноҳлигига ўхшатишга уринишда

эмасдир. Сиз ўзингиз тушунганингиз — тўғри: сиз бундай яшай *олмайсиз*. Бу фақат *Масихнинг* қўлидан келади! Масих сизни осмонга олиб кетиши учун сиз Унга ишонишингиз керак бўлади, деб айтишган. Бу жуда яхши. Лекин бу ҳаммаси эмас! Исо Масих одамларни дўзахдан қутқариш ва осмонга олиб кетиш учун келмаган. Унинг *Ўзи* Осмондан тушиш ва инсонийликка қайтиш учун келган! Масих хочдаги ўлими туфайли барча гуноҳларингизни Ўзига олди, кейин эса сизни руҳий ҳаётга қайта тирилтирди. Энди эса сизнинг вазифангиз ҳаворий Павлусникидай бўлади: ўзингизни Масих билан хочга тортилганман деб ҳисоблаш ва сизни Севгувчи, Ўзини сиз учун қурбон қилган Худо Ўғлига ишонч билан яшашдир.

— Иккинчидан, — давом қилдим мен, — шу йиллар давомида сиз Худодан қочишга уриниб чеккан барча кечинмаларингиз, агар сиз ҳақиқатдан ҳам У сизни севишига ва қабул қилишига ишонмасангиз, дунёдаги энг қонуний нарсадир. Агар сиз Худога яқинлашишдан қўрқсангиз, ҳеч қачон Уни билиш ва севиш шарафига муяссар бўла олмайсиз. Мен уни Худо олдидаги қўрқувдан 35 йил давомида сақлаган, қўрқувдан халос қилишга ёрдам берган Муқаддас Китоб ҳақиқатларини у билан муҳокама қилишни давом эттирдим.

Ўзига хослик муаммоси муқаррардир, у ҳаётимизнинг маркази бўлиб хизмат қилади. “Мен кимман? Қаердан келдим? Қаерга бораман?” — каби саволларни биз доимо ўзимизга берамиз. Ўз шахсимизни англашга интилиш билан бизнинг беғараз севги ва ҳурматга, ҳаётнинг мазмуни ва мақсадига бўлган эҳтиёжимиз чамбарчас боғлиқдир. Ҳар бир инсон зоти бутун ҳаёти давомида ана шу муаммолар ва эҳтиёжлар билан курашади. Бу асосий руҳий эҳтиёжлар, *биз тўғри деб қабул қилган асосий руҳий жавоблардир, улар ҳаётимизнинг йўналишини белгилаб беради.*

“Шахсият” кўпинча “ўзига ўзи баҳо бериш” байроғи остида бўлади. Аммо ҳаворийлар бизнинг Масихдаги ўзига хослигимизни шундай тушунтиришадики, дарҳол уларнинг ҳозирда ҳукмронлик қилиб келаётган дунё фалсафалари ғояларига қарши эканлиги аён бўлиб қолади. Бизнинг замонимизда руҳшунослик таъсири остида одамлар ўзларига паст баҳо беришади, ҳолбуки одам ўзига “юқори баҳо” бериши керак, “ўзини ўзи кўпроқ севиши керак” деган нуқтаи назар ҳукм суради. Бошқа томондан, Павлус шундай дейди: “Менга берилган иноятдан фойдаланиб, сизларнинг ҳар бирингизга шуни айтяпман: ҳаддингиздан ошиб, *ўзингизга* бино қўйманглар. Лекин Худо ҳар бир кишига қанча имон берган бўлса, шунга кўра фикр қилиб, ақли расо одамлар бўлинглар” (Рим. 12:3).

Худо Каломига биноан, инсон муаммоси “ўзига паст баҳо беришда” эмас. Инсоннинг ҳақиқий муаммоси — бу унинг чексиз ва худбинларча ғуруридир! Айнан мағрурлик шайтонни — бошида қудратли ва ажойиб фариштани — самодан улоқтириб юборди. Ғурур Одам Атони ҳаётда инсон зотини гуноҳга ботириб, ўз йўлини ўзи танлашига сабаб бўлди. Ҳозир бизнинг қалбимизда мавжуд бўлган шу ғурур сабабли биз — ҳақир одамлар кўкрагимизни керамиз, Худога орқа ўгирамиз ва “Мен барибир ўзим хоҳлаганимдай қиламан!” деймиз. Мана нима сабабдан Худо одамларга Ўз қонунини берди: уларда фақат ҳузур-ҳаловат орқали беғараз қутулиш ҳадясини олиш истагини уйғотиш учун одамларнинг ғурурли такаббурликларини жилловлаш мақсадида берди!

Демак, Масихга келиб, биз “ўзимизга ўзимиз юқори баҳо беришга” муҳтож бўлмаймиз. *Биз ҳақиқатга асосланган, ўзимизни ўзимиз адекват баҳолашимиз керак бўлади.* Бизнинг нафақат Худо билан, балки атрофимиздаги одамлар билан ҳам ўзаро муносабат-

ларимизни асл маънода акс эттирадиган баҳо бизга зарур. Бу ерда биз ажойиб ҳақиқатни кўрамиз: бизни “ҳаддимиздан ошиб, ўзимизга бино қўймаслигимизга, ҳар биримизга Худо қанча имон берган бўлса, шунга кўра фикр қилишга” огоҳлантирилганмиз. Худо муруввати ила бизга берилган ўзига хослик, — биз қачонлардир тасаввур қилганимиздан ҳам гўзалроқ ва шунчалар буюкки, унга эришиш учун бизга Муқаддас Рухнинг ёритувчи кучи керак бўлади! Қисқача қилиб айтганда, менинг ўзига хослигим қуйидагича: мен — Худо фарзандиман, У мени мутлақо севади, шунинг учун У мени батамом қабул қилган! Бунинг *айтиши* осон, аммо бу гапда биз бутун ҳаётимиз давомида устида ишлашимиз ва тушунишга ҳаракат қилишимиз керак бўлган натижа мужассамдир.

Худди Худо Каломи бизга ўргатганидай, ўз шахсимизни очиб ва унда бўлибгина, бизга доимо бу дунё тизими ўтказишга уринаётган сохта ўзига хосликдан ҳалос бўлишимиз мумкин. Дунё тўхтовсиз равишда бизнинг ташқи кўринишимизга, қобилиятларимизга, оиламизга ёки бошқалар томонидан эътироф қилинишимизга — ҳамма-ҳамма нарсага, фақат Худо гапирган нарсага эмас — асосланадиган ўзига хосликни қабул қилишга ундайди. Бизнинг душманимиз шайтон, агар у бизни ўзига ўзи баҳо бериш масаласида ана шу вазиятлардан биронтасига тобе қила олса, унда бизни осонгина бошқара олишини тушунади. Нега? Қуйидаги тамойил асосида: *одам ўз шахсиятини, ҳаётининг мазмуни ва мақсадларини аниқлашда таяннадиган ҳамма нарса уни бошқаради*. Бошқарув тобелик орқали амалга ошади. Бошқача қилиб айтганда, агар менинг ўзимга баҳо беришим сизнинг мен ҳақимда нима деб ўйлашингизга боғлиқ бўлса, унда сиз мени бошқара оласиз. Агар ҳаёт мазмуни ва мақсадларида мен ўз ишимга суянсам, ундай ҳолда мени ишларим

бошқаради. *Биз фақат Худо Каломи бизнинг Худо олдида тўла қабул қилинишимиз ҳақида ўргатганларини уқиб олган бўлсак ва уларда бўлган вақтимиздагина озод бўлишимиз мумкин.* Фақат шундан сўнггина биз масиҳийлик ҳаётининг ҳақиқий маркази — *Масиҳни англашга* эътиборимизни қаратишимиз мумкин. Биз фақат Худо Каломи бизни ўргатган нарсаларни билиб олиб ва уларда бўлибгина — бизнинг Худо олдида тўла қабул қилинишимизда — биз бошқа одамларни улар қандай бўлсалар, шундайликларича *севишда ва қабул қилишда* давом эттира оламиз. Бизнинг Худо билан ўзаро муносабатларимиз тўғридан тўғри бизнинг инсонлар билан ўзаро муносабатларимизга ўтади. Пировардида, тасаввуримизда Худо биз билан қандай муносабатда бўлса, биз бошқа одамлар билан худди ана шундай муносабатда бўламиз.

Энди Худо Сўзи биз билган ўша ўзига хослик ҳақида нима деганини диққат билан кўриб чиқамиз. Бутун Янги Аҳдда бизнинг ўзига хослигимизни тавсифлаш учун қўлланилган алоҳида фикр учрайди — “*Масиҳда*”. Аслида бу гапни ёки унинг маънодошини (“Унда” ёки “Ўшанда”) фақат Павлуснинг Эфесликларга мактубининг ўзидагина 30 мартага яқин учратиш мумкин! Худо “Масиҳда”ги ҳақиқатни бизга қутулиш — яхшиланиш ёки янгиланиш бўйича режадан кўра юксакроқ нарса эканлигини айтиш учун қўллайди. Ёзув шундай дейди: “*Бинобарин, ким Масиҳга тегишли бўлса, у янги ижоддир.* Қадимги ҳолат ўтиб кетди, энди ҳаммаси янги бўлади” (2 Коринфликларга 5:17). Шунинг эсдан чиқармаслик жуда муҳим: биз хулқимиз ўзгарганлиги учун (“Мен олдин ичардим, чекардим, сақич чайнардим, энди эса бундай қилмайман”) Масиҳда янги ижод маҳсулига айланмадик. *БИЗ — Масиҳда ва Масиҳ бизда бўлганлиги сабабли, биз Масиҳдаги янги ижод бўлдик!* Аммо йигир-

манчи аср охирида бундай “кимдадир” бўлиш ғояси ғалати ва ноаниқ бўлиб туюлади. Бундан бир неча йил илгари эшитган ҳикоям менга “Масихда” бўлиш ҳақиқатининг маъносини англаб олишимга ёрдам берувчи ажойиб кўргазма бўлиб хизмат қилади. Бундан бир неча йил илгари эшитган ҳикоям менга “Масихда” бўлиш ҳақиқатининг маъносини англаб олишимга ёрдам берувчи ажойиб кўргазма бўлиб хизмат қилади.

Иккита бола биргаликда ўсишади. Болаликда улар содиқ дўст бўлишган. Аммо ўсмир ёшига етганларида, уларнинг йўллари айри туша бошлади. Охир оқибатда улар мутлақо бошқа-бошқа жойларда бўлиб қолишди.

Эрнининг боши доимо кулфатлардан чиқмас эди. Аввал у магазинлардан майда-чуйда ўғирликлар қилишдан бошлади ва охири автомашиналарни ўғирлаб кетишгача бориб етди. Кейин у қуролланган талончилик билан шуғулланди. Охир оқибатда ўзининг навбатдаги “ишида” у одам ўлдирди. Эрнини қамашди. Суд уни айбдор деб топди ва ўлим жазосига ҳукм қилди.

Майк эса бошқа йўлни танлади. У дўстининг қайсарлигини қўллаб-қувватламади, мактабга боришни давом эттирди. Мактабни яхши баҳоларга тугатди ва омади юришган тадбиркорга айланди. Аммо Майкни жисмоний соғлиқ билан боғлиқ муаммолар таъқиб қиларди. Хусусан, унинг кўриш қобилияти жуда заиф эди. Унинг ёшига ёш қўшилган сайин, кўриш қобилияти тобора ёмонлашаверди. Пировардида, у кўр бўлиб қолди.

Кунларнинг бирида Майк Эрни ҳақидаги шум хабарни эшитиб қолди. У дўстига жуда ачинди ва болаликдаги дўстининг бошига тушган кулфатлардан афсусланди. Шундан сўнг у Эрнини қидириб топди. Эски муносабатларнинг тикланишига ёрдам берган бир нечта хатлардан сўнг, у Эрни ётган қамокқа борди. Уларнинг учрашувлари таъсирли ва ҳаяжонли эди.

Дўстлар ўзларини ажратиб турган ўқ ўтмас ойна орқали телефонда гаплашишди.

Узоқ йиллар Эрнининг юрагини тошга айлантирганига қарамасдан, у бундан бир неча йиллар илгари болалигида бирга ўйнаган дўсти билан суҳбатлашар экан, унинг қалбида нимадир эриб юмшагандай бўлди. Қалбида бир эзгу фикр шакллана бошлади. Эрни яқин орада қатл этилади, дўстининг эса кўзи ожиз. У ўз ўлими билан кимгадир фойда келтира оладими? Майк кўра олиши учун Эрни дўстига ўз кўзини инъом эта оладими?

Тиббиёт нуқтаи назаридан бу мумкин бўлиб чиқди ва шундай бўлди ҳам. Эрнига нисбатан чиқарилган ҳукм ижро этилди, аммо жарроҳлик ёрдамида унинг соғлом кўзлари дўсти бўлган Майкнинг кўриш қобилятини қайта тиклади.

Бу воқеа доимо мени ўйлантирарди: қотилнинг кўзлари қонунга риоя қилувчи мўмин-қобил одамга кўчирилган эди. Бу кўзларнинг ўзига хослигини нима белгилайди? Улар олдин қотилнинг кўзлари эди. *Энди-чи?* *Энди* улар қай бир шахсга тегишли? Кўзлар энди Майкники. Шундай ҳолатни кўз олдингизга келтиринг: Майкнинг бир дўсти унинг ёнига келиб деди: “Салом Майк, ишларинг қандай? Кўринишинг жуда яхши... фақат...” У Майкга яқинроқ келиб эгилади, унинг кўзларига разм солиб қарайди ва даҳшатга тушиб хитоб қилади: “Сенда *қотилнинг кўзлари*, тушуняпсанми?”

“Бекор гап!” — дейсиз сиз ва ҳақ бўлиб чиқасиз. Ана шу кўзлар билан қараган одамнинг характери ва хулқи ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Кўзлар Майкка тегишли. Улар ҳозир ўзлари яшаётган одамнинг ўзига хослигини ўзлаштирди.

Муқаддас Китоб, худди “қотилнинг кўзи” бошқа одамга кўчирилгани сингари, сиз ва мен Исо Масихга “кўчирилганмиз”, деб ўргатади! Римликларга мактуб 6:3, 4 шундай дейди:

Унутмангизки, биз Исо Масиҳни тан олиб сувда имон келтирганимизда, ҳаммамиз ҳам Унинг ўлимини тан олиб имон келтирдик. Биз сувга чўмилиб, Масиҳ билан бирга ўлдик ва кўмилдик. Шунингдек, Масиҳ Отасининг улугвор қудрати билан тирилганига ўхшаб, биз ҳам янги ҳаётда юришимиз лозим.

“Имон келтирган” — “чўмдирилган” ёки “тўла тенглаштирилган” деган маънони билдиради. Қутулишда Муқаддас Рух ўз ҳаракатлари орқали бизнинг шахсимизни Исо Масиҳ билан тўлиқ тенглаштиради. Бундай руҳий чўмдирилиш ўз эътиқодини Исо Масиҳга топширган ҳар бир одам билан юз беради. Шунинг учун Коринфликларга биринчи мактубда шундай дейилган: “Биз ким бўлишимиздан қатъий назар — яҳудийми, юнонми, кулми, эркинми — ҳаммамиз бир бадан бўлиш учун битта Рухга чўмганмиз ва ҳаммамиз ўша битта Рухдан ичганмиз”.

Қотилнинг кўзлари бошқа одамга кўчирилиб, янги-ча ўзига хосликка эга бўлгани каби, гуноҳкор айбдорлар ҳам Масиҳга кўчириладилар (имон келтирадилар) ва янги ўзига хосликни қўлга киритадилар. Энди сизнинг илгари ким бўлганингиз ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Худонинг фикрига келсак, унда “сиз кекса” ўлдингиз ва йўқ бўлдингиз. Павлус: “Унутмангизки, биз Исо Масиҳни тан олиб сувда имон келтирганимизда, ҳаммамиз ҳам Унинг ўлимини тан олиб имон келтирдик” (Римликларга 6:3) деб ёзганда, айнан шуни назарда тутган. “Мен Масиҳ билан бирга хочга михлаб кўйилганман”, — деб ёзади у Галатияликларга мактуб 2:20 да. Қандай қилиб у шундай дея олади? Чунки бизнинг эски “мен”ларимиз — илгари “Одам Ато” билан тенглаштирилган бўлса — бизнинг Масиҳга тенглаштирилишимиз орқали хочда тортилишимиз

керак эди. Менинг шахсим, яъни Боб Жорж, қачонлардир “Одам Атода” эди — руҳан ўлик, Худо ҳаётидан узоқлашган, гуноҳкор, айбдор, ҳукм қилинишга маҳкум эди. Ҳозир бу одам қаерда? Абадий йўқолди! Энди мен “Масихдаги” Боб Жорж — Худо фарзандиман!

Агар сиз Исо Масихга имон келтирган бўлсангиз, унда бу ҳам *сизнинг* ўзига хослигингиздир. Лекин буни англаш — бу фақат бошланишидир. Келинг, бизнинг Масихдаги ҳолатимизнинг баъзи бир *оқибатлари*ни синчиклаб кўриб чиқайлик.

Масихда биз тўла кечирилишга эгамиз. “Унинг Ўғли эса қонини тўкиб, бизнинг гуноҳларимизни ювди. Худонинг бу чексиз инояти туфайли биз барча айбу гуноҳларимиздан фориғ бўлдик” (Эфесликларга 1:7). Билл: “Биласизми, мен бундан кўп йиллар олдин Исодан менинг ҳаётимга киришини сўрадим, аммо ҳанузгача шу “тўла кечирим”га ишонч ҳосил қилганим йўқ. Менинг *барча* гуноҳларим кечирилганлигига қандай ишонч ҳосил қилишим мумкин?” деб сўраганидан анча илгари, бу ҳақиқат ҳақида гапирилган машғулотларда мен ўзим иштирок этганман.

Мен бир қўлимга ручкани, иккинчи қўлимга Муқаддас Китобни олдим.

— Бу ручка, — тушунтира бошладим мен, — кечиримни ифодалайди. Менинг Муқаддас Китобим эса — Масихни.

Сўнгра мен ручкани китоб варақлари орасига қўйдим ва Муқаддас Китобни ёпдим.

— Билли, ручка қани?

Жавоб аниқ эди.

— Муқаддас Китобнинг ичида, — деди у.

— Агар ручка кечиримни, Муқаддас Китоб эса Масихни ифодаласа, — давом эттирдим мен, — кечирим қаерда?

— Масихда, — жавоб қилди Билл.

— Шу нарсаларнинг бирига иккинчисисиз эга бўлиш мумкинми? — қайта сўрадим мен ундан.

— Йўқ, — унинг жавоби шундай бўлди.

Шундан сўнг мен олдинга бир қадам қўйдим ва унга Муқаддас Китобни бердим.

— Ҳозир мен сенга қутулишни худди бепул совға сифатида таклиф қиялман. Уни қабул этишинг учун сен нима қилишинг керак?

— Бу бепул совғани олиш керак, холос, — жавоб берди Билл.

— Тўғри. Сен Масихни қабул қилган вақтингда сенда яна нима бўлади? Кечирим бўлади? Чунки кечирим — *Унда!* Мана нима учун Эфесликларга мактуб 1:7 да шундай дейилган: “Унинг Ўғли эса қонини тўкиб... биз барча гуноҳларимиздан фориғ бўлдик”. ...

Афсуски, кўпинча кечирим одамларга махсус гап, ўзи алоҳида, худди агар мен ручкани Муқаддас Китобдан бошқача гапда ифодалаганимдай туюлади. Биллнинг муаммоси мана нимада эди. Хушхабар жуда кўп марта “олдинга ўтинг ва гуноҳларингиздан фориғ бўлинг” сингари ифодаланади. Шубҳасиз, бу эзгу хабарнинг *бир қисмидир*, аммо бу ҳали Хушхабарнинг *ҳаммаси* эмас. Қутулиш — бу мен озгина қутулишни у ердан, озгина муқаддасликни бу ердан ёки яна бироз “кучни” қаердандир олишим мумкин бўлган сотув автомати эмас. Хушхабар бизга Исо Масихнинг Шаҳсига эътиқод орқали қайтиш таклифи ҳақида хабар беради. Ва агар сиз *Уни* қабул қилган бўлсангиз, сизда *ҳамма* нарса бор. Гуноҳларимдан халос бўлганимни мен нима учун биламан? Чунки мен — *Унда* эканлигимни биламан, Муқаддас Китобнинг ваъда қилишича: “Унинг Ўғли эса қонини тўкиб, бизнинг гуноҳларимизни ювди, биз барча айбу гуноҳларимиздан фориғ бўлдик”.

Бизнинг Масихдаги ҳолатимиз ҳақида унча кучли бўлмаган ваъзлар сабабли мен доимо Ж. Е. га ўхшаган масиҳийларни учратаман. Улар ҳар куни ишончсизлик туйғуларини ҳис қиладилар. Кўпчилик шубҳасиз, Масих уларда яшаши ҳақида таъкидлашлари мумкин эди. Аммо улар ҳали ҳам мантиқий қарама-қаршилиқни сезмай, барча гуноҳлари кечирилганлигига ишонмайдилар. Агар одамнинг барча гуноҳлари кечирилмаган бўлса, Исо Масих унда яшай олмайди. У сизда яшаши учун, сиз учун ҳалок бўлди! Унинг биздаги ҳаёти — бу бизнинг *Худо учун маъқул бўлганлигимизнинг* ва қутулишга *ишонч ҳосил қилганимизнинг* кафолатидир.

*Сизлар ҳам ҳақиқат каломини, яъни нажотингиз тўғрисидаги Хушхабарни эшитиб, Масихга имон келтирдингизлар. Имонингиз тасдиғи ўлароқ Худо ваъда қилган **Муқаддас Рухни** қабул қилдингизлар. Худонинг **уммати** озодликка чиқмагунча, **Муқаддас Рух самовий меросимизнинг гаровидир. Худонинг** улугворлиги шаънига тасаннолар бўлсин! (Эфесликларга 1:13, 14).*

Биздаги Муқаддас Рух орқали Масихнинг ҳаёти — бу бизнинг қутулганлигимизга ишончимиздир. Юқорида келтирилган оятда, У бизнинг меросимизни *кафолатлайдиган* (худди “нақд ҳисоб-китоб” ёки ҳалол пул” сингари) “гаров” деб аталган! (Айтганча, бу оятда гапирилган “озодликка чиқиш” бизнинг *таналаримизнинг* қайта тирилишига тааллуқлидир. *Рухан* биз аллақачон гуноҳлардан фориғ бўлганмиз).

Масихда биз Унинг тақводорлигини оламиз. Бу худди Масихдаги кечирим Худо ваъдалари сингари ажойибдир, ҳаттоки, ундан ҳам ажойибдир! Масих нафақат бизнинг гуноҳларимизни йўқ қилди, балки У бизга нималарнидир қўшди ҳам: хусусан, Ўзининг

тақводорлигини. 2 Коринфликларга мактуб бу ҳақда қисқа ва лўнда қилиб шундай дейди:

*Зеро, гуноҳ нима эканлигини билмаган Уни, Худо бизнинг гуноҳимиз учун **қурбон** қилди, токи биз Унда Худо **олдида бегуноҳ бўлайлик**.*

Худо сизнинг ва менинг гуноҳларимизни олиб, уларни бегуноҳ Масиҳга берди. Хочда у биз учун бизнинг жазомизни олди. Мен, кўпчилик масиҳийлар умуман бу ғояни тушунишади, аммо бу ҳикоянинг фақат ярми, деган хулосага келдим. Кейин Худо Масиҳнинг тақводорлигини олди ва ҳар бир Унга ишонган одамга берди. Муқаддас Китоб тушунчаси бўйича “оқлаш” сўзи мана нимани билдиради. Оқланган бўлиш — бу *Худо томонидан мутлақо тақводор, деб тан олинишдир*.

Демак, Худо сизга қандай қарайди? “Сизлар Масиҳни тан олиб, сувда имон келтирдингизлар ва ҳар бирингиз Масиҳни *кийиб олдингизлар*” (Галатияликларга 3:27). Агар Худо менга қараб Исо Масиҳнинг бенуқсон тақводорлигини кўрса, мен уни қандай мукаммаллаштиришни билмайман. Барибир, биз Худо Каломининг аниқ ваъдаларига суяниш ўрнига, кучларимизни шунга сарфлашда давом эттирамиз. Ибронийларга мактуб 10:14 буни шундай изоҳлайди: “Зеро У биттагина қурбонлик келтириб, ишонувчиларни муқаддас қилди ва *абдий камолга* эришди”.

“Бу қандай амалга ошиши мумкин? — деб сўради бир куни Дейв радио орқали. — Мен ҳали ҳам доимо гуноҳ қиламан. Худо қандай қилиб мени мукаммал кўриши мумкин?”

Мен шундай жавоб қилдим: “Чунки сизнинг Худо томонидан қабул қилинишингиз нима иш *қилганингизга* эмас, балки *сизнинг ҳисобингизга ўтган Масиҳ*

муқаммаллигига асосланади. Бу худди банкдаги ҳисоб рақамига ўхшайди, Дейв. Агар сизнинг ҳисобингизга миллион доллар қўйишга қарор қилган бой амакингиз бўлса, унда бу пуллар сизники. Сиз кассирдан бироз нақд пул беришни илтимос қилишингизга ҳожат йўқ. Сизнинг номингизга ёзилган банк маълумотно-масига ишонишингиз ва чек ёзиб беришни бошлай-версангиз бўлади! Масиҳнинг тақводорлиги сизга бе-пул совға қилинди”.

Яна бир нарса: кўп масиҳийлар Масиҳдан ўзлари олган бойлик ҳақида билмайдилар ва Худодан аллақачон ўзларида бор нарсаларни сўраб, руҳий қашшоқ-ликда яшашда давом қиладилар!

Масиҳда биз тўла эътироф қилинамиз. Шунинг учун Масиҳдаги бизнинг тан олинимиш икки то-монламадир: бу — гуноҳларимизнинг йўқ қилиниши (кечириш) ва Масиҳ тақводорлигининг қўшилиши (оқланиш). Кўп масиҳийлар ҳеч бўлмаганда бу ҳақда эшитганларига қарамай, одамлар ўзлари ҳақида худди алоҳида далиллар каби, қутқариш “автомобилидаги” “кераксиз қисм” тўғрисида ўйлагандай фикр юри-тишларини мен билдим. Ҳеч нарса ҳақиқатдан бундан узоқ бўлмайди. Биз билан сизнинг гуноҳларимиз ке-чирилиши ва Масиҳ тақводорлигини олишимиз саба-би — биз *Унда* эканлигимиздadir. Биз Худо олдида қабул қилинишимизга келсак, Худо бизнинг ақлимизни ўзгартирмоқчи. У бизнинг Самовий Отамиз билан муносабатлар ҳузур-ҳаловатида эркин бўлишимизни ва ҳузур-ҳаловатда эркин ўса олишимизни хоҳлайди.

Масиҳда биз Худо фарзандлари бўлдик. “Уни қа-бул қилганларга эса, барча Унинг номига имон кел-тирганларга У Худонинг фарзанди бўлиш эркини бер-ди. Улар на қондан, на тана хоҳишидан, на эр хоҳи-шидан, балки Худодан туғилдилар” (Юҳанно 1:12, 13). Исо Ўз Отаси билан гаплашаётганда, ёки Унга ибo-

дат қилаётганда, доимо мукаммал яқинлик туйғуси ҳозир бўлади. У Ўзига ишонган барча масиҳийлар Худо билан худди шундай яқин шахсий муносабатларга эга бўлишади, деб ўргатади. Бироқ ўтмишдаги бизнинг Худо билан бўлган муносабатларимизнинг бузилиши ва ҳали ҳам бизда яшаётган гуноҳларимизни ҳисобга олганда, кўпинча буни қабул қилиш бизга қийин бўлади.

Бизнинг Масихда қабул қилинишимиз ҳақидаги ажойиб Худо ҳақиқатларини билмаслик (ёки, эҳтимол, фақат ишончсизлик) оқибатида кўп масиҳийлар ўзларини худди Одам Ато ва Момо Ҳавога ўхшаб тутишда давом қиладилар — улар Худодан бекинадилар. Эсингиздами, Ж. Е. ҳам 35 йил давомида шундай қилган эди! Кўп одамлар даҳшатли ишлар қилишади: улар ўзига хос “масиҳийлик анжир япроқларини” тақиб юришади. Бу — одам ташқи қоидалар ва меъёрлар ёрдамида тақводор каби таассурот қолдирмоқчи бўлганда юз беради. Чунки бундай қилишга уни қўрқув ва ўз руҳий қашшоқлигини беркитиш учун жон-жаҳди билан қилган уринишлари ундайди. У Худо билан ёлғиз учрашишдан ўзини олиб қочиб, жон-жаҳди билан диний ташкилотда ишлай бошлайди. Бу борада у худди ҳаётидаги қийинчиликлар ва муаммоларга юзма-юз келишдан қочиб, ўз ишига шўнғиб кетган “меҳнаткаш”га ўхшайди. Аммо Худода биз учун Хушхабар бор: У бизни Масихда қабул қилади ва У билан севгига тўла шахсий ўзаро муносабатлар орқали Ўзига жалб қилмоқчи бўлади:

***Чунки** сизлар яна қўрқувда **яшаш** учун қуллик руҳини олмадингизлар, балки ўғиллик Руҳини олдингизлар. Бу Руҳдан руҳланиб, биз Худони Абба Ота деб чақирамиз. Худо Руҳи Ўзи бизнинг руҳимизга қўшилиб, Худо фарзандлари эканлигимиз ҳақида гувоҳлик бериб туради (Римликларга 8:15, 16).*

“Абба” — бу кичкина боланинг ёқимли сўзи ҳисобланади. Кичкинтой бу сўз билан бизнинг “дада” сўзимизга ўхшатиб, ўз отасини атайди. Ҳозир ҳам Исроилнинг қаерларидадир ёш боланинг оғзидан бу сўзни эшитиш мумкин. Исо, одамлар ўртасидаги худди шунақа муносабатлар Худо билан ҳам бўлиши мумкин, деб ўргатганда, тубдан фарқ қилувчи аҳамиятга эга ҳақиқатни очиб берган. У бизни ким қандай қилганлигининг оқибатида болаларча соф эътиқодга тўла Худо юраги билан мулоқот тақаллуфсизлик бўлмайди; бунинг учун ҳаммадан кўпроқ истайди. Мен бу ҳақиқат устида қанча кўп фикр юритсам, шунча кўп ҳайрон бўлардим: бизни шунчалар севувчи Худо қандай қилиб бизни жалб қилмаслиги мумкин?

Масихда биз ҳузур-ҳаловат тахтига эришиши имконига эгамиз. Имоннинг Эски Аҳд тизими бўйича, исроилликлар Худо тахтига руҳонийлар орқали эришишлари керак эди, бунинг устига бир нечта даражалар мавжуд бўлган. Фақат баъзи оилаларнинг руҳонийларигина муқаддас жойда хизматни амалга ошириши мумкин эди. Фақат Олийруҳоний йилда бир маротаба улуғларнинг Муқаддаслиги билан бутун миллатнинг вакили бўлиши мумкин эди. Шундай бўлса-да, Масихда биз ҳаммамиз Худога бир хил эришишимиз мумкин. “Биз Исо Масих орқали, Унга бўлган имонимиз орқали Худо ҳузурига дадил ва тўла жасорат билан яқинлашиши имконига эгамиз” (Эфесликларга 3:12). Биз бутун умр муҳтож бўладиган Ягона Олийруҳоний Ўз ишини тугатди. “Шунинг учун, эй биродарлар, Исо Масихнинг қони туфайли муқаддас маконга киришга жасоратимиз бор” (Ибронийларга 10:19).

Масих биз учун, ҳозирда бизда яшаши учун қурбон бўлган. Масихнинг ўлими биз учун келтирган нарсага ҳаммамиз хурсанд бўлдик. Бироқ, бунинг оқибатлари қанчалар гўзал бўлмасин, хоч ўз-ўзидан ҳали ниҳоя

эмас эди. Масихнинг ўлими биз учун бизни ҳаётга қайта тиклашга йўналтирилган илоҳий ҳаракатлар учун “жангга Худо тайёргарлиги” бўлиб хизмат қилди. Ўлик одам нимага энг кўп муҳтожлик сезади? Аниқки, *ҳаётга!* Ўз тажрибамдан келиб чиқиб шунга ишонч ҳосил қилдимки, кўпчилик инсониятнинг муаммоси сифатида одамлар — “гуноҳлари кечирилишга муҳтож гуноҳкорлар”дир, деб ҳисоблайдилар. Бу, албатта, тўғри. Аммо Худо нуқтаи назарида ундан каттароқ бир нарса бор. Худо дунёга қараган вақтда, У нафақат кечиримга зор бўлган гуноҳкорларни, балки *ҳаётга муҳтож ўлик одамларнинг бутун бошли дунёсини* кўради. Мана нима сабабдан Эфесликларга мактубда 2:1 шундай дейилган: “Сизлар бир вақтлар гуноҳ ва жиноятларингиз туфайли *руҳан* ўлган эдингизлар”.

Худо Одам Атони яратганда, У шундай деди: “Фақат яхши ва ёмонни билиш дарахтидан ема. Чунки ундан еган кунингоқ ўласан” (Ибтидо 2:17). Биз кўрганимиздек, Одам Ато ўзининг Худога тобе эмаслигини айтишни танлади ва шу тарзда дунёга гуноҳни олиб келди. Гуноҳ қилиб, у ўлди. Чунки “Гуноҳнинг эвази — ўлим” (Римликларга 6:23). Унинг жисмоний ўлими кўп йиллар кейин содир бўлди. Аммо руҳий жиҳатда у ўша кунгача ўлди. Ўша пайтдан бери руҳий ҳаётни йўқотиб, Одам Ато ва унинг авлодлари барча одамларга руҳий ўлим ҳолатини берадилар. Кейин Худо Ўз ваъдасини бажарди ва одамлар учун ҳеч қачон ўзлари қила олмайдиладан ишни бажарди: “Одам Атонинг фарзанди бўлган барча ўладилар. Худди шундай Масихнинг фарзанди бўлган барча тириладилар” (1 Коринфликларга 15:22).

*Аммо марҳамати бой Худо Ўзининг улкан муҳаббатини бизга кўрсатди: биз жиноятларимиз туфайли **руҳан** ўлган эканмиз, У Масих орқали*

бизга ҳаёт бағишлади. Сизлар Худонинг инояти билан қутулгансизлар. Исо Масиҳга ишониб, У билан бирлашганимиздан сўнг, Худо бизни Масиҳ билан бирга тирилтирди ва самовий оламга ўтказиб қўйди (Эфесликларга 2:4–6).

Мана нима сабабдан Исо шундай дейди: “Сенга ростини айтай: агар ким юқоридан туғилмаса, Худо салтанатини кўрмайди” (Юҳанно 3:3). “Туноҳнинг эвази — ўлим” деб таъкидлайди руҳий қонун; шундай бўлса-да, Худо уни янада буюкроқ ҳузур-ҳаловат қонуни билан алмаштирди: “*Худонинг инъоми эса Раббимиз Исо Масиҳ қиёфасидаги абадий ҳаётдир*” (Римликларга 6:23).

Бу ҳақиқатлар ҳузур-ҳаловатда ўсиш учун асосийларидир. Бундай тушунчасиз одам масиҳий сифатида яшай олмайди. Бу айнан Ж. Е. нинг адашиб юрган йиллари содир бўлган ва нима сабабдан тажанглик, қўрқув унинг кундалик кечинмалари бўлганлиги тушунарли бўлади. Унинг “Худога ва ибодатхонага” нисбатан ҳис қилган алам туйғуси унинг бошқа одамлар билан муносабатларида аён бўлган. У одам ёқтирмайдиган, бемаъни, ёлғиз яшашни хуш кўрувчи худбин одамга айланган. Тўғриси айтганда, Ж. Е.нинг ёнида туриш ҳам ёқимсиз бўлган. Унинг одамлар билан ўзаро муносабатларидаги муваффақиятсизликлар, 23 йиллик биргаликдаги ҳаётдан сўнг ниҳоят хотини уни ташлаб кетган кунда жуда катта зарба бўлди, унинг ўтмиши манзарасини тўлдирди.

Агар илгари Ж. Е. алам туйғусини ҳис қилган бўлса, энди шу воқеадан сўнг у адоват туйғусини ҳис қила бошлади. Кейинчалик у шундай дейди: “Мени бир фикр доимо таъқиб қиларди: “Агар сен 23 йил турмуш қуриб, шу пайтгача ўша одамнинг қандайлигини билмасанг, унда қандай қилиб қачонлардир сен ишона

оладиган одамни топа оласан?” Рад қилинишдан қўриб, у ўзига яқинроқ келган одамларни биринчи бўлиб рад этишга ҳаракат қиларди. Қалби ғазабга, қўрқувга ва алам туйғуларига тўлиб, у ичишга берилиб кетди. “Мен собиқ хотинимдан шунчалар ғазабландимки, ҳаттоки у билан бир штатда яшай олмасдим ҳам. Шунинг учун Техас мен учун торлик қилиб қолди!”

Мен Ж. Е. ни учратганимда, у мана шундай аҳволда эди. У одамларни хуш кўрмасди, чунки у Худони сева олмасди. У Худони сева олмасди, чунки Худонинг унга нисбатан севгисини билмасди. “Биз Уни севайлик, чунки аввал У бизни севди” (1 Юҳанно 4:19). Лекин Ж. Е. Худо севгиси ва эътирофи ҳақида, шунингдек, ўзининг Масихга ўхшашлиги натижасида қўлга киритган ажойиб ўзига хослиги ҳақида билгандан сўнг, у озод бўлди. Аслида мен ўзим гувоҳи бўлган Худо севгиси ва эътирофини тушунишнинг ўзгартирувчи кучига ажойиб намуналардан бири бўлди.

Токи сиз ўзингиз шундай қайта ўзгаришнинг гувоҳи бўлмас экансиз, одам бир кечадаёқ ўзгариши мумкин эканлигига ишониш қийин. Аммо бу мумкин, Ж. Е. билан бу содир бўлди. Худо севгиси ва уни эътироф этиш Ж. Е. ни кўп йиллардан бери таъқиб қилиб келаётган қўрқув юкидан озод қилди, қўрқувдан халос бўлиб у ғазабдан ҳам қутулди. Ж. Е. ювош, Худо ҳузур-ҳаловати ҳақидаги таълимотни кўпинча кўзларида қувонч ёшлари билан худди сочиқ-губка сингари ўзига тортадиган, ҳар қандай қурбонликларга тайёр раҳмдил инсон бўлиб қолди. У Масихни эътироф этиш ва У берган ҳаёт ҳадяси тўғрисидаги эзгу хабарга тайёр туриш учун ёлғизликда кўп шахсий муваффақиятсизликларни бошидан кечирди. Бир куни у менга шундай деди: “Илгари мен доимо Худодан қайта туғилишни қолдириш учун У нихоятда буюк деб ўйлардим. Ишлар билан эса мен ҳафтанинг қолган кунларида шуғулланар эдим.

Ҳозир Исо менда ҳафтанинг ҳар бир кунида яшаши учун нима қилиш кераклигини биламан”. У кулиб юборди ва деди: “Хушхабар бизнинг ғуруримизни ва ўзимизга бино қўйишимизни йўқ қилади. Масиҳ — бизнинг кучимиз ва тинчлигимизнинг ягона манбаидир”.

Тез орада Худо ҳузур-ҳаловати тушунчасининг бундай қувончли кечинмаларидан сўнг, Ж. Е. ўзида ўпка саратони касаллиги борлиги ҳақидаги хабардан ларзага тушди. Аммо унинг эътиқоди фақат мустаҳкамланди. Чунки у ўзини касаллик билан курашнинг барча мушкулотларида севган Худога тобора кўпроқ суянардди. Афсуски, ҳаётда тез-тез юз бериб тургандай, қаердандир “қандай қилиб шифо топиш” ҳақидаги турлитуман маслаҳатлари билан “хайрихоҳ дўстлар” пайдо бўлишди. Ж. Е. шундай деб ҳикоя қилади: “Шифо топишим борасида менга жуда кўп одамлар ҳар хил маслаҳатлар беришди. Улар мени эътиқод билан даволайдиган табибларга ва бошқа шунга ўхшаш ҳакимларга мурожаат қилишимни иташарди. Мен уларга шундай дедим: “Қулоқ солинг, мен ўзимга зарур бўлган жуда улуг шифони аллақачон олдим — мен юқоридан қайта туғилдим. Мен ҳеч ҳам бу дунёни яхши кўрмайман. Исо Масиҳ тирик ва У менда яшайпти! Мен яна нимани иташим мумкин? У, сенинг бу дунёни тарк этадиган вақтинг келди, деб қарор қилса, мен У билан абадиятда бирга бўлиш учун кетаман. Бундан ҳам яхши нарсаси бўлиши мумкинми?” Касаллигимга келсак, Худо ҳузур-ҳаловати биз бу ҳаётда дуч келадиган барча нарсалар учун ҳақиқатдан ҳам етарли эканлигини тушундим”. Сўнгги икки йил давомида Муқаддас Китоб бўйича бизнинг машғулотларимизда иштирок этган ўнлаб одамлар Ж. Е. нинг тетиклиги ва эътиқоди, ҳатто улар унинг кучларини мустаҳкамламоқчи бўлган вақтларда ҳам далда бериб турганлиги ҳақида шахсан гувоҳлик беришлари мумкин.

Ж. Е. нинг тез орада ўлиши аниқ бўлди. Унга фақат ажойиб мўъжиза ёрдам бериши мумкин эди. Бундан бир неча йил илгари хотинидан ажралиш жараёни жуда кўп тугамаган муаммоларни қолдирди. Унинг юрагида Масиҳнинг севгиси ўсиб бораётгани сайин, унинг хотинига бўлган нафрати сўниб бораётганлигини у сезди. Аммо уларнинг орасидаги муносабатлар ҳали тикланмаган эди. У бўйи етиб қолган қизи билан яқин муносабатда эди. Бироқ қиз ота-онаси ажралганидан ниҳоятда тушкунликда эди.

Ж. Е. нинг соғлиғи тобора ёмонлашиб борарди. Унда хотини билан ярашиш истаги ва қизи туфайли оилани тиклаш зарур эканлиги ҳақидаги ишонч кучайди. Лекин ҳали юрагида алам ва дард бор эди, улардан осонликча қутулиш мумкин эмас эди. Бир куни кечкурун Мукаддас Китоб машғулотида — ўшанда биз Масиҳнинг хочдаги якун топган ҳаётини кўриб чиқаётган эдик — унинг миясига бир фикр келди: “Агар Худо *мени* қилган ишларим учун кечирган бўлса, мен ким бўлибманки, ўз хотинимни кечирмасам?” Худонинг ҳузур-ҳаловати унинг юрагида ўз ишини давом эттирарди. Ёзув шундай дейди: “Бир-бирингизга кўнгилчан ва меҳр-шафқатли бўлинглар. *Худо сизларни Масиҳ ҳақи кечиргани каби*, сизлар ҳам бир-бирингизни кечиринглар” (Эфесликларга 4:32). Ҳузур-ҳаловатга *эга бўлган* одамларнинг барчаси уни бошқаларга ҳам *олиб борадилар*.

Гарчанд Ж. Е. хотини билан бир неча йилдан бери дўстона гаплашмаган бўлса-да, у хотинини тушликка таклиф килди. Тушлик пайтида узоқ йиллар давомида кўрсатган шафқатсизлиги, адовати ва худбинлиги учун у хотинидан кечирим сўради. “Мен ўзимни худди аҳмоқ одамдай тутдим, — деди у. — Мен Исо Масиҳнинг севгиси ва ҳузур-ҳаловатини англаб етган заҳотим, ўзимнинг ноҳақлигимни тушундим”. Ж. Е.

даги ўзгаришлар шунчалар оғир эдики, хотини унинг узрларини қабул қилди ва Масих Хушхабари тўғрисида кўпроқ нарса билишни истади. Тинчлик Худоси бу оилада тинчлик ўрнатди. Ўз ҳаётининг сўнгги ойларида Ж. Е. Худонинг унга нисбатан бўлган севгиси ва ҳузур-ҳаловати учун ўз миннатдорчилигини очиқ ифодалаб, жуда кўп одамларга таъсир ўтказди. Ўша йилиёқ у ўз Раббийси ёнига жўнаганда, у ўзи билан, бошқа одамлар билан ва Худо билан тинч-тотувликка эга бўлган одам эди.

Ҳузур-ҳаловатда ўсиш учун биз Унинг “инойати ва ҳақиқатига тўла” бўлишимиз керак (Юҳанно 1:14). Ж. Е. умрини қўрқув, ғазаб ва аламда ўтказди. Аммо унинг кўзлари Худо фарзанди сифатида ажойиб ҳаётни бошидан кетирганини кўрсатиб турарди. Унинг ҳаётида “имон очилганда, у ўз ҳаётидаги кескин ва фожеали бурилишни келтирган ҳар бир киши учун Инжил Худонинг халоскорлик қудратини етказувчи Хушхабар” эканлигини биз кўрдик (Римликларга 1:16). Бу қудрат бизга Масихда чексиз берилган ва бутун софлиги билан эълон қилинган Худо севгиси ва ҳузур-ҳаловати бор жойда мавжуд.

Суръатлардаги ИМОН-ЭЪТИҚОД

Ушбу китоб устида ишлаётганимда, мен ғаройиб бир туйғуни ҳис қилишимга тўғри келди — мен биринчи марта бобо бўлдим. Қизим Дебби ажойиб ўғил туғди. Ушбу қувончли воқеани кутар эканмиз, биз Эми билан бўлажак неварамиз ҳақида орзу қилардик. Ўшанда биз оилавий суҳбатларимизда кўпинча ҳомиладорлик ҳақида, боланинг дунёга келиши ва ривожланиши тўғрисида сўз юритар эдик. Куёвим Жон шифокор эди. Мен ундан илгари ҳеч ўйламаган нарсаларим ҳақида билиб олдим. Ўзимни бу суҳбатлар чоғида, она қорнидаги боланинг айнан туғилгунга қадар ривожланиши мени кўпроқ қизиқтираётганлигини сездим.

Она қорнида бола батамом сувнинг ичида ётади, туғилгандан сўнг эса бундай вазиятда — сувда чўкиб ўлади. Лекин чақалоқ онаси билан ҳаёт ипи — киндик орқали боғланган. Шу киндик орқали бола кислород ва озик-овқат олади. Бу ўсиб бораётган бола ҳақиқий такрорланмайдиган шахс бўлса-да — ахир, Ер юзида ҳеч қачон унга айнан ўхшайдиган одам яшамаган-ку — у нисбатан ҳаракат ва фикр эркинлигига эга бўлса-да, унинг ҳаёти ҳозир фақат она ҳаёти орқали озиқланиб туради.

Она ва боланинг тобе муносабатлари билан бизнинг ҳаётимизнинг Масихга тобелиги орасида кишини лол қолдирувчи ўхшашлик мавжуд.

Бола ўзининг тобе ҳаёти сабабли она қорнида шундай дейиши мумкин эди: “Мен учун ҳаёт — бу Онадир”. Худди шу сингари, бизда ҳам Муқаддас Рух кўринишида ҳаёт ипи бор. Биз: “Мен учун ҳаёт — бу Масихдир”, — дейишимиз мумкин. Бунинг оқибатида, Янги Аҳд чизмаси шундай гавдаланади: ундаги кетмакетлик асосида биз олдин ким эканлигимиз ҳақида айтилган, кейин эса бизни Худо олдида имонга тобе ҳолда туришга ўргатишади. Биз бу ҳақиқатлар билан юришга бир кечада ўргана олмаймиз, бунинг учун ўз ишини бизда ва биз орқали қиладиган Муқаддас Рухнинг доимий ўргатувчилик фаолияти зарурдир.

Кунларнинг бирида Муқаддас Китоб машғулотида кичик бир гуруҳда Рон деган одам менга қарши чикди: “Агар буларнинг ҳаммаси тўғри бўлса, унда мен нега ўзимни янги ижоддай ҳис қилмаяпман? Шахсан мен Масихга имон келтирганимдан кейин мукаммал бўлмадим — мен фақат доимо кучимни бекорга сарфлаяпман!” Юзида ишончсизлик ифодаси билан Рон олдинга интилди ва шундай деб қўшиб қўйди: “Бунинг қийинчилиги нимада экан?”

Бутун гуруҳ унинг самимий гапларидан кулиб юборди. Одатда қийин савол берадиган гуруҳ аъзолари, кўпчилик ўзича ўйлайдиган фикрларни овоз чиқариб айтадилар. Мен унга шундай дедим: “Рон, “қийинчилик”, агар сен буни шундай деб атайдиган бўлсанг, шундан иборатки, сен Масихдаги янги ижодсан, лекин сен ҳамон эски танада яшаяпсан. Буни Муқаддас Китоб “танада яшаш” деб атайди. То Масих қайтиб келгунга қадар, биз қайта туғилиб янги танада улугланмагунимизча, бизни қуршаб олган ва “дунё” деб аталувчи бегона оламда яшаймиз. Бинобарин, бизда гуноҳ яшайди. Биз ҳузур-ҳаловатда ўсишимиз керак! Аммо бу ҳолат бир зумда юз бермайди. Аксинча, ҳаётга тенг *жараёндир*”. — “Яхши, — деб давом этди

Рон. — Унда мен ҳозир нима қилишим керак? Бу ҳузур-ҳаловатда ўсиш жараёнида менинг вазифам нималардан иборат?“ Жавоб тариқасида мен Ронга қуйидаги парчани ўқиб бердим:

*Энди яшаётган мен эмас, балки **Масиҳ менинг ичимда яшайпти.** Энди танада яшаётганимга келсак, мени севган ва мен учун Ўзини фидо қилган **Худонинг Ўғлига бўлган имон билан яшайман** (Галатияликларга 2:20).*

Биз илгари кўрганимиздай, “Худо Ўғлига имон келтириб яшаш” дегани жонли Калом бўлган Шахсни қидириш ва бир вақтнинг ўзида Ёзув Каломининг ҳақиқатида бўлишни билдиради. Бу бобда биз шу ҳақиқатнинг асосини келтириб чиқармоқчимиз. Биз имонли ҳаёт ҳақидаги ғояни тушунишга ёрдам берувчи учта хусусиятни очиб берамиз. Бу — *тобелик, бегаразлик ва тайёр туриш*. Келинг, уларни навбат билан кўриб чиқайлик.

Тўла тобеликдаги ҳаёт — имонли ҳаётдир. Она қорнидаги бола сингари ва тоқдан ўсиб чиқувчи новдалар каби бизнинг Масиҳдаги ҳаётимиз — батамом тобе ҳаётдир. Инсон бошиданоқ тобе қилиб яратилган. Биринчи инсонни, Одам Атони “Худо Ўз суратидай қилиб яратган” (Ибтидо 1:27). Биринчи одамни Худо эркин иродали, тирик руҳ ва севги, ўз Яратувчисини севадиган ва бошқа одамлар томонидан севимли бўлиш қобилиятига эга қилиб яратилган. Бунда тобелик муносабатларида унинг ҳар қандай жисмоний, руҳий ва маънавий эҳтиёжи Худо томонидан қондирилари эди. Айнан тобеликнинг шу нуқтасига шайтон ўз ҳужумини қаратди. Одам Ато ва Момо Ҳаво шайтон ёлғонига ишониб гуноҳ қилганларида, улар ўзларини ва ўз авлодларини руҳий ва жисмоний ўлимга

махкум қилдилар. “Мустақиллик деклорацияси” уларни гуноҳ ва ўлим қулларига айлантирди. Фақат Исо Масихдагина одам ўз Яратувчиси билан тобелик муносабатларини, бундан келиб чиқадики, қачонлардир Одам Ато йўқотган ҳаётни ҳам қайта тиклай олади.

Лекин юқоридан туғилиш — бу фақат бошланишидир. Исо Масих орқали бизга нафақат халоскорлик келди, балки У бизга тобелик ҳаётида қандай яшашни ҳам кўрсатиб берапти!

Бунни эшитган Рон яна сўради: “Бу нима дегани? Исо Масих — Худо. У қандай қилиб биз учун ва бизнинг ҳаётимиз учун намуна бўлиши мумкин? Мен қандай қилиб Худо каби яшай оламан?”

“Сен мутлақо ҳақсан, Рон, — жавоб қилдим мен. — Исо Масих доимо Худо бўлган ва бундан кейин ҳам У Худо бўлади: “Худонинг бутун борлиғи тўла-тўқис Масих вужудида мавжуддир” (Колосаликларга 2:9). Аммо “Каломуллоҳ инсон киёфасига кирган” (Юҳанно 1:14) вақтда, Масих ҳақиқий Худо эканлигига қарамай, *У мукаммал одам каби яшади*. Исо шундай дейди: “*Мен Ўз-Ўзимдан ҳеч нарса қилолмайман*” (Юҳанно 5:30). Нега У шундай дея олди? Чунки У одам бўлиб, одам каби яшади, яъни худди одам қандай яшашини Худо хоҳлагани сингари — тўла тобеликда яшади. Мана, нима сабабдан У шундай деб айтганига гувоҳ бўласиз: “Сизларга ростини айтай: Ўғил Отанинг қилган ишларини кўрмагунча, Ўзи ҳеч нарса қила олмайди. Ота нималарни қилса, Ўғил ҳам худди шуларни қилади” (Юҳанно 5:19).

Ўзининг хочдаги ўлиmidан олдинги тунда Исо Ўз шогирдларига уларни ташлаб кетаётганлигини айтади. Кейин эса уларни ўйлантириб қўядиган гапни қўшимча қилади: “Аммо сизларга ҳақиқатни айтаман, *Менинг кетишим сиз учун фойдалидир*” (Юҳанно 16:7). Қандай қилиб Унинг кетиши марҳамат бўлиши мум-

кин? Исо ушбу оятнинг иккинчи қисмида гапини шундай деб давом эттиради: “Агар Мен кетмасам, Юпатувчи олдингизга келмайди. Агарда кетсам, Уни олдингизга юбораман”. Исо одам танасида Ерда яшаган вақтида, Унинг ҳаёти *ташқи* намуна бўлиб хизмат қилган. Аммо ўлимидан сўнг, қайта тирилишдан ва юксалишидан кейин, У Муқаддас Рух билан яна кела олди, шунингдек, на вақт, на фазо ва на миқдор бобида чегара билмасдан, имон келтирганларда яшай олди. Бунинг устига, У биз билан жўшқин *ички* муносабатлар ўрната билди. Ушбу муносабатлар ёрдамида, У Отаси билан қандай тобелик муносабатларида яшаган бўлса, биз ҳам У билан шундай муносабатларда яшаймиз. Мана, нима учун Павлус шундай ёзади: “Энди яшаётган мен эмас, балки Масиҳ менинг ичимда яшайпти” (Галатияликларга 2:20). “*Мен Ўз-Ўзимдан ҳеч нарса қиллолмайман*”, — деган Исо ўша Исо Масиҳдир. У бизни ва Ўз муносабатларини ток ва новдаларга қиёслаган ва: “*Менсиз ҳеч нарса қила олмайсизлар*”, деб айтган.

Бироқ шу пайт Рон яна гапга аралашди: “Ҳеч нарса” дегани нимани билдиради? Масиҳга имон келтирмайдиган одамларнинг кўлидан ҳамма нарса келади”. Рон яна ҳақ эди. Бизнинг инсоний нуқтаи назаримиздан, одамлар Масиҳсиз амалга ошира оладиган жуда кўп нарсалар мавжуд. Менинг шахсий тажрибам шуни кўрсатадики, мен Исони билмасимдан илгари ҳам тадбиркорликнинг ахлоқий жиҳатларига қатъий риоя қилардим. Жуда кўп имонсизлар, агностиклар ва бошқа дин тарафдорлари чекмайдилар, спиртли ичимликлар ичмайдилар ва бошқа ташқи гуноҳлардан ўзларини сақлайдилар. Эътиқодга ишонмайдиган кўплаб даҳрийлар яхши рафиқа, эр ва ота-она бўлганлар. Номасиҳийлар қонунга итоаткор фуқаролар бўлганлар, солиқларни ўз вақтида тўлаганлар, уларнинг кўпчилиги инсоният бахти учун фидокорона ҳаёт кечирганлар.

Биз Масихда бўлишимиз орқали келтирадиган “Кўп самаралар”ни кўпинча нотўғри талқин қилишган. Бу эса кўп одамларни тўғри йўлдан адаштирган. Бундай вазиятлардаги хато осонликча “Масих учун” озиб-тўзиб кетгунча — чин юракдан, аммо нотўғри ишлашга олиб келиши мумкин. Масалан, мен эндигина имон келтирган масихийлик пайтимда ўша вақтда кенг тарқалган “кўп самара”га гувоҳлик беришга, яъни одамларни Масихга олиб келишга тенглашади, деган нуқтаи назарни кўллаб-қувватлардим. Албатта, одамларни Масихга олиб келиш жуда муҳим. Аммо бу ишда: “Самара келтириш — гувоҳлик бериш деганидир. Мен гувоҳлик беряпман. Демак, мен ҳосил келтиряпман” каби фикрларга келиш жуда осон. Шахсан мен, агар менинг шахсий интилишларимни, фирмада вакил бўлган ўтмишимни ва шу билан бирга, Масихга қизиқишимни, бошқалар ҳақидаги ғамхўрлигимни ҳисобга олганда, гувоҳлик беришни унча қийин иш деб ҳисобламайман. Лекин мен “диний” конформизмга берилиб кетганим сайин, юрагим одамларга ва Худога нисбатан совигандан кейин ҳам, мен узоқ вақт *гувоҳлик* қилишга қодир эдим. Сизни ишонтириб айта оламанки, менинг гувоҳлигим орқали одамлар қайта туғилган бўлсалар ва мангу ҳаётга эришган бўлсаларда, юрагимнинг ҳолати сифат нуқтаи назаридан Худо хоҳлаганига сира ўхшамас эди.

Йўқ, оддий ҳаракатларни доимо худди ўзидай қилиш мумкин. Биз тажрибамизда Худонинг ҳаётини синаб кўришимизни Унинг Ўзи хоҳлайди. Биз Масихнинг ҳаётини фақат Унга бутунлай итоаткорлик орқалигина ҳис қила олишимиз мумкин. Бу ҳаёт, “Рух самараси” Галатияликларга мактуб 5:22, 23 да тасвирланган: “Муҳаббат, севинч, хотиржамлик, сабртоқат, лутфкорлик, хайрихоҳлик, садоқат, мулойимлик ва ибодир”. Муқаддас Рух бизда пайдо қиладиган

ҳаёт мана шунақа, айнан унда биз ҳақиқатдан ҳам: “Менсиз сизлар ҳеч нарса қила олмайсизлар” деган иборага бевосита ёндашамиз.

Келинг, масалан, севгини олайлик. Чунки Муқаддас Китоб бизга Худо севгисининг қатъий ва аниқ тасвири-ни 1 Коринфликларга мактуб 13:4–8 да берган:

Севги сабрли ва кўнгилчандир. Севги ҳасад қилмас, кеккаймамас, шишинмас. Севги бебошлик қилмас, худбинлик қилмас, аччиқланмас, кек сақламас. Севги ноҳақликка севинмас, аксинча, ҳақиқат ила шод бўлур. Севги ҳар нарсани кўтарар, ҳар йўлда ишонч ҳосил қилар, ҳар шароитда умид сақлар, ҳар нарсага тоқат қилар. Севги асло адо бўлмас.

Ўзингизни текшириб кўринг. Севгини тасвирлайдиган ҳар бир сўзнинг олдига — “мен” сўзини қўйинг. Ўқинг ва қараб чиқинг, бу сизнинг ҳақиқий ҳаёт тарзингизга қанчалар мос экан: “Мен сабрлиман, мен кўнгилчанман, мен ҳасад қилмайман, мен кеккаймайман, мен шишинмайман, мен аччиқланмайман, мен кек сақламайман, мен ноҳақликка севинмайман, аксинча, мен ҳақиқат ила шод бўлурман, мен ҳар нарсани кўтараман. Мен ҳар йўлда ишонч ҳосил қиламан, мен ҳар қандай шароитда умид сақлайман, мен ҳар нарсага тоқат қиламан. Менинг севгим асло адо бўлмайди”.

Хўш, қалай? Сизда қандай билмайман, аммо мен биринчи сўз бирикмасидан у ёққа ҳеч қачон ўта олмаганман. Худо Калом, кундалик кузатувлар ва инсоният тарихи — барчаси севги, Худонинг тавсиф беришича, бу инсон туғилишиданоқ эга бўлмайдиган хусусият эканлигини таъкидлайдилар. Ҳа, баъзан биз сабр-тоқатли бўлишимиз мумкин. Масалан, биз тишимизни тишимизга қўйиб, ғазабимизни ичимизга ютишимиз мумкин. Бироқ мукамалликнинг Худо мезо-

ни 100 фоизли, бутун ҳаёт давомида ўзгаларга шундай севгининг доғ туширилмаган гувоҳидир — бу нафақат ҳаракатда, балки бизнинг ички ҳолатимизда ҳам, юрагимизнинг туб-тубидаги фикрларимизда ҳам бўлиши керак. Бундай имтиҳондан ўта олган ягона зот — Худо Ўғли бўлган!

Гарчанд севгининг бу бобида бизнинг қўлимиздан ҳеч нарса келмаганлиги сабабли, Масиҳнинг фош қилувчи Тоғдаги Ваъзи жуда ўринлидир. Унда Масиҳ шундай деган:

Қадимгиларга: “Одам ўлдирма: ким одам ўлдирса, жавобгарликка тортилади”, — деб айтилганини эшитгансизлар. Лекин Мен сизга айтаман: кимки биродарига беҳуда газабланса, жавобгарликка тортилади. Кимки биродарига аҳмоқ деса, олий маҳкамада жавоб беради. Кимки биродарига телба деса, жаҳаннам оловида жавоб беради (Матто 5:21, 22).

Мен учун машиналар тўхташ жойидаги йигитни “машинанинг қувурига тиқиб юбориш” истагига ўхшаган тасодифий туйғунинг ўзи, Масиҳсиз менинг қўлимдан ҳеч нарса келмаслигини тушуниб етишим учун етарлидир. Айниқса, мен диққатимни 1 Коринфликларга мактубнинг 13-бобида тасвирланган севгига қаратган вақтимда, одамлар масиҳийлик ҳаётини ўз кучлари билан олиб бориш истагида ўзлари ўзларини алдашларининг сабаби — кўпинча уларнинг ўз эътиборларини севгининг Худо намунасига эмас, балки ташқи хулққа ва диний маросимларга риоя қилинишига қаратишларидадир, деб ҳисоблайман. Ўз шахсий тажрибамдан бир мисол келтираман: мен масиҳий бўлишимдан бир неча йил илгари чекишни ташладим. Мен чекиш — бу аҳмоқона одат деган хулосага келдим ва ундан воз

кечдим. Бирок, 20 йилдан кўпроқ масиҳийлик ҳатимда мен ҳали ҳам шу севгининг туғилишида батамом Масиҳга таянган ҳолда, ўз *оиламни ва дўстларимни* севишга ўрганияпман! Мен, ҳеч бўлмаганда Маттонинг 5:44-оятдаги “*душманларингизни* севинглар”, дейилган Исо амрини бажариш қўлимдан келишини айтишга тайёрман. Агар сиз имонли ҳаёт тўла тобеликда эканлигига шубҳалансангиз, мен одамларни Худо севгиси билан севишга уриниб кўришдан яхшироқ фикрни сизга тавсия қила олмайман. Энди эса, келинг, эътиқоднинг бошқа бир жиҳатига мурожаат қиламиз.

Имонли ҳаёт — бу бегаразликдаги ҳаётдир. Вакуумда имон ҳеч қандай қадрга эга эмас. Унинг фойдали ёки аҳмоқоналиги унинг объектига боғлиқдир. Менга имон ютиш жараёни билан ўхшатилиши ёқадди. “Ютиш — яшаш имкониятини беради”, — деган эди бир киши ва бу жуда тўғри сўзлардир. *Ҳақиқатдан* ҳам, овқатни ютиш, менга яшаш учун имкон беради. Лекин мен *заҳар* ютишим ва мен яшашим учун овқат ютиш жараёнида ёрдам берадиган механизмдан *ўлишим* ҳам мумкин. Шундай қилиб, мени озиқлантирадиган нарса *ютиш жараёнининг ўзи эмас*, балки ютилаётган *объект* — озиқ-овқат — мана, нима менинг жисмимга қувват берадиган омиллар!

Имон объектининг муҳимлигини кўрсатувчи бошқа бир мисол учун, келинг, учамиз. Сиз меҳнат таътилига кетяпсиз, йирик авиакомпания самолётига чиптангиз бор. Учишга жўнаш мантиқан тўғрими? Далилларнинг кўрсатишича, учиб саёҳатнинг энг хавфсиз йўли экан. Самолётларнинг бир қисмигина, арзимас бир фоизгина фалокатга учрар экан. Бу бизнинг эътиқодимизнинг бир синови эканлигини тан олишимиз лозим. Чунки сиз самолётга ўзингизни 100 фоиз олишингиз керак. Бу нарса *мантиқийми*? Ҳаттоки сизнинг туйғуларингиз, эҳтимол, учиб ҳақидаги *далилларга*

асосланган фикрлардан тўлиб-тошсангиз-да, сиз эътиқодингизга кўра, самолёт сизни керакли жойга олиб бориши учун ўзингизни унга топширишингиз ҳақида тўғри қарор қабул қиласиз. Бу қарорни “кўр-кўрона эътиқод” ёки “бемаъни хавф”, деб атайдиган одамлар камдан-кам топилади.

Лекин фараз қилайлик, мен сизни “янги ва зўр кашфиётимни” кўришга таклиф қиляпман. Мен сизни орқа ҳовлига олиб ўтаман ва ўзим эндигина куриб тугатган “аэропланни” кўрсатаман. Бу — фанерадан, ўтказгичлардан, эски ғилдираклардан ва ўт ўчириш машинасининг моторидан йиғилган мослама. Кейин мен сизни синов учишини ўтказиш режаси билан таништираман, бунинг устига учишни бошлаш тик тепаликда ўтказилади. Қолаверса, мен сизни ўзим билан бирга кашфиётимни синаб кўришга таклиф қиламан. Агарда сиз иккиланиб турсангиз, мен сиздан хафа бўлган оҳангда: “Нима бўлди? Сиз менга ишонмаяпсизми?” — деб сўрайман. Сизнинг ягона самимий ва мантикий жавобингиз қуйидагича бўлиши керак: “Йўқ, мен сизга ишонмайман!”

Фараз қилайлик, мен сизга шундай фикр билан жавоб бераман: “Сизнинг муаммонгиз эътиқодингизнинг етарли даражада эмаслигида! Сиз келажакка ишонмайдиган пессимистсиз. Агар сизнинг эътиқодингиз етарлича бўлганда эди, ҳаммаси яхши бўларди”.

Кулоқ солинг — агар биз тик тепаликдан менинг қўлбола “аэропланимда” учсак, иккаламиз ҳам ерга қулаб тушамиз. Бунда сизнинг ёки менинг эътиқодим қанча эканлигининг аҳамияти йўқ.

Мана шу иккита мисолдан сиз муаммо эътиқоднинг *миқдорид*а эмаслигига гувоҳ бўласиз. Муаммо *объектнинг қанчалар ишончга лойиқ эканлигида*дир. Бир одам Боинг 727 самолётига кўрқувдан титраб-қалтираб чиқиши ва бир неча соатдан сўнг ерга соғ-сало-

мат ва бешикаст тушиши мумкин. Бошқа одам эса менинг қўлбола учар машинамга менга мутлақо ишониб чиқиши ва биз қия тепаликни тарк этган заҳотиёқ, ерга тошдай кулаб тушиши мумкин. Муаммо эътиқоднинг *миқдорид*а эмас, унинг *объектида*дир.

Менинг дўстим майор Мейджор Иэн Томас худди шу фикрни кўрсатиб бериш учун ҳеч қандай шубҳа қолдирмайдиган мисолни келтиради. У шундай ҳикоя қилади:

Худо менинг зиммамга юклаган пасторлик ҳудудимда мен йилига 40 ёки ундан ҳам кўпроқ ҳафта сайр қиламан. Тасаввур қилинг-а, менинг олдимга бир одам келади ва менга шундай савол билан мурожаат қилади: “Сизнинг хотинингиз сиз билан йилига қанча сайр қилади?” Мен: “Бир йилда 20 ҳафтача”, деб жавоб берган бўлардим. Тасаввур қилинг, у яна савол беради: “Сиз хотинингизни ярим йилдан ортиқроқ вақтга бир ўзини қолдирганингизни назарда тутяпсизми?” Мен “ҳа”, деб жавоб бераман. Шунда у яна давом қилади: “Сиз хотинингизга ишонасизми?” Мен: “Албатта! Мутлақо”, деган бўлардим. Ана шунда бу одам тўсатдан сурбетларча ҳуштак чалиб: “Ҳа, дўстим! Шубҳасиз, сенинг эътиқодинг чексиз экан!” деса-чи? Сиз нима деб ўйлайсиз, шу пайт мен қандай аҳволга тушаман? Мен бу одамнинг башарасига бир мушт тушириш истагини сезаман! Менинг “эътиқодим чексиз” эканлигини айтиб, у мени мақтамаяпти. Аксинча, у менинг хотинимни ҳақорат қиляпти! Менинг “эътиқодим чексиз” эмас, балки менинг жуда ажойиб хотиним бор! Мана нима сабабдан мен унга ишонаман.

Шу сабабли муаммо бизнинг қанча эътиқодимиз борлигида эмас. Ҳақиқатдан мен инсон эътиқодининг

ҳажмига катта аҳамият беришни Худо учун ҳақорат деб ҳисоблайман. Тўғриси айтганда, масала *биз ўзимиз ишонадиган Худонинг буюклигидадир!* Менинг “катта эътиқодим” йўқ, менинг қудратли Худоим бор! Биз олдин айтиб ўтганимиздай, *масихийлик эътиқодининг объекти — Раббий Исо Масих ва Унинг Каломи*. Хочга тортилган ва қайта тирилган Масих Шахсига биз батамом суяниб яшаймиз ва Унинг ёзилган Каломининг беғараз ҳақиқатига ишонч билан ҳаётдан кетамиз. Бунда Унинг хоҳлаганини қила олиш қобилиятига ишонамиз ва Унга ўз ҳаракатларимизнинг *натижаларини* ишониб топширамиз. Шундай қилиб, эътиқодли ҳаёт тобелик ва беғаразлик билан намоён бўлади. Энди биз учинчи тавсифга келдик.

Имонли ҳаёт — бу тайёр туриш ҳаётидир. Мен тайёр туришнинг табиати ҳақида ўйлаганимда, доимо бир ҳафта давом қилган анжуманлардан бирини ва менга Марта исмли кўр аёл ва уни етаклаб юрувчи ити Зестини эслайман. Бутун ҳафта давомида биз уларнинг биргаликдаги ишларини кузатиш бахтига муяссар бўлдик. Бизни Мартанинг итга қандай маҳорат билан буйруқ бериши ва Зестининг уй бекасига нисбатан сезувчанлиги мафтун қиларди. Зестидан нафақат намунали итоткорлик ва яхши жавоб бера олиш қобилияти бор эди, балки у бекасини кўра олмайдиган барча хавф-хатарлар ва тўсиқлар ҳақида ҳам огоҳлантирарди. Зести Мартани қўриқлар, йўналишини тўғрилаб, уни бошлаб юрарди.

Аммо бу хотиралардан эсимда қолгани ва ажабланарлиси — бу Зестининг *ҳеч нарса* қилмаган вақтида юз берарди! Ҳар куни мен гуруҳдаги машғулотларга тайёрланаётганимда, Марта стол ёнида ўтирганини, Зести эса унинг оёқлари тагида ётганлигини кўрардим. Зести худди шундай вазиятда ҳар куни соатлаб ётиши мумкин эди — баъзида ухларди, баъзида

атрофни томоша қиларди, аммо ҳеч қачон ўз жойини ташлаб кетмасди. Биз қачон танаффус қилганимизда ёки овқатланаётганимизда, у доимо огоҳ ва ҳушёр эди. Марта секингина, аммо аниқ қилиб: “Зести”, деб айтгани етарли эди. Улар шу заҳотиёқ кетишарди.

Бу садоқатли ит мен учун Раббийга нисбатан ҳозиржавоблик ва тайёр туришни намоён қилишимнинг ажойиб намунаси эди. Биз Худони биламиз, Уни севамиз ва ҳаётимизнинг ҳар бир кунини Унга ишониб топширамиз. У халос бўлишимиз учун Унга ишонамиз. У ана шуларни хоҳлайди. Биз Унинг олдида *тайёр туришни* намоён қилишимизни У истайди. Инсон сўрайди: “У мендан аниқ нимани хоҳлайди?” Бу саволнинг жавоби қуйидагича: “Мен билмайман, ҳар бир одам учун бу турличадир”. Бизнинг вазифамиз *ҳозиржавобликда ва тайёр туришда*. Худонинг ёзилган Каломида ҳар қандай одамнинг ҳар бир кунига татбиқ қилса бўладиган сон-саноксиз кўрсатмалар мавжуд. Улар иш, оила, инсоний нуқтаи назарлар, фалсафа ва қарор қабул қилиш жараёнининг жуда кўп ҳаётий томонларига тегишлидир. Агар биз Каломга итоаткорлик ва мўмин юрак билан, Худонинг етаклашига ҳозиржавоблик билан ва тайёр бўлиб мурожаат қилсак, У бизни қаерга хоҳласа, шу ерга қўяди. Мен кўпинча шундай дейман: “Тўхтаб турган машинани бошқаришдан кўра, ҳаракат қилиб кетаётган машинани бошқариш анча осонроқ! Ўзингиз тушунган йўлингиздан бораверинг. Шунда Худо сизнинг ҳар бир қарорингизни қадам-бақадам бошқариб туради”.

“Худо учун ишлаш” каби самимий хоҳишимиздан бошланадиган бизнинг барча “фаол” тафаккуримиз билан баъзан Исо намунаси ҳақида эслашимиз керак. Биз Хушхабарда Унинг уч йил қавмбошилиқ қилгани ҳақида ўқиганмиз. Албатта, У бу пайтда доимо ҳаракатда бўлган. Аммо бу қавмбошилиқ қилган йилларидан ол-

дин У ҳеч қандай жамоат хизматини қилмаган 30 йил бор эди. Шундай бўлса—да, Яхё томонидан У имонга киритилганда, осмондан Унинг Отаси шундай деган: “Сен Менинг севикли Ўғлимсан, Сендан мамнунман” (Марк 1:11).

Ўзининг имонга киритилишидан олдинги 30 йил давомида Исо биронта кўрга шифо бермади, одамларни ўқитмади, башорат қилмади. У узоқ шаҳарчада, оддий бўлиб туюлган ҳаёт тарзини бошидан кечирди. Лекин У ҳар куни қонундаги энг буюк амрни бажарарди:

Раббинг Худовандни бутун қалбинг, бутун жонинг, бутун қувватинг ва бутун онгинг билан сев, яқинингни ўзинг каби сев (Лука 10:27).

Ҳар куни Масих Ўзида Отаси иродасини бажаришга тайёр туришни тарбиялаган. У Насрода оддий ҳаёт кечираётганда, айнан Отаси Унинг вақти келгунча эҳтиётлади. Кўпларнинг фикрича, Исо Ўзининг 30 йиллик ҳаётида унча кўп иш қилмаган. Аммо Худо нарсаларга бошқача қарайди. Исо доимо Ўз Отасининг буйруқларига тайёр турган ва ҳозиржавоб бўлган. Бизнинг барча самимий, лекин “Худо иши учун” керагидан ортиқ баланд сакрашда нотўғри йўналтирилган уринишларимиз билан ва галатианизмга қайтишга бўлган табиий хоҳишларимиз билан биз Масихнинг Ердаги биринчи 30 йиллик ҳаётини ва “Ишонмасдан Худонинг розилигини топмоқнинг имкони йўқ” (Римликларга 11:6), дейилган Муқаддас Ёзувни эслашимиз жоиздир. Мен учун Муқаддас Китобдаги намуналар билан бир қаторда, тайёр туришнинг энг яхши андозаларидан бири — Зести исмли итнинг садоқати ибрат бўлиб қолади.

Тобелик, холислик ва тайёр туриш Павлус ақлининг ички ҳолатини тасвирлайди. У шундай деб ёзади:

*Шундай қилиб, эй биродарларим, Худонинг марҳамати ҳақи, сизга ёдвораман: Худога оқилона хизмат қила олишингиз **учун** вужудингизни тирик, муқаддас, Худога манзур бўладиган қурбон қилиб бағишланглар (Римликларга 12:1).*

Худога хизмат қилишнинг эътиқодга тўла чин юракдан чиқмаган уриниши, У рад қилган “ўзини ўзи тартиб-интизомга” ўргатишни келтириб чиқариши мумкин. Бу — галатианизмга қайтишдир. Бошқа томондан, “Эй Раббий Исо, мен Сенинг олдингдаман. Сен мен учун ўлганинг ва яна қайта тирилганинг учун Сендан миннатдорман. Сенсиз мен ҳеч нарса қила олмайман. Лекин Сен мен орқали қилишни хоҳлаган ҳамма ҳаракатларинг учун ўзимни тақдим қиламан. Сен менда бошлаган ишнинг натижаларини ва якунини ишониб Сенга топшира олишимни биламан”, — дейдиган эркак ва аёлларни, йигитлар ва қизларни Худо қидиради.

Шундай қилиб, Худога ишониш қарори ҳаётнинг чин севгисини, мазмунини ва мақсадини очиш учун калитдир. Бу — ҳаёт бўйлаб Худони англашда ва У сиз доимий қадриятга эга бўлган ишларда қандай фойдаланишни кузатиб юриб, севувчи Худо билан бирга ҳаяжонга солувчи, мардона яшашдир. Худога эътиқод орқали ўзини-ўзи тақдим қилиш қарори — бу бизнинг ҳузур-ҳаловатда ўсиш жараёнидаги мажбуриятимиздир. Худонинг Ўзи эса кейин натижасини ўстиради.

Бир марта ўзини-ўзи Худога тобе қилган ва Унинг иродасини бажаришга тайёр бандалар сифатида тақдим қилиш қарорини қабул қилганмиз. Биз Масиҳни ўзимизда яшашига имкон берганмиз, буни қай тарзда ҳаракатга солишимиз мумкин? Менда Муқаддас Китоб машғулотларидан олинган оддий қоида мавжуд: “Шубҳаланган вақтингда, ўқишни давом эттиргин”.

Марказда — туйғулар

Асримизнинг 70-йиллари сўнгида “Даллас Ковбойлари” футбол командаси Америка футболининг суперкубоклари ўйинларида тез-тез иштирок этган ва “Америка командаси” сифатида машҳур бўлган пайтларда, бир дўстим менга уларнинг катта ўйинларидан бирига иккита бепул чипта берди. Мен бу имкониятдан жуда ҳаяжонландим. Стадионга келиб, жойларимиз жуда юқорида эканлигини кўрганимда ҳам унчалик хафа бўлмадим.

Ўйин майдоннинг биз ўтирган томонида ўтаётган вақтда, биз ҳамма нарсани яхши кўриб турардик. Ўз жойларимиздан биз майдоннинг бир четки чизиғидан иккинчисига ўтадиган қисмини кўра олардик, ҳужумчилар ўйинини ва ҳимоячилар ҳаракатларини кузатардик. Лекин ўйин майдоннинг бошқа қисмига ўтганда, биз фақат чумолилар сингари орқа ва олдинга югураётган одамлар галасини кўра олишимиз мумкин эди, холос. Ўйинчилар 15 метрликни босиб олишдими, ёки ўн метрликни йўқотишдими, аниқ айта олмасдим. Шу туфайли менинг диққатимни ўйиндан кўра атрофимдаги томошабинларнинг ҳаракатлари жалб қилди.

Майдоннинг узоқ четида тўп учун жанг кетаётган пайтда биринчи марта бу рўй берди. “Ковбойлар”

хужум қилишаётган эди. Арбитр ҳуштагини чалиб, уларга сариқ карточкани кўрсатган вақтда, ковбойлар коптокни деярли қўлга киритишган эди. Ҳамма инграб юборди: “Ковбойлар” ҳисобда арзимаган устунликка эга эдилар ва пенальти уларга қимматга тушиши мумкин эди. Ҳакамлардан бири микрофонга яқинлашиб шундай деди: “Тақиқланган усул. 73 тартиб рақамли хужумчи ҳаракатни қўлга олишдан вақтлироқ бошлади”. Шу пайт менинг ёнимдаги секторда ўтирган барча томошабинлар ўринларидан туришди ва бор овозлари билан: “буууууууу...” деб қичқириб юборишди. Яқинимда ўтирган баъзи бировлар ҳакамни турли сўзлар билан сўкканларини эшитдим. “У қўлга олгунча ҳаракат қилмади!” — деб қичқирарди улар бир-бирига ғазаб билан. “Бу ҳакам турган битгани аҳмоқ!”

Мен шу заҳотиёқ ўйинни унутиб, футбол мухлисларини кузата бошладим. Мен ҳам “Ковбойларнинг” ғалаба қозонишларини хоҳлардим, мен ҳам бошқа мухлислар сифатида пенальтидан хафа бўлдим. Аммо ишқибозларнинг муносабатларида мени шу нарса ҳайратга солдики, *менинг секторимдаги одамлардан биронтаси ҳам пенальти асосли равишда берилдими ёки йўқми — буни билишлари асло мумкин эмасди*. Биз ўтирган бурчақдан ва масофанинг узоқлиги сабабли буни кўра олмасдик. Лекин улар ҳақиқатдан ҳам ҳакамнинг ҳақ ёки ноҳақ эканлигини асло била олмаганлари ишқибозларнинг туйғуларига сира таъсир қилмасди. Улар ҳозир уйлари бузилган арилардан ҳам ғазаблироқ эдилар.

Мен диққатимни яна ўйинга қаратдим. Бироқ бу вазият яна худди шундай ҳолат юз бергунча давом этди. Фақат энди қарама-қарши бурчақда. Бу сафар воқеа майдоннинг биз томондаги бурчагида содир бўлди. Тўп “қизилтанлиларда” эди ва улар очко йиғишарди. Бош ўйинчи майдон четидан ҳаракатланиб,

навбатдаги ўйинчи томон йўл олди ва унга тўпни аниқ оширди. Тўпни олган ўйинчи турган жойида бирпас рақсга тушди, лекин кейин бурчакка югуриб борди ва тўпни майдондан чиқариб юборди. Ўйинчи югуришни секинлатди ва майдон чизигида олти футча берида тўхтади. Шу пайт тўсатдан уни “Ковбойларнинг” орқа ҳимоячиси чалиб юборди. У йиқилиб тушди.

Ҳакамлар бир дақиқа ҳам иккиланишмади. Уларнинг учаласи ҳам бир вақтнинг ўзида бараварига ўйиннинг қўполлик билан бузилишини билдирувчи карточкалар кўрсатишди. Майдон ташқарисида ҳуштакдан сўнг бу нафақат қоидаларнинг қўпол бузилиши, балки бу вазиятда қоидани бузган ўйинчини майдондан чиқариб юборилиш хавфи бор эди. Қани топинг—чи, менинг ёнимдаги ишқибозлар бу сафар қандай муносабат билдиришди... Худди биринчи мартадагидай! Улар овозлари борича қичқириб, оҳ-нолалар қилишарди, ҳакамларни қарғаб, бир-бирлари билан қизгин баҳслашишарди. “Бу ҳакамларнинг кўзлари кўр!” “Улар доимо “қизилтанлиларга” ён босишади!” “Ҳакамлар майдондан йўқолсин!” Буларнинг бари *воқеалар уларнинг кўз ўнгиди бўлиб ўтаётганлигига ва ҳакамларнинг мутлақо ҳақ эканлигига қарамай содир бўларди*. Мен ҳам “ковбойларнинг” ютишларини хоҳлардим, аммо ҳакам тўғри огоҳлантириш берган эди. Қоидаларнинг қўпол бузилишини ва майдонда бундай тўқнашувнинг хавфли эканлигини эътиборга олсак, “ковбойлар” командаси ўйинчиси, аслида, ўйиндан чиқарилиб юборилиши ва унга жарима солиниши керак эди.

Ўша ўйинда ким ғолиб бўлганлигини мен аллақачон эсимдан чиқариб юборганман, лекин ўйин ишқибозларининг ўзларини тутишлари менинг хотирамда муҳрланиб қолган. Олдинига, ҳали огоҳлантиришнинг асосланганлиги ҳақида ҳеч қандай тушунчага

эга бўлмасдан туриб, улар худди жиннилардай бақирисарди. Кейин улар шундоққина кўз олдиларида бўлиб ўтган аниқ нарсани инкор қила бошладилар ва яна қаттиқ жазавага тушдилар. Нима учун? *Чунки команда ишқибозлари “ковбойларнинг” голиб бўлишларини жуда хоҳлашарди.* Улар ғалабани шунчалик ишташардики, ҳатто ҳақиқатдан кўз юмишга ҳам тайёр эдилар. Уларнинг ҳолатларини куйидагича тасвирласа бўлади: “Менга далилларни кўрсатманг! Мен аллақачон ҳаммасини ўйлаб қўйганман”. Биз ҳаммамиз шундай ҳолатга тушишимиз мумкин ва у ҳақиқатга самимий тарафдор бўлган тақдирдагина тузатилиши мумкин.

Олдинги бобларда биз масихийлик эътиқодидаги *беғаразлик* ҳақида сўз юритдик. Биз эътиқоднинг қадри фақат унинг объектида эканлигини, бизнинг эътиқодимиз объекти Исо Масих ва худди ҳақиқатимизнинг манбаи сифатида Унинг Каломи эканлигини кўрдик. *Беғараз яшаш — бу ҳақиқатга эътибор қаратиш, ҳақиқатга суяниш ва ҳақиқат асосида ҳаракат қилиш деганидир.* Ҳузур-ҳаловатда ўсиш учун Худо Каломи ҳақиқатига мувофиқ беғараз яшашга ўрганиш лозим.

Бошқа томондан, “Ковбойлар” ишқибозларининг ўзларини тутишларида сиз беғаразликка умуман қарама-қарши ифодани кўрасиз. Бу *субъектив фикрлаш* деб аталади. Субъектив фикрлаш бизнинг ички ҳолатимиз ва ҳаракатларимиз *ҳақиқати* таъсири остида эмас, балки бизнинг *туйғуларимиз* таъсири остида шаклланган пайтда пайдо бўлади. “Мен шуни хоҳлайман” ёки “мен буни сезяпман”. Демак, бу — ҳақиқат. Агар биз шундай фикрларга ўзимизни қамраб олишига йўл қўйиб берсак, кўз ўнгимиздаги аниқ ҳақиқатни инкор қилишимиз мумкин, ҳаттоки агар бу аниқ ёзилган Худо Каломи бўлса ҳам. Мен одамларнинг: “Агар мен Исо яратган бирон-бир мўъжизани кўрганимда эди, шунда менинг эътиқодим кўпроқ бўлар эди”, — деган гапларини қўп

эшитганман. Бу албатта, нотўғри. Кўриш — ишониш дегани эмас! Исонинг мўъжизаларини кўрган ва барибир Уни инкор қилган одамлар жуда кўп бўлган. Ҳатто Унинг душманлари ҳам Унинг мўъжизаларини инкор қилмаганлар. Сиз, эҳтимол, Лазар билан бўлиб ўтган воқеада, ҳаммани ишонтириш учун ўликни тирилтириш етарли бўлган деб ўйларсиз? Лекин бу янгиликни эшитган фарзийлар мана нима деб айтишди:

Биз нима қилайлик? Бу Одам жуда кўп мўъжизалар яратиб юрибди-ку! Агар Уни ўз эркига қўйиб берсак, ҳамма Унга ишониб кетади. Римликлар келиб, муқаддас жойимизни ҳам, халқимизни ҳам босиб оладилар (Юҳанно 11:47, 48).

Фарзийларнинг муаммоси аниқлик йўқлигида эмас эди. Чунки улар Исонинг ишларини тан олган эдилар. Муаммо шунда эдики, ҳаттоки Худо Ўғли уларнинг кўз ўнгида аниқ куч ва ҳокимиятни намоён қилса-да, — ҳақиқатга эга бўлиш истагидан кўра ўз шахсий ҳолатларини, анъаналарини, ҳуқуқий ҳолатларини қўллаб-қувватлашдан улар кўпроқ манфаатдор эдилар. Мана, одам ҳақиқатни ҳам инкор қилиши учун, қанчалар мағрур бўла олиши мумкин экан.

Ҳамиша радиода ва ўз идорамда мен мутлақо субъектив одамларни учратаман. Улар ўз туйғуларини ҳақиқатни аниқлаш учун мезон деб биладилар. Баъзилар Муқаддас Ёзувга мутлақо қарама-қарши яшайдилар, бироқ ўзларини тўғри йўл тутаётганликларини айтиб оқлайдилар ҳам. Уларда туйғу бор, уларнинг қарорлари ўзидан кейин умидсизлик, дард ва чигаллик изларини қолдирса-да, Худо улар билан гаплашганини “биладилар, холос”. Туйғуларга ишониш — бу дунёнинг оғирлиги ва муаммолари остида вайрон бўладиган асосга эга бўлиш демакдир. Худо Каломиде топа-

диган объектив ҳақиқатнинг таянчисиз биз тўла алданишга, бинобарин, қулликка маҳкуммиз.

Муқаддас Китоб бизнинг туйғуларимизга эмас, *ақлимизга* мурожаат қилади. Римликларга мактубнинг 12:2 ояти бунинг буюк намунаси бўлиб хизмат қилади. Биринчи оятда вужудимизни Худога бағишлашимиз тўғрисидаги даъват янграйди: “Худога оқилона хизмат қила олишингиз учун вужудингизни тирик, Муқаддас, Худога манзур бўладиган қурбон қилиб бағишланглар”. Шундан сўнг Павлус бизнинг фикримизга мурожаат қилади:

*Бу дунёга уйғунлашманглар. Худонинг яхши, манзур, комил иродасининг нима эканини фаҳмламоқ учун **фикрингизни янгилаш орқали тубдан ўзгаринглар.***

Эътибор қилинг-а, Павлус: “*ҳис-туйғуларингизни янгиланиши орқали ўзгаринг*” демаган. Унинг айтишича, бизнинг ҳаётимиз *ақлимизнинг* янгиланиши орқали ўзгаради, дейди. Унинг насихати тўғридан-тўғри бизнинг *фикрларимизга* қаратилган. Бу янгиланиш — сиз билан содир бўладиган аллақандай нарса эмас; сиз фақат ўтириб, кутишингизга тўғри келади. *Бу — Ёзув орқали бизнинг фикрларимизни Руҳга топиришига қарор қилишимиздир*, худди ёруғлик қоронғуликни ёритгани каби, бизнинг фикрларимиздаги хатоларни енгишга Худога ҳақиқатдан фойдаланиш имкониятини тақдим этиш қароридир. Бу Худога, ўзи ўзига ва бутун ҳаётга инсон (хато) нуқтаи назаридан эмас, балки Худонинг (ҳақиқатнинг) нуқтаи назаридан қарашга ўрганиш деганидир.

Туйғулар ҳаётимизнинг энг ёрқин хусусиятидир. Сиз кучли туйғуларни бошингиздан кечираётганингизда, улар сизга асосий ҳақиқат бўлиб туюлади. Туйғулар ва

далиллар бир-бирига мос келмаган пайтда, биз туйғуларга ҳал қилувчи овозни беришга мойил бўламиз. Аммо бунга қарамасдан, Муқаддас Китоб бизнинг ҳис-туйғуларимизга эмас, балки бизнинг фикрларимизга мурожаат қилади. Фикрларимизнинг янгиланиш жараёнидаги ўсишда бу туйғуларимиз қандай ҳаракатланишини, уларга Худо белгилаган ҳақиқий вазифа қандайлигини, қай тарзда ҳақиқат бизни субъектив ҳаёт қуллигидан озод қила олишини тушунишимизга ёрдам беради.

Туйғулар — бу жавоблардир. Улар фақат сиз ва мен ўз ақлларимизга сиғдира оладиган нарсаларга жавоб беради. Бошқача қилиб айтганда, *сиз бирор нима ўйлаганингиз учун ниманидир ҳис қиласиз.* Ўз қалбингизда ҳақиқий ғазабни ҳис қилган воқеани эсланг. Ўша пайтда сиз нима ҳақида ўйлаган эдингиз? Балки сизда ёқимли фикрлар жўш ургандир?.. Йўқ, онгингизда сиз ғазаб саҳнасини чизгансиз. Энди эса рашк туйғусини ҳис қилган воқеани эсланг. Худди ўша нарса бўлган, тўғрими? Рашкингизга сабаб бўладиган вазиятни сиз кўргансиз, ёки уни тасаввур қилгансиз. Шу сабабдан сиз рашк ўтида ёнгансиз. Кўчада бемалол сайр қилиб юрган одам ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ ғазабга тўлмайди ёки сабабсиз рашк қилмайди. Худди вирусни илаштириб олганингиз сингари, сиз туйғуни “юқтирмайсиз”. Сиз олдин ўйлайсиз; сўнгра туйғуларингиз жавоб қилади.

Эътибор қилдингизми, мен юқорида “кўрдингиз ёки *тасаввур қилдингиз*” дедим. Бу — биз туйғулар ҳақида тушунишимиз керак бўлган иккинчи нарса. Бизнинг туйғуларимиз ақлсиздир. Айтайлик, уларнинг ақли йўқ. *Туйғулар далил ва хаёлни, ёки ўтмиш, ҳозирги пайт ёки келажакни ажрата олмайди.* Бизнинг туйғуларимиз ақлимизга жойлаштирилган ҳар бир нарсага қандай жавоб қилишини ишонч билан айтиш

мумкин. Эсимда, бир куни ўсмир пайтимда биз акам ва опам билан даҳшатли фильмни кўришга бордик. Биз вақтимизни яхши ўтказиш учун кинога боргандик. Ҳаммамиз хурсанд эдик, кулиб-ҳазиллашиб “поп-корн” ва конфетлар сотиб олдик. Мен буни фақат кино эканлигини билардим. Лекин экранда Франкенштейнни кўрганимда, мен шунчалар кўрқиб кетдимки, ўтиргичнинг тагига кириб олдим. Опам ва акамни мен ноқулай аҳволга солиб қўйдим. Бунинг сабабини билмасдим. Ўша вақтда мен бор-йўғи ўн саккиз ёшда эдим. Ўйинлар, қизиқарли фильмлар ва телевизион дастурлар биздан ҳар қандай туйғуларни тортиб олишга қодирдир — жуда кучли ғазабдан то кўзёшларига сабаб бўладиган ғамгача — *ҳаттоки биз ақлимиз билан бунинг бор-йўғи томоша эканлигини тушунсак ҳам*. Даҳшатли кинофильмларга борадиган ва ўзларига ўзлари: “Бу бор-йўғи фильм... Ахир бу кино-ку...”, — деб хотиржам бўлишга ҳаракат қиладиган одамларни мен билардим. Аммо бу таъсир қилмасди. Улар бунинг бор-йўғи фильм эканлигини билишарди. Лекин улар қўлида катта пичоқ билан рўпараларида турган ва ақлдан озган қотилни кўрардилар. Шунда томошабинларнинг туйғулари вазиятга мувофиқ жавоб қайтарарди.

Хаёллар билан ҳам туйғуларимизга худди шундай таъсир ўтказиш мумкин. Ўттиз беш ёшларга бориб қолган Жери исмли ёшгина аёл ҳали турмушга чиқмаган эди. Унинг турмушга чиқиш, оила қуриш ис-тагида ҳеч қандай ажабланарли жойи йўқ эди. Бироқ ёлғизлиги туфайли Жери ўй-хаёлларга берила бошлади. У ўз орзусидаги эркакни тасаввур қила бошлади — унинг ташқи кўриниши, у қандай гаплашади, ўзини қандай тутати. Хаёлан у учрашган вақтларини, бирга қиладиган суҳбатларини ижод қиларди. Жерининг хаёлий муносабатлари борган сайин батафсиллашиб борар ва улар фақат аёлнинг хаёлида жуда

мукаммал эди. Жери ва унинг орзусидаги эркак ҳеч-қачон бир-бирлари билан уришмас, уларнинг ўрталарида ҳеч қачон ҳозирги вақтда ҳақиқий одамлар билан юз берадиган тушунмовчиликлар, қийинчиликлар ва низолар йўқ эди.

Охир оқибатда Жерининг ўз “севгилиси” ҳақидаги ҳаёллари уни шунчалар қамраб олдики, у буни чиндан ҳам худди ўзидай акс эттира бошлади. Ишдан уйига келиб, у кечки овқат тайёрларди ва *икки кишига* стол безатарди. Кейин шамларни ёқиб, тасаввуридаги дўсти билан ҳаёлан суҳбат қуларди. Бу шунчаликка бориб етдики, у ўзига ёрдам кераклигини тушунди ва маслаҳат олиш учун келди. Бу воқеа инсон ҳаёлларининг таъсирини ва эркинликка чиққан туйғуларнинг қобилятини намойиш қилади. Улар одам ақли устидан ҳукмронликни шунчалар қўлга киритадики, у ҳақиқатдан умуман узоқлашиб кетади. Ҳаёлларга ҳаддан зиёд берилиш жуда хавфли, чунки биз ҳақиқий дунё тенглаша олмайдиган ҳаёлий дунёни яратамиз. Кейин эса ҳаёт қийинчиликларидан ўша мавжуд бўлмаган ҳаёлий дунёга қочиб кетиш истаги пайдо бўлади.

Ўтмишда ҳаммамиз ҳам озми, кўпми, азоб чекишимизга тўғри келган. Эсимда, кичкиналимда бошқа болалар менга жуда ёмон муносабатда бўлишган. *Бу мени ҳатто ҳозир ҳам ақлдан оздиради* — мен ҳозир 50 ёшдан ошганман. Ўша воқеалар ҳақиқатдан ҳам бундан 50 йиллар илгари содир бўлган. Аммо мен ўша вақтдаги ҳодисани ўз ҳаёлим “экранига” ҳозир қайта тикласам, *менинг туйғуларим буни 50 йил илгари содир бўлганини билмайди*. Туйғуларимнинг менга айтадиган гапи, бола *бугун* менинг жиғимга тегяпти, деган маънони билдиради. Менинг туйғуларим эса шунга мос ҳолда жавоб беради.

Сиз қачонлардир бўлса ҳам оилавий альбомингизни varaқлаб кўрганмисиз? Агар сиз менга ўхшаган бўл-

сангиз, унда сизнинг туйғуларингиз хотирангизнинг пана жойларидан одамлар ва жойларни чақирган заҳоти, улар сизнинг бошингизни айлантиради. Ховлида ўтирган бувингизнинг суратини олсангиз бўлди, ўша заҳотиёқ сизни хотиралар тўлқини чулғаб олган бўларди. Биттагина расм ёзни, унинг оқшомларини, салқин ичимликларини, тўп ўйинларини, зоти паст, аммо ёқимтой итни хотирада жонлантиради. У сизга синган қўлингиз ҳақида, болаликдаги қизиқишларингиз ҳақида, мактабнинг инжиқ директори ҳақида ёки сизнинг арифметикани қандай ёмон кўришингиз ҳақида эслатади. Сизнинг кўз ўнгингизда дафн қилиш маросими пайдо бўлиши мумкин ёки тўсатдан сиз Жо ҳақида даҳшатли янгилик эшитган вақтингизни эслайсиз. Ана шу воқеалар юзага чиққан заҳоти бу расмлар энди бор-йўғи суръатлар эмас. У ёки бу расм билан боғлиқ туйғулар мавжуд — уларнинг баъзилари ёқимли, баъзилари аччиқ — кучи ҳар хил. Бу хотираларнинг бари аллақачон сизнинг онгингизда эди. Уларни юзага чиқариш учун фақат сабаб керак эди — айна вақтда суръатлар ўз вазифасини бажарди.

Шундай экан, хотирада *ўтмиш* воқеаларини жонлантириб, сиз *ҳозирда* жавоб беришлари учун туйғуларингизни жонлантиришингиз мумкин. Агар ҳамisha ўтмишдаги муваффақиятсизликларни, аламларни, умидсизликлар ва ҳақоратларни ўйлайверсак, биз ўзимизни бугунги кунда ҳаракат қилишдан маҳрум қиламиз. Бу воқеаларга кўп вақтлар илгари юз берган бўлиши мумкин, бироқ бизнинг туйғуларимиз фарқни аниқлай олмайди.

Худди шундай тасаввур орқали биз *келажакни* кўз ўнгимизда жонлантира оламиз ва ҳиссий жавобларни худди улар ҳақиқатдан *ҳозирда* юз бераётганчалик чиндан ҳам тиклай оламиз. Бир куни менга Нэнси исмли ярим ақлдан озган ҳолатдаги аёл телефон қилди. У

алам билан йиғлар ва кўз ёшлари уни бўғиб қўйгандай зўрға гапира оларди. Нима воқеа юз берганини ундан сўраб билиб олиш жуда қийин бўлди. Ниҳоят, мен гап нимада эканлигини тушундим.

Нэнси танасида қандайдир оғриқлар ҳис қилган ва шунинг учун текширтириб кўришга қарор қилибди. Касалхонада шифокорлар унга, бу — артритнинг биринчи белгилари дейишибди. “Шифокор менга ҳозир ахволингиз унчалик ёмон эмас, — йиғи аралаш гапирарди Нэнси, — аммо келажакда шол бўлиб қолиш хавфи бор экан”. Аёл яна келажакдаги ўз ҳолатига ачинди ва хўнграб йиғлаб юборди.

Фикрларимни бир жойга жамлаб, мен унга шундай дедим: “Хўп, яхши. Нэнси, келинг кўрайлик-чи, сиз ҳозир ўйлаётган нарсаларни мен ҳам тасаввур қила оламанмикан! Сизга енгил артрит ташхисини қўйишди. Бу касаллик то юрист котибаси учун жиддий бўлган машинкада ёзиш қобилятингизни йўқотмагунингизча, авж олиб бораверди. Сиз ўз ишингизни давом эттиришга уриндингиз. Аммо сизнинг қўлларингиз янада тиришиб, ғадир-будир бўлиб кетди. Шундан сўнг юридик фирма сизга ўз ихтиёрингиз билан ишдан кетишингизга имкон беришдан бошқа чораси қолмади. Ёшингиз бир жойга бориб қолган, имкониятларингиз чегараланган, энди сизнинг ҳозирги бу ҳолатингизда бошқа бирон арзийдиган касбни ўрганиш амри-маҳол. Сизнинг пулингиз йўқ. Яшаётган уйингиздан чиқариб юборишди. Буларнинг барининг натижаси — жулдур кийимдаги сизнинг майиб танангиз, сиз ахлат қутиларидан бирон-бир емиш излайсиз, паркдаги скамейкаларда ухлайсиз ва ҳеч бўлмаганда, нон сотиб олиш ниятида — арзимаган бир неча чақа ишлаш учун шаҳар кўчаларида қалам сотасиз... Шунга ўхшаш ҳодисалар, тўғрими?”

Телефон трубкасининг нариги томонида узоқ вақт жимлик ҳукм сурди, кейин Нэнсининг секингина овоз

билан гапиргани эшитилди: “Сиз қандай билдингиз?”

Нэнсининг асаблари дош бера олмагани ажабланарли эмас! Кунларини шу даҳшатли манзарани тасаввур қилиш ва шу тўғрида доимо фикр юритиш билан ўтказётган ҳар қандай одам ҳам ақлдан озиши мумкин. Унинг фикрлари ҳақиқат эмас эди. Лекин буни унинг туйғулари билмасди. Унинг ҳиссиёти — булар фақат хаёлий келажак манзараси эканлигини аниқлай олмасди. Шунинг учун ҳам даҳшатли қўрқув унинг юрагини кемирарди. Унга нима деб маслаҳат бериш мумкин? Исо Масихнинг айтишича, “ҳақиқат сизларни озод қилади” (Юҳанно 8:32). Шу сабабдан Нэнси Худо истиқболига — ўзининг вазиятига мос ҳақиқатга қайтиб, ўз фикрини янгилаш орқали тубдан ўзгариши керак эди.

“Нэнси, — дедим мен, — сиз бугун машинкада ёздингизми? Бугун ишингиз бор эдими? Сизнинг бугунги кунда уйингиз, пулингиз борми? “ У менинг барча саволларимга — “ҳа”, деб жавоб берарди. “Унда бугунги кун учун Раббийга шукроналар айтайлик. Чунки У шундай деган: “Ҳар қандай шароитда ҳам Худога шукр қилинглар. Бу — Худонинг иродаси, чунки сизлар Исо Масих умматисизлар” (1 Салоникаликларга 5:18). Мен сизнинг келажакингизни билмайман. Аммо мен шуни аниқ биламанки, бугун бизда бўлган Ўша Исо аллақачон у ерда, келажакда! Зеро бу Ўша: “Бинобарин, эртаги кун ҳақида ташвиш тортманглар. Эртанинг ташвиши эртанинг ўзига тегишлидир. *Ҳар бир куннинг дарди ўзига етар*” (Матто 6:34), деб айтган Исодир.

Биз яна бирпас суҳбатлашдик, кейин биргалашиб ибодат қилдик. Нэнси Раббийнинг доимий ғамхўрлиги, Унинг севгиси ва муруввати, Нэнсининг келажаги ҳақидаги ғамхўрлигига содиқлиги учун Худовандга

миннатдорчилик билдирди. Аёл ҳақиқатга асосланиб ўз фикрини янгилаши туфайли, тубдан ўзгарди ва яна озод бўлди.

Эҳтимол, шундан ўн йил кейин ҳам у ҳануз машинкада ёзар. Аммо агар у қаттиқ касал бўлиб қолган тақдирда ҳам, Худонинг марҳамати унга хотиржамлик бериш учун доимо у билан бирга бўлади; Нэнси муҳтожлик нима эканлигини сезмаслиги учун Раббий Ўз одамлари орқали ҳаракат қилади. Худо Римликларга мактубнинг 8:28-оятда берган Ўз ваъдасини бажаради: “Биз биламизки, Худони севганларга, яъни Худо Ўз муроди бўйича даъват этганларга ҳамма нарсаяхшилик бўлиб хизмат қилади”. Ҳаёт бизни қўрқитган ёки эзган вақтида ишонч билан Худовандга суяниш одатини шакллантириш ҳузур-ҳаловатда ўсишнинг муҳим қисмидир.

Бу қийин синов бизга сабоқ бўлди. “Танасида ниши” бўлган ҳаворий Павлусни қўллаб-қувватлаган ўша ваъда бизга ҳам тегишлидир. Раббий шундай дейди: “Сенга берган иноятим етар, Менинг қудратим заифликда тугал бўлади” (2 Корифликларга 12:9). Шундай бўлсада, “биз учун етарли бўлган” бу ҳузур-ҳаловат фақат *ҳозирги замонда* мумкин ва фақат *ҳақиқатда* мумкин. У бизнинг ҳаёлий келажагимиз манзараси учун мумкин эмас. Билмайман, мен бу йўлда неча бор йиқилдим экан. Мен бу барча даҳшатни ақлимда қаторлаштираман ва у амалга ошишига ишонаман — худди ана шундай фикр юритишдан мен қўрқаман. Охиروқибатда мен: “Раббий, менга ёрдам бер!” деб қичқираман. Раббий менга жавоб бергандай бўлади: “Нимада Мен сенга ёрдам беришим керак?” “Юз бериши мумкин бўлган бу даҳшатли воқеада!” — жавоб бераман мен. Худованд яна шундай дейди: “Боб, сен нима содир бўлишини *билмайсан*. Бу Менинг ишим. Лекин Мен сенга ваъда берганман: сен келажак-

ка ташриф буюрганинга, Мен ўша ерда бўламан ва Менинг ҳузур-ҳаловатим сен учун етарлича бўлади. Сенинг ўзинг унинг бир қисми ҳисобланган, ҳозирги замон ҳақиқатига қайтсанг бўлмайдими? Сенинг эртанги кунинг ҳақида ғамхўрлик қилишим учун Менга ижоат бер”. Сўнгра мен ҳозирги пайтга қайтаман ва ниҳоят, хотиржам бўламан.

Биз ўз фикримизга ўрнатган барча нарсаларга туйғуларимиз аниқ жавоб беришини ва улар далилни ҳаёлдан мутлақо ажрата олмаслигини кўрган вақтимизда, ақлимизни ҳимоя қилиш қанчалар муҳим эканлигини тушуна оламиз. Ўлими олдидан масиҳий бўлган менинг отам ўсмирлик пайтимда менга шу муҳим ҳаёт дарсини берган. Бир куни кечқурун биз уйда китоб ўқиб ўтирардик. Отам тўсатдан кескин равишда китобни ёпди ва уни четга суриб қўйди. Мен ҳайрон қолдим, чунки у ушбу китобни ўқий бошлаганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлмаганлигини билардим. Мен ундан бунинг сабаби нимада эканлигини сўрадим.

— Чунки мен бу ифлос китоб эканлигини тушуниб олишим учун етарлича ўқидим. Мен уни бошқа ўқишни хоҳламайман, — деб жавоб берди у хотиржамлик билан.

Мен оддий қизиқувчан ўсмир бола эдим. Бу эса менинг диққатимни янада *ўзига тортиди*. Мен яна сўрадим:

— Хўп... кейин-чи?

Отам жавоб қилди:

— Боб, сендан бир нарсани сўрашга ижозат бер. Агар биз овқатлангани ўтирсак ва кимдир сенинг олдинга ахлат солинган тарелкани қўйса, сен шуни ейсанми?

— Йўқ. Албатта, йўқ, — жавоб қилдим мен.

— Мен ҳам емайман, — деди у. — Шунингдек, ушбу ахлатни ўз ақлим билан ҳам ея олмайман. Бу китоб — ахлат. Ва мен уни ўқишни бошқа хоҳламайман.

Отам бу гапларни эътиқод ғурури билан гапирмади. Ушбу масалани у қуруқ оҳангда муҳокама қиларди. Бу суҳбат эътиқод ахлоқи ҳақида эмас. Чунки ўша вақтда отам ҳали имонли эмасди. Аммо у доно ва ақл билан сўзларди, ўша кунни мен бунинг қадрига етдим. Йиллар ўтиб, мен ана шундай зийраклик ҳатто Худо Каломига йўл очган масиҳийлар орасида ҳам жуда кам учрашини англадим. Жуда камдан-кам одамлар ўз ақлларини ҳимоя қилишнинг қанчалар муҳим эканлигини тушунмайдилар, шекилли. Натижада одамлар объектив — ҳақиқатга мувофиқ эмас, балки субъектив туйғуларга мувофиқ ҳаёт кечиришни давом эттирдилар.

Аслида бу вазиятнинг келиб чиқишига заиф масиҳийлик ваъзлари ва бўш ўқитиш сабаб бўлган. Мен ҳали ёшгина имонли бўлган пайтимда бир қўшиқ машҳур эди. Унда қуйидагича сўзлар бор эди: “Барчани қўзғотинг, боринг, ҳаммага Исо Масиҳ — Шоҳ эканини айтинг!” Бу жуда шўх ва тез айтиладиган қўшиқ эди ва у ҳақиқатдан ҳам сизни руҳлантира оларди. Лекин илоҳиёт нуқтаи назаридан бу даҳшатли қўшиқ эди. Ҳеч қаерда сиз Муқаддас Китобнинг сизни масиҳийча ҳаётга боришингиз учун ҳис-туйғуларингизни кўтариш учун уринганини учратмайсиз. Туйғу — бу дунёдаги энг ишончсиз нарсадир. Бу пружинадаги улоқча сингари гоҳ баландга, гоҳ пастда сакрайди.

Ўша йиллари мен фақат бир нарсани ҳис қилардим: оркестр мусиқа чаладиган ва хор қўшиқ куйлайдиган, шунингдек, ниҳоятда ҳаяжонга солувчи жамоат йиғилишларига борардим. Бу йиғилишларнинг ўтиши ҳам деярли хореографик эди. Охирида қавмбоши ўрнидан турарди ва жуда кўтаринки руҳда Худонинг Каломини тарғиб қиларди. Жуда ҳаяжонланганидан у қўлидаги Муқаддас Китоб билан минбарни уриб-уриб гапирарди. Буларнинг бари менга жуда каттиқ таъсир

кўрсатар ва мен ўзимча: “У ҳақ. Бу сафар мен буни қилишим керак. Мен Худо учун тўла 100 фоиз яшашим керак!” деб ўйлардим. Йиғилиш тугагандан сўнг мен қатъий қарор билан жамоатдан чиқардим. Кейин биз Эми билан дўстларимизникига борардик ва улар бизни бирон жойга тушлик қилишга таклиф этишарди. Машинада йўл босиб борар эканмиз, суҳбатлашардик ва мен энди ўша куч заифлашиб бораётганини сезардим. Тўкин-сочин дастурхон, самимий суҳбат ва уйдаги дам олишдан сўнг бир неча соат ўтар-ўтмай мен хизмат ҳақида қийинчилик билан эслардим, уни ҳам фақат юзаки, холос. Ҳар доимгидай душанбадан иш бошланарди.

Нега шундай бўлади? Чунки туйғулар фақат садодир. Жамоат хизмати пайтида сиз куч берувчи нарсаларни кўрасиз ва эшитиб турасиз. Бунда эса сизнинг туйғуларингиз баландга парвоз қилади. Аммо сиз оддий ҳаёт домига қайтганингиз ҳамон, қанот берувчи муҳит йўқолади ва ҳисларингиз ҳам ерга қайтиб тушади. Биргина ҳис-туйғулар сизни кўтариб, парвоз қилиш учун етарлича кучга эга эмас.

Мен ҳозиргина юқорида тасвирлаб берганларимни — бу бизнинг оддий кечинмаларимиздир, деб ҳисоблайдиган минглаб масиҳийлар мавжуд. Улар ўзларига куч берувчи жамоат йиғилишларига борадилар ва осмонларга парвоз қиладилар, сўнгра яна бир-икки кунга пастга тушадилар. Кўтарилиш учун улар яна ҳафта ўртасида йиғилишга келишлари керак. Кейин улар яқшанба куні барчасини бошқатдан бошлаш учун яна ерга тушадилар. Бу жуда мантиқсиз ҳаёт тарзидир. Бу — “Америка баландликларидаги” ҳолдан тойдирувчи пойга ва куйиб кул бўлиш учун ажойиб рецептдир. Худо бизни бундай ҳаёт учун яратмаган.

Субъектив ҳаётда тартиб қуйидагича: *ақл, туйғу, ҳаракат*. Бошқача қилиб айтганда, ақл ўз дастурини

ҳаётдан олади. Кейин туйғулар истакларни пайдо қилади ва ақлда пайдо бўлган фикрларга қонуний равишда жавоб беради. Кейин бу истаклар ҳаракатга келтирилади.

Худонинг тартиби бунга қарама-қарши туради. Худо Каломи бизни мана бундай тартиб бўйича яшашга даъват қилади: ақл—туйғу — ҳаракат эмас, балки *ақл, ҳаракат ва туйғу*. Биз олдин ўз ақлларимизни Муқаддас Рухга, худди бизнинг ҳақиқат манбаимиз каби, Ёзувга тобеликда тақдим қилишимиз керак. Кейин бизни “ҳаракатга келтиришларини” ёки биз “шунга ўхшаган ниманидир ҳис қилишимизни” кутиб ўтирмай, *Худо Каломига тобеликда эътиқод билан биринчи қадамни қўйишимиз лозим*. Кейин охирида биз ўз туйғуларимиз бу эътиқод қадамига жавоб бераётганини кўрамиз.

Худо Каломининг кам бўлса—да, шундай жойлари ҳам борки, улар тўғрисида мен яширмасдан ростини айтаман, бу жойларни ўқиганимда, мен гўё уларни бажарётгандай бўламан. Масалан, Ёзувнинг қуйидаги парчаларини ўқинг ва агар сизни “ҳаракатга келтиришларини” кутганингизда, уларнинг қанчасини *сиз* бажаришингиз мумкинлигини ўзингиздан сўранг: “Душманларингизни севинглар, сизга жабр-зулм ўтказганлар учун ибодат қилинглар” (Матто 5:44); “Орангизда ким катта бўлишни истаса, сизга хизматкор бўлсин. Орангизда ким биринчи бўлишни истаса, сизга қул бўлсин” (Матто 20:26, 27); “Аксинча, агар душманинг оч қолган бўлса, уни тўйғизгил; агар чанқаган бўлса, унга сув ичиргил. Мана шунда унинг бошига ёнаётган чўғлар йиққандай бўлурсан. Ёмонликка мағлуб бўлма, ёмонликни яхшилик билан мағлуб қилгин” (Римликларга 12:20, 21); “Ҳар бир одам ҳукмрон ҳокимиятга бўйсунсин... Ҳар бир кишига ўз ҳақини беринглар: солиқ йиғувчига — солиқ; бож

олувчига — бож; кўрқувга лойиқ бўлганга — кўрқув; ҳурматга лойиқ бўлганга — ҳурмат” (Римликларга 13:1, 7); “Рақобат руҳи ва шухратпарастлик билан ҳеч нарса қилманглар. Аксинча, камтарлик билан бир-бирингизни ўзингиздан юқорироқ ҳурматга сазовор ҳисобланглар” (Филиппиликларга 2:3); “Лекин агар бирор киши масиҳий бўлгани учун азоб чекса, уялмасин, аксинча, бу ном билан Худони улуғласин” (1 Бутрус 4:16).

Ана шу тарзда жавоб берадиган одамда табиий ҳеч нарса йўқ. Дунё кузатувчисига бундай одам батамом жумбоқ бўлиб туюлади. Унинг фикрлари, қадриятлари ва қарорлари тескарисига ўгирилгандай кўринади, барибир у барқарор, изчил ва етук бўлиб кўринади. У аллақачон ҳузур-ҳаловатда ўса бошлади. Лекин агар сиз ундан бу ҳақда сўрасангиз, табиийки, у ҳайрон бўлади. У фақат ўзида яшайдиган Масиҳга итоат қилиб яшашни билади ва Масиҳ сиз кўриб турган самарани яратади.

Ибронийларга мактубнинг муаллифи ўз ўқувчиларининг ниҳоятда узоқ давом этаётган хомлигидан норозилик билдиради. У шундай дейди: “Вақт нуқтаи назаридан сизлар аллақачон муаллим бўлишингиз керак эди. Аммо сизларга яна Худо каломининг илк асосларини ўргатишга эҳтиёж бор. Сизларга қаттиқ озиқ эмас, сут керак” (Ибронийларга 5:12). Сўнгра у руҳий етуклик белгиларини тасвирлайди:

Қаттиқ озиқ эса камолотга етганларга, яъни туйғулари яхши ва ёмонни фарқ этиши малакасига эга бўлганларга хосдир (Ибронийларга 5:14).

Ҳузур-ҳаловатда ўсиш Исо Масиҳга мутлақо тобелик эътиқоди орқали ҳаётга Худо ҳақиқатини татбиқ этадиганларга берилади. Худо ҳақиқати эса: “Агар

бу яхши бўлса, шуни қил!” дейдиган дунё фалсафасига умуман қаршидир.

Ўз-ўзича туйғулар ёмон нарсаси эмас. Худо бизни ҳис-туйғусиз робот қилиб эмас, аксинча, Ўзи билан ҳаёт хусусиятларини баҳам кўришга қодир қилиб яратган. Бу дунёга гуноҳнинг келиши Одам Ато ҳузур қилган ақл, туйғулар ва ирода уйғунлигини яқсон этди. Ҳозир эса, токи Худованд қайтмагунча ва биз мукаммал қайта тирилган танага эга бўлмагунимизча, туйғуларимизни улар учун белгиланган жойда жиловлашга ҳаракат қилишимиз керак. Туйғулар — поезддаги ажойиб хизмат вағони, аммо жуда ёмон локомотивдир. Туйғуларга фикрларимиз, ички ҳолатимиз ва қарорларимиз устидан ҳукмронлик қилишга йўл қўйиш — бу қулликни ва туганмас ғўрликни таъминлаш демакдир. Объектив ҳаёт кечиришни ўрганиш — ақлимизни Худо Сўзи ҳақиқати билан янгилашни учун тақдим қилиш, сўнг эътиқод билан ҳаётдан бориш — мана ҳаётнинг озодликдаги йўли ва ҳузур-ҳаловатда ўсишнинг асоси.

Ички низо

Ўзим гувоҳи бўлишимга тўғри келган таъсирли воқеалардан бири “Инсон — инсонга” гуруҳи маҳаллий раҳбарларининг ҳар йили бўлиб ўтадиган бир ҳафталик анжумани охирида содир бўлди. Охирги мажлисимизда бутун мамлакатдан ўттизга яқин одам қатнашишди. Анъанага кўра, анжуман ёпилишида биз баъзи одамларга сўз бердик. Улар бир ҳафталик мулоқот ва ўқишдан нима олганликларини сўзлаб беришлари керак эди. Бу ерда қувонч кўз ёшлари, озгина кулги ва миннатдорчиликка лойиқ нарсалар кўп бўлди.

Шундай қилиб, навбат Гэри исмли одамга етиб келди. Жуда катта қийинчилик ва ҳаяжон билан Гэри бизга “ўзининг “камбағал одам” эканлигини аниқроқ тушунганини сўзлаб берди. У Римликларга мактубдан 7:24 парча келтирди: “Оҳ, мен шўрлик одам! Ўлимга гирифтор шу баданимдан мени ким қутқарар экан? — Ва қўшиб қўйди: — Ўзим ҳақимда шуни тушунишга Худо ижозат берди. Зеро Раббий Масихсиз ...” Гэри гапини охирига етказа олмади. У очикчасига бизнинг олдимизда уялмасдан йиғлаб юборди. Уни тинглаб ўтирганларнинг ҳам кўпчилиги кўзидан ёш оқди.

Бу воқеа мени шунчалар ҳайратга солдики, мен Гэрини ҳузур-ҳаловатда ҳайратланарли ва фожеали ўсган одам сифатида мисол қилиб келтирардим. Мен нимани

назарда тутаетганлигимни аниқроқ тушунишингиз учун унинг ўтмиши ҳақида айтиб беришимга ижозат қилинг. Гэри — бу ҳеч бўлмаса бизнинг кўпчилигимиз бошлаган нарсага етиб бориш учун жуда узоқ йўл босиб ўтиши керак бўлган одам эди (жуда бўлмаганда, четдан қараганда шундай туюларди).

Гэрига ҳузур-ҳаловатда ўсиш жараёнида кўп нарсалардан воз кечишига тўғри келди. Унинг болалиги ўтган уй спирт ичимлигига, зўравонлик ва қаровсизлик ботқоғига ботган эди. Атрофдагилар орасида обрўга лойиқ бўлиш учун у “зўр” ва “ажойиб” йигит бўлишга қарор қилди. 13 ёшидаёқ у мустақил яшади, тўғри келган жойларда тунади ва шу ёшда у ўзига биринчи татуировкани қилдирди. 14 ёшида биринчи бор қимор ўйинига қўл урди. Бугун Гэри ўз ҳаёти ҳақида шундай дейди: “Ишонинг, мен буни ўзим мулоқотда бўлган гуруҳга қабул қилишлари учунгина қилдим, холос! Ўша пайтда бу ҳурмат қозонишнинг мен учун маълум бўлган ягона йўли эди”. Кейинчалик улғайган сари у ҳайратга соладиган ишларни қила бошлади. Масалан, ўз қўлидан ипли игнани ўтказиш ва уни боғлаш. Бир куни у елкасига бир вақтнинг ўзида ўн бешта тўғноғични тикди. Буларнинг бари одамларнинг эътирофига лойиқ бўлиш учун қилинган чорасизлик уринишлари эди.

Аммо шу вақтнинг ўзида Гэри ташқи тарафдан зўр ва ажойиб бўлиб кўринса-да, ичини кўрқув ва ишончсизлик кемирарди. “Ҳали ўсмирлик чоғларимдаёқ ҳаёт унчалар яхши эмаслигига амин бўлдим ва кўпинча ўзимни ўлим ҳақидаги фикрлар билан овунтирардим”. Унинг спиртли ичимликлар ва гиёҳвандликдан паноҳ топгани табиийдир. Одатда юз бергани каби, Гэри ҳамма босқичлардан ўтди. Бир вақтнинг ўзида героин, кокаин ва марихуанани истеъмол қилди. “Ҳаётимнинг ўша даврида мен ўзимга ёрдам кераклигини тушундим. Шундай қилиб, мен *Шайтон Инжилини* ўқий

бошладим ва трансцеденталь медитация билан шу-гуллана бошладим”.

Бир куни кечкурун Гэри ва унинг қўшни дўсти ўзларича саёҳат қилиб юрган иккита йигитни уйларига олиб келишди ва улар билан дўстлашишади. Туни билан улар гиёҳвандлик қилишди ва рок-муסיқа тинглашди. Эрталаб икки саёҳатчи улардан яна катта йўлга машинада олиб бориб қўйишларини илтимос қилишди. “Йўлда, — деб эслайди Гэри, — менинг шахсимда жуда катта ҳайратга соларли ўзгариш юз берди. *Шайтон Инжилида* нима ҳақда ўқиган бўлсам, бари менда содир бўлаётганга ўхшарди. Мен ўзим кетаётган машинадан ҳам ўзимни каттадай ҳис қилардим”. Гэри ва унинг қўшниси кеча кечкурун танишган одамларнинг бор будини тортиб олишди ва уларга дўқ-пўписа қилиб қўрқитиб, қўйиб юборишди. Бу воқеа полиция, суд ва беш йиллик қамоқ жазоси билан тугади.

“Кунларнинг бирида бизнинг қамоқхонамизга бир руҳоний келди ва мен билан Исо Масих ҳақида, Унинг ўлими тўғрисида суҳбатлашди, — деб сўзлади Гэри. — Ўша куни мен ўз ҳаётимни Исо Масихга ишондим. Умидсизлик туйғуси мени тарк этди. Нафақат бу, шунингдек, менга доимо ҳамроҳ бўлган ҳафсаласизлик туйғусидан ҳам халос бўлдим. Кейинги кун эрталаб мен бундан олдинги куни қамоқхона ҳовлисида юз берган воқеани эслаб ётардим. Бир маҳбус қоқилиб йиқилиб тушди ва Худога шак келтириб сўкина бошлади. Мен буни эшитиб йиғлаб юбордим... бу ҳақиқий кўз ёшлари эди... бир неча йилдан бери биринчи марта. Тез орада мен бошқача сўзлаша бошлаганимни сездим. Менинг нутқимдаги беадаб сўзлар ўз-ўзидан йўқолди. Мен ҳеч шубҳасиз, Исо Масих Ўз уйини поклашни бошлаганини билардим”.

Қамоқхонада Гэри ҳақиқатдан ҳам ҳузур-ҳаловатда ўсди. “Масихни қабул қилганимдан сўнг мен ўзимни

ҳар қачонгидан яхши ҳис қила бошладим. Мен одамлар учун, гарчанд менга ҳеч қачон бундай қилмасликни ўргатган бўлишса-да, *самхўрлик* қила бошладим. Бошқа маҳбуслар учун қамоқхона ҳаёти умриларида дуч келишлари мумкин бўлган энг оғир жазо эди. Аммо мен учун у Беверли Хиллдаги ҳаётга тенг эди. Ҳақиқатдан айта оламанки, бу йилларда Исо мени қандай яшашга ва бир эътиқод билан юришга ўргатди”.

Ва ниҳоят шартли равишда озод бўлган Гэри яна ташқи дунёга қўшилди. “Энг қайғулис, — давом қилди у, — шу эдики, орқамдан мени озод қилиб, қамоқхона эшиклари ёпилган вақтда, юрагимга Исони қамаб, унинг эшикларини тақа-тақ беркитдим”.

Бир қанча вақт давомида Гэрининг ишлари яхши бораётгандай туюларди. Лекин озод бўлганига бир йил ҳам ўтмай уни яна гиёҳвандлик ўз ботқоғига тортди. Унинг Дана билан янги турмуши жуда яхши бошланди. Аммо тез орада унинг эски ҳаётидан “жанжаллар, урушлар, сўкиш ва ўзаро хафагарчиликлар” яна қайтиб келди. Мен қамоқхонада Худога ва озодликка шундай яқинлик ҳис қилганимни, лекин эркинликда Худодан жуда узоқ бўлганимга ва эзилганимга ҳайрон қолардим. Мен яқин орада турмушимиз бузилиб кетишини кўриб турардим”.

Бир куни кечаси у ўз машинасида кетаётганда умрида биринчи марта “Инсон–инсонга” эшиттиришини тинглади. Гэри Худо севгиси ва тўла кечирим ҳақидаги ваъзга кулоқ тутди. “Дана ва мен бу этиришни ҳар куни кечкурун тинглай бошладик. Юҳанно Хушхабарининг 8-бобидаги 32-оят менинг миямда тўхтовсиз айланди: “Сизлар ҳақиқатни билиб оласизлар ва ҳақиқат сизни озод қилади”. Жуда кўп эшиттиришларни тинглаганимдан сўнг, ниҳоят мен тушундим: ҳатто агар мен Масихни ўзимдан узоқда деб ҳис қилганимда ҳам, У ҳеч қаерга кетмаган эди! Кунларнинг бирида

кечкурун мен ўрнимда ётиб шу ҳақда фикр юритардим. Шунда худди Худо менга ўз ҳаётимдан бир расм юборгандай бўлди: мен ўзимни қамоқхона эшигидан чиқаётган ва Масихни ўз юрагимга қамаётгандай эдим. У доимо менда эди. Аммо мен ҳеч қачон Унга ўзимда яшашга имкон бермадим. Ана шу кўп йиллар давомида У “қамоқда” мендан кўра кўпроқ кўп вақтини ўтказди! Мен бундан етти йил илгари қамоқхонада ўз ҳаётимни Масихга ишониб топширдим. Бироқ ўша кечаси ўз ҳаётимдан воз кечиш — ўзгача бир нарса эканлигини мен тушундим. У мен учун қурбон бўлганлигига ва менда яшаётганлигига ишондим. Ҳозир эса мен Унга Ўз ҳаёти билан *менда* яшашига имкон беришим керак эди. Чунки мен ўзим бун қила олмадим. Мен ўрнимдан турдим, тиз чўкиб, Исо менинг ҳаётимда Худо бўлиши учун Исони озод қилдим”.

Ташқи томондан Гэрининг ҳозирдаги ҳаёти муваффақиятли кўринади. Аммо барибир бу одам анжуманининг барча иштирокчилари олдида йиғлаган одамдир. Чунки у айнан *ҳозир* ўзини “бахтсиз одам”дай ҳис қилган. Бун қандай тушунтириб бера оласиз?

Ҳозирги вақтда ҳузур-ҳаловатда ўсишнинг хато концепциялари кенг тарқалган. Ўйлашимча, кўп масихийлар руҳий ўсишда ўз “муқаддасликлари” ўсиб бораётганини кўрадилар. Руҳий ўсиб бораётган одам ўз гуноҳларини *борган* сайин камроқ англашларини улар биладилар. Бундан ортиқ хато қилиш мумкин эмас. Барчаси учун Исо Масихга бизнинг миннатдорчилигимиз кўламайдан қатъий назар ва руҳий ҳаётимизда У бизга ўргатганларига қарамай, *ичимизда ҳали ҳам гуноҳ мавжуд*. Бу гуноҳ бизга фикрларимиз, истакларимиз ва одатларимиз орқали таъсир қилади. Биз *ҳеч қачон* гуноҳ қилмаслик даражасигача ўсишга қодир бўлмаймиз. Биз ҳузур-ҳаловатда ўсиб борганимиз сайин ҳақиқатдан ҳам Гэрига ўхшаб ичимизда ёвузлик

борлигини *борган сайин кўпроқ* англаймиз. Гэри ана шуни бутун гуруҳ олдида эътироф қилди.

Ўлимидан бироз вақт олдин ҳаворий Павлус шундай деб ёзган эди: “Исо Масиҳ гуноҳкорларни қутқариш учун дунёга келди. Мана, *ўша гуноҳкорларнинг биринчиси менман*” (1 Тимотийга 1:15). Ҳаворий ўзи ҳақида бундай руҳда ёзганлиги ҳақидаги фикрнинг ўзи даҳшатли туюлади ва баъзилар буни кераксиз ўзини ўзи азоблаш, деб атаган бўлардилар. Бироқ бу мутлақо жиддий бўлган.

Масиҳга келганларнинг кўпчилигини биз *гуноҳ қилганимизга* ишонтиришнинг ҳожати йўқ. Аммо биз аслида *табиатан гуноҳкор* бўлиш нима эканлигини яхши тушунмаймиз. Биз фақат Нажоткорга ўзимизнинг жуда муҳтож эканлигимизни фақат гуноҳларимиз учун жазо туфайли эмас, балки бизни ўзимизни ўзимиздан қутқарадиган *Ўша* туфайли англай бошладик. Вақт ўтиши билан У бизнинг юрагимизда нима эканлигини кўпроқ кўришга имкон беради. Аста-секин биз ҳали Унга ишонишга ўрганмаган янги соҳаларни кўришимиз учун Унинг *Ўзи* кўзимизни очади. Юракларимиз ўзи ҳолига қўйиб берилганда, улар ҳақиқатдан ҳам ярамас ва ёлғончи эканлигини билишга У имкон беради. Усиз чиндан ҳам ҳеч нима қила олмаслигимизни ўз тажрибамизда билиш имконини У бизга беради. Аммо бундан ҳеч нарса бизни умидсизликка солмаслиги керак, худди бундан ҳеч нарсанинг мақсади қуйидагича айб эмасдай: “Шундай қилиб, Исо Масиҳ уммати бўлганларга қарши энди ҳеч бир маҳкумлик йўқдир” (Римликларга 8:1). У бизга ўзимиз ҳақимиздаги ҳақиқатни шундай кўрсатадики, *токи биз фақат У яшай оладиган ҳаётда Унга суяниб яшашга ўрганайлик!*

Худонинг мақсади бизни хатолар қуллигидан халос қилиш ва бизни *Ўз* ҳаёти билан яшашга ишонишга ўргатиш истагидир. Бизнинг муваффақиятсизликларимиз

Уни хижолат қилмайди. *У бизни ўзимиздан яхшироқ билади ва барибир яхши кўради.* Биз қаерда бўлмайлик, У бизни қабул қилади, юрагимизда тинимсиз иш олиб боради ва биздаги Ўз ишини албатта охиригача етказади. Биз чин юракдан: “Оҳ, мен шўрлик одам! Ўлимга гирифтор шу баданимдан мени ким қутқарар экан? “ дейишни ўрганишимиз керак. Биз буни қачонлардир: “Худога шукр, Раббимиз Исо Масиҳ соясида Ўзи қутқаради!” — жавобига севинишдан илгари айтишимиз керак (Римликларга 7:24, 25).

Мана, нима сабабдан ҳузур-ҳаловатда ўсишда Исо Масиҳда бизнинг Худо томонидан қабул қилинишимиз ва қатъий севгини тушунишимиз мутлақо зарур. Унинг ҳузур-ҳаловатига ва бизнинг қабул қилинишимизга ишончсиз биз ўзимизни ўзимиз англашга чидай олмасдик. Ҳар доим ҳам ўзимиз ҳақимиздаги ҳақиқатни билиш ёқимли эмас. Аммо ҳамиша бизга умид бахш этувчи ва бизни Ўзининг севгисига ишонтирувчи Худо марҳамати мавжуд. Биз *мурувватга*, шунингдек, *ҳақиқатга* ҳам тўлган Шахсда бўлаётганимиз учун шукроналар айтишимиз керак!

Имонлиларнинг, айниқса, Масиҳга катта ёшда келганларнинг кўпчилик томонидан қабул қилинган, деярли зерикарли ўсиш қолипи мавжуд. Биз янгидан яна қайта туғилган пайтимизда хотиржамлик ва соғ-саломатликнинг ажойиб туйғуси пайдо бўлади. Биз зулматдан ёруғликка чиқдик ва менга ишонинг, биз бу фарқни англаяпмиз! Масиҳийлик ҳаёти ана шундай осон туюлган вақтда баъзи маънода “асал оийи” мавжуд. У чиндан ҳам *осон*; бу пайтда биз ўзимизни англайдиганлар эмас, балки Масиҳни англайдиганлармиз. Биз яна янги фикрларимиз ва одатларимиз ҳеч қандай қийинчиликсиз ҳаётимизнинг бир қисмига айланганини кўрамиз. Аммо биз ўзимиз учун баъзи бошқа нарсаларни ҳам кашф қиламиз. Биз ҳали ўзимиз бас кела

олмайдиган гуноҳларимиз борлигини кўрамиз. Биз аста-секинлик билан ва борган сайин кўпроқ имонимизни мустаҳкамлаб борамиз. Ҳамма вақт ҳам биз “авлиё” бўлавермаймиз. Бу бизни ваҳимага солади, биз фош қилинишдан кўрқиб, артистлик қила бошлаймиз. Ана шунда яна пастга ҳаракат бошланади. Биз руҳий ташаббусимизнинг пасайганлигини, Муқаддас Китобни ўқиш истаги йўқолганини, эҳтимол, ҳатто шу масиҳийлик биродарлигидан воз кечиш истагини ҳис қиламиз. “Менинг қўлимдан ҳеч нарса келмаяпти”, — деб қичқирамиз биз қалбимизда.

Нима юз берди? Одатда бир нечта иш содир бўлди: биз ўзимизнинг биринчи ва асосий севгимиз — Шахс эканини унутдик ва Масихдан узоқлашдик. Бизни У эътирофи этиши кераклигини ва ўзига хослигимизни англашда ўсмадик. Эҳтимол, биз Унинг бизда яшашини ва масиҳийча яшаш дегани — Унга тобеликда яшаш эканлигини билмасмиз. Лекин шу билан бир қаторда, ҳали ҳам бизда яшайдиган гуноҳни эътиборга олмайдиган руҳий ўсиш ҳақидаги хато ғояни ўзлаштириб олдик. Мана, нега: “Агар мен Масихдаги янги ижод бўлсам, нима учун мен ҳали ҳам гуноҳ қиляпман? Нима сабабдан мени ҳозиргача ҳам турли васвасалар таъқиб қиляпти? Нега мен ҳали ҳам ўзим озод бўлишни истаган гуноҳга ботяпман?” деган саволлар ҳамма учун умумийдир.

Муқаддас Китоб шундай деб ўргатади: “Ким Масихга тегишли бўлса, у янги ижоддир” (2 Корифликларга 5:17). Бироқ биз нафақат бунинг нима эканлигини, балки нимани *билдирмаслигини* ҳам тушунишимиз зарур. Масихда масиҳий *янги ҳаётга* У билан бирга қайта туғилди: унга *янги*ча ўзига хослик ҳадя қилинган; у Худо ҳақиқатига мувофиқ унинг ақлини янгилайдиган ва ўзида яшайдиган Муқаддас Рухни олди; у энди осмон фуқароси ва бу дунёга у бегона бўлди; унинг ру-

ҳи ҳозир: “Абба, Ота”, деб қичқиряпти. У — Худонинг сеvimли фарзандидир. Шунга қарамасдан, *ҳатто агар у руҳан янги одам бўлса-да, у ҳали ҳам гуноҳ уя қурган эски инсоний танада яшаяпти.* У ҳали ҳам эскича инсоний андазалар билан ўйлайди, унда ҳали ҳам эски хотира ва эски одатлар бор. У шу пайтгача ҳам Худо ҳақиқатига тубдан қарши бўлган дунёда яшаяпти. То унинг ақли Худо Каломи ҳақиқати билан янгиланмас экан, у ҳали ҳам хатоларга ишонаверади.

Агар Муқаддас Китоб бизда яшайтган гуноҳ ҳақида нима деганини диққат билан кўриб чиқсак, унда биз “инсон табиати” деган Муқаддас Китоб сўзини учратамиз. Аввалам бор, бу сўз бизнинг *танамизга* тааллуқли эмаслигини тушунтириб бермоқчиман. Худо бизни тана билан биргаликда яратган. Бизнинг таналаримиз ўзига ўзи душман эмас ва бизга ҳам душман эмас. Инсониятда *яшайдиган бу гуноҳ* — душман. Худо одамларни жисмоний танада яшайдиган руҳий мавжудотлар қилиб яратди. Аммо биз гувоҳи бўлдикки, инсон Худога тобе бўлмаган ҳаётни танлади. Демак, “инсон табиати” — одамнинг ҳаёти хусусияти учун мос атама бўлиб, ўз ҳаётини намоён қилиш учун Худога имкон бермайди. Мен юқоридан туғилган Худо фарзанди эканлигим сабабли Худо Руҳи менда яшайди. Муқаддас Китоб Руҳ ва инсон табиати орасидаги — ҳаётимдаги Худо иши билан хатоларга ишонишим ва уларни амалда қўллашга бўлган қатъий интилишим ўртасидаги тўхтовсиз қарама-қаршиликни тасвирлайди.

Мана шу қарама-қаршиликни ҳаворий Павлус Галатияликларга мактубнинг 5:17-оятда шундай тасвирлаган: “Чунки инсон табиати Илоҳий Руҳга, Илоҳий Руҳ эса инсон табиатига қарши йўналтирилган. Бу иккови бир-бирига душман бўлгани учун, сизлар истамаганингизни қиласизлар”. Павлус бизда яшайдиган

гуноҳ нималарни келтириб чиқаришини тасвирлашни давом эттиради:

Башарий табиатнинг ишлари маълум, чунончи: фаҳшбозлик, ҳаром-ҳаришлик, фисқ-фужур, бут-парастлик, жодугарлик, душманлик, жанжал-кашлик, рашик-газаб, манманлик, ихтилофчилик, бидъатчилик, ҳасад, қотиллик, ичкиликбозлик, айш-ишрат ва шуларга ўхшаган ишлар. Сизларни олдин огоҳлантирган эдим, яна огоҳлантиряпман: бу каби ишларни қилувчилар Худо Шохлигидан бебаҳра бўладилар (Галатияликларга 5:19–21).

Яхши эмас, тўғрими? Павлус, ҳар бир одам буларнинг ҳаммасини қилади, демайди, балки бу хусусиятлар одамдаги гуноҳнинг табиатини аниқ тасвирлаб беради, дейди. Башарий табиат ҳеч қачон Павлус айтган “Рух самараси”: муҳаббат, севинч, хотиржамлик, сабр-тоқат, лутфкорлик, хайрихоҳлик, садоқат, мулойимлик (Галатияликларга 5:22, 23) каби ҳаётий хусусиятларни ҳосил қила олмайди. Бу хусусиятлар Худо табиати ва ҳаётининг тасаввуридир, ҳеч бир одам уларни ўзи ҳосил қила олмайди.

Муқаддас Китоб башарий табиат ҳақида нима деганини тушунганингизда, сиз ёки мен муайян вазиятларда амалга оширишимиз мумкин бўлган гуноҳ йўқлигини англай бошлаймиз. Мен биладиган энг яхши кузатишлардан бирини Жорж деган яқин дўстим амалга оширган. У Техаснинг шарқида –депрессия вақтларида фермада вояга етган. Шунинг учун унинг суръатларида доимо қишлоқ ҳаётининг муаттар ҳиди уфуриб туради. Муқаддас Китоб машғулотларидан бирида Жорж шундай деди: “Биласизми, башарий табиат худди эчкига ўхшайди. Унга нима берсанг ҳаммасини ейди ва унга яна беришлари мақсадида қайтиб келади!”

Менимча, Жорж жуда тўғри айтган. Мен ўзимда худди шу саросимага солувчи мойилликни кўрдим. Исо Масих мен учун ўлганлигига ва Ўз ҳаётини менга берганлигига қарамасдан, ўзимнинг энг эзгу тилакларимда мен ўзимни батамом Унга бермоқчи бўлишимга қарамай, мен ҳали ҳам ўзимда гуноҳкорона истаклар ва ҳавасларни ҳис қиламан. Бу истаклар ва ҳаваслар фақат фалокат ва бахтсизлик олиб келишини мен билман. Худди Павлусга ўхшаб: “Мен бечора одамман!” деб бақираман.

Бизда яшайдиган гуноҳга тегишли ҳақиқат анча кучли дори: уни истёсмол қилиш осон эмас. Шунинг учун бу босқичда ҳақиқатни эшитиш доим ҳам ёқимли эмаслигини, аммо *ҳақиқат бизни озод қилишини* эсласак яхши бўларди. Бизнинг масиҳийлик ҳаётимизда биз тушунишимиз керак бўлган асосий ҳақиқатлардан бири — бу ўзимиз ҳақимиздаги ҳақиқатдир. *Биз ҳеч қачон ўз кучимиз билан масиҳийча яшай олмаймиз.* Вақт ўтган сайин бизнинг башарий табиатимиз яхшиланмайди; у фақат ёмонлашади. Чунки борган сайин дунёдан кўп дастур олади. Бизнинг ичимиздаги бу қарама-қаршилик қанча давом этади? *Токи биз шу гуноҳи кечирилмаган танада яшагунимизга қадар.* Биз сиз билан то Раббий Исо қайтмагунча ва бизга янги шахсимизга мос янги тана бермагунча, бизнинг танамиз гуноҳнинг таъсиридан қутула олмайди. *Бироқ шу вақт ичида биз ҳузур-ҳаловатда ўсишимиз мумкин!*

Сиз ўзингизда яшайдиган гуноҳ ҳақиқати билан юзма-юз учрашган вақтингизда, мен биринчи бобда гапириб ўтган тамойилнинг жуда муҳим эканлигини кўрасиз: сиз ўз эътиборингизни қиладиган ишингизнинг орасида *Худо нима қилишига* қаратсангиз, ҳузур-ҳаловатда ўсасиз. Жуда узоқ вақт ўзини ўзи таҳлил қилиш машғулоти — бу жавоб эмас. Сиз одам пиёзга ўхшашини кўрасиз: узоқ вақт қаватма-қават тозалашингиз,

аммо барибир ўзагини топмаслигингиз мумкин. Биз ўзимизни қанча кўп таҳлил қилсак, гуноҳларимиз ва муваффақиятсизликларимиз “сабабини” очсак, шунчалик кўп умидсизлик ботқоғига ботиш учун доирани айлантираверамиз. *Жавоб бизнинг ўзимизда эмас, балки нигоҳимиз Қутқарувчимиз ва Раббий Исо Масиҳга қаратилишидадир.*

Қарама-қаршиликка Муқаддас Китоб баён қилган Худо жавоблари ичида энг аниқ ва тушунарлисидан бири Галатияликларга мактубнинг 5:16-оятда берилган: *“Мен шуни айтмоқчиман: Илоҳий Руҳ амри билан яшанглар, шунда табиатингиздаги ёмон эҳтирослар жунбушга келмайди”.*

Энг аввал эътиборингизни бу оят нима ҳақида гапирмаслигига қаратинг. Унда: “агар сиз танангизни покласангиз, сиз руҳан бой бўласиз”, деб айтилган. Сиз бутун умр ишлашингиз ва ҳеч қачон танангизни поклай олмаслигингиз мумкин. Ҳа, сиз ташқи хулқингизни назорат қилишингиз мумкин, аммо Худо сизнинг юрагингизга қарайди. Исо шундай деган: “Ёмон фикрлар, қотиллик, фаҳшу зино ишлари, ўғрилик, сохта гувоҳлик ва ҳақоратлар бари юракдан чиқади” (Матто 15:19). Шунинг учун руҳан бой бўлиш умидида ўз ҳаётини “танани поклашга” бағишлаш — беҳуда машғулот. Бу айнан галатияликлар қилмоқчи бўлган ишдир. Шунинг учун Павлус уларга қарата хитоб қилган: “Сизлар шунчалик бефаҳммисизлар? Муқаддас Руҳ кучи билан бошлаб, энди ўзингизнинг башарий кучингиз билан битирмоқчимисизлар?” (Галатияликларга 3:3). Галатианизм — яъни маънавий юксакликка ўз кучи билан эришишга уриниш — бу бажариш мумкин бўлмаган масалага содиқликдир.

Галатияликларга мактубнинг 5:16-оятдаги сўзлар тартибига эътиборингизни қаратишимиз зарур: агар биз Илоҳий Руҳ амри билан яшасак, шунда бизнинг та-

биатимиздаги ёмон эҳтирослар жунбушга келмайди, дейилган. Бу оятда башарий табиат истаклари йўқолади, деб айтилмаган, унда биз уларни *бажармаймиз* дейилган. Ҳатто агар бу дунёда биз ҳеч қачон гуноҳнинг *борлигидан* халос бўла олмасак-да, эътиборимизни биз қилаётган иш орасида Худо қилаётган ишга қаратган заҳотимиз, ҳузур-ҳаловатда самимий ўса оламиз.

Ҳаворий Павлус Римликларга мактуб 6:11–13 ни ёзганда, айнан шуни назарда тутган:

Шунга ўхшаб, сизлар ҳам ўзларингизни гуноҳ қаршисида ўлик, лекин Раббимиз Исо Масиҳ билан бирлашган ҳолда Худо қаршисида тирик ҳисобланглар. Шундай қилиб, энди гуноҳ сизларнинг фоний баданларингизга ҳокимлик қилмасин, сиз баданларингиз ихтиёрига бўйсуниб кетманглар. Аъзойи баданингизни ёмонлик қуроли қилиб гуноҳнинг измига топширманглар. Аксинча, ўлиб тирилганлар каби ўзингизни, яъни бутун аъзойи баданингизни солиҳлик қуроли қилиб Худонинг измига топширинглар.

Бу менга ўрта ва ультрақисқа тўлқинли (ЎТ/УҚТ) радиоприёмникни эслатади. Мен переключателни ўрта тўлқинга қўйишим ва агар хоҳласам ЎТни эшитишим мумкин. Ёки УҚТга қўйиб унинг дастурларини эшитишим мумкин. Ўрта тўлқинда ишлайдиган станцияларни ультрақисқа тўлқинларда тутиш қийин ва аксинча. Мен дастурларни белгилай олмайман, аммо қайси дастурга қўйишни танлай оламан.

Худди шунга ўхшаб масиҳий ўз ақлини бу дунёнинг таъсирлари ва фалсафаларига бериши мумкин. Унинг туйғулари ва истаклари қонуний равишда шу дастурларга жавоб беришади ва унинг ҳаракатлари худди “тана ишидай” тавсифланади. Бироқ у юқори-

дан — Муқаддас Рухдан туғилиб, ўзини Худога “ўз ақлининг янгиланиши учун” Худо Каломи орқали тақдим қилиши мумкин. Кейин у ҳақиқатда юришни — яъни ҳаётда Худога тобе ишонч билан худди ўзи учун мутлақо етарлидай юришни танлаши мумкин. Шундан сўнг у Рух бўлиб яшайди. Галатияликларга мактубнинг 5:16-ояти бизга шундай ваъда беради: агар биз ўзимизни Илоҳий Рухга тақдим қилишни танласак, шунда табиатимиздаги ёмон эҳтирослар жунбушга келмайди. *Биз табиатимизни ва таналаримизни ўзимизда яшаётган Масихга, У Ўз ҳаёти билан биз орқали яшашига имкон бериб тақдим қилган заҳотимизоқ, биз ҳузур-ҳаловатда ўсамиз.* “Бутун аъзойи баданимизни солиҳлик қуроли қилиб Худо измига топшириш” даъватидан сўнг дарҳол Павлус бизни қуйидагича эслатма орқали руҳимизни кўтаради: “Гуноҳ сизларга ҳукмрон бўлмасин, чунки сизлар энди Қонун эмас, иноят паноҳидасизлар” (Римликларга 6:14).

Бизда Худога тобе яшаш ёки мустақил яшашни танлаш ҳуқуқи борлиги ҳақида сўловчи ҳақиқат билан юзма-юз учрашганимизда, биз вазиятларга жавобимизга янгича нуқтаи назар билан қарашимиз мумкин. Энди биз вазиятлар руҳимиз ҳолатининг *сабабчилари* эмаслигини тушунамиз; улар руҳимизнинг *намоён бўлишига* ёрдам беради, холос. Ташқи воқеалар *менга* гуноҳ олиб қирмайди, улар *мендан* тана жавобларини тортиб олади. Шунинг учун Худо кўпинча биз ҳозир қайси босқичда эканлигимизни кўрсатиш учун ва Ундан тобелик ҳолатига қайтишни эслатиш учун ҳаётий вазиятлардан фойдаланади.

Қачонлардир бизнинг Пеппи лақабли итимиз бор эди. У Худо яратган жониворлар ичида энг аҳмоғи бўлмаса-да, у ақлсизлик бўйича жуда кўп марта биринчилиқни олган. Бир куни мен даҳшатли бўрон ва дўл ёғаётган пайтда, орқа ҳовлига чиқадиغان ойнадан таш-

қарига қарадим. Ҳовлининг ўртасида турган ва дўл бўлакчалари тинимсиз савалаётган Пеппини кўрдим. Ўзимча жавраб-жавраб ҳовлига югуриб чиқдим ва итни қўлимга олиб, уй орқали катта ҳовлининг усти ёпилган айвонига олиб ўтдим. “Бу ерда у бежавотир ўтиради”, — деб ўйладим мен ичимда. Йўқ, адашган эканман. Пеппи яна уй олдидаги *гулзорга* югуриб чиқиб олди ва катта-катта дўл уни ўлдириб қўйгудай қилиб роса савалади!

Эми бу пайтда бўлаётган воқеани деразадан кузатиб турарди. У шундай изоҳ берди: “Нимага сиз бундай қилдингиз?”

Ҳозир баҳслашишга менинг тобим йўқ эди. Мен унга қаҳрли нигоҳ ташладим ва: “*Овозингни ўчир!*” деб жавоб қайтардим.

Бу жуда тез юз берди ва мен дарҳол ўзимни нокулай ҳис қилдим. Мен масиҳий бўлганимдан буён Эмига бундай оҳангда гапирганимни ҳеч эслай олмасдим. Деярли худди шундай тезлик билан мен ундан кечирим сўрадим: “Мени кечир, азизим. Мен сенга бундай оҳангда жавоб беришни хоҳламаган эдим”.

Эми мийиғида жилмайиб қўйди ва жавоб берди: “Ҳечқиси йўқ. Сиз ўз табиатингизни кўрсатдингиз, холос”.

Мен қайтадан итни пана жойга олиб ўтдим. Энди уни маҳкам боғлаб қўйдим ва уйга қайтиб кирдим. Шундан сўнг, Эми, мен ва болалар Масихда муғомбир бўлмаслигимиз ҳақида ажойиб суҳбат қурдик. Токи биз бу дунёда яшар эканмиз, гуноҳ бизда яшайди ва ташқарига чиқиши мумкин. Аммо биз бундай эмасмиз. Биз — Худонинг севимли, кечирилган ва эътироф қилинган болаларимиз. Биз ўзимизни йўқотиб қўйган пайтимизда ҳам, яна ҳақиқатга қайтиш учун ва бизда яшайдиган Муқаддас Рухга итоаткорликда яшаш учун қайта оламиз.

Афсуски, мен жуда кўп масиҳийлар руҳий ўсишга ва ўзларида яшайдиган ва ҳақиқатга умуман *қарама-қарши* бўлган гуноҳга тааллуқли кутишга эгалиklarини билдим. Менимча, бундай нотўғри тушунча уларни муваффақиятсизликларга қул қилади. Лекин улар, аслида, одамларни янада каттароқ ва кафолатланган разиллик томон бошлайди. Ана шундай нотўғри ҳолатлардан бири шуки, масиҳийнинг танаси яхшиланади ва вақт ўтган сайин гуноҳлари камаяди. Бу катта ва хавфли хато, у одамга ҳузур-ҳаловатда ўсишга жуда ҳалақит беради.

Сиз хато ҳақида бир нарсани эсдан чиқармаслигингиз керак: хато сизга зарар келтириши учун ақлингизда аниқ шаклланган бўлиши шарт эмас. Неча марта энг хавфли хатолар ақлимизнинг энг яширин жойларида жимгина ўтирган бўлади! Аммо айна пайтда хато бизнинг фикрларимизни ва ҳаракатларимизни шакллантирган *кутишларни* яратган. Бу — биз ҳеч қачон ўйламаган ғоялар бўлиши мумкин. Руҳий ўсишга тааллуқли хатолар одатда шу турга киради.

Одам то ўзи шундай ўйлашини тан олмагунча, унинг бошида жуда кўп масиҳийларга хос бўлган алоҳида фалсафа ҳукмрон бўлади. Бу тахминан шундай кўринишда бўлади: “Мен юқоридан туғилган пайтимда, шубҳасиз, менда “масиҳийча етуклик” (ёки хулқ-атвор) бўлмаган. Шунинг учун ҳам менга 100% Исо керак эди. Кейинчалик, менинг “характерим ўсиб боргани” сайин мен 20% га етуклашдим. Демак, менга 80% Исо керак бўлган. Қандайдир дақиқаларда, агар мен ўсишда давом қилсам, мен 65% га етук бўламан ва Исога 35% муҳтож бўламан”.

Мен мана бундай турдаги фикрнинг *мантиқий хулосаси* бўлган қуйидаги фикрларни овоз чиқариб айтишга журъат қилган одамни билмайман: “Ажойиб кунларнинг бирида мен масиҳийлик характерининг шундай даражасига етаманки, шунда мен 100%

етук бўламан, менга умуман Исо керак бўлмай қолади”.

“Масихийлик характерининг ўсиши”га шундай ишонч билан бир қаторда тана камроқ гуноҳкор бўлади, деган шунга мос фикр пайдо бўлди. Демак, одам гуноҳ васвасасига камроқ берилишига ишонади. Мен васвасага қарши иммунитет пайдо бўлади, деб ўйлаб яшашдан ҳам хавфлироқ вазиятни билмайман. Агар сиз шунга ишонсангиз, унда сиз жиддий тушқунликка дучор бўласиз — мен бунга кафолат бераман!

Одамлар мендан сўрашади: “Сиз бунинг исботини қаерда кўряпсиз?” Жуда кўп вазиятлар борки, улардан яширин кутишлар кўриниб туради. Бунинг энг яққол мисолларини мен одатда ўз идорамда кузатаман: бир неча ўн марталаб эркак ва аёл ишончсизликдан оғзини кериб ва кўзларини катта очиб стулга оғир чўқади. Уларнинг доимий гаплари: “Мен 15 йил давомида масихий бўлганман ва **буни** мен қилганимга ишона олмайман”. Худди шундай фикрларни масихийларнинг бошқа имонлилар гуноҳлари тўғрисидаги фикрларида ҳам эшитиш мумкин. Бирон бир масихий хато қилгудек бўлса ёки қавмбоши васвасага берилса, шу заҳотиёқ одамлар шундай дейишади: “У ҳақиқий масихий эди. У Муқаддас Китобни ажойиб ўргатарди ва одамларни Масихга бошларди. Мен унинг шундай қилганига ишона олмайман”.

Бундай изоҳлардан қандай хулоса қилиш мумкин? Етуклик белгиларини намоён қилган масихийнинг кутишлари ва Худо фойдаланаётган масихий қандайдир тарзда шундай вазиятга тушганки, у ҳамма одамларга хос бўлган гуноҳкорона истакларга жавоб бера олмайди. Фақат биз Муқаддас Китоб ақидасини тан олмаймиз, холос. Павлус шундай дейди: “*Менда, яъни ирсий табиатимда яхши нарса йўқлигини аниқ биламан*” (Римликларга 7:18). Йўқ, бизнинг Масихга эҳтиёжи-

миз худди соч учун балзамнинг эски рекламасига ўхшаш эканлигига ишонишга мойилмиз: “Бир томчи балзам — мана сизга энг керак бўлган нарса”.

Ўзларининг васвасаларга камроқ бериладиган бўлганликларига ёки гуноҳ устидан баъзи бир маънода батамом ғалаба қозонганликларига ишонадиган масиҳийлар тентакларча таваккал қиладилар. Улар олов мени куйдира олмайди деб, олов билан ўйнашадилар. Булар — кутилмаган васваса орқасидан зарба берадиган ва: “Буни мен қилганимга ишона олмайман” деган сўзларни айтиб, маслаҳат сўраб келадиганлардир. Агар улар бошиданок ўз таналарида ёвузликни кўра олганларида эди, улар яширин кулфатлар билан ўйнашамаган ва жуда кўп шахсий бахтсизликлардан ўзларини асраган бўлардилар.

Аччиқ ҳақиқат шундаки, биз Масиҳга келган кунимиз танамиздаги гуноҳ жуда жирканч эди. Орадан 50 йил ўтгандан сўнг ҳам у шундай жирканч бўлади. Исонинг қуйидаги сўзлари ҳеч қачон ўзгармайди. “Менсиз сизлар ҳеч нима қила олмайсизлар”. Шунинг учун Масиҳга тўла тобеликка бизнинг эҳтиёжларимиз биринчи кун ҳам 100 фоизли бўлади ва 50 йилдан сўнг ҳам 100 фоиз бўлади. Ҳатто агар биз Худо олдида бутун аср давомида ҳақиқат билан юрсак ҳам, тирик Масиҳдан тўла тобеликка бизнинг эҳтиёжимиз ўшандай 100 фоизни ташкил қилади!

Муқаддас Китоб, биз руҳий курашга тортилганмиз, деб ўргатади: “Чунки бизнинг курашимиз ўткинчи башарга қарши эмас, балки самовий оламдаги ёвуз руҳий кучларга, ҳокимлару ҳокимиятларга, бу қоронғи дунёни бошқараётган *руҳий* ҳукмронларга қаршидир” (Эфесликларга 6:12). Кўпчилик масиҳийлар бу гапга кўшилган бўлишларига қарамасдан, мен кўр-ряпманки, қарама-қаршилиқнинг табиати барчани хи-жолатга солади.

Биз “руҳий кураш” деганимизда, одамлар одатда шайтоннинг васвасаси билан иблисларни ҳайдовчи дуолар кўринишидаги тўқнашувларни ва шунга ўхшаш нарсаларни тушунадилар. Мен буни фақат шу тарзда қабул қилар эканман, албатта, улар меъёр бўлмайдди. Менимча, муаммо ҳақиқатда руҳий курашнинг таркибий қисми — хатога қарши ҳақиқат ва жанг майдони — одамларнинг ақллариридир. Исо айтганидай:

Агар Менинг каломимга риоя қилсангизлар, ҳақиқий шогирдларим бўласизлар. Сизлар ҳақиқатни билиб оласизлар, ҳақиқат эса сизларни озод қилади (Юҳанно 8:31, 32).

Агар бизни ҳақиқат озод қиладиган бўлса, демак, адашиши бизни банди қилади. Мана нега Хушхабарнинг тарқалишини йўққа чиқариш учун йўналтирилган шайтоннинг энг биринчи ҳужуми — масиҳийнинг адашиши орқали кулликда ушлаб туришдадир. Ҳар кун кечки пайт барча ижтимоий қатламлар, деноминациялар ва географик районлар масиҳийлари билан бевосита эфир орқали гаплашиб, мен масиҳийларнинг нима ҳақда ўйлашларини билиш имкониятига эгаман. Мен қилган энг ёрқин кузатувлардан бири — бу қўрқувнинг ҳукмронлигидир. Одамлар шахсий муаммолар, оилавий ҳаёт, дунё воқеалари, фарзандларининг келажаги, ўз ишларининг қанчалар кафолатланганлиги олдида қўрқувга тушадилар. Бу қанчалар қайғули бўлмасин, кўп масиҳийлар — улар аллақачон муросага келган, мукофотланган, гуноҳлари кечирилган, оқланган, Муқаддас Худо фарзандлари бўлсалар-да, улар ҳанузгача Худо олдида аянчли қўрқув билан яшайдилар.

Мен шайтоннинг масиҳийларга қарши энг асосий қуроли — қўрқув эканлигига ишонаман. Мен одамларга

кўпинча шундай дейман: “Иблис — тишсиз махлуқ. Сиз иблисдан кўркмаслигингиз керак. Душманингиз иблис “бировни ютиб юбориш учун излаб, шердай бўкириб кезиб юрибди” (1 Бутрус 5:8). Аммо хочда уни тишлари ва тирноқларидан маҳрум қилишди! “Чунки ичингиздаги Рух дунёда ҳукм сураётган руҳдан устундир” (1 Юҳанно 4:4). Иблис сизга зарар етказа олмайди, аммо у алдаши, ёлғон гапириши ва бизни кўркитишга ҳаракат қилиши *мумкин*”. Бу ҳужум самарали, чунки қилмишлари даҳшатли кўрқувга асосланган одамлар аҳмоқликлар қилишга мойил бўладилар. Улар на аниқ фикрлай оладилар ва на оқилона ишлар қила оладилар. Кўрққанингда келажакни кўра олиш туйғусини йўқотиб қўйсан.

Агар иблиснинг ёлғони бизнинг *шахсимизга* йўналтирилган бўлса, у жуда хавфлидир. Масалан, айтайлик, биз ниманидир ўғирладик. Биз ўғирлик қилганимиздан иблис қониқмайди. У бизнинг ақлимизни: “Сен — ўғирсан” деган фикр билан заҳарламоқчи бўлади. Биз учун ёлғон гапирганимизни тан олиш етарли эмас. Иблис шивирлайди: “Сен ёлғончисан”. Биз гуноҳ қилганлигимизга иқдор бўлган пайтимизда, у хурсанд бўлмайди. Иблис бизнинг доимо: “Мен — гуноҳкорман” деб ўйлашимизни хоҳлайди. Ҳаммадан ҳам иблис масиҳийнинг: “Мен — гуноҳ қилган Худо фарзандиман”, деб ўйлашини *ҳеч* хоҳламайди. Нега? Чунки кейинги қадам қуйидагича бўлади: “Бунда ҳеч қандай маъно йўқ! Агар мен имонли, Худода муқаддас бўлсам, унда бундай хулқ менинг ҳақиқатда ким эканлигимга сира ҳам мос келмайди”. Ўзига худди Худо унга қарагандай баҳо берган масиҳий турадида, Масиҳдан тобеликка қайтади ва ўз ҳаётини давом эттиради. Бироқ у ҳақиқатдан ҳам: “Мен гуноҳкорман” ғоясини ўзига сингдирган бўлса, унда гуноҳ қилиш табиий деб қабул қилинади. Шундан сўнг гуноҳкор-

дан фақат гуноҳ кутиш мумкин. Шундай деб ўйлайдиган одам охир-оқибатда умидини йўқотади ва таслим бўлади. Сўнгра иблис: “Худо муқаддас ва У гуноҳдан нафратланади” деган фикрни олға суради. “Гуноҳкор” ҳисобланган шахс учун бунинг ягона натижаси — аянчли қўрқув бўлади.

Мана нима сабабдан Худо севгиси ва эътирофи бизнинг масиҳийлик ҳаётимизнинг нафақат асосидир, балки у биз ҳузур-ҳаловатда ўсиб, атрофида айланадиган марказ ҳамдир. Ҳузур-ҳаловат нафақат бизнинг *халос бўлишимизда*, балки бизнинг қандай *яшаётганлигимизда* ҳамдир.

Инсоннинг ўз гуноҳкорона табиатининг нотўғри тушунчаси намоён бўладиган яна бир нарса — бу уларнинг бир-бирини айблашидир. Бир куни спорт машғулотларидан сўнг мен қайта кийиниб олиш учун ечинадиган хонага йўл олдим ва аксига олиб мени жуда қўрқувга соладиган вазиятлардан бирига тушиб қолдим. Гапиришни жуда яхши кўрадиган бир йигит — бундайларни ечиниш хонасида доимо кўриш мумкин — ўзининг севимли иши билан шуғулланарди. У борган сайин овозини баландлатиб, имо-ишоралар билан гапирар, қулоқ солиб турган уч суҳбатдоши эса борган сайин хижолатга тушарди. Мен бу манзарага эътибор бермасликка ҳаракат қилдим, аммо, афсус, бунинг иложи йўқ эди. Аста-секин мен унинг ким ҳақида гапираётганлигини тушуна бошладим ва қоним қайнаб кетди. У мен таниган ва бу ердан унча узоқ бўлмаган Муқаддас Китоб коллежида ўқитувчи бўлиб ишлайдиган одам ҳақида гапирарди. Бу “маҳмадона” унинг талабаси эди.

“У қанақа масиҳий ўзи (йигит ўша одамнинг исмини айтди)! — дерди у. “Мен уни бачабоз эканлигини билиб қолдим. Муқаддас Китобда шундай дейилган: “Адашманглар, на зинокорлар, на бутпарастлар, на

фоҳишабозлар, на бачабозлар, на баччалар... Худонинг Шоҳлигидан баҳраманд бўлмайдилар” (1 Коринфликларга 6:9, 10).

Жаҳлим чиқди, бу маҳмадона мени сезиб қолган вазиятда нима қилишим кераклиги ҳақида бош қотира бошладим. У мен томонга қаради, мен уни қўллаб-қувватлашимга ишонган ҳолда шундай деди: “Сиз бу ҳақда нима дейсиз, жаноб Жорж?” — “Мен нима деб ўйлаётганимни сизга айтаман”, — деб жавоб бердим мен бор кучим билан ўзимни тутишга ҳаракат қилиб. “Ўйлашимча, сиз ҳозир бекорга бу оятни келтирмадингиз. Шу занжирда яна ўғрилар, тамагирлар, ичкиликбозлар, ҳақорат қилувчилар, талончилар ҳам бор”. Мен унга яқин келиб, тикка кўзларига қарадим. “Мана, ҳозир мен шу ерда туриб, ҳамманинг кўзи олдида мен яхши биладиган ва ҳурмат қиладиган одамга туҳмат қилганингизни эшитдим. Сиз туҳматчисиз. Сиз ҳам ўз илоҳиётингизга мувофиқ Худонинг Шоҳлигидан баҳраманд бўлмайсиз!”

Бошқа бир воқеа мен машҳур Муқаддас Китоб ўқитувчиси бўлган кекса аёлни учратган вақтимда содир бўлди. У менинг ҳузур-ҳаловат ҳақидаги дарсларимга оид фикр-мулоҳазалари билан жонимга тегиб кетди. Чунки унингча, менинг бу дарсларим одамларни “гуноҳга енгилтак муносабатда бўлиш”га олиб келар эмиш ва улар нажот топа олмас эканлар. “Менга, — дерди у, — агар одам хиёнат қилишни давом эттирса, у барибир кечирилади, деб айтманг! Муқаддас Китобнинг айтишича, доимо гуноҳда яшайдиган одам қутқарилмайди”.

Мен бу аёлни анча яхши билардим. Мен ундан: “Сиз неча йилдан бери масиҳийсиз?” — деб сўрадим.

“Деярли 50 йил”, — жавоб берди у.

“Неча йилдан бери сизни танқид руҳи қийнайди?” — яна сўрадим мен.

У жавоб бера олмай қолди ва юзида норозилик аломатлари пайдо бўлди. Ниҳоят у: “Эллик йил”, — деб мингиллади.

Мен аёлга шундай деб жавоб қилдим: “Мана буни мен доимий гуноҳдаги ҳаёт деб атаган бўлардим!”

Иккала ҳолатда ҳам сиз одамнинг илоҳий тизими ҳақиқий ҳаётга мос эмаслигини кўришингиз мумкин. Иккала одам ҳам ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш учун гуноҳ тўғрисидаги танланган фикрга таянадилар. Муқаддас Китоб коллежининг талабаси бачабозликни худди масиҳийларнинг биронтаси ҳам қила олмайдиган гуноҳ сифатида кўриб чиқмоқчи бўлди. Аммо айни пайтда иккалалари ҳам битта Муқаддас Китоб рўйхатида туришларига қарамасдан, туҳмат қилиш гуноҳидан кўз юмдилар. Аёл эса диққатини “бошқа одамлар” содир қиладиган бир нечта “ҳақиқатдан ҳам даҳшатли” ташқи гуноҳларга қаратди. Аёл унинг ўзида яхшилаб жойлашиб олган гуноҳларга эътибор қилмади. Ҳар иккала нуқтаи назар ҳам руҳий такаббурликка, ўз гуноҳларининг чиндан ҳам борлигини кўра олмасликка ва бошқа одамларни эса қоралашга олиб келади. Бу иккала шахс ўзининг “бечора одам” эканлигини билган камтарин дўстим Гэридан қанчалар фарқ қиладилар!

Масиҳийлар ҳам ҳар хил гуноҳларни қилишлари ҳақидаги фикр бизни жуда ҳайратга солмаслиги керак. Улар барибир гуноҳ қилсалар, шу билан ўз таналарининг заифлигини тан олсалар (Масиҳсиз биз битта қопқонга қайта-қайта тушаверамиз), бу бизни уларга ҳамдardлик билдиришга ундайди. Бизнинг мақсадимиз — уларни яна оёққа туриб олишларига ёрдам беришдир. Мана нима учун Галатияликларга мактуб 6:1 да қуйдагича сўзлар бор: *“Эй, Руҳ амри билан яшаётган биродарларим, агар бирон одам гуноҳ қилиб қўйса, уни мулойим руҳ билан тузатинглар. Унга ўхшаб*

васвасага йўлиқмаслигингиз учун ўзингизга эҳтиёт бўлинг”. Бу оятни яна бир марта диққат билан ўқиб чиқинг. Мен ҳозирги замон жамоатига бундан ҳам муҳтожроқ бўлган йўлланмани бера олмаган бўлардим!

Агар биз чиндан ҳам Муқаддас Китоб танамизнинг гуноҳкорлиги ҳақида нима деганини тушунганимизда эди, биз ҳеч қачон ўзларининг тақводор эканликларига ишониб, хиёнат йўлига кирган аёлни тошбўрон қилмоқчи бўлган фарзийларга ўхшаб қолмаган бўлардик. Биз ҳар доим ўзини художўй кўрсатиб, бармоғини бигиз қилиб, бировни қораламоқчи бўлган ечиниш хонасидаги ўша “маҳмадонага” ўхшамаган бўлардик. Жамоат эса “ўз ярадорларига қарата ўқ узадиган ягона армия” сифатида машҳур бўлмаган бўларди. Йўлидан адашган, муҳтожликларни бўйнига олган, ёрдамга муҳтож одамлар ўз маҳаллий жамоатлари ҳақида энг *охирги* навбатда ўйласалар, бунинг ҳайрон қоларлик жойи йўқ. Дунё руҳшунослари кабинетлари бошқа масиҳийларга аслида ўзларига нима бўлаётганлигини айтишга журъат қила олмайдиган масиҳийлар билан тўладир. Менинг ўйлашимча, бундай вазиятга бизни руҳий ўсиш ва тана ҳақидаги нотўғри таълимотдан келиб чиқадиган қалбакилик, мунофиқлик олиб келди.

Мен олдинроқ эътироф қилиб ўтганимдай, бизда яшайдиган гуноҳ ҳақидаги бу суҳбатда яхши томонлар жуда кам. Бунинг устига бу ҳақда ёзиш ҳам менга ҳеч қандай қувонч бағишламайди! Аммо бу ҳузур-ҳаловатда ўсишнинг зарур бўлган кичик бир ғиштидир. Биз Масиҳга *Унинг куч-қудрати учун* мурожаат қилишимиздан илгари, *ўз ночорлигимиз билан* юзма-юз учрашишга мажбурмиз, холос. Шунинг учун одам итоаткорлик кўз ёшлари ила ўзи учун — у “бечора одам” эканлигини билишдан ҳам ҳақиқий ҳузур-ҳаловатда ўсишнинг ёрқинроқ белгиси йўқдир. Бунинг

фақат Раббий Исо Масиҳни қалбдан англаганларгина чин юракдан тушунишади.

Ўзимизни Масиҳнинг мутлақо тақводорлиги ҳолатида аниқ ва чин дилдан тушунганлигимиз сабабли, барчамиз Худо ҳузур-ҳаловатидан жуда йироқлаб кетганимизни тушунамиз (Римликларга 3:23). Бу табиийдир: биз Худонинг солиҳлигини қанчалар аниқ кўрсак, ўз фикрларимизнинг гуноҳли эканликларини шунча кўпроқ тушунамиз. Аммо ўзимизнинг Масиҳдаги шахсимизни ва У томондан ўзимизни қабул қилганлигимизни тушунган вақтимизда, бу кашфиёт бизни кўмиб ташламайди. У бизни Раббимиз ва Қутқарувчимизга Унинг марҳамати, ҳузур-ҳаловати учун итоаткорлик билан миннатдорчилик билдиришимизга, эҳтиёжларимиз учун Унга тобе бўлиб яшаш тушунчасини чуқурлаштиришга ундайди. Бу миннатдорчилик орқали биз Унга бўлган севгимизда ва Уни шахсий англашда ўсамиз. Биз Унда марҳамат ва ҳақиқатга тўла бўлар эканмиз, “Раббимиз ва Қутқарувчимиз Исо Масиҳнинг ҳузур-ҳаловати ва билимида ўсишда” давом этамиз.

Умид ила қўллаб-қувватланганлар

Бир куни мен ишдан уйга қайтсам, Эми йиғлаб ўтирибди. Мен, нима бўлди, деб сўраган эдим, у саволимга умумий қилиб: “Ҳеч нарса”, деб жавоб берди. Аслида, Эмидан нима юз берганлигини сўрамасам ҳам бўларди; нима эканлигини ўзим яхши билардим.

Айни ўша даврларда, Эми ниҳоятда хурмат қиладиган отам саратон касаллигидан вафот этган эди; куёвим Жо ҳам саратондан ўлган; қайнисинглим Бетси саратондан ўлган; саратон касалидан ўлим тўшагида қўшнимиз ётибди, даҳшатли оғриққа чидамай, кечалари билан бақириб чиқишини биз тез-тез эшитиб турармиз. Бунинг устига, Эмининг куёви Майк ҳам саратондан жон тавасасида ётган эди.

Шубҳасиз, яқин кишиларимизнинг ўлими вазиятни ғамгинлаштирарди. Аммо бу сафар Эмининг қайғусига сабаб — ўлим билан олишиб ётган Майк эди.

Биз узоқ вақт гаплашиб ўтирдик. Сухбатимиз сўнгида мен Эмига шундай дедим: “Азизам, кел кўрайлик-чи, мен ҳозир сен ўйлаётган ҳодисаларнинг манзарасини чиза оламанмикан, ёки йўқми. Сен Майкни тобутда ётганини, синглингни эса унинг ёнида туриб йиғлаётганини, онангни у ерда йиғлаётганини, қўй-ки, бутун оила аъзоларинг тобут атрофида нола чекаётганини тасаввур қилипсан, шундайми?” Эми менга

қаради ва шундай деди: “Ҳа, мен худди шуларни ўйлаяпман”.

Шунда мен жавоб бердим: “Азизам, сенинг шунчалар ғамга ботганингга ажабланмаса ҳам бўлади. Бу жуда ғамгин фикрлар. Лекин бу нотўғри. Бу ҳақиқий уйдирма ва хаёлдан ҳақиқатга қайтишнинг ягона воқеаси — бу ҳақиқатга қайтишдир”.

Мен телефон гўшагини кўтардим ва шундай дедим: “Кел, ҳозироқ Майкка телефон қиламиз ва у билан гаплашамиз”. Мен телефон рақамларини тердим. Кўп ўтмай Майкнинг дўстона ва самимий овозини эшитдим. “Салом, Майк, — деб гап бошладим мен. — Биз Эми иккаламиз ишларинг қандайлигини билмоқчи эдик”. “Менинг ишларим яхши, ҳаммаси жойида, — жавоб берди у. — Умуман олганда, бу сўнгги вақтдаги энг яхши кунларимдан биридир”.

Эми ва мен Майк билан узоқ суҳбатлашдик. Эми учун кутилмаганда, бизнинг дилдан қилган суҳбатимиз яқиндагина ҳақиқий бўлиб туюлган даҳшатли тасаввурларни ҳаёлимиздан учириб олиб кетди.

Бу воқеа биз олдин ҳам гапириб ўтган баъзи бир нарсаларни исботлайди. Масалан, бизни қамраб олувчи туйғуларга сабаб бўладиган, жонли манзараларни яратишга қодир ақл кучи билан биз фикр-қарашларимизни ҳақиқатга тўлдиришимиз зарур. Бу Худонинг фақат бугунги кун ташвиши билан яшаш кераклиги ҳақидаги насиҳатини исботлайди (Матто 6:34). Биз фақатгина елкамизда келажак юкини кўтариб бориш учун яратилмаганмиз. Ҳаммадан ҳам бу воқеанинг натижалари ҳузур-ҳаловатда ўсиш учун бошқа бир Муқаддас Китоб ғиштини қўйиш муҳимлигини кўрсатади.

Бир йилдан сўнг Майк вафот этди. Лекин ҳақиқат вақти келганда, Эмини умидсизликка солган ҳаёлий манзара йўқолган эди. Майкнинг ўлими ҳақида хабар топ-

гач, биз Эми билан Пенсильванияга самолётда учдик. Эми ҳам, мен ҳам Анна билан унинг учта боласига жуда ачинардик. Аммо биз у ерга келганимизда, Худодо марҳамати билан қўллаб-қувватланаётган оилани кўрдик.”Хафа бўлманг, опажон, — деди Анна хотиржамлик билан. — Биз учун қайғурманг”. Кўзи ёшга жиққа тўлганига қарамай, Анна шундай дейишга ўзида куч, иродани тўплади: “Ҳозир Майк Исо билан бирга, унинг азобларига ҳам чек қўйилди. Ўлим бизни бир-биримиздан маълум вақтга жудо қилди, аммо бир кун келиб биз ҳаммамиз Худо билан бирга бўламиз”. Кейинги кунларда Раббий ҳаворий Павлусга айтганларини ҳис қилдик: “Сенга берган иноятим етар, Менинг қудратим заифликда тугал бўлади” (2 Коринфликларга 12:9). Ҳа, биз қайғурардик. Ҳа, бизга Майк етишмасди, биз бу йўқотишга ачиниб кўз ёш тўкардик. Бироқ онгли равишда Исо Масихнинг ҳақиқатига таянган масихийнинг бу дунёда йўқ, бу дунё унга бера олмайдиган нарсаси бор: бу — умид ва ишонч.

Мен навбатдаги айтмоқчи бўлган фикримда ниҳоятда эҳтиёткор бўлмоқчиман. Чунки уни нотўғри тушуниш жуда осон: бунда янглишманг, ўлим — душман. Масихий бўлиш — бизга азоб таъсир қилмайди, дегани эмас. Севимли кишининг ўлими ҳақидаги қайғурганимизда, ҳеч қандай “номасихий” нарса йўқ! Аммо оддий қайғу — бу айнан умидсизлик ва тушкунлик дегани эмас. Бундай ҳолларда имонлини ўз дунёсидан ажратиб турадиган Худо ҳақиқатига эгалиги мавжуд. Шу ҳақиқат уни ҳаётини вазиятлардан устун қўяди.

Айнан умид биз учун ҳаётда Худо нигоҳини ато қилади. Павлус шундай деб ёзган: “Эй биродарлар, умидсизликда яшаётган бошқа одамларга ўхшаб ғамгин бўлманглар, деб бу оламдан кўз юмиб кетганлар-

нинг аҳволи ҳақида сизларни хабардор қилмоқчимиз” (1 Салоникаликларга 4:13). Ўлим — бу дунёнинг ҳақиқатидир. Мавжуд ўлим миқдори 100 фоизга тенг. Барҳаёт Худони инкор қиладиганлар учун ўлим фақат музлатадиган даҳшат ва умидсизлик келтирадиган ҳолат бўлиши мумкин. Лекин Худо фарзандлари учун ўлим бизнинг самовий Отамиз ҳузуридаги асосий ҳаётга олиб боровчи эшиқдир, холос. “Ҳа, хотиржам ва иложи бўлса, баданимиз ғурбатсаросидан чиқиб, Раббимиз ҳузуридаги ватанга кўчишни хоҳлаймиз” (2 Коринфликларга 5:8).

Айни пайтда Исо айтганидай, биз бу дунёда қайғу-алам чекиб яшайпмиз (Юҳанно 16:33). Баъзи синовлар ва азоб-уқубатлар бу тубан дунёдаги ҳаёт натижасидир. Барча одамлар учун улар умумийдир. Бошқалари эса имонсизлар дунёсида яшайдиган Худо фарзандини шикастловчи алоҳида кулфат турларидир. Бизнинг гуноҳларимизнинг баъзи бирлари — ичкидир. Улар ҳақида Римликларга мактубнинг 7-бобида сўз боради. Ҳузур-ҳаловатда ўсишни чин дилдан истаган вақтимизда, биз ичимизда мустаҳкам ўрнашиб олган гуноҳни сезамиз. Қандай қийинчиликларга дуч келмайлик, бизга бутун ҳаётимиз давомида “бардош бера оладиган” қатъий умид зарур. Биз шу ҳаётимиз давомида ҳузур-ҳаловатда ўсамиз.

Аммо умид нима ўзи? У нимани билдиради, ҳузур-ҳаловатда ўсишга қандай алоқаси бор?

Кўпинча биз кундалик нутқимизда фойдаланадиган “умид” сўзининг варианты натижасида чалкашлик келиб чиқади. Биз шундай деймиз: “Умид қиламанки, мен ишда юқори поғоналарга кўтариламан”. Ёш бола эса шундай дейиши мумкин: “Янги йилда кучук боласини совға қилишларини умид қиламан”. Гольф ўйинчиси эса бундай дейди: “Умид қиламанки, бугун ёмғир ёғмайди”. Бу мисолларнинг ҳар бирида “умид қиламан”

сўзи инсон истагини ёки интилишини ифодалайди. Аммо бу одамлар ўзлари ишонмайдиган нарсаларга таллуқлидир. Кенгайтирилган ҳолда одамнинг фикри мана бундай кўринишда бўлади: “Менинг лавозимимни кўтаришадими, ёки йўқми — аниқ билмайман. Эҳтимол ҳа, эҳтимол йўқдир. Аммо барибир мен умид қилавераман”.

Бунга қарши ўлароқ, умиднинг Муқаддас Китоб бўйича маъноси — ишончли, аниқ, ўткир ҳақиқатдир. Муқаддас Китобда умид — *инсон ўткир сезадиган, Худо ваъда қилган ва келажакда албатта содир бўладиган нарсани кутишдир*. Бу ерда ҳеч қандай “эҳтимол” ёки “умид қиламанки, шундай” деган гаплар бўлмайди. Ҳақиқий умид Худо: “Шундай бўлсин!” деган жойда бўлади. Биз, то бу ҳодиса содир бўлмагунча, ҳаяжонга солувчи ҳиссиёт билан яшайверамиз.

Мисоллар тили билан айтганда, гўё ота ўз ўғлига ваъда бергандай, бу куйидагича бўлади: “Янги йил байрамига сенга кучук боласини совға қиламан. Янги йилдан бир кун олдин сен ухлаб ётганингда, мен уни олиб келаман. Эрталаб уйғонганингда, сен уни арча тагидан топасан”. Ва тамом. Бола онгидаги барча шубҳа-гумонлар йўқолади. “Менга кучук боласини совға қилишармикан-а?” сингари шубҳали гап-сўзлар энди бўлмайди. Энди бола сабрсизлик билан ўша кун келишини кутади ва ўз туйғуларини зўрға жиловлаб туради: “Яна тўрт кун қолди, менинг ўз кучугим бўлади. Яна уч куну саккиз соат — менинг кучугим бўлади. Яна икки кун...” Энди унинг кучуги қачон бўлиши муҳим эмас. Бу фақат вақтга боғлиқ. Муҳими — отасининг ваъдаси албатта ҳақиқатга айланади.

Ёзувда Масихдаги бизга берилажак бойликларимиз ҳақида Худо жуда кўп ҳақиқатларни ўргатади. Масалан, бизга “Худонинг чексиз инояти” берилиши (Римликларга 5:17) ва зарурат вақтида иноят, ёрдам олиш уч-

ун Худонинг иноят тахтига жасорат билан яқинлашишимиз мумкин эканлиги тўғрисида (Ибронийларга 4:16). Гарчи ҳозир биз бу нарсаларнинг барчасини ўз кўзларимиз билан кўрмасак-да, Худо уларни *ҳозирда* ҳақиқий, дейди. Демак, биз уларга ҳозироқ *ишонч* билан жавоб беришимиз ва шунга мувофиқ ҳаракат қилишимиз керак. Бироқ Худо бизга ўргатадиган бошқа жуда кўп нарсалар мавжуд, улар *ҳали* вақт борасида *амалга ошмаган*. Масалан, имонлиларнинг тириклайин осмонга кўтарилиши, Масихнинг иккинчи бор келиши, Унинг минг йиллик Шоҳлиги ўрнатилиши. Ана шунга нисбатан биз *умид* билан яшаймиз. *Аммо улар албатта амалга ошади* ва биз уларнинг бажарилишини сабрсизлик билан кутамиз.

Инсон жуда қийин, ҳал қилиниши учун анча вақт талаб қилинадиган муаммога дуч келганда, умид ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Масалан, спорт ёки муסיқа ўрганиш, касблар. Одам чарчаганда ва унга ўрганишни мажбурлаганларида, у ҳаммасидан воз кечгани-чи? Ўшанда биз “у умидини йўқотяпти”, деб айтишимиз мумкин. Бу пайтда биз у бошқа ўзи бажаришга уринаётган ишдан ҳеч қандай яхшилик ва муваффақият кутмаётганлигини назарда тутамиз. У шундай қарорга келди: “Мен буни ҳеч қачон қила олмайман”. Ана шундагина у мағлубиятни тан олади.

Бир куни мен йигирма ёшлардан сал ошган йигитчани учратим қолдим. Унинг исми Жо эди. Ҳали болалигидаёқ — ўн ёшида Хушхабар даъватига қўлидан келганича самимийлик билан жавоб берди. Унинг тарихи фақат Масих у учун ўлганлигини биладиган, аммо Масих ўзида яшаётганлигидан сира ҳам хабари бўлмаган, самимий одам билан содир бўладиган воқеага ёрқин мисол бўла олади. У ўзининг изтиробга тўла хатида шундай деб ёзади:

Катта бўлганимда мен жинсий ҳирс-ҳавас билан кураша бошладим. Мен Худо олдида шу гуноҳимга қайта ва қайта тавба-тазарру қилдим. Аммо ундан халос бўла олмадим... Мен доимо ўзимни таъқиб қилувчи айбдорлик, қўрқув ва уят туйғусидан чарчадим. Шунинг учун гуноҳга ён бердим. Менга ўзимни мунофиқлардай ҳис қилиш сира ёқмасди. Мен яна ўз истакларимни қондиришни хоҳлардим... Иккиюзламачилик мени яна ўз домига торта бошлади. Мен бир ишни қилардим, бироқ умуман бошқа нарсага ишонардим. Мен мунофиқ бўлиб қолдим.

Жо ўз муваффақиятсизликларининг пастга кетган занжирини тасвирлашда давом қилиб, хатини шундай фикр билан тугатди:

Мен ўзимнинг қутқарилмаганимга деярли ишонаман. Кун сайин мен юрагимни шундай тошга айлантирдимки, у Худо даъватини анчадан бери эшитишдан тўхтаганига ишончим комил бўлиб боряпти. Мен “ўлим гуноҳини” қилганимга... Мени гуноҳдан тортиб олаётган Муқаддас Рухни инкор қилганимга... Мен ҳали ўз тақдиримни қайсарлигим ва такаббурлигим билан охиригача ҳал қилмаганимга умид қиламан ва ибодат қиламан. Агар шундай бўлмаса, менинг онгимга писиб кириб олган бу хатони йўқотиш учун Худонинг мўъжизаси керак. Мен жуда тезлик билан умидимни йўқотиб бораётган эдим. Ҳаётим мутлақо чалкашиб кетди.

Бу чексиз изтироб ва дард фарёдидир. Баъзи бировлар, Жо нажот топмаган, дейишади (хатто Жонинг ўзи ҳам халос бўлганлигига ишонмайди). Аммо хуло-

са чиқаришга шошилманг. Жонинг айтишича, у Хуш-хабар билан танишган вақтида унинг даъватига самимий жавоб берди. Фожеа шундаки, агар у ҳақиқатдан ҳам Масихга эътиқод билан жавоб берган бўлса (ўйлашимча, бу айнан шундай бўлган), ўша куни Жо “яшаш ва Худо йўлида юриш учун керак бўлган ҳамма нарсани” (2 Бутрус 1:3) ҳар қандай бошқа имонли каби олди. Унинг муаммоси кучининг етишмаслигида эмас; уни тўғри йўлдан билимсизлик ва адашиш қайтаряпти. Ҳақиқат бизни озод қилишини бир эсланг. Демак, хато бизни қуллик гирдобига ташлайди. Хусусан, Жода сиз қуйидаги ҳақиқатни тушунмаслиги оқибатини кўряпсиз: “Улуғвор умидимизнинг мағзи — сизнинг ичингиздаги Масих” (Колосаликларга 1:27). Жонинг хатидаги жуда кўп фикрлар орасида, шубҳасиз, энг аниғи умидсизлик орқали пайдо бўлган унинг ночорлигидир. Мана, Жо каби тузоққа тушган одам билан гаплашаётганда, менинг энг муҳим вазифам — бу одамнинг умидини қайта тиклашдан иборатдир. Худо севгиси ва Унинг марҳамати энг аввало умидсизликка тушган одам учун зарур ва муҳим ҳақиқатдир.

Инсонни умидсизликка етакловчи бир неча омиллар мавжуд. Масалан, одам бирор нарсани қабул қилиши тўғри асосланганлиги. Бошқача сўзлар билан айтганда, кимдир шундай дейди: “Мен сени яхши кўриб қоламан, *агар...*”. “Агар сен етарлича... яхши... етарлича муваффақиятли... мен учун етарли... бажарсанг, шунда мен сени қабул қилишим мумкин”. Кимнингдир севгисига ва эътирофига эришиш учун қилинган уринишлар — бу хоҳ ота ёки она, хоҳ эр ёки хотин, хоҳ бола ёки дўст бўлсин — охир оқибатда сизни умидсизликка олиб келади. Чунки сиз ҳеч қачон хотиржам бўла олмайсиз. Сиз ҳеч қачон бирон ишни етарли даражада бажара олмайсиз. Агар инсоний меҳнатнинг мақсади — Худо эътирофига эришиш

бўлса, бу ҳиссий таъсир ниҳоятда катта размерга эга бўлади.

Мен Жекини ўқув семинарида учратдим. Унинг ёши элликдан ўтган, жуда чақнаб турган масиҳий аёл эди. Аммо у менга бу қувончни яқиндагина қўлга киритганлигини айтди. Жеки шундай ҳикоя қилади:

Ёшим улгайиб борган сари, мен доимо Худонинг бор эканлигини англардим. Лекин менинг тушунчамда У қораловчи, ҳукм чиқарувчи ва эҳтимол, мен ҳаммасини тўғри қилган вақтимда бармоғи билан мени кўрсатиб, мени севувчи Худо эди. Мен Унга ёқиши мумкин бўлган ишни қилишга ҳаракат қилардим. Аммо мени доимо муваффақиятсизликлар таъқиб қиларди, мен бошқалар худди шуни қилаётганликларини кўрардим. Вақти келиб, мен шунчаликка бориб етдимки, ўзимга ўзим: “Ҳаётнинг мазмуни нимада?” деган саволни бердим.

Умидсизлик ва саросима — худди Жекиникига ўхшаганларда учрайди. Бошқа бир семинарда мен Жеффни учратдим. У ўз кечинмаларини мана бундай ҳикоя қилди:

Олдинига мен Масиҳга Худо ҳузур-ҳаловати номаси орқали келдим. Худди қўшиқда айтилганидай, менга: “Исо мен учун ҳамма нарсани тўлаган” деб тушунтиришди. Аммо шундан сўнг тез орада аслида нима назарда тутилганлигини билиб олдим. Исо “биринчи бадал”ни тўлаганлиги, лекин “қолганини” мен тўлашим кераклиги назарда тутиларди!

Бундай хабарнинг қаерида умид бор? Бу менга шундай туюлардики, Исо фақат мен нажот топишимни,

У мени асраб қолиш имкониятини берганлигини гапиряпти. “Ҳа, биз ҳузур-ҳаловатга ишонамиз. Агар сиз барча қоидаларга риоя қилсангиз, Худо сизни ҳар қандай шартларсиз севади”. Бу ерда сўзларнинг ўзида қарама-қаршилик бор. Ҳузур-ҳаловат мутлақо бепул. Агар сиз ҳузур-ҳаловат учун тўлов берсангиз, ёки уни ишлаб топсангиз, унда ҳузур-ҳаловат умуман йўқолади.

Шунинг учун сиз ҳатто буни нажот топиш, деб ҳам айта олмайсиз. Чунки натижалари жуда шубҳали бўлади. Агар сиз сузишни билмасангиз, қайиғингиз ағдарилиб кетгани сабаб кўл ўртасида чўка бошласангиз, нима бўлади? Мен сизнинг ёнингизга ўз қайиғимда келиб, қўлимни чўзардим ва шундай дердим: “Менинг қўлимдан ушланг. Мен сизни қутқараман”. “Худого шукр, — деб ўйлайсиз сиз, — мен қутқарилдим”. Бироқ озгина сузганимиздан сўнг, қирғоққа ҳали узоқ, сиз мени хафа қиласиз. Фараз қилайлик, сиз менга ёқмайдиган бир нарса дейсиз ёки сиз мендан ўзим истаганчалик миннатдор бўлмайсиз. Шундай қилиб, мен сизни оламан-да, яна қайтадан сувга улоқтириб юбораман. Сиз чўкиб кетасиз.

Савол: мен сизни қутқардимми? Йўқ. Сиз ҳеч қачон қутқарилмагансиз. Менинг сизга нисбатан кўрсатган хизматим шу бўлдики, *сизга вақтинчалик нафас ростлашга имкон бердим, халос. Сизни қутқардим дейишим* учун мен сизни нафақат сувдан чиқариб олишим керак, балки *қирғоққача олиб бориб, сувдан қуруқликка тушириб қўйишим керак!* Фақат шундан сўнггина сиз чўкиб кетишдан қутқарилган бўласиз.

Сиз инсон табиати Масиҳсиз қанчалар ахлоқсиз эканлигини тушуна бошлаганингизда, шунингдек, Худо сиз учун *тўла* халос бўлишни амалга оширишини ҳам тушунасиз. Агар У бизга қандайдир иш қолдирса, *ҳеч қайсимиз бу ишнинг уддасидан чиқа олмаймиз.* Биз

ҳеч қачон, агар қутулиш шубҳали бўлса, унга хурсанд бўлолмаймиз. Лекин биз Масиҳда ўзимизнинг ажойиб умидимиз борлигини кўрганимизда — *бизнинг эмас, балки Унинг садоқати биз учун ишонч эканлигини тушунган вақтимизда* — қалбимизни миннатдорчилик ҳисси тўлдиради. Мана нега Павлус мана бундай ёзади:

*Раббимиз Исо Масиҳнинг Отаси Худога ҳамду санолар бўлсин! У бизга беҳад раҳм-шафқат кўрсатди, Исо Масиҳнинг тирилиши асосида бизни янгидан тугилтириб, **тирик бир умидга** эга қилди. Самода сақланаётган **беғубор, чиримас, сўлмас** бир мерос сизларни кутмоқда. Охирзамонда очиқ кўринишига тайёр бўлган **улуғ нажотга эришмогингиз** учун, имонингиз туфайли, **Худонинг қудрати** билан қўриқланмоқдасизлар (1 Бутруснинг 1:3–5).*

Қачонлардир, анча илгари биз бутун оиламиз билан меҳнат таътили пайтида Йосемит Миллий Боғига бордик. Ўша пайтда олти ёшда бўлган ўғлим Бобби, мен билан тоққа чиқинг, деб илтимос қилди. Айтингни, менинг қуйидаги сўзларимда соғлом маъно борми: “Хўп, Бобби, *ўзинг қўлимдан тутиб юр*: биз чўққига чиқяпмиз”? Албатта, йўқ. Олти яшар болада на куч, на яхши ривожланган вестибуляр аппарат, на ўзи ҳақида ўзи ғамхўрлик қила олиш тажрибаси бор. Мен агар шунга ўхшаш иш қилсам, унда лоқайд жиноятчи-ота бўлардим. Аслида, мен нима қилдим: мен *Боббининг қўлидан қаттиқ тутдим*, кейин иккаламиз чирмашиб тоққа чиқа бошладик. Умуман олганда, мен ҳеч қандай қаҳрамонлик қилмадим. Аммо шуни ишонч билан айта оламанки, ўғлимнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун, керак бўлса, ўзимни қоядан ташлаб ҳалок қилиш-

га тайёрман. Мен ҳеч қачон ўғлим менинг қўлимдан қаттиқ ушлашига ишонмаган бўлардим. Мен атайлаб унинг қўлидан ўзим ушлаб олдим!

Худди шу каби, бизнинг нажот топишимиз ҳам аслида Худони ушлаб юриш қобилиятимизга боғлиқ эмас. *Қутқарилиш — Унинг садоқатида мужассамдир, У бизни тутиб туради!* Бу ишонч ҳақида Павлус шундай деган:

*Худо сизларда бошлаган хайрли ишини то Исо Масиҳнинг келадиган кунигача **тамом қилишига** аминман (Филиппиликларга 1:6).*

Павлуснинг, ҳаттоки коринфликларга — умуман бирон нарсани қачон бўлса ҳам тўғри қилганлиги амри маҳол бўлган жамоатга — ўшандай ишончни билдириши мени доимо ҳайратга солиб келган. У жамоатдагиларни “Исо Масиҳ орқали муқаддас қилинган ва муқаддас бўлишга чорланганлар” — “тақводорлар” деб атайди (1 Коринфликларга 1:2) ва шундай дейди:

Раббимиз Исо Масиҳнинг кўкдан намоён бўлишини кутар экансизлар, Муқаддас Рухнинг инъомидан ҳеч бир кам-кўстингиз йўқ. Раббимиз Исо Масиҳ қайтадиган кунда қусурсиз бўлмогингиз учун, У сизларни охиригача қўллаб-қувватлайди. Сизларни Ўз Ўғли Раббимиз Исо Масиҳ билан мулоқотга чақирган Худо садоқатлидир (1 Коринфликларга 1:7–9).

Сиз Коринфликларга Биринчи мактубни ўқиганингизда, бу жамоатнинг жиноятлари ва хатоларини кўрганингизда, Павлуснинг уларнинг тақдирига бўлган ишончи ҳеч ақлга тўғри келмайдигандай туюлади. *Биз хулққа қарашга мойилмиз, Павлус эса бизнинг ишон-*

чимизнинг ҳақиқий манбаига қараган: “*Худо садоқатли*”. Унинг садоқати натижасига сизда ва менда ишонч бор.

Ҳаётимизнинг Худо бизда қатъий умидни яратмоқчи бўлган биринчи соҳаси — бу бизнинг қутулишга бўлган ишончимиздир. Биз доимо ҳам содиқ эмасмиз. Аммо У доимо содиқ. Ва У бизга зарар етказмасдан Ўз Шоҳлигига олиб кетишни хоҳлайди. Бироқ биз ҳали ҳам бу дунёдаги ҳаёт бевафоликларини ва бизнинг ичимизда бўлаётган гуноҳли ҳаётнинг умидсизликларини ҳис қилишда давом этамиз. Умид қандай қилиб ҳузур-ҳаловатда ўсишнинг тўхтовсиз жараёни билан мувофиқлашади?

Кей исмли йигирма беш ёшлардаги гўзал қиз менинг олдимга спиртли ичимликларга берилиб кетган экан, шу масалада маслаҳат олишга олдимга келди. У бу офатга бўлган мойиллигидан халос бўлиш учун қилган аламли уринишлари зое кетганлиги тўғрисида сўзлади. Кей ўз кучига ишончсизлиги ҳақида гапирганда, кўзлари ёшга тўлди.

Мен дарҳол Кейдан, Раббий Исо Масих билан муносабатларингиз қандай, деб сўрадим. У Масихга ёшгина қизчалигидаёқ келганлигини айтиб, мени ишонтирди. Кўп йиллар давомида уни содиқ масиҳий деб ҳисоблашган. Лекин бу спиртли ичимликлар унинг устидан ҳукмронлик қилишидан олдин эди. Кей ёрдам сўраб кўп масиҳийларга ва дунё психоаналитикларига мурожаат қилган.

Биз Кей билан унинг Масихдаги ўзига хослиги ҳақида узоқ гаплашиб ўтирдик. Кей мен илгари суҳбатлашган ва ўзларининг халос бўлишини яхши тушунмайдиган бошқа минглаб одамларга ўхшар эди. Мен ундан Хушхабарни у қандай тушуниши ҳақида сўраганимда, қиз менга кўпчилик айтадиган жавобни берди: “Исо менинг гуноҳларим учун ўлган”.

“Сен учун нажот топиш шунинг ўзи холосми?” — сўрадим мен. У: “ҳа”, — деб жавоб берди.

Мен унга гуноҳларининг кечирилиши — бу қутулишнинг фақат ярми эканлигини тушунтира бошлаганимда, уни қийин аҳволга солиб қўйдим. Масихнинг биз учун ўлими — бу жуда ажойиб бўлган ва шундай бўлиб қолади — аммо бу ҳали қутулишнинг ҳаммаси эмас. “Гуноҳ учун тўлов — ўлимдир, Кей, — дедим мен. — Шунинг учун ҳам Масих бизга ҳаёт бериш учун келди. Мана нима сабабдан У шундай деган: “Мен тирилиш ва *ҳаётдирман*” (Юҳанно 11:25). Мана нима сабабдан У шундай деган: “Мен Йўл, Ҳақиқат ва *Ҳаётдирман*” (Юҳанно 14:6). Бизнинг муаммомиз шундаки, биз ўлик эдик. Ўлим муаммоси ҳал қилинишининг ягона йўли эса ҳаётдир. Муқаддас Китобнинг айтишича, сиздаги Масих — “сизнинг шон-шарафга ягона умидингиздир”.

Масихийликда кўп марта *Бўлган* Масих ва *Бўлажак* Масих орасида *Мавжуд* Масих йўқ бўлади. Масих тирик ва бизда яшайди, деган ҳақиқатни тўла тушуниш бизнинг Худо фарзандлари эканлигимизнинг ҳақиқийлигини таъкидлайди.

Бир неча кун давомида бу ҳақиқатни батафсил тушунтирганимдан сўнг, мен Кейдан сўрадим:

— Кей, сен Худо фарзандимсан ёки пиянистамисан?

У шундай деб жавоб берди:

— Ўйлашимча, ҳам униси, ҳам буниси бўлсам керак. Мен унга дедим:

— Бу мумкин эмас. Худо сенга иккита шахсни бермаган. У сенга фақат битта шахс берган. Сен ё масихийликка эътиқод қўйган пиянистасан ёки спиртли ичимликка оид муаммоси бўлган Худо фарзандисан. Сен бир вақтнинг ўзида ҳам униси, ҳам буниси бўла олмайсан.

Сўнггра мен унга тушунтирдим:

— Кей, агар сен ҳақиқатдан ҳам пияниста бўлсанг, агар бу чиндан ҳам сенинг шахсинг бўлса, қай бир ҳаракат сен учун энг табиий?

— Ичиш, — деб жавоб қилди Кей.

— Нима сен учун энг *ғайритабиий*? — сўрадим мен.

— Ичмай, ҳушёр бўлиш, — деди у.

— Бошқа томондан, — давом қилдим мен, — агар сен Худо фарзанди бўлсанг, нима сен учун энг табиий?

— Ҳушёрлик, — жавоб қилди Кей.

— Нима энг *ғайритабиий*?

— Ичиш, — жавоб берди у.

— Кей, мен нима демоқчи бўлганимни сен тушу-няпсанми? Агар *сен чиндан ҳам* пияниста бўлсанг, унда нега менинг олдимга келдинг? Агар чиндан ҳам пияниста бўлсанг, бор, ўз пиянисталигингдан ҳузурланиб юравер ва бунга худди ғайриоддий нарсага қарагандай муносабатда бўлма. Ахир, сен ҳақиқатдан ҳам маймун бўлсанг, ўзингни маймун каби тутишинг ғайриоддий бўлмайди-ку? Бошқа томондан, агар сен Худо фарзанди бўлсанг, эҳтимол, бундай хулқ сенинг асл шахсингга мос келмайди. Агар сен Худо фарзанди бўлсанг, унда Масих сенда тирик ва яшаяпти. У сенинг ақлингни янгиламоқчи, сени Ўз ҳақиқатига ўргатмоқчи, сенга ўз туйғуларингни бошқаришни ўргатмоқчи. У сенинг иродангни ўз тананг истакларини бажаришга эмас, Ўзига ва Ўзининг иродасига мувофиқ йўналтиришни ўргатмоқчи. *Кей, сенинг муаммонг хулқингда эмас, у сенинг шахсингдадир.*

Кейнинг кўзлари катта-катта очилди ва у шундай деб хитоб қилди:

— Мен тушундим! Менинг барча қилган ишим — бу аҳмоқлик, тўғрими?

Менинг олдимга маслаҳат сўраб келган одам гуноҳни “аҳмоқлик” деб атаганини эшитган вақтимда мен ишонаманки, унга менинг нима ҳақида гапираётганим

етиб борган бўлади. Бу одам ҳақиқатдан ҳам ўзига ва ўз гуноҳига Худо нуқтаи назаридан қарашни бошлаганининг белгисидир. Мен Кейга шундай дедим:

— Тўғри, Кей. Агар сен ҳақиқатдан ҳам ўзингни Худо фарзандиман деб ўйласанг, унда сенинг ичкиликка нисбатан ўйлаганларинг ва барча қилган ишларинг — батамом аҳмоқликдир...

Бу суҳбат бундан беш йил илгари бўлган эди. Бор-йўғи бир ойгина олдин Кей менинг олдимга келди. У менга юрагида қувонч ва чеҳрасида кулги билан шундай деди: “Боб, бир пайтлар шундай деб ўйлаганимга сира ишона олмайман. Мен ўзимнинг Масихда ким эканлигимни билганимдан буён, бошқа эски одатларимга қайтмадим. Энг муҳими, менда бошқа спиртли ичимликлар ичиш истаги пайдо бўлмади”.

Кей ўз хулқи ва ўз шахси орасидаги фарқни тушунган, умид у учун ҳақиқатга айланган эди.

Мана, умид бизни қандай қўллаб-қувватлайди. Масихда ўз шахсингизни тушунганингиз заҳоти, Худода сиз учун белгиланган тақдир борлигига ишонганингиз заҳоти, сиз масиҳийча ҳаётдаги кундалик синовлар ва кураш билан юзма-юз, қўрқмасдан учраша оласиз.

Ибронийларга мактуб 6:19 да умид — “жон лангари” деб аталган. Бу ажойиб тимсол, довул пайтида кемага ишонч ва барқарорлик берувчи лангар тасвиридир. Мана, умид биз учун нималар қилишга қодир ва ҳаттоки ундан ҳам ортиғини қилади. Масалан, Римликларга мактубнинг 5:1–5-оятларидаги мантиққа мурожаат қиламиз. Биринчи оятда биз Исо Масихга бўлган имонимиз туфайли оқланганимиз, Худо биз билан сулҳ тузганлиги, биз Унинг ҳузур-ҳаловатида яшаганимиз тўғрисида сўз кетади. Павлус шундай давом этади:

Раббимиз Исо Масих Ўзи Худонинг иноят эшигини бизга очиб берди. Биз имонимиз туфайли бу

иноятга эришиб, маҳкам турамиз ва Худонинг улуғворлигига эришмоқ умиди билан фахрланиб юрамиз. Бунинг устига, қайгулар билан ҳам фахрланмоқдамиз, чунки қайгу сабр-қаноатни ҳосил қилишини биламиз. Сабр-қаноат эса тажрибакорликни, тажрибакорлик эса умидни ҳосил қилади. Умидимиз бўлса, бизни уятга қолдирмайди. Чунки бизга берилган Муқаддас Рух орқали юракларимиз Худо севгисига тўлиб-тошади (Римликларга 5:2–5).

Биз бу қайғуда шодланиш қобилиятини қаердан оламиз? Буни Масихдаги умидимиз туфайли оламиз. Бошқача айтганда, биз ҳозирги пайтнинг қийинчиликларида ва аламларида Худога ишониб, барқарор бўлиб қолишимиз мумкин. Чунки биз йўлни биламиз. Бу йўл Худо бизга Ўз “вақт ойнаижаҳонида” кўрсатган йўл. Биз буни Римликларга мактубнинг 8:29, 30-оятларида топамиз:

Худо азалдан билган кишиларни Ўз Ўғлининг сура­тига айлантириш учун белгилади, токи Ўғил кўп биродарлар орасида Тўнгич бўлсин. Худо азалдан белгилаган кишиларни даъват ҳам этди, даъват этган кишиларни эса оқлади, оқлаган кишиларни эса улуғликка ҳам сазовор қилди.

Агар Худо сизни дунё яратилганидан олдинроқ билган бўлса (У ҳақиқатдан ҳам сизни билган; ҳеч ким Масихнинг ҳузурига тўсатдан келмайди ва Унга тўсатдан ёпишмайди; агар сиз Масихга ишонсангиз, сизни азалдан билишган), унда бу парчага мувофиқ, сизнинг тақдирингиз қандай бўлади? Унинг Ўғлининг сура­тига мос бўлиш! Ҳеч қандай “эҳтимол” ёки “умид қиламанки, шундай” деган гаплар йўқ, балки мутлақо

аниқ! Ҳар бир Худо фарзандининг вазифаси — Масихга ўхшаш бўлишдир, бу эса “улуғликка сазовор бўлиш” деган маънони билдиради. Худо бизга шубҳасиз ва аллақачон белгиланган нарсаларни айтган. Мана, нима учун биз “Худонинг улуғворлигига эришмоқ умиди билан фахрланиб юрамиз” (Римликларга 5:2).

Баъзи одамлар Муқаддас Китобнинг бу таълимотига қўшилмайдилар. “Буни одамларга гапириб бўлмайди, — дейдилар улар. — Агар масиҳийларга, сизлар яна адашишларингиз мумкин эмас, деб айтсангиз, улар Худо учун яшашдан бош тортадилар. Улар орқа-олдига қарамасдан сизнинг ҳузур-ҳаловатингизни гуноҳ қилишингиз учун рухсат сифатида оладилар!..” Балки бу тўғридир? Йўқ! *Йўқ, агар Исо Масиҳ уларда яшаётган бўлса, йўқ! Нажот топиш қанчалар гўзал ва муҳим бўлмасин, бу фақат гуноҳларнинг кечирилиши эмаслигини тушуниш ғоят муҳимдир! Нажот топиш Худо томонидан сизга юқоридан тугилиш орқали берилган қайта тугилишдан кейинги Масиҳ ҳаётидир.* Яна шуни унутмаслик муҳимки, Хушхабар — фақат Масиҳнинг биз учун Ўз ҳаётини берганлиги ҳақидаги ҳақиқат эмас, балки Исо Масиҳ Ўз ҳаётини *сизга бера олиши* учун ва *У сиз орқали Ўз ҳаёти билан яшай олиши* учун Ўз ҳаётидан *воз кечгани тўғрисидаги* ҳақиқатдир.

Масиҳий — бу фақат гуноҳлари кечирилган гуноҳкор эмас. Янги Аҳдда Худо шундай ваъда берган: “Қонунларимни уларнинг фикрига жо қилиб, дилларига ёзиб қўюрман” (Ибронийларга 8:10). Бутруснинг ёзишича, биз масиҳийлар “Худонинг илоҳий табиатидан баҳраманд бўламиз” (2 Бутруснинг 1:4). Бошқача қилиб айтганда, биз сиз билан Худо ҳаётида иштирок этяпмиз. Павлус лол қолдирадиган ҳақиқатни ёзган: “Раббимиз билан қовушган эса У билан бир руҳ бўлади” (1 Коринфликларга 6:17). Муқаддас Китобнинг

шундай дейиши ажабланарли эмас: “Бинобарин, ким Масихга тегишли бўлса, у янги ижоддир. Қадимги ҳолат ўтиб кетди, энди ҳаммаси янги бўлди” (2 Коринфликларга 5:17).

“*Мумтоз Масихийлик*” китобимда мен капалакни мисол қилиб келтирганман. Сиз ҳаётни энг паст даражада, қуртдай судралиб бошлайсиз. Капалак куртининг ўзи уча олмайди. Ва сиз у билан қандай муносабатда бўласиз, унга нима ваъда қиласиз ёки қанчалар қатъийлик билан сиз уни учишга ўргатасиз — буларнинг аҳамияти йўқ. Аммо шундай вақт келадики, капалак куртининг ўзи ҳам атрофида ғумбак тўқийди ва шундан сўнг ундан капалак бўлиб учиб чиқади. Бу мутлақо янги ижод. Энди у ҳам уча олади.

Ҳаётим давомида мен гулдан-гулга сакраб юрган жуда кўп чиройли капалакларни кўрганман. Аммо ҳеч қачон кимнингдир завқ билан: “Қаранглар, қандай чиройли кўринишини ўзгартирган қурт!” деб кичқирганини эшитмаганман. Мен ҳеч бундай гапни эшитмаганман, сиз-чи? Йўқ, ҳеч ким капалакни, агар ўйлаб кўрилса, у қачонлардир *қурт бўлган-ку*, у ҳақиқатдан ҳам “кўринишини ўзгартирган” қурт деб атамайди. Ундай ҳолда биз нега уни “кўринишини ўзгартирган қурт” деб атамаймиз? Чунки биз капалакни *олдин қандай бўлганлиги* ҳақида ўйламаймиз, биз уни *ҳозирда* нима бўлса, шу ном билан — капалак деб атаймиз.

Масихийлар ўзларини “марҳамат билан қутулган гуноҳкорлар” деб атаганларини кўп эшитаман. Менимча, бу капалакни “кўринишини ўзгартирган қурт” дейиш қанча тўғри бўлса, у ҳам шунчалар тўғридир. Ҳа, мен ўз табиатимга кўра гуноҳкор бўлганман ва мен Исо Масих орқали мурувват билан қутулганман. Лекин Муқаддас Китоб мени энди Худо фарзанди деб атайди! Муқаддас Китоб мени ҳатто тақводор деб атайди, бу эса “муқаддас” дегани. Буларнинг бари менинг ҳа-

ракатларим туфайлими? Сира ҳам! Фақат Унинг муруввати туфайли. Мен ўз қилган ишларим туфайли эмас, балки Масих қилган ишлари натижасида Худо кўз ўнгида муқаддасман. Худо мени Ўз ҳузурида тўла тан олдиришга қарор қилганлиги сабабли, У мен билан ўз ҳаётини ўртоқлаша олади, менинг орзу-истакларимни ва табиатимни ҳам Ўзига мувофиқ ўзгартиради.

Демак, ҳатто менинг танамда яшовчи гуноҳ мени ҳаракатлантирса, онгим ҳали ҳам адашиш, алдов ва умидсизликка мойил бўлса—да, мен Павлус билан биргаликда шундай дея оламан: “Худонинг қонунидан ички борлигим завқ олади” (Римликларга 7:22). Менинг энг эзгу фикрларим туфайли Худо қандай бўлишимни хоҳласа, ўшандай бўлишни истайман, деб айта оламан. Мен Унга хизмат қилишни, Уни севишни, У мендан тўла фойдаланишини хоҳлайман. Худо бизга руҳий туғилиш дақиқаларида берган янги ҳаётдан бу хусусиятлар келиб чиқади.

Бизнинг Масихдаги шубҳасиз умидимиз ғояси ҳақиқий Худо фарзанди учун “гуноҳга ундаш” эмасдир. Бу унинг ички олови ва кучли ташналигини қондириш учун озуқа, ёқилғидир. Шунингдек, Худо уни қандай бўлишини хоҳласа, бу умид шундай бўлишига ёрдам беради. Айнан шу умид бизни ўз йўлида ушлаб туради: “Биз *Худонинг марҳамати* билан бундай хизматга мушарраф бўлиб, умидсизланмаймиз” (2 Коринфликларга 4:1).

Биз сиз билан ҳузур-ҳаловатда ўсиш учун даъват қилинганмиз. Бироқ бу йўл давомида қийинчиликларга, азоб-уқубатларга ва муваффақиятсизликларга дуч келишимизни билдиради. Фақатгина Худо содиқлигидан пайдо бўладиган шубҳасиз умид билан биз ҳаёт бўронларига дош бера оламиз. Масихийлик ҳаётига *кучни эътиқод беради*, Масих бизда ва биз орқали Ўз ҳаёти билан яшай олиши учун, бу — бизнинг Масихдаги

тўла тобелик ҳаётимиздир. Шундай бўлса-да, биз шунингдек, Масиҳ бизда бошлаган ишини тугаллашига, бутун ҳаётимиз давомида барқарор бўлишга, қобилиятли қила олишига батамом ишонишимиз керак. Одамлар умидсиз енгиладилар. Масиҳийлик ҳаёти нафақат ишонч билан озиқланиши, балки умид билан қўллаб-қувватланиши ҳам лозим.

Айбдорлик туйғусидан халос бўлиш

Бошида бир неча ой давомида Стюарт, осонгина нажот топдим, деб ўйлаб юарди. Стюарт ўз автомобили билан 18 ёшли Сьюзаннинг ўлимида айбдор эди. Ўша пайтда Стюарт маст ҳолда машина бошқараётган ва Янги йил куни эрталаб қизнинг машинасига қаттиқ урилган. Фалокат натижасида қиз ўша ернинг ўзида ҳалок бўлган. Стюартни дарҳол тутиб олишди ва қасддан содир қилинмаган қотиллик, аммо маст ҳолатда автомобилни бошқарган, деб айб қўйишди. Унинг жиноий ишига қўшимча қилиб Сьюзаннинг оила аъзолари унга қарши фуқаролик иши қўзғатишди ва суд жараёнида ғолиб чиқишди. Бироқ улар ғайриоддий ва кутилмаган жазони талаб қилишди. Бошида улар Стюартдан 1,5 миллион доллар талаб қилишган бўлса-да, улар кейин 936 доллар олишга қарор қилишди.

Лекин бу 936 доллар ғайриоддий тарзда тўланиши керак эди: ҳар жума — Сьюзан ҳалок бўлган куни Стюарт бир долларга чек ёзиши ва уни Сьюзаннинг оиласига юбориб туриши керак эди. 936 доллар ҳафтасига бир доллардан ўн саккиз йил давомида — Сьюзан яшаган ҳар бир йил учун биттадан тўланиши керак эди. Қизнинг оиласи Стюарт нима қилиб қўйганлигини эсдан чиқармаслигини хоҳлашган эди.

Илк енгиллик туйғулари ўтгандан сўнг, тўловнинг бундай тизими, олдин туюлганидай, қувончли эмаслигини Стюарт тушунди. Олдинига одат тусига кириб қолган бу жараёндан чарчоқ ҳиссидан ўзга ҳис бўлмади. Кейин ҳолат янада ёмонлашди. Стюартда тушкунлик кайфияти пайдо бўла бошлади. Чунки ҳар жума куни, ҳафталар сайин бу иш унга ўзининг ёшгина бир қизнинг ўлимида айбдор эканлигини эслатарди. У борган сайин банк қоғозига қизнинг исмини ёзишга қийналарди ва у энди чекларни Сьюзаннинг оиласига юбормай қўйди.

Оила дарҳол судга Стюартни тўловни давом қилдиришга мажбур қилиш талаби билан мурожаат қилди. Кейинги саккиз йил давомида Стюарт тўрт маротаба тўловни тўхтатди ва суд уни яна мажбур қилди. Ниҳоят, Сьюзаннинг ўлими учун таъқиб қилинган ва тўловдан азобланган Стюарт ўзига берилган “шафқатсиз” жазодан арз қилиб, апелляция судига мурожаат қилди. Судда у Сьюзаннинг оиласига ўн саккиз йилдан қолган йиллар учун ва яна қўшимча бир йил учун чек солинган иккита қутини олишларини таклиф қилди. Лекин қизнинг оила аъзолари бу таклифни рад қилди.

“Биз, — дейишди улар, — бу чекларни ҳар ҳафтада ва ҳар гал ўз вақтида олишни хоҳлаймиз. Биз бу учун белгиланган йиллар ўтмагунча талаб қилаверамиз, агар керак бўлса, судга ҳар ой келаверамиз”.

Мен биринчи марта янгиликлар дастурида ҳақиқатдан ҳам юз берган бу ғайриоддий воқеани эшитганимда, унда мен дарҳол Муқаддас Китоб ҳақиқатларига ўхшаш жуда кўп томонларини кўрдим. *Бу воқеа нима сабабдан масиҳий ҳузур-ҳаловатда ўсишдан олдин, албатта, Масиҳдаги Худо кечиримининг ва эътирофининг тушунчасига келиши кераклигини аниқ кўрсатиб беради.*

Стюарт тушиб қолган вазият ҳақида ўйлаб кўринг. То у ўз жинояти ҳақида унутмасликка ва Сюзаннинг оиласига ҳафталик қарзини тўлашга мажбур экан, сиз нима деб ўйлайсиз, уни қизнинг оила аъзолари билан ҳақиқий *шахсий муносабатларни* ўрнатиш имконияти борми? Ҳеч қандай имконияти йўқ! Бу ҳар ҳафталик чеклар тўлови Стюартни ўз ўтмишига яна қайтишига мажбур қилади ва ҳеч қачон йўқолиб кетмайдиган айбдорлик ва надомат туйғуларини пайдо қилади. “Мен ўз ҳаётим билан яшашни хоҳлайман!” — деб қичқиради у. Аммо унинг ҳар ҳафталик одати бунга йўл қўймайди. То у ўзгармас экан, уни бу оиладан миллионлаб километрлар узоқда бўлиш истаги таъқиб қилаверади. *Томонлар ўртасида айбдорлик туйғуси турганда, шахсий ўзаро муносабатлардан ҳузур-ҳаловат олиш асло мумкин эмас.*

Кўп йиллар давомида мен, нега бу одамлар Худо улардан фойдаланиши учун ўзларини ихтиёрий равишда Унга бағишламай, деб ҳайрон қолган руҳонийларни ва бошқа масиҳий бошлиқларни учратганман. Кўп ҳолларда *бу Стюарт ва Сюзаннинг оиласи ўртасидаги муносабатларга* Худо билан муносабатлари ўхшаш бўлганлиги учун юз беради. Улар ўзлари билан Худо ўртасида ҳали ҳам тўланмаган қарз борлигига ва, демак, У ҳали ҳам улардан ғазабланаётганлигига ишонадилар. Табиийки, бундай одамлар Худодан ўзларини олиб қочадилар. Уларнинг гуноҳларни кечириш тушунчаси Масиҳнинг тугалланган ишидан кўра кўпроқ Эски Аҳд таклиф қилган гуноҳни ювишга ўхшайди. Улар ҳозир кечирилганликларига, аммо ҳали ҳам қилгиликларига яраша тўлов бераётганликларига ишонадилар.

Мен бу тамойилни қуйидагича сўзлар билан ифодалаган бўлардим: *сиз хоч амалга оширган ишнинг тугалланганлигига суянмас экансиз, ҳеч қачон қайта*

тирилишининг ҳақиқийлигини ҳис қилмайсиз. Шу қайта тирилиш — сизда ва сиз орқали яшайдиган Масиҳнинг ўзидир. Сиз ҳамма нарсани Исо қилгани ҳақидаги далилга суянмас экансиз, сиз гуноҳларингизни ювиш учун “ўз қарзингизни тўлашга” уринишларингиз билан банд бўласиз. Бу гуноҳингиз — сиз ҳеч қачон Масиҳ сизга берадиган шахсий ўзаро муносабатларгача ўсмайсиз ва улардан ҳузур-ҳаловат олмайсиз, деганидир. Келинг, нега бундай эканлигини аниқлаб олайлик. Биз ҳузур-ҳаловатда ўсишда давом қилишимиз учун керак бўлган баъзи бир ҳақиқатларни ҳам кўриб чиқайлик. Бу ҳақиқатлар учун зарур муҳит бўлиб, Эски ва Янги Аҳдни тушунишга хизмат қилади.

Агар сиз бир мартада Янги Аҳддаги Ибронийларга мактубнинг ҳаммасини ўқиб чиқишингизга тўғри келса, унда сиз доимо бир сўзга — “*аълороқ*” сўзига кўзингиз тушади. Эски Аҳд (шунингдек у Мусо қонуни ҳам деб аталади) Худо томонидан берилган бўлсада, у Худо ва инсон ўртасидаги эскиларидан устун бўлган, янгича ўзаро муносабатларни келтирадиган Масиҳнинг келишига Исроилнинг тайёргарлиги учун *вақтинчалик* тизим эди. Ибронийларга мактубда Худо Ўғли Исо Масиҳ нафақат Ўз Шаҳсида энг аълоси сифатида, балки Ўз муқаддаслигида ҳам энг аълоси деб катта аҳамият касб этган. У энг аъло аҳдни олиб келган; У энг аъло қурбонликни таклиф қилди ва Унинг ҳамма меҳнати “аълороқ ваъдаларга асосланган аълороқ бир аҳдга кафил бўлгани учун, жуда ҳам улуғроқ руҳонийлик хизматида эришди” (Ибронийларга 8:6). Барча муносабатларда Исо Масиҳнинг Шаҳси ва меҳнати — энг аълодир! Иккала аҳд орасидаги энг ёрқин фарқлардан бири нажот топишда кўриниб турибди.

Мен бошиданоқ шуни изоҳлаб ўтишим керакки, ҳеч қачон тарихда эътиқод орқали ҳузур-ҳаловат бўйича

эмас, балки бошқа йўл билан нажот топган одам бўлмаган. Эски Аҳд даврининг одамлари мангу ҳаётни худди ҳозир биз сиз билан олганимиздай, марҳаматли Худонинг ваъдасига ишонч туфайли унга эришишган. Ибронийларга мактубнинг 11-бобида айнан шу ҳақда сўз боради. Бироқ, ҳатто барча давр одамлари бир хилда — эътиқод орқали қутулган бўлсалар—да, Худо турли давр одамлари билан турлича муносабатда бўлган. Исроилликлар кундалик кечиримни қонун ҳукмида қурбонликлар келтириш орқали олганлар. Аммо бундай тизимнинг қила оладиган ишлари чегараланган эди. Ибронийларга Мактубнинг 9-боби бу фарққа шундай изоҳ беради:

*Бу ҳозирги замон учун рамздир. Бундан кўрамизки, Худога **хизмат қилувчилар** ҳадялар ва қурбонликлар бағишлаш орқали ўз **виждонларини поклай олмайдилар**. Бу удумлар егулик, ичгулик ва ҳар хил таҳоратлар билан, яъни **киши тана-си билангина боғлиқдир**, улар фақат янги тузум пайдо бўлгунгача жорий эди... Илгари такалару буқаларнинг қони ҳамда ёқилган гунажсинларнинг кули ҳаром бўлган кишиларнинг устига пуркалганда, **улар жисман покланиб**, муқаддас ҳисобланардилар (Ибронийларга 9:9, 10, 13).*

Бу қурбонликлар нима қила оларди? Улар қурбонлик берувчини “ташқи” ёки “номигагина” поклашлари мумкин эди. Бошқача айтганда, қонун ҳукмидаги одам қандайдир вақтга қонун остида бўлган “яхши исроиллик” ҳолатига қайтишлари мумкин эди. Бу қурбонликлар нималарни қила олмайди? Улар “қурбонлик қиладиганнинг виждонини мукаммал қила олмаганлар”. Қисқа қилиб айтганда, Эски Аҳднинг қурбонликлари одамни фақат *ташқи томондан ёки қонун*

бўйича поклай олганлар. Бироқ улар инсоннинг ичига — унинг виждони бор жойга кира олмаганлар.

Ибронийларга мактубнинг 10-бобида муаллиф бу мавзу ҳақида янада чуқурроқ фикр юритади:

*Илоҳий Қонун бўлгуси хайр-баракаларнинг асл су-
рати эмас, соясигинадир. Шунинг учун йилдан-
йилга мунтазам равишда айни қурбонларни **кел-
тирувчилар** Илоҳий Қонун орқали камолга эриша
олмайдилар. Акс ҳолда, улар **бу** қурбонликлар-
ни бағишлашни бас қилмас эдиларми? Ундай бўл-
ганда эди, бу хизматни бажо келтирувчилар бир
мартда покланган бўлар ва яна гуноҳи борлиги-
ни сезмас эдилар (Ибронийларга 10:1, 2).*

Эски тизимда кечирим “бир дақиқалик” асосда так-
лиф қилинарди. Одам қонун томонидан гуноҳкор деб
тан олинса, у шундай вазиятда эътиқод — гуноҳкор
деб тан олинса, у шундай вазиятда эътиқодда кўзда
тутилган қурбонликни қилиб кечирилиши мумкин
эди. Энг катта байрам Гуноҳларни ювиш Кунни эди.
Шу кунни олийруҳоний бутун халқ учун қурбонлик қи-
ларди. Лекин бу парча ҳеч қачон қурбонлик кел-
тирувчини “мукаммал” қила олмайдиган бундай ти-
зимнинг чекланганлигини кўрсатади. Бу фикрни ис-
ботлаб муаллиф шуни таъкидлайдики, агар қонун одам-
ни мукаммал қила олганда эди, унда кейинги қур-
бонликларга эҳтиёж қолмасди. Покланган виждонли
одам хотиржамлик билан ўз ҳаётини давом қилдира
оларди. Аммо “доимо қурбонликлар қилиниши” ке-
рак бўлган вазият — бу тизим Худонинг узил-ке-
сил режаси эмаслиги ҳақидаги тўхтовсиз, холис огоҳ-
лантириш бўлиб хизмат қилади.

Аслида, ўша қурбонликларнинг қилиниши нафақат
батамом енгиллик келтирмаган, ҳолбуки:

Қурбонлар бағишлаш билан ҳар йили гуноҳлар эсга солинади, холос. Чугки буқаю такаларнинг қони гуноҳларни бартараф қилолмайди (Ибронийларга 10:3, 4).

Мен Стюарт воқеасини эшитганимда шу парчани ўйладим. У ҳафтасига бир доллардан тўлагани каби, Эски Аҳд одамлари доимо ўз қилмишлари учун қурбонликлар қилишлари керак эди. Бу қурбонликлар жазодан кўрқув олдида қандайдир енгиллик келтирсада, аини пайтда “ҳар йили гуноҳлар ҳақида” эслатиб турарди. Исроилликлар учун Гуноҳларни ювиш Кунини ҳеч ҳам қувонч кунини бўлмаган, бу — хатоларга эътибор қаратиш, гуноҳларни тан олиш ва қайғу кунини бўлган. Ҳа, ўтмиш батамом ювилиб кетарди, аммо ҳамиша эрта бор эди. *Мусо қонунининг бирон жойида сиз эртанги гуноҳларни ювиш учун қилинадиган қурбонликларни топмайсиз. Ҳар ҳафта бир доллардан бўлган бадалини бир мартада тўлай олмаган Стюартга ўхшаб исроилликлар ўз бўлажак хатолари учун қурбонлик қила олмаганлар. Улар умид қилган энг яхши нарса бир зумлик покланиш эди.*

Исо Масиҳ бу тизимга мутлақо қарама-қарши бўлган бир нимадир қилди!

Ҳар бир руҳоний кун сайин Худога хизматини адо қилавериб, асло гуноҳларни йўқ қила олмайдиган ўша-ўша қурбонликларни кўп марта бағишлайди. Масиҳ эса гуноҳлари учун битта қурбонлик бағишлагандан кейин, Худонинг ўнг томонида абадий ўтириб олди (Ибронийларга 10:11, 12).

Исо Масиҳ гуноҳлардан бира тўла қутулди. У тик турган Эски Аҳд руҳонийларидан фарқли ўлароқ ўтиради. Нимага? Чунки Унинг иши бажарилди. “У бит-

тагина қурбонлик келтириб, ишонувчиларни муқаддас қилди ва абадий камолга эриштирди” (Ибронийларга 10:14). Шунинг учун Янги Аҳдда: “Уларнинг гуноҳларю жиноятларини Мен бошқа эсга келтирмайман” (Ибронийларга 10:17), — дейди Худованд.

Масиҳ биз учун қонун бўйича ҳеч қачон амалга ошмайдиган ишни қилди. У бизга тўла ва узил-кесил гуноҳлар кечиримини берди ва нафақат ўтмиш гуноҳларини (буни ҳатто эски тизим ҳам қиларди), балки бир умрлик гуноҳларни ҳам — ўтмишдагиларини, ҳозиргисини ва *келажакдагиларини* қўшиб.

Муқаддас Китоб Исо Масиҳни бизнинг ҳаётимизда қилган ишининг натижасини изоҳлашда давом этади. Эски Аҳд қурбонликлари қурбонлик келтирувчини фақат ташқи томондан поклайди деб таъкидлаб, Ибронийларга мактубнинг муаллифи шундай дейди:

*Энди эса Масиҳ абадий Рухиллоҳ қудратида Ўзини нуқсонсиз қурбон қилиб Худога бағишлади. Унинг тўккан қони **виждонимизни ўлик ишлардан поклайди** ва барҳаёт Худога хизмат қилишимиз учун имкон яратади (Ибронийларга 9:14).*

Худо Ўғлининг қурбонлик қилиниши чексиз, доимий қурбонликларни талаб қиладиган қонундан устун келди. У бир марталик ва узил-кесил қилинган қурбонликэканлиги билан ҳам енгди. Бироқ бу ҳам ҳали ҳаммаси эмас: биз учун Масиҳнинг ўлими яна шу сабабдан афзалки, *Худованд у орқали ҳеч қандай маросимлар қила олмаган ишни қилди — У инсон юрагига эришди.* Қонун *ташқи* покланишни таклиф қилган. Исо Масиҳ эса “*тирик ва ҳақиқий* Худога хизмат қилиш” учун инсон *виждонини* поклай олади.

Масиҳнинг тугалланган ишини биз нотўғри тушунишимизнинг бир исботи сифатида Раббийнинг Оқ-

шом зиёфатидаги иштирок этишда кузатиш мумкин. Бир куни анжуман пайтида Жастин исмли бир одам шу муаммони кўтарди.

— Шу ёлғонми? — деб сўради у, — агар сиз *нолойиқ* бўла туриб Оқшом Зиёфатида иштирок этсангиз, ўзингизни ўзингиз жазога дучор қилишингиз нотўғрими? Менга шундай деб ўргатганлар.

Менга ҳам унга қарши савол бердим:

— Сиз “нолойиқ” деганда нимани назарда тутасиз?

— Мен бунга унчалик ишонмайман, — жавоб берди Жастин, — лекин илгари “ҳаётдаги тавба қилинмаган гуноҳ” ва унга иқрор бўлишнинг зарурати ҳақида, “Худо билан ярашиш ҳақида” кўп гапиришарди.

— Жастин, мен кўп йиллар давомида шундай таълимотни эшитишимга тўғри келган, — дедим мен, — аммо у Ёзувдан хато фойдаланишга асосланган. Жумладан, у Коринфликларга биринчи мактубнинг 11:27-оятдан нотўғри фойдаланишга асосланган. Бу оят *биз* лойиқ бўлишимиз кераклиги ҳақида гапирмайди. Биз сиз билан *нолойиқ*миз ва *ҳечқачон* лойиқ бўлмаймиз. Қурбонликка аталган *Қўзичоқ* лойиқ, қўй эмас! Аслида бу оятда шундай дейилган: “Кимда-ким *нолойиқ* тарзда бу нонни еса ёки Раббимиз косасидан ичса, Раббимизнинг Танаси ва Қонига қарши гуноҳ қилган бўлади”. Павлус *одамлар* лойиқ бўлишлари керак демайди, у одамларга *қандай қилиб улар бу маросимни амалга оширишларига* эътибор қилишларини айтади. Бу Коринфда баднафслик қиладиган, ақлини йўқотгунча ичадиган, уруш-жанжал чиқарадиган ва турли усуллар билан Жамоатни, Раббимиз Масих Танасини писанд қилмай, кулги бўлишларига сабаб бўладиган одамлар борлигининг оқибатидир. Мана Павлус нималарни назарда тутган.

Оятдан ана шундай нотўғри фойдаланиш оқибатида, қанчалар қайғули бўлмасин, одамлар Қутлуғ Кеч-

ликдаги ҳузур-ҳаловатнинг гўзал манзарасини назарларидан четда қолдирадилар. Улар гуноҳларни қидириш, гуноҳлари учун тавба қилиб, аламли афсус-надомат туйғуси ила машаққатдан ўз-ўзини таҳлил қилиш билан шуғулланадилар. Бунда асосий туйғу — *қўрқув* бўлади. Бу эса Худо мақсадини нотўғри талқин қилишга олиб келади. У Оқшом Зиёфатининг ҳақиқий руҳини барбод қилади. Коринфликларга биринчи мактубнинг 10:16-оятида Павлус бу маросимни “*қутлуг коса*” деб атайди. Бу эса “надомат косасидан” ёки “ўзини ўзи машаққатли таҳлил қилишдан” кескин фарқ қилади. Оқшом зиёфатини амалга ошириш кўп ҳолларда эски Гуноҳ ювиш Кунига ўхшаб қолади. Бу вазиятда эса тўла қарама-қаршилиқ кузатилиши керак. Гуноҳларни ювиш Кунида исроиллик ўз *гуноҳларига* иқрор бўлиши ва уларга тавба қилиши керак. Оқшом Зиёфатида эса биз *гуноҳларимизнинг кечирилиши* тўғрисида эслашимиз лозим. Мана шундагина бу ҳақиқий *қутлаш* — хурсандчилик, шукроналар айтиш ва биз ҳаммамиз Масихда эканлигимизни англашнинг қувончли лаҳзалари бўлади.

Шунингдек, бунда ҳам *ўзига ўзи тўла эътибор қаратишни* келтириб чиқарадиган — оқланиш ғоясининг нотўғри шаклланиш оқибатларидан яна бирини кузатиш мумкин. Пировардида, агар мен “Худо билан ярашмаган бўлсам”, унда мен бу вазиятни қандай қилиб тузатишим тўғрисида ўйласам, яхшироқ бўлади! Ҳафтасига бир доллардан тўлар экан, руҳи тушган Стюарт ҳеч қачон Съюзаннинг оиласи ҳақида ижобий фикрда бўлмайди ёки улар билан илиқ, дўстона муносабатда бўлиш имкониятини излаб топиш ҳақида ўйламайди. У фақат ўзидаги айбдорлик туйғуси юкидан халос бўлиш тўғрисида ўйлайди. Худди шу сингари Масихда мутлақ кечирилишда бўлиш қўлидан келмаётган масиҳий ҳам ҳеч қачон “Раббимиз ва Халоскоримиз

Исо Масиҳнинг иноятига таяниб, Уни таниб-билиб борган сайин ривож топиб” (2 Бутрус 3:18), ҳузур-ҳаловатда ўса олмайди. Бундай масиҳий ҳам фақат қандай қилиб айбдорлик туйғусидан ҳалос бўлиш ҳақида ўйлайди. Жуда кўп масиҳийлар “Худо билан ярашиш учун” уриниб, жон-жаҳдлари билан меҳнат қилдилар. Бироқ Муқаддас Китобда айтилишича, бизда Худо билан тинчлик-хотиржамлик *мавжуд*, Исо Масиҳнинг хочдаги тугалланган ишининг узил-кесил ва ягона натижаси. Агар менга “чексиз иноят” (Римликларга 5:17) тақдим қилган бўлсалар ва Масиҳ Ўз қурбонлиги туфайли мени “абადий камолга эриштирган” (Ибронийларга 10:14) бўлса, унда мен қандай қилиб янада “солиҳлироқ” бўла оламан?! Исо Масиҳ гуноҳларимизни абადий ва узил-кесил олиш учун келди, бу орқали биз Уни англашга хотиржамлик билан эътибор қаратишимиз учун, бизни ўзимизга ўзимиз эътибор беришимиздан ҳалос қилди.

Бу эзгу хабарга кўп масиҳийларнинг шундай қаттиқ қаршилиқ кўрсатишлари ҳеч ақлга сиғмайди. “Сиз гуноҳга ниҳоятда енгилтаклик билан қарайсиз! — деб бонг уради улар. — Ахир, сиз Худо — бу солиҳ Худо эканлигини билмайсизми? У гуноҳдан нафратланади!” Одамлар бу фикрга унчалик қаттиқ қаршилиқ қилмасалар—да, кўпинча уларнинг бундай фикрни тушунишлари жуда қийин бўлади. Илгари жамоат машғулотларига қатнаган одамлар одатий ҳисобланган “Худо муқаддас” ва “У гуноҳдан нафратланади” деган гапларни жуда кўп эшитишган. Ҳолбуки, уларнинг камчилиги бунинг қандай маънони англатишини билишади. Шунинг натижасида жуда кўплаб одамлар учун Худо ғалаёнли, жазо берадиган, баъзида эса қўрқув уйғотадиган шахс бўлиб кўринади. Жаҳлдор Худонинг инсон онгига мустаҳкам ўрнашиб қолган бу кўриниши билан таққосланганда, Худонинг муруввати

ва севгиси ила гуноҳларнинг кечирилиши ҳақидаги гоё уларга тўғри келмайдигандай туюлади.

Лекин Худода номуносиблик йўқ. У мутлақо солиҳ, бироқ У шунингдек мутлақо мурувватли ҳамдир. Бу икки ҳақиқатни бирга боғлайдиган Муқаддас Китобнинг атамаси — *раҳм-шафқатли бўлишдир*. Бу ҳақиқат Масиҳ сиз учун қилган нарсаларнинг ҳаммасини тушуниш учун калит бўлиши мумкин.

Муқаддас Китоб шундай дейди: “Унинг Ўзи ёлғиз бизнинг гуноҳларимизнигина эмас, балки бутун дунёнинг *гуноҳларини* ювиш учун қурбон бўлди” (1 Юҳанно 2:2). “Раҳм-шафқатли бўлиш” ибораси жуда кўп одамлар учун нотанишдир; кўча-кўйда биз бу иборани унчалик кўп эшитмаймиз. Лекин у Хушхабарни ва сизга Худонинг муносабатини тушунишда жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу сўзнинг асосий маъноси — *қониқиш ҳосил қилиш*. Аммо ким қониқиш ҳосил қилиши керак? Инсоннинг гуноҳлари етказган дард-аламдан сўнг ким қониқишни талаб қилиш ҳуқуқига эга? Фақатгина муқаддас ва солиҳ Худо.

Муқаддас Китоб бошидан охиригача инсониятни севувчи, нажот берувчи, сабр-тоқатли ва бизнинг итоатсиз ирқимизга нисбатан Ўз муносабатида мурувватли Худони тасвирлайди. Аммо шундай бўлса-да, Ёзув Худони муқаддас, солиҳ ва “айбдорларни жазосиз қолдирмайдиган” (Чиқиш 34:7) қилиб тасвирлайди. У қандай қилиб буни Ўзида *мужассамлаштирган*? У одамни севиши ва қутқариши шарти ила, Ўзининг муқаддаслиги билан муросага бормай ёки Ўз мезонларини камайтирмасдан, қисқа қилиб айтганда, Ўзини Ўзи инкор қилмасдан, У қандай қилиб буни амалга оширади? Жавоб “раҳм-шафқатли бўлиш” иборасида мужассамдир. Мен бу фикрни тушуна олишим учун Худо бутунлай бошқача қилиб кўрсатадиган синовлардан ўтишимга йўл қўйди, пировардида мен мукофотландим.

Бундан бир неча йил илгари менинг қўл остимда хизмат қиладиган Вейн исмли йигит бор эди. У ёқимли, истараси иссиқ йигит бўлиб, мен унга кўр-кўрона ишонардим. Лекин бир нечта ўзгача вақеалар оқибатида у бировларнинг пулларини ўзлаштириб, сарфлаб юборганини билдим ва ўзим ҳам ниҳоятда панд едим. Мен, бу фақат хато бўлиши мумкин, деб умид қилиб, ҳисобкитоб ҳужжатларини текшира бошладим. Бироқ қанча кўп текширганим сайин, ҳақиқат шунча юзага чиқа бошлади. Уни ўз кабинетимга чақириб, ўзим топган фактларни унга айтмоқчи бўлдим. Бу ҳаётимда дуч келган энг мушкул ишлардан бири бўлди.

Узоқ давом этган суҳбат ва кўз ёшлардан сўнг вазият ойдинлашди. Оиладаги жиддий молиявий муаммолар ва етишмовчиликлар сабаб Вейн васвасага берилибди. Айбдорлик туйғуси ва кўркув ич-ичини кемирарди. Вейн фош қилинганидан ўзи хурсанд бўлиб, енгил нафас олди. Унинг пушаймони самимий эканлигига менинг заррача ҳам шубҳам йўқ эди.

Мен Вейнни таъқиб қилиш истагим йўқ эди, аксинча, мен унга яна оёққа туриб олишига ёрдам бермоқчи эдим. Лекин шу ўғирланган минг доллар масаласи муаммо бўлиб қолаверди. Вейн пулларни қайтаришга ваъда берди ва у мунтазам равишда тўловни амалга ошириб борди. Бироқ мул миқдори шунчалар катта эдики, буларнинг бари худди Панама каналини қошиқ билан қазиганга ўхшар ва сира ҳам амалга ошмайдигандай туюларди.

Вейн қарзидан қутулиш учун, уйини сотмоқчи бўлди. У кўчмас мулк агенти билан олди-сотти шартномасини тузаётганида, агент ундан сўради: “Вейн, нега сиз уйингизни сотмоқчисиз?” У компания қарзларини тўлаш учун унга пул кераклигини айтди. Аммо қарзнинг сабаби тўғрисида лом-лим деб оғиз очмади. Агентга ўз уйини сотмоқчи бўлаётган эркак,

унинг хотини ва болалари ҳақидаги фикр таъсир қилди ва у Вейнга сахий бир таклиф қилди: “Вейн, — деди у, — мен ҳеч ким шу сабаб билан уйини йўқотишини хоҳламасдим. Келинг, уйни сотмоқчи эканлигингизни унутайлик. Мен сизнинг қарзингизни тўламоқчиман”.

Вейн бу ҳаяжонли янгиликни айтиш учун менинг олдимга келди. Бир қарашда бу кўнгилдагидек иш эди. Лекин бу воқеада менга нимадир ёқмасди.

— Вейн, — дедим мен, — ўйлайманки, сенинг бундай юкдан халос бўла олишинг жуда яхши. Бироқ мен билишим керак: бу аёл сен қандай қилиб қарз бўлиб қолганингни биладими?

Вейн қизариб кетди ва жавоб қилди:

— Йўқ. У фақат мен шунча пул қарз эканлигимни билади, холос.

Мен бошимни тебратдим.

— Унда мен буни қабул қила олмайман. Ўйлайманки, бу аёлга, агар у нима учун тўлаётганлигини билмаса, сенинг қарзингни тўлатиш нотўғри бўлади. Лекин, Вейн, агар сен унга бутун воқеани — сен аслида бу пулларни ўғирлаганингни айтсанг, ва у барибир сенинг қарзингни тўлашни истаса, унда мен пулни оламан.

У қийналиб ютинди ва хонадан чиқиб кетди. Кейин у гувоҳ тариқасида идорамиздан иккита одамни олиб аёлнинг олдига борди. Мен учун ўша аёлнинг менга телефон қилиб: “Боб, Вейн менга ҳаммасини айтиб берди. У бу пулларни ўғирлаганини билдим. Бироқ мен бу воқеа унга сабоқ бўлганига ва у хатосини тушунганига ишонаман. Ва мен барибир унинг қарзини тўламоқчиман”, — деган гапларини эшитиш мен учун ниҳоятда қувончли эди.

Бошқа гапга ҳожат йўқ эди. “Энди мен розиман, — жавоб бердим. — Сиз энди нима учун пул тўлаётганингизни биласиз. Сизни алдашмади. Мен буни қа-

бул қиламан ва Вейннинг қарзини ҳисобдан чиқариб ташлайман”.

Худди Хушхабардан олинган мисолдай, ўйладим мен. Вейн бор — у хато қилган одам, мен борман — менга қарши нотўғри иш қилишди, ва “гуноҳларни юувчи” бор, у ўз маблағлари ва муруввати билан воситачи бўлди. Вейн ўзи тўлай олмайдиган қарзи бор эди. Бу аёл эса ўзида бўлмаган қарзини тўлади. Мен жабр кўрган томонман, ва муайян бир шартлар бажарилганда, “Мен қаноатландим” дедим. Бошқача қилиб айтганда, мен “қониқиш ҳосил қилдим”. Қарз масаласи ҳал бўлди. Энди фақат доимий равишда Вейнга унинг янги ҳаётида ўсиши ва ривожланиши учун ёрдам бериш керак.

Биз Муқаддас Китобда ҳам худди шундай образларни кўрамиз: гуноҳ қилган одам; Унга қарши иш қилган Худо; Яраштирувчи Исо Масиҳ. Худо — мутлақо муқаддас; У мутлақо солиҳ; У соф ва комиллик билан гуноҳдан нафратланади. Демак, Худо адолати қаноатлантиришни талаб қилади. Одам ўзи лойиқ бўлган жазони четлаб ўтиши учун фақат бир йўл бор: унинг жазосини оладиган гуноҳсиз ўринбосари бўлиши керак. Хочнинг аҳамияти ҳам ана шунда! Ўзида ҳеч қандай гуноҳи бўлмаган Исо Масиҳ ихтиёрий равишда сизнинг ва менинг гуноҳларим учун Худо ғазабини Ўзига қаратиш ва шу билан сизни жазодан қутқариш учун У хочга борди. У Ўзида бўлмаган қарзини тўлади. Чунки бизнинг қарзимиз бор эди ва биз уни тўлай олмасдик. Ишаё китобида кароматли сўзлар бор:

У бизнинг гуноҳларимиз учун ҳукм этилди ва қонунларни бузганимиз учун азоб чекди; бу дуёнинг жазоси Унда эди, Унинг жароҳатлари туфайли биз нажот топдик. Биз ҳаммамиз қўйлар сингари ўз йўлимиздан адашдик; ва Худованд барчамизнинг гуноҳларимизни Унга юклади.

Гарчанд Исо бизнинг барча гуноҳларимиз учун хочга тортилганлиги сабабли, одамзоднинг қиладиган иши — ишонч билан бу ажойиб ва беғараз совғани қабул қилиб олишдир. Худо ҳузур-ҳаловатининг бу бенуқсон эзгу хабарини ўргатадиганларга энг кўп қўйиладиган айблардан бири қуйидагидир: “Сиз *арзимас* кечиримга ўргатасиз”. “Енгил эътиқод қилиш” — буни яна шундай ҳам аташади ва бундан менинг ғазабим қайнайди. Гуноҳларимнинг кечирилиши мен учун текин бўлиши мумкин. *Лекин у Ўша менинг гуноҳларим Тўловчиси учун “арзон” бўлмаган!* Баъзи бир нарсалар қадрли бўлмаганликлари учун текин эмас, балки улар *бебаҳо* бўлганликлари учун ҳам текиндир. Мукаммал Худо Ўғлининг қони эвазига қўшимча қилиб инсон қандай тўловни таклиф этиши мумкин?

Худонинг муқаддас солиҳлиги тўла қониқтирилди дейиш — сира ҳам Худо гуноҳга ён берди ёки Ўз муқаддас мезонини бир дюймга бўлса-да камайтирди, дегани эмас. Изоҳ беришга рухсат этинг: агар сиз бир гуруҳ масиҳийлардан: “Хоч нимани намоён қиладди?” — деб сўраганингизда, уларнинг кўпчилиги қуйидагича жавоб берган бўлишарди: “Худонинг севгисини”. Бу чин ҳақиқат! Римликларга мактубнинг 5:8-оятида шундай дейилган:

Лекин биз ҳали гуноҳга ботган чоғимизда, Масиҳ биз учун ўлди. Бу Худонинг бизга бўлган муҳаббатидан далолатдир.

Шундай қилиб, хоч ҳақиқатдан ҳам Худонинг севгисини кўрсатади: “Зеро Худо оламини шунчалик севдики, Ўзининг ягона Ўғлини берди, токи Унга ишонган ҳар бир киши ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эришсин” (Юҳанно 3:16). Аммо Павлуснинг Рим-

ликларга мактубининг 3:25-ояти масихийларга унчалик маълум эмас:

Масих биз учун қонини тўкканига ишонган кишининг гуноҳлари ювилсин, деб Худо Масихни қурбонликка бағишлади ва шу йўсинда Ўзининг адолатли ҳукмини очиқ намоён қилди...

Павлуснинг тушунтиришича, гарчанд “Худо сабр қилиб, илгари қилинган гуноҳларни жазосиз қолдирган бўлса-да, ҳозирга келиб, Ўзининг адолатли ҳукмини амалга оширди. Шундай қилиб, бир ёқдан Худо Ўз адолатига содиқ қолмоқда ва иккинчи ёқдан Исога ишонган гуноҳкор оқланмоқда” (Римликларга 3:26). Бу ҳақда ўйлаб кўринг: агар Худо *севги* бўлмаганда эди, унда хоч бўлармиди? Йўқ. У фақат: “Хўп, бу сафар майли, аммо кейинги гал яхшироқ қилинг”, — деб айтган бўларди. Фақат ҳақиқий Хушхабардагина сиз Худони ҳақиқатда қандай бўлса, шундайлигича учратасиз. У чегара билмайдиган ва мурасисиз солиҳлик билан *мутлақо уйғунликдаги* севгидир.

Ҳакамлар кийимини кийган, қўлига болға ушлаган судьяни ва унинг кун бўйи маҳаллий судда раислик қилишини кўз ўнгингизга келтиринг. У навбатдаги ишни эълон қилади ва унинг ҳузурига йўл ҳаракати қоидаларини жиддий бузишда айбланаётган ўғли кириб келади. Судьянинг вазифаси нима? У судланувчининг айбдор ёки айбдор эмаслигини аниқлаши керак. Ва агар у айбдор бўлса, ҳақиқат қарор топишини назорат қилиши лозим. Бу ишда исбот-далиллар инкор қилиб бўлмайдигандир. “Айбдор деб тан олинди, — дейди судья. — Суд айбдорга 500 доллар ҳажмида жарима солади ёки 40 кун қамоқ жазосини ўташни ҳукм қилади”. У болғани туширади. Иш ёпилди ва жазо эълон қилинди. Судья ўз ишини бажарди. Лекин кейин

ғайриоддий воқеалар содир бўлади. Судья ўрнидан туради, мантиясини ечади, столдан чиқади ва суд олдида қўл қовуштириб туради. Сўнг у ўз ўғли учун жарима тўлаш учун чек дафтарчасини чиқаради. Судья сифатида у ҳақиқий тантана қилганлигига ишонч ҳосил қилади; ота сифатида у ўғли учун жарима тўлади. Бу воқеада сиз қандай қилиб Худо гуноҳкорларни Ўзининг мутлақ солиҳлигига зарар етказмасдан авф этганлигининг ажойиб манзарасини кўрасиз — хоч униси учун ҳам, буниси учун ҳам Худонинг жавоби эди.

Буларнинг ҳаммасини Масиҳ қилди деб айтиш, “гуноҳга енгилтаклик билан муносабатда бўлишни” билдирмайди. Бу *Худо инсоний гуноҳларга йўналтирилган Ўз муқаддас нафрати ва ғазабини сўнгги томчисига-ча биз учун бизнинг жазомизни зиммасига олган Ўз Ўлига тўкди*, деб айтиш мумкин. Масиҳ ҳаммаси учун тўлов берганлиги сабабли, Худо тўлақонли қоникдим дейиши ва бизнинг гуноҳларимизни ҳукм қилмасдан, биз билан мулоқотда бўлиши мумкин: “Демак, агар биз энди Масиҳнинг тўкилган қони туфайли оқланган бўлсак, Унинг соясида Худо ғазабидан қутулишимиз янада аниқроқдир” (Римликларга 5:9). Худо адолати қондирилганлиги сабабли, биз қўрқувсиз яшай оламиз:

Севгида қўрқув йўқ, аксинча, комил сеvgи қўрқувни қувиб чиқаради. Қўрқоқ кишида сеvgи камолотга етмаган, чунки қўрқув жазо тушунчаси билан боғлиқдир (1 Юҳанно 4:18).

Модомики, биз жазо олиш қўрқувидан халос бўлган эканмиз, биз Унга бўлган сеvgида ўсиш учун озодмиз: “Биз Уни севайлик, чунки аввал У бизни севди” (1 Юҳанно 4:19). Гарчанд Унинг тўккан қони виждонимизни ўлик ишлардан поклаган экан, биз “барҳаёт Худога хизмат қилишимиздан” (Ибронийларга 9:14) хурсандмиз.

Бу кичик бир иборада бирлашган ўша бойликлардир: “Худонинг марҳамати” (Римликларга 12:1). Биз Худо билан “бир онлик ҳисоб”ни асраб қолишга уринган вақтимизда, умидсизлик ва чорасизликда ўтмишга боғланган Стюартга ўхшамаймиз. Худо олдида бизда бўладиган ягона ҳисоб учун Исо Масиҳнинг солиҳлиги билан мангуга ва батамом тўланган эди. Худди Вейнга ўхшаб бизнинг ҳам ўзимиз тўлай олмайдиган қарзимиз бор эди. Лекин Ўзининг қарзи бўлмаган Ўша бизнинг қарзимизни тўлади ва биз У туфайли озодликка эришдик!

Демак, биз ўзимизни Худога тириклайин қурбон сифатида тақдим қилган пайтимизда, биз ўзимизни ниятлари ва мақсадлари жуда бўлмаганда ишончли бўлмаган *душманга* тақдим қилмаймиз. Ўзимизни биз учун ниятлари ва мақсадлари Унинг мутлақ эзгу фазилатларига асосланган, севувчи, донишманд ва қудратли самовий Отага тақдим этамиз. Павлус шундай деб ёзади: “Энди бунга нима деймиз? Агар Худо биз томон бўлса, ким бизга қарши чиқар экан? Худо Ўз Ўғлини аямай, балки ҳаммамиз учун Уни фидо қилган бўлса, У билан бирга ҳамма нарсани ҳам бизга бермасмикан?” (Римликларга 8:31, 32).

“Шундай қилиб, — деб ёзади Павлус, — эй биродарларим, Худонинг марҳамати ҳақи сизларга ёлворама: Худога оқилона хизмат қила олишингиз учун вужудингизни тирик, муқаддас, Худога манзур бўладиган қурбон қилиб бағишланглар” (Римликларга 12:1). Биз ҳузур-ҳаловатда ва Исо Масиҳ биз учун нима қилганини англашда ўсиб борганимиз сайин, шу янада ойдинлашадики, биз ўзимизни Худо биздан фойдаланиши учун тўлақонли Раббийга топширишимиз энг ақлли ва табиий иш бўлар эди. Аммо биз кейинчалик ҳам ҳузур-ҳаловатда ўсишни хоҳласак, Исонинг тўлов бериб бизни қайтариб олганлигини тамомила тан оли-

шимиз ва мутлақо эътиқодда бўлишимиз лозим. Агар биз батамом тугалланган хоч ишида бўлмас эканмиз, ҳеч қачон бизда Ўз ҳаёти билан яшовчи Масиҳнинг қайта тирилиш ҳақиқатини ҳис қила олмаймиз.

Озодлик ва етуклик

Тим эндиgina коллеждаги ўқишига тайёрланаётган вақтида, анча мустақил ва мақсадига интилувчан йигит каби таассурот қолдирарди. У доимо тоза ва озода юрарди, атрофдагилар билан хушмуомала эди. У яхшироқ университетга қабул қилиниш учун мактабда етарли даражада яхши ўқиди.

Шунинг учун ҳам августда ўқишга кетган ўспирин билан биринчи семестрдан кейин Рождество байрамида уйига қайтиб келган йигит ўртасидаги кескин фарқ атрофдагиларни хижолат қиларди. Унинг қачонлардир калта қилиб кесилган сочлари узун, ифлос ва хурпайган эди. У ўн қилограммга семирганди. Унинг эгнида кир-чир, қўланса футболка ва жинси шими бор бўлиб, униси ҳам, буниси ҳам илма тешик бўлиб кетганди. Унинг оёғидаги теннис ўйнаганда киядиган туфлиси батамом йиртилиб кетганди ва унинг оёғидан чиқаётган сассиқ ҳид ўзидан олдин хонага кириб келган эди. Тимнинг онаси ўғли ўзи билан олиб келган катта хўжалик сумкасини кўриб, даҳшатга тушди. Сумка ифлос кийим, сочиқ, чойшаб ва жилдларга тўла эди. Бу нарсалар Тим ўтган ёзда уйдан кетгандан бери ювилмаганга ўхшарди. Ўз навбатида Тимнинг отаси қандай қилиб ўрта мактабда доимо “А” ва “Б” оладиган ўғли коллежда “С” ва “Д” га тушиб қолганига ва фақат се-

местр имтихонлари олдидан курсдаги ўқишини ташлагани учунгина “Ф” олмаганидан ҳайрон эди.

Тимга нима бўлди? Ёки университетдаги ўқишнинг бошланишидан айнан шундай натижаларни кутиш керакми? Агар бу шундай бўлса, сиз ҳеч қачон фарзандларингизни у ерга юбормайсиз, тўғрими? Лекин шошилинч хулоса чиқаришдан олдин, келинг, вазиятни яхшилаб ўрганиб чиқайлик. Хусусан, биз Тим университетга кетишидан илгари қандай бўлиб туюлганига эътиборимизни қаратайлик.

Мен айтиб ўтганимдай, Тим ўн саккиз ёшли анча мустақил йигитдай таассурот қолдирарди. Аммо яқинроқдан эътибор берилганда, буларнинг бари ясама бўлиб чиқди. У ҳақиқатдан ҳам ҳамиша тоза, озода бўлиб юрарди. Бироқ бу унинг кийим-бошини ювадиган ва доимо уни тоза кийимларни кийишга мажбур қиладиган онасининг хизмати эди. Бу ўғлининг сочларига эътибор қиладиган отасининг хизмати эди. Унинг хушмуомала қилиқлари эса ойиси ва отасининг доимий жоврашлари ва танбеҳлари натижаси эди. Унинг яхши баҳолари кун тартибига қатъий риоя қилишнинг, ота-онасининг кундалик назоратининг, уй вазифаларини кўрсатиш ҳақидаги талаблар ва “А” ва “Б” баҳолар учун ваъда қилинган пул ва бошқа мукофотларнинг натижаси эди.

Қисқа қилиб айтганда, Тимнинг етуклиги ва характер хусусиятларининг белгиси бўлиб туюлган нарсалар аслида онаси ва отаси томондан ушлаб турилган фасад эди. Ҳақиқатда Тим иродасиз бир йигит эди. Бу университетга кетганда аён бўлди: онаси ва отасидан узоққа кетган заҳотиёқ Тим ўзига қарамай қўйди ва бир нотовонга айланди. Унинг кирларини ювадиган ойисисиз, Тим кир ювмасди. Уни ўқишга мажбур қиладиган отасисиз Тим ўқимасди. Агар ухлаш кераклигини унинг эсига солишмаса, Тим тунги ошхоналар-

да ўртоқлари билан ўтириб, умуман ухлашга ётмасди ҳам. Натижада ухлаб қолиб, доимо эрталабки машғулотларга бормасди. Рождествода уйга қайтиб келган Тим тўрт ойлик тартибсиз, ҳеч ким томондан бошқарилмаган хомхатала ҳаёт натижаларини намоён қилди.

Унга университет шундай таъсир қилдими? Ҳеч ҳам! Университетда ўқишнинг бошланиши фақат Тимнинг *иродасизлигини намоён қилди*, холос. Агар “отатона” исмли суянчиқлар олиб ташланса, бу иродасизлик унда илгари ҳам мавжуд эди. Бошқача сўзлар билан айтганда, эркинлик Тимни ғўр, хом-хатала *қилмади*, у фақат унда шу пайтгача мавжуд бўлган иродасизликин *юзага чиқарди*.

Яхшиямки, бу воқеадан Тим эс-ҳушини йиғиб олди. У ойнага қаради ва шундай деди: “Агар мен биқинимга “Goodyear” деб ёзишларини хоҳламасам, мен озгина озишим керак. Агар мен университетдан ҳайдалишни хоҳламасам, дарсларга боришим ва яхши ўқишим керак. Ва мендан молхонанинг ҳиди келишини хоҳламасам, мен ўзимнинг кирларимни ўзим ювишни ўрганишим керак”.

У бир кечада катта бўлиб қолмади. Аммо у етукликка интила бошлади. У югуриш билан шуғулланар эди ва ярим кеча соат иккида овқатланмайдиган бўлди. У ҳеч бўлмаганда баъзи бир эрталабки машғулотларга бора бошлади, ўқишда ҳам сезиларли ютуқларга эришди. У чиндан ҳам кир ювишни ўрганди ва у мода журналларидаги суратларга ўхшамаса-да, унинг устибоши тоза, озода бўлди. Иккинчи семестрдан кейин у уйига озган ҳолда ва ўртача баҳоси “Б” бўлиб ҳамда анчагина эси кириб қайтиб келди. Ниҳоят, “ташаббускор” инсон бўлиш ниятида, Тим етукликка эриша бошлади. Энди у ҳеч кимга қарам эмас эди, ёки уни катталарга ўхшаб юриш-туришини талаб этувчи,

қўлида пряник ёки қамчи ушлаб турадиган ҳеч ким йўқ эди. Тимда тобе бўлмаган, масъулиятли ҳис этадиган жараён ривожлана бошлади.

Мен Тимнинг ҳаёти ҳақида шунча узундан-узоқ бир сабаб билан ҳикоя қилдим: унинг ҳаётида ажойиб тарзда ҳузур-ҳаловатда ўсиш жараёнида одамлар дуч келадиган муаммолар ва масалалар ўртасида ўхшашлик кўриниб туради.

Деярли 2000 йил давомида жамоатга жабр-зулм қилувчи галатианизмга қайтиш ҳавфи таъқиб қилиб келмоқда. Шунинг эсдан чиқармангки, галатианизм — бу ҳалос бўлишга имон орқали эришилгандан сўнг, ўзини мукаммаллаштиришга уриниш қонунига қайтишдир. Инсон амалиётида одамларни галатианизмни инкор қилишга ишонтирадиган энг катта муаммо — бу *одамларнинг қонун остида бўлиши уларда характер ва етукликнинг ҳўжасўрсинга кўринишини тўғдиради*. Аммо Тимнинг мисолидаги каби “ота-она қонуни” остидаги кўриниш — моҳирлик билан ушлаб турилган фасаддир. Павлус буни Колосаликларга мактубнинг 2:23-оятида таъкидлаб ўтган:

*Гарчи булар натижасида пайдо бўладиган бе-бошларча диндорлик, ўзини мўминликка солиш, баданни қийнаш одамларга **ҳикматдай** туюлса-да, аслида **нафсга ўт, нафсониятга доғ** туширади.*

Бошқача сўзлар билан айтганда, Павлус қонунларга содиқлик — одамга *ташқи тарафдан* яхши кўринишга ёрдам беради, дейди. Лекин бу юракни ўзгартира олмайди ёки ички характерни ярата олмайди. Демак, қонунлар ҳузур-ҳаловатда ҳақиқий ўсишни амалга ошира олмайди. Аслида, улар ҳақиқатда ҳузур-ҳаловатда *ўсишга қарши* ҳаракат қилади. Чунки Муқаддас Китоб дейди: “*Гуноҳнинг қуввати* — Илоҳий қо-

нун” (1 Коринфликларга 15:56). Одамлар қонун ҳукмида бўлар эканлар, улар гуноҳ кучи остида бўладилар. Қонун нафақат юракни ўзгартиришга қодир эмас, балки ҳақиқатдан ҳам у бизда гуноҳкорона истакларни тугдиради.

Хўш, нима дейлик? Наҳотки Илоҳий Қонун гуноҳга боис бўлди? — Асло! Аммо агар Қонун воситачи бўлмаса эди, мен гуноҳни билмаган бўлар эдим. Қонун “тамагирлик қилма” деб буюрмаганда эди, мен тамагирликни билмас эдим. Шу тариқа гуноҳ амри орқали баҳона топиб, менинг юрагимда ҳар турли тамагирликни ҳосил қилди. Қонун йўқлигида эса, гуноҳ кучсиздир (Римликларга 7:7, 8).

Бу қонун ёмон бўлганлиги учунми? Асло йўқ! “Бундан кўринадики, Қонун — муқаддасдир, ҳар бир амр муқаддас, одил ва яхшидир” (Римликларга 7:12). Муаммо бизнинг ўзимизда мужассам. Қонун мутлоқ бажарилишни талаб қилади, биз эса уни бажара олмаймиз; шунинг учун қонун бизни айбдор деб эълон қилади:

Энди биз биламизки, Илоҳий Қонун неки буюрган бўлса, Қонунга қарам бўлганларга буюрган, токи ҳар бир оғиз юмилсин ва бутун дунё Худо олдида гуноҳкор бўлсин. Зотан Қонун амрларини бажо қилиш билан ҳеч кимса Худо олдида ўзини оқлай олмайди. Аксинча, Илоҳий Қонун инсонга ўз гуноҳкорлигини янада аниқроқ кўрсатади (Римликларга 3:19, 20).

Худо бизга қонунни айбдорлигимизни тан олишимиз ва Халоскорга муҳтож эканлигимизни англашимиз, қолаверса, биз Исо Масихга имон билан муро-

жаат қилишимиз учун берди: “Бошқача айтганда, биз имон билан оқланишни кутар эканмиз, Қонун Масихга бошловчи мураббийимиз бўлган” (Галатияликларга 3:24). Лекин қачонлардир бизни Масих ҳузурига етаклаб олиб келиб, қонун олдига қўйган мақсадини бажарди: “Лекин имон пайдо бўлгандан сўнг, биз энди Қонуннинг тарбиясида эмасмиз” (Галатияликларга 3:25).

Мана нима учун бошқа матнда Павлус шундай дейди: “Биз биламизки, *Илоҳий Қонун ундан тегишлича истифода этувчилар учун* фойдалидир” (1 Тимотийга 1:8). Дурадгор уй қурилишида фойдаланадиган ёки қотил кимнингдир бош суягини синдириш учун ишлатадиган болға каби, қонундан ҳам тўғри ёки нотўғри фойдаланиш мумкин. Қонун — бу тўғри фойдаланадиган Худо марҳаматидир, қолаверса, биз ўзимизнинг Исо Масихдан тўла тобеликка жуда муҳтожлигимизни кўра олиш ҳақиқатини кўрсатишга хизмат қиладиган ойна кабидир. Бироқ қонун — ундан нотўғри фойдаланилган вақтда — фалокатга элтувчи ҳам бўлиши мумкин. Қонундан *ишонч, севги, умид йўқлигида ташқи қонунга мувофиқликни яратиш учун қўлланилганда, нотўғри фойдаланиш бўлади*.

Қонун масихийлик ҳаётини келтириб чиқаришда бефойдалигининг асосий амалий исботи — Руҳ самарасини, агар уни тезлик билан *бизда ва биз орқали яшаётган Масих ҳақидаги таълимотдан* олиб ташланса, кузатиш мумкин. Сиз ҳали ўзларининг янги қўлга киритган эркинликларига Тим каби муносабатда бўладиган масихийларни учратасиз. У ниҳоят ота-она назоратидан кутулиб чиққанда нима бўлди? У ёввойига айланди. Бундан кейин айблов келади: “Кўраяпсизми, агар одамларни қонун ҳукмида ушлаб турилмаса, нима бўларкан? Улар кетиб қолишади ва иблис сингари ҳаёт кечиради. Мана эркинлик ҳақидаги таълимот нимага олиб келади!”

Йўқ! Бунга одамларни қонун остида ушлаб туриш — масиҳийлик етуклигининг умуман мавжуд эмаслиги олиб келади. Уларни қонун таъсири остидан чиқариш бунгача ҳам мавжуд бўлган ирода йўқлигини ошкор қилади. Худо ҳузур-ҳаловати ҳақидаги таълимот университетга ўқишга борган Тимни ғўр қилгандан ҳам ортиқроқ, одамларни руҳий ноетук қила олмайди.

Бу менга шаҳар ва қишлоқ кучуклари ўртасидаги фарқни эслатади. Сизда уйга ёки орқа ҳовлига қамаб, сақлаган кучугингиз ҳеч бўлганми? Агар эшикда ёки ҳовли деворида бир зумгагина тешик пайдо бўлса, нима юз берар экан? Ит тешикдан ўқдай отилиб чиқади! Унга озодлик ҳақида оғиз очинг ва у қочиб кетади. Эсимда, бир куни итимиз кўча бўйлаб бор кучи билан югурган, мен эса отини айтиб унинг кетидан чопганман. У тўхтадими? Йўқ. Қанчалар ғалати бўлмасин, кучук орқасига ўгирилар, ва худди мени мазах қилаётгандай бўлиб, мендан қочарди. Мен уни қанча кўп таъқиб қилсам, у мендан шунчалик тезроқ ва узоққа қочарди.

Бошқа томондан, сиз қишлоқ итини кўрганмисиз? Шундай манзарани кўз олдингизга келтиринг. Ҳеч қандай тўсиқлар йўқ. Фақат кенг яйлов ва ўрмон. Кучук қаерга хоҳласа, шу ерга югура олади, нимани хоҳласа шуни қила олади. Ит қани ўзи? У сизнинг ёнгинангизда, ҳовли эшигининг ёнида — тинчгина ухлаб ётибди. У ўзи билан бирга ўйнайдиган ёки уни сайрга ёки овга бирга олиб чиқадиган хўжайинини кутиб, ўз уйи олдида ётишдан бахтли.

Одамлар ҳам худди шундай. Улар доимо қуликда бўла олмайдилар. Агар уларга қарши кучли таҳдидлар ишлатилса, ишончли ёлғон ёки яқинларининг босими бўлса, улар қуликда қолишлари мумкин. Аммо агар бундай вазиятда озгина эркинликка олиб чиқувчи тирқиш пайдо бўлиб қолса, улар худди шаҳар итига ўх-

шаб қочиб кетадилар. Исо Масихда қўлга киритилган ва уларни бошқариб турадиган ҳузур-ҳаловат ва ҳақиқатни шахсан тушунмасдан, улар эркинликда фақат ўз таналарига эрк бериш учун имкониятни кўрадилар.

Масихийлар кўпинча вазиятни тушуниб етмасдан ва: “Улар аслида нимага қарши турдилар?” деб сўрамасдан, “Худога қарши турганларни” қоралашга шошадилар. Аслида одамлар Худонинг Ўзига эмас, балки уларни қулликда ушлаб турадиган ва қонуннинг бирон бир ҳарфидан озгина бўлса-да чиқмайдиган эътиқодга қарши борадилар. Шаҳар ити кўча бўйлаб югуриб кетаётганда, аслида у ўз хўжайинидан қочиб кетяптими? Йўқ, у *тўрт девордан, занжирдан* қочиб кетяпти. Ит одатда ўз хўжайинини яхши кўради. У қамалиб яшашни ёмон кўради, холос. Мен жуда кўп марта — ҳаттоки санаб, саноғига етолмайман — “исёнкор масихийлар билан” суҳбатлашаётганлигимни сезганман. Мен улардан: “Сиз ўзингиз Унга қарши исён кўтараётган Худо ҳақида сўзлаб беринг”, деб сўраганимда, улар менга ножўя эътиқод ҳақида, уларни итоат қилишга мажбурлайдиган босим ҳақида, инсон томонидан белгиланган меъёрлар ҳақида сўзлаб берадилар. Менинг жавобим одатда уларни хижолат қилиб қўяди: “Яхши! Сиз ана шу нарсаларга қарши *исён кўтаришингиз керак!* Улар ҳақиқий Худони ифодаламайдилар. Бу — Исо Масих бизга тўлақонли ҳаёт беришга келдим деганда назарда тутган нарса эмас”. Шунда мен қонунга содиқлик хатоси тузатилгандан сўнг, бу “исёнчилар” — энг фаол ва ҳаракатчан имонлилар эканликларини кўраман.

Шуни таъкидлаб ўтиш муҳимки, Худо қонунни бир ёқли қилишдан ташқари, яна *устига қўшди*. Қонунга асирликдан бўш қолган жойни тўлдирмасдан халос бўлиш, худди шаҳар итини қўтондан озод қилишга ўхшайди. Ит фақат кучи етганчалик тез югуриб қоча-

ди, холос. Бизни қонундан халос қилишнинг Худога хос усули — бизда шу бўш қолган жойни Ўз ҳаёти билан тўлдиришидир. Нега қишлоқ ити шунча кенгликлар бўлса-да эшик ёнида ўтиради? Чунки у ўз хўжайинини билади ва яхши кўради. Унинг озодлиги — кулликдан озод бўлиш *эмас*, балки яхши кўрган одами билан *бирга* бўлиш эркинлигидир. Худди шундай, мен Исо Масихга севгимда ва Уни англашда ўсиб борганим ва борган сайин Унга яқинлашганим сайин, мен ақл бовар қилмайдиган озодликни ҳис қиламан ва қонун ҳақида деярли ўйламайман. Масала мен *нима қила олишим* ва *нимани қила олмаслигим* ҳақида эмас. Мен ўз самовий Отамни эркин шахсий ўзаро муносабатларда билишда озодман. Мана нимага мен эътиборимни қаратяпман. Кейин шу ўзаро муносабатлар орқали Худо менинг ақлимни Ўзининг фикрлари билан ўйлашга ўргатади. Мен адашган жойимда, У мен билан биргаликда *фикр юритади*. У мени қайтадан тўсиқ ичига қамаб қўймайди ва занжирбанд қилмайди.

Римликларга мактубнинг 6:15-оятда Павлус ҳузур-ҳаловат ҳақида ҳикоя қиладиган ҳар қандай муаллим вақти-вақти билан эшитадиган саволни сезади ва бу масалани кўтаради: “Хўш, буёғи энди нима бўлади? Қонун эмас, иноят паноҳида бўлганимиз учун гуноҳ қилаверайликми?” Бу савол фақат қонунни биладиган ва ўзида Масих ҳаётини ҳис қила олмаган одамнинг ўзига хос ички ҳолатини ифодалайди. Ушбу саволга Павлус жавоб берар экан, қуйидагича фикр юритади:

Гуноҳнинг қули эканингизда, солиҳлик талабларидан озод эдингизлар. Ҳозир ўзингиз уялаётган қилмишлардан ўша вақтда қандай наф бор эди? У қилмишларнинг оқибати ўлимдир (Римликларга 6:20, 21).

Баъзида одамлар Худо севгиси ва ҳузур-ҳаловати номасига жавобан энг ақлсиз ва бемаъни нарсаларни гапирадилар. “Агар сиз одамларга, сизлар тўлиқ кечирилгансиз, деб ўргатсангиз, — дейди кўпчилик, — улар бориб, иблис сингари гуноҳ ишлар қилишади”. Бунга мен шундай жавоб бераман: “Ахир, қачондир қонун одамни гуноҳ қилишдан *тўхтатиб қолганми?*” Бошқалар сўрашади: “Агар сиз гапираётганингиз тўғри бўлса — Худо бизни нима қилишимиздан қатъий назар қабул қилса, унда нега мен қараб турмасдан гуноҳ қила олмайман?” Бундай аҳмоқона гапга қарши мен шундай жавоб бергим келади: “Агар сиз чиндан ҳам буни тўғри деб билсангиз, унда — олға! Бирпасдан кейин сиз қайтиб келишингиз ва *аҳволингиз қандай эканлигини менга* айтиб беришингиз мумкин!” Имонлилар берадиган шунга ўхшаш саволлар, Исо Масихдаги ҳаётнинг мўлллигидаги одамнинг арзимас ва қашшоқ тажрибасини хатосиз фош қилади. “Биз иноят паноҳида бўлганимиз учун гуноҳ қилаверайликми?” деган савол, кимдир ресторанда озиқ-овқатлар кўплигидан синаман деб турган пештахталарни кўриб, кўчадаги ахлат бакларидан овқатланишга рухсат сўраганга ўхшайди!

Галатияликларга мактубнинг 4:1–7-оятларида Павлус етукликни қўлга киритишга нисбатан қонун вазифасини намойиш қилишда ўз замонасидаги антик дунёнинг кундалик ҳаётидан олинган манзарадан фойдаланади. Павлус ўша вақтнинг одатдаги оилавий анъаналарига асосланган кузатишлардан бошлайди:

Яна шуни айтайин: меросхўр ҳали ёш бола экан, гарчи у ҳамма нарсанинг хўжайини бўлса ҳам, қулдан ҳеч фарқ қилмайди. У отаси белгилаган фурсатгача васий ва уй-рўзгор бошқарувчи хизматкорга бўйсунди (Галатияликларга 4:1, 2).

Тасаввур қилинг-а, сиз ўша Янги Аҳд давридаги бой римлик фуқаронинг тўрт ёшли кичкина ўғлисиз. Сизнинг отангизнинг кўп ерлари, уй-жойлари, омборхоналари, моллари, отлари ва экин-тикинлари бор. Шунингдек, унинг жуда кўп маҳаллий ва чет элда маблағлари бор. Мол-мулкка бир неча ўнлаб қуллар кўз-қулоқ бўлиб туришади. Аммо нима бўлганда ҳам сиз унинг яккаю ягона фарзандисиз. Оила аъзоларининг, шунингдек, отангизнинг шериклари, дўстлари ва қуллари кўз ўнгида сиз кимсиз? Ҳеч қандай гап-сўзсиз *сиз* — *меросхўрсиз*. Отангизнинг бор мол-мулки қачонлардир сизники бўлади. Ва буни ҳамма билади. Аммо бу ерда бир чатоқлик бор: тўрт ёшли болалар оилавий бизнесни бошқара олмайдилар. Улар катталарнинг ҳаётига тайёр эмаслар.

Демак, сизнинг отангиз ўша вақтнинг одатий тартибига риоя қилади ва сизга “васий” ёки “мураббий” сифатида уй хизматкорларидан бирини тайинлайди. Сизнинг болалик пайтингизда бу хизматкор устингиздан тўла ҳукмрондир. У сизнинг хоҳламаган ишингизни мажбуран қилдириши ва хоҳлаган ишингизни қилишингизни таъқиқлаб қўйиши мумкин. У сизнинг нима ейишингизни, қаерга боришингизни назорат қилиб туради ва сизнинг қандай таълим олишингизни кузатиб боради. Аслида бу хизматкор сизнинг ҳаётингиз устидан шундай ҳукмронлик қиладики, *сиз* ўзингизни қул деб ҳис қиласиз. Мана нима сабабдан биринчи оятда Павлус: “меросхўр ҳали ёш бола экан, гарчи у ҳамма нарсанинг хўжайини бўлса ҳам, қулдан ҳеч фарқ қилмайди”, деб айтади.

Аммо аслида сиз ким эканлигингиз борасида ҳеч қандай савол туғилмайди: *сиз доимо отангиз молу мулкнинг меросхўри бўлиб қолаверасиз*. Қачонлардир шундай кун келадики, бу кунни отангиз белгилаган бўлади ва шу кундан бошлаб сиз энди бола бўл-

майсиз, вояга етган киши мақомини оласиз. Шу буюк кунда отангиз дўстларини, қариндош-уруғларини ва ишдаги шерикларини таклиф қилиб жуда катта байрам уюштиради. Буларнинг бари сизни *ўғил қилиб олиш* байрами бўлади. Бу гап сизнинг қулоқларингизга ғайриоддий эшитилади. Чунки биз ўғил қилиб олишни янги бир оилага қўшилиш деб тушунамиз. Бироқ ўша пайтдаги Рим дунёсида ўғил қилиб олиш кўпроқ вояга етган одам мақомини қабул қилиб олиш ва шу одамни ворис деб эълон қилишни англатарди. Худди “дунёга биринчи бор чиқиш” сингари, бу сизнинг катта одамлар дунёсига биринчи бор киришингиздир. Отангиз сизга биринчи бор катта эркаklar киядиган тога — устки кийимни кийдиради ва: “Қачонлардир ёш бола бўлган менинг ўғлим энди эркак бўлди” деб эълон қилади. Қачонлардир сизнинг устингиздан қуллар ҳукмронлик қилганига ва сизга худди қуллардан биридай муносабатда бўлишганига қарамай, сиз энди уларнинг хўжайинисиз. Сиз энди жамиятга чиқшингиз ва иш бошқаришингиз мумкин. Аслида, энди сиз отангиз билан бирга оила мулкига эгалик қиласиз.

Нима сабабдан Павлус бу мураккаб мисолга мурожаат қилган? Чунки у асрлар давомида Худо ишининг қудратли манзарасини кўрсатиш учун ундан фойдаланишни кўзда тутган. Павлус Исроил халқи ҳақида сўз юритар экан, шундай деб айтмоқчи:

Бизлар ҳам худди бунга ўхшаб, болалик чоғимизда дунёнинг хурофий кучларига қул эдик. Лекин замона охирлаб қолганда, Худо Ўз Ўғлини юборди. У хотиндан туғилиб, Қонунга бўйсуниб юрди, токи бизни Қонунга қул бўлишдан қутқарсин ва ўғилликка қабул қилсин (Галатияликларга 4:3–5).

Бошқача сўзлар билан айтганда, Худо пайғамбарлар орқали берган Исроил халқи бир куни барча ваъдаларни мерос қилиб олади, деган фикрни юз йилларга аниқ қилди. *Лекин етуклик вақти ҳали келмади.* Шунинг учун Худо Ўз танлаган халқига “васий ва мураббийларни” берган. Уларнинг вазифаларини Мусо қонуни бажарди. Мусо қонуни Исроил билан оиланинг ёш ворисига тайинланган уй хизматкорининг муносабатига ўхшаган муомалада бўлган. Павлус қонунга худди “моддий дунёнинг асосларига” муносабатда бўлгандай, Худо режасининг алифбосини ёки бошланғич мактабини назарда тутиб қарайди.

Кейин Исо Масиҳнинг ўлими ва қайта тирилишидан сўнг Худо Ўз халқини Ўзига ўғил қилиб олиш ва “дунёга биринчи чиқиш” маросимида хўжайин вазифасида чиқади. Бу бизга Худо одамлари ўз етуклик вақтига кирган пайтдаги Эллигинчилар куни номи билан маълум. Ва ҳозир бизнинг “тоға”, ёки етуклик белгиси — биз Муқаддас Худо Руҳини олганлигимизнинг исботи бўлиб хизмат қилади:

Энди сизлар Худога ўғил бўлгандан кейин, Худо Ўз Ўғли Исонинг Руҳини юракларингизга юборди. Бу Руҳдан руҳланиб, биз Худони азиз Ота деб чақирамиз. Демак, сен бошқа қул эмассан, балки ўғилсан. Ўғил бўлганинг учун, Худо Исо Масиҳ шарофати билан сени ворис деб ҳам қабул қилган (Галатияликларга 4:6–7).

Масиҳий қонун ҳукмида турмайди дейиш — бу қонунни ҳақорат қилиш ёки уни ёмон дейиш эмасдир. Эски Аҳд даврида яшаган одамлар учун Худо Аҳди одамлари жамиятининг аъзоси бўлиш жуда катта бахт бўлган. Бутун дунё руҳий зулмат, билимсизлик ва бутпарастликка ғарқ бўлган эди. Бироқ ўша дунёда

биргина халқ — Исроил — ҳақиқий Худони билган. Уларда Худо Каломи бўлганлиги сабабли улар Худо ҳақидаги, ўзлари ҳақидаги, адолат ва адолатсизлик ҳақидаги, келажак ҳақидаги ҳақиқатни билганлар. Худо уларга қоронғу дунёда нур бўлиш вазифасини юклайди. Ҳақиқатда ҳам Эски Аҳд “улуғворлик билан келди” (2 Коринфликларга 3:7).

Бироқ *“Ҳаммадан улуғ бўлган нарса ўртага чиққандан сўнг, илгари улуғ деб билинган нарсанинг улуғлиги энди ҳечга чиқади”* (2 Коринфликларга 3:10). Ва яна биз қонун ҳукмида эмасмиз дейиш — қонун аҳамиятини пасайтириш дегани эмас; *бу келиши керак бўлган яхши бир нарсанинг тасдиқланиши учун хизмат қилади.*

Янада аниқроқ қилиб айтсак, Худо қонундан Масих келгунча бўлган асрлар давомида Ўз танланган халқини бошқариш учун фойдаланди. Аммо Эллигинчиларда Рух келгандан бошлаб биз бошқа асрда яшаймиз. *Энди Худо Ўз одамларини қонун билан бошқаришни эмас, балки уларнинг ҳузур-ҳаловатда Муқаддас Рух бошқарувида ўсишини хоҳлайди.* Мана шу сабабли Галатияликларга мактубнинг 5:18-оятида шундай дейилган: “Агар сиз Рух амри остида яшаётган бўлсангиз, унда Қонун амри остида эмассизлар”. “Рух амри остида бўлиш” — биз масиҳийлар ўз самовий Отамиз билан тўла севги ва ишонч муносабатларида бўлиш имтиёзига эгамиз, деганидир. Унинг мақсади бизни қонун “қаттиқ қуллиги остида тутиш” эмас, балки бизнинг У билан шахсий муносабатларимиз натижасида ҳузур-ҳаловатда ўсишимиздир.

Ёш ворис ўғил қилиб олиш оммавий маросимдан ўтгандан ва катта одамлар дунёсига киргандан сўнг, у ўзини болалик йилларида бошқарган ўша қулнинг хўжайини бўлишга имкон бериб, нималарни ҳис қилади? Қул унга буйруқлар бериб, унга нима ейишни, қаерга

боришни ва нима қилишни айтиб, ҳукмронлик позициясида бўлишни давом эттира оладими? Агар сиз шундай воқеалар кузатилган оиланинг дўсти бўлганингизда, бу жуда ёмон деб ўйлаган бўлардингиз. Қўлнинг вояга етган ўғил устидан хўжайинлик қилиши мутлақо ўринсиз бўларди. Ўғилнинг хулқи ташқи томондан яхши кўринса—да, бундай вазият жуда узоқ вақтга уни ёр қилиб қўярди. У ҳеч қачон катта бўлмасди.

Худди шу нарса масиҳий учун ҳам тўғридир. Худо қонунни Ўз одамларига улар хом пайтларида берди. Аммо ҳозир биз шоҳликда катта ўғиллар даражасига эришганимизда, У бизнинг қонун ҳукмронлигига қайтишимизни сира истамайди. Бу биз ҳеч қачон ҳузур-ҳаловатда ўсмаслигимизга кафолат бўлар эди. Бу исбот талаб қилмайдиган далилдир: масиҳийларни қонун ҳукмронлиги остида узоқ вақт ушлаб туриш — уларни узоқ вақтга руҳий хом қилиб қўяди.

Ота-она ўз боласига нисбатан қандай қарор қабул қилса, биз ҳам худди шундай қарор қабул қилишимиз керак: агар биз уларнинг катта бўлишларини хоҳласак, улар баъзи бир хатоларни қилишларига эркинлик берамиз. Болалари нотўғри қарор қабул қилишидан ёки шахсий муваффақиятсизликларни бошидан кечириши ҳақидаги фикрдан даҳшатга тушадиган ота-оналар, уларни ўз ота-оналик назорати билан эзиб қўядилар. Аслида шу билан улар болалари ҳеч қачон ўз иродасини ривожлантира олмаслигига замин яратадилар.

Мен ўз суҳбатдошларимга кўпинча бир хил савол бераман: “Ҳаёт сизга берган сабоқлардан қай бири сиз учун энг қадрлиси?” Одамлар ўйлаб ўтирмасдан жавоб беришарди: “Биз ўзимизга ўзимиз ғурра орттирганимизда”. Шунда мен сўрайман: “Унда сиз нима сабабдан болаларингиз шахсий муваффақиятсизликлар ва бахтсизликлардан ўтмай туриб, ўзида характерни тарбиялай олади, деб ўйлайсизлар?” Муқаддас

Китоб шундай дейди: “Бунинг устига, қайғулар билан ҳам фахрланмоқдамиз, чунки қайғу сабр-қаноатни ҳосил қилишини биламиз. Сабр-қаноат эса тажрибакорликни, тажрибакорлик эса умидни ҳосил қилади” (Римликларга 5:3, 4). Биз болаларимизни бу дунёнинг кўп хатарларидан ҳимоя қилишни хоҳлашимиз тушунарли. Аммо биз уларни барча шахсий бахтсизликлардан ҳимоя қила олмаймиз ва ҳимоя қилишга уринмаслигимиз ҳам керак. Агар биз шундай бўлсак, улар катта одамлар сифатида ҳақиқий дунёга киришга мутлақо тайёр бўлмайдилар. Уларда буни ўзлари амалга оширишлари учун на тажриба, на етуклик бўлмайди.

Фақат бахтсизликларни енгиб ўтиш — мана биз қандай улғаямиз! Ҳа, агар сиз Масихда бўлган бизнинг эркинлигимизга ўргатсангиз. Бундан нотўғри фойдаланишга уринадиган баъзи хом одамлар бўлади... — бу вақтинчалик. Лекин улар пешоналарига ғурра орттирганларидан кейин, гуноҳ ҳақиқатда қандай аҳмоқлик эканлигини тушунадилар. Шундай бўлса-да, агар биз одамларни биздаги Масих ҳаётига мувофиқ яшашга ўргатсак, унда *бундай шахслар қоида эмас, балки истисно бўладилар*. Одамлар ҳақиқий ҳаётни қидирадилар, у эса — Исо Масихдadir. Қонун остида яшайдиган одамлар худди озодликка кичкина тешик пайдо бўлгани заҳоти қочиб кетадиган ўша “шаҳар” итига ўхшайдилар. Худо ҳузур-ҳаловати остида яшайдиган, ўзида Масих ҳаётини уларда ва улар орқали ҳис қиладиган одамлар “қишлоқ” итига ўхшайдилар. Улар ҳали ҳам турли васвасаларга беришлари мумкин, чунки уларда ҳали ҳам гуноҳ яшайди. Аммо улар қонун остида эмасликлари сабабли, гуноҳ ўз “тақиқланган мева” жозибасини йўқота бошлайди. Улар *йиқилган* пайтларида Унинг садоқатли севгиси туфайли яна қайта турадилар, Масихдаги тобеликка

қайтадилар ва ҳузур-ҳаловатда яшашда давом этадилар.

Худо фарзанди — бу нафақат авф этилган гуноҳкор эмаслигини унутманг! Худо Руҳи унда яшаш учун, уни Масихда тирик қилиш учун келди. Ва Масих бизнинг онгимизни Ўз ҳақиқати билан янгилаш мажбуриятини олди. Унутманг: У ҳали ҳам содиқдир (ҳатто биз содиқ бўлмаганимизда ҳам). Яқинда радиодастуримизда Жил сўрагани сингари, одамлар кўпинча сўраб туришади: “Биз Худодан узоқлашган вақтимизда—чи, у қандай?”

Мен қуйидагича жавоб қилдим: “Сиз Худодан узоқлашдим деб ўйлашингиз мумкин, лекин Худо ҳеч қачон сизни тарк этмайди. *У сизда яшайди.* Сиз қандай қилиб сизнинг *ичингизда* яшайдиган ва сизга шундай дейдигандан воз кеча оласиз: “Сени ҳеч ташлаб кетмайман ва асло тарк эتماйман” (Ибронийларга 13:5). Биз алданишимиз ва ўзимизни тушкун руҳда ҳис қилишимиз мумкин. Аммо Унинг севгиси ва муруввати бизни Ўзига тортаверади, У Ўз ваъдасини бажаришни давом эттираверади: “Худо сизларда бошлаган хайрли ишни то Исо Масихнинг келадиган кунигача тамом қилишига аминман” (Филиппиликларга 1:6).

Исо ҳақида Масих деб гувоҳлик берган Яхё пайғамбар шундай таъкидлайди: “Масих улғайиши, мен эса пасайишим керак” (Юҳанно 3:30). Бу ҳузур-ҳаловатнинг нимага ўхшабини тасвирлашнинг жуда яхши усулидир. Сиз жуда кўп марта одамларнинг “руҳан улғайганлари” ҳақида гапирганларини эшитган вақтингизда, улар каттароқ ва кучлироқ бўлгандай сизда таассурот қолади. Лекин ҳақиқат айнан шунинг тескарисидир. Масихда ҳақиқий улғайиш биз борган сайин кичиклашиб боришимизни, У эса бизнинг ҳаётимизга кириб боришга борган сайин кўпроқ эга бўлишини билдиради. Бу кўпинча бизга бахтсизликлар ва синовлар орқали келади. Бу бахтсизликлар ва синов-

лар бизни ўзимизга ўзимиз суянишга эмас, балки Масихга ва Унинг бойлигига батамом тобе бўлишга мажбур қилади. Биз ўз номукаммаллигимиз билан юзма-юз учрашган вақтимизда, биз У томонга Унинг мутлоқ мукаммаллиги учун ўгирилишга мажбурмиз.

Оиламда бўлиб ўтган воқеа мен учун эркинлик муҳитида шубҳасиз, севги ва эътирофнинг, қандай қилиб Худо муваффақиятсизликларимизни бизнинг фойдамызга айлантириб қўйиши мумкинлигининг мисоли бўлиб хизмат қилади.

Бир куни мен ишдан уйга келдим. Эми ва ўғлим Бобби меҳмонхонада ўтирган эканлар. Эми хўнграб йиғлар, Боб эса лоқайд ўтирарди. Унинг кўриниши бефарқ, рангида ранг йўқ ва хаста эди. Ўша куни мактабда сўнгги ўқиш куни эди. Ўғлим ўз ўртоқлари билан бу кунни “ҳақиқий” нишонлашга қарор қилишибди. Улар Бобби шу кунгача умуман оғзига олиб кўрмаган пиво сотиб олишибди. Дўстлар ўз олдиларига ақлларини йўқотгунча ичишни мақсад қилиб қўйишибди. Бобби ҳам дўстларига ён берибди ва энди бунинг жазосини тортаётган экан. У еган ҳамма нарсасини қайд қилар, унинг ичидан фақат михлар чиқмасди, холос. Аммо ўйлашимча, у ҳозир шунга ҳам тайёр эди. Боббининг ранги ям-яшил бўлиб кетган эди.

Менинг бу воқеага қандай муносабатда бўлишни ўйлаб кўришим учун бир неча дақиқа вақт бор эди, холос. Мен нима деб ўйлашни ҳам билмасдим. Мен ўзимни ҳақоратланган ҳис қилишга тўла ҳақли эдим. Чунки мен анча машҳур масиҳий хизматчиси эдим. Мен Муқаддас Китоб машғулотларини олиб борардим ва одамлар билан суҳбатлашардим. Худо ҳақида ҳикоя қилиб ҳар куни радиога чиқардим. Мен жамоатда спиртли ичимликларга қарши чиқишларим орқали машҳур ва анча таниқли шахс эдим. Мабодо одамлар Боббининг қилмишидан хабар топсалар, бу менинг обрўйимга

ёмон таъсир қилиши мумкин эди. Ўша дақиқада менинг миямга келган фикрлардан баъзилари шулар эди. Аммо тўғриси айтганда, бунга ўхшаш нарса ҳақида умуман ўйламадим. Мен ўзимнинг бутун диққат-этиборимни қаратган нарса — бу дунёда ҳамма нарсадан ҳам кўпроқ яхши кўрадиган ўғлим эди. Мен дарҳол унинг олдига келдим ва уни қучоқладим.

“Бобби, — дедим мен, — мен сени яхши кўраман. Сенинг қилган ишинг менга асло хуш келмайди, бироқ барибир мен сени яхши кўраман”.

Биз бир неча дақиқа жим ўтирдик, кейин Бобби шундай деди: “Ота, келинг ибодат қилайлик”. Ва биз ибодат қилдик.

Орадан анча вақт ўтиб, бу ўғлим ҳаётидаги қандай муҳим кечинма бўлганлигини билдим. Бир неча йилдан сўнг биз оиламиз билан суҳбатлашиб ўтириб, шу воқеани эсладик ва Бобби шундай деди: “Отажон, биласизми нима? Сиз бутун умр менга яхши кўришингиз ҳақида гапирардингиз. Бироқ ўша куни сиз мени ҳақиқатдан ҳам яхши кўришингизни *билдим*”.

Ўз болаларини яхши кўрадиган ҳар қандай ота каби, мен ҳам Боббининг бундай тажрибани ўзида синаб кўришини хоҳламасдим. Лекин биз яшаётган дунё бошқача. Исо шундай дейди: “Дунёда қайғу-алам чекасизлар; лекин дадил бўлинглар, Мен дунёни енгдим” (Юҳанно 16:33). Хўш, агар у ҳақиқатдан ҳам қандайдир қадрли сабоқни ўзлаштириб олиши учун ўз пешонасини ғурра қилиши керак бўлса-чи? Мен ўзимда Худонинг беғараз севгисини ҳис қила олганим ва менинг ҳаётимда Унинг эътирофини ўғлимга бера олганим учун Ундан жуда миннатдорман. Ўшанда Бобби пиянисталик — бу фақат ундаги ёмон нарса эмаслигини, аммо доимо ҳам кўпчиликнинг изидан бориш яхши бўлмаслигини у тушунди. Бу ва бошқа воқеалар Бобби учун жуда яхши ҳаёт сабоғи бўлди ва келажакдаги

кўп вазиятларда қарор қабул қилишига таъсир кўрсатди. У яхши, етук ва мустақил инсон бўлиб улғайди. Аммо Боб шубҳасиз, ўзига бўлган севги ва эътирофни *анлаган* ҳолда, сабоқни ўзлаштириб олгани энг муҳимидир.

Мен ҳаммаси ўзгача бўлишини хоҳлардим. Бироқ биз ҳаётимиздаги Худо севгиси ва мурувватининг даражасини ўз муваффақиятларимиз воситасида тушунишимиз — бу ҳақиқатдир. Биз пешонамизни ғурра қилганимиздан сўнг, У бизни кўтаради ва У бизни барибир севишини, ҳаттоки агар қилган ишларимизни ёмон кўрса-да, бизни қабул қилишини кўрамыз. Бу ҳаётда борар эканмиз, Унга нисбатан янада кучлироқ севги ва ишонч учун сабаб бўлиб хизмат қилади. У бизни Ўзи берган янги ҳаётга мувофиқ яшашга *ишонтириб*, худди катта болаларга мурожат қилгандай муомалада бўлади. Павлус шундай дегани каби: “Эй биродарлар, сизлар эркинликка чорлангансизлар. Фақат бу эркинликни нафсингиз учун *қурбон* қилманглар, балки бир-бирингизга муҳаббат билан хизмат қилинглар” (Галатияликларга 5:13).

Ана шундай мустаҳкам севги олдида биз нима қила оламиз? Қандай қилиб Худовандга бизнинг ҳаётимизда Ўз иродасини амалга оширишига имкон бериб, ўзимизни ўзимиз Унга тақдим қилишни давом эттирмаслигимиз мумкин? Куйидаги оятларни Павлус ёзганда, мана нималарни у назарда тутган:

Ахир, Масиҳнинг севгиси бизни қамраб оляпти-ку! Агар ҳамма одамлар учун Биттаси ўлган бўлса, бу ҳаммаси ўлгани демак, деган хулосага келдик. Масиҳ ана шу мақсадда ҳамма учун ўлди, токи яшаётганлар энди ўзлари учун эмас, балки ўзлари учун ўлган ва тирилган Масиҳ учун яшасинлар (2 Коринфликларга 5:14, 15).

Бобби ичиб маст бўлган вазиятга ўхшаган ҳолатларга тушган вақтимизда, биз нимадан келиб чиқишимиз — қонун истиқболиданми ёки ҳузур-ҳаловатданми — шунга боғлиқ ҳолда катта фарқ кузатилади. Энг асосий савол қуйидагича бўлади: “*Сизнинг мақсадингиз қандай?*” Агар мен вазиятни қонун нуқтаи назаридан кўриб чиққанимда эди, мен унга ташланиб, уни жазолаган бўлардим. Менинг мақсадим — Боббининг бошқа ичмаслигига ишонч ҳосил қилиш бўларди. *Бироқ Худонинг мақсади ҳам шундаймикан?*

Йўқ! *Худонинг мақсади — Унинг фарзандларининг ҳузур-ҳаловатда ўсишидир.* Бу мақсад баъзи қилмишларнинг фақат олдини олишдан кўра, анча муҳимроқдир. Агар менинг ота сифатидаги мақсадим — ўғлимнинг соғ-саломатлиги ва ўсиб-улғайиши бўлса, пиянисталик муаммоси — фақат индикатордир. Мен унинг қалбида нима бўлаётганини билишни истайман. “Боббининг юраги нимадан азият чекапти ва у нимага муҳтож?” — деб ўзимга ўзим савол бераман. “У нима ҳис қилади ва нима тўғрисида ўйлайди? Уни шундай йўл тутишга нима мажбур қилади? Бу қўл келган вазиятдаги бемаъни ғўрлик эдими ёки бундан чуқурроқ ва жиддийроқ бирон нарсанинг белгисими?” *Сиз бирон одамга бефарқ бўлмасангиз, унинг хулқини одоб доирасига солиб қўйиш ўрнига, ўзингизга айнан шундай саволларни берасиз.*

Сиз Худо учун бефарқ эмассиз. Сизнинг Унга бера оладиган ҳеч нарсангиз йўқ. Сиз қила оладиган ҳеч қандай хизмат йўқ, сиз кўрсата оладиган ва У сизни хоҳлаганидан кўра кўпроқ хоҳлайдиган тартиб-интизом сизда йўқ. У сизга Ўзини ва Ўз севгисини намоён қилмоқчи. Бунга жавобан сиз Унга бўлган севгингизда ўсишингизни У хоҳлайди. Мана биз қандай ҳузур-ҳаловатда ўсамиз. Аммо бу амалга ошиши учун биз Худо Каломи ҳақиқатида бўлишимиз зарур — айниқса,

бизнинг тўла қабул қилинишимиз, кечирилишимиз ва Исо Масихдаги солиҳлигимиз ва ҳаётимизга боғлиқ ҳақиқатларда. Фақат биз Худога яқинлашишга ва Уни шахсан англашга журъат қила олишимиз учун, Масих қилган ҳамма ишлар ҳақиқатида бўлибгина бунга эришиш мумкин. Агар сизнинг фикрлашингиз — қонуннинг фикрлаши бўлса, бу ҳеч қачон амалга ошмайди. Биз Унинг ҳузур-ҳаловатида ўсишимиз учун Унинг ҳузур-ҳаловатида бўлишимиз лозим.

Ўсиш учун озуқа

Ўша пайтда, мен ҳали болалик вақтимда ва “кичкинтой” номи билан машҳур бўлганимда, мен катта бўлишни жуда хоҳлардим. Менинг онам вақти-вақти билан бўйимни ўлчаб, хонамнинг деворида белгилар қўярди. Мен эса озгина бўлса-да баландроқ бўлиш учун қўлимдан келгунча турникда тортилардим. Кейинчалик, мен ўзим ота бўлган вақтимда болаларим ҳам шундай қилишганларига ўзим ҳам гувоҳ бўлдим. Ҳар бир бола эртасигаёқ ўсиб қолишни хоҳлагандай туюлади. Лекин ҳеч қачон бундай бўлмайди.

Сени доимо кичкинтой деб атаверсалар, бу сени ўз кучингга ишонмасликка мажбур қилади. “Лекин мен катта бўлишни хоҳлайман, — қаршилиқ қилардим мен. — Қандай қилиб мен ўзимни ўсишга мажбур қилсам бўлади?” Доно катта одам нуқтаи назаридан, эҳтимол, сиз шундай деган бўлар эдингиз: “Ўғлим, сен ўзингни ўсишга *мажбур* қила олмайсан. Ўсиш учун *вақт* керак. Аммо сен мана нималар қилишинг *мумкин*: сен яхши овқатланишинг, жисмоний тарбия билан шуғулланишинг ва ўзингни саккиз ёшли бола эканлигингдан мамнун бўлиб яшашинг мумкин. Улғайиш тўғрисида ўйлама. Ҳозир ўзинг ким ва қандай эканлигингнинг гашти-ни сур. Тез орадан сен улғаясан”.

Мен шу даражада хавотир оладиган ва ҳаяжонланадиган масиҳийларни биламанки, улар ўзларини ҳис-

сий жиҳатдан мутлақо ҳолсизланган сезадилар. Уларнинг ўйлашларича, улар масиҳий сифатида жуда тез ўсиб ривожланишлари керак экан. Бироқ сиз ўзингизни жисмоний ўсишга мажбур қила олмаганингиздай, руҳий ўсишга ҳам *мажбур* қила олмайсиз. Бизни Масиҳ суратига айлантириш — бу *Худонинг* иши эканлигини унутиб қўямиз (Римликларга 8:29). “Худо бизларда бошлаган хайрли ишини то Исо Масиҳнинг келадиган кунигача тамом қилишини” (Филиппиликларга 1:6) ҳам биз унутиб қўймоқдамиз. Бу — биз ҳеч қандай қарорлар қабул қилмаймиз ёки ҳеч қандай вазифани бажармаймиз, дегани эмас. Қолаверса, Муқаддас Китоб шундай дейди: “Эй севганларим, сиз доим менинг гапимга кулоқ солиб келдингизлар. Шундай қилиб, фақат олдингизда бўлганимдагина эмас, балки ҳозир менинг йўқлигимда яна кўпроқ кўркув ва титроқ билан топган нажотингизни бут қилишга тиришинглар” (Филиппиликларга 2:12). Лекин биз бу сўзларнинг замирида нима ётганлигини аниқлашимиз зарур. Биз ўз нажотимизни “бут қилишимиз керак”лини айтиб, Павлус гапини давом эттиради: “*Зотан Худонинг Ўзи сизларнинг вужудингизда амал қилади, У Ўз мурод-мақсадини адо этишингиз учун сизларда хоҳишни ҳам, ҳаракатни ҳам тугдиради*”. Шундай қилиб, масиҳий ҳаётида *Худо бошлашига, одам эса жавоб беришига* яна бир бор амин бўламиз. Умуман “масъулиятга” менинг ишчи таърифим — бу “Худонинг *ҳаракатига* менинг *жавобим*”. Бу оятни қуйидагича ўзгартириш мумкин: “Худо сенинг қалбингда нимани амалга ошираётган бўлса, сен ўз ҳаётингни ташқарисида итоаткорлик ва умид билан шуни амалга ошир”. Биз ўзимиздан ўзимиз ўсиб қолмаймиз. Бизнинг ичимизда “Ўз мурод-мақсадини адо этиш учун хоҳишни ҳам, ҳаракатни ҳам тугдирадиган” Худо мавжуд. Бизнинг вазифамиз самовий Отамиз билан севги ва ишончга тўла яқин

муносабатларда бўлиш ва бизнинг ҳаётимизда адо қилаётган ишларда ёрдам беришдир.

Сиз ўзингизни жисмонан ўсишга мажбур қила олмайсиз. Лекин сиз “яхши овқатланишингиз, жисмоний тарбия билан шуғулланишингиз ва оддий саккиз ёшли бола эканлигингиздан ҳузурланиб яшашингиз мумкин”. Бизнинг руҳий ҳаётимизда ҳам ўзимизни ҳузур-ҳаловатда ўсишга мажбур қила олмаймиз. Аммо биз нимадир қилишимиз мумкин: биз яхши овқатланишимиз, жисмоний тарбия билан шуғулланишимиз ва то, Худо бизни Ўз вақтида улғайтирмагунча Унинг фарзанди каби яшаётганимиздан мамнун бўлиб ҳаёт кечиришимиз мумкин. Аммо мен “яхши овқатланиш ва жисмоний тарбия билан шуғулланиш” деганда, нимани назарда тутяпман?

Айнан шу ерда мен масиҳийлик ҳаётининг баъзи ўзгача соҳаларига мурожаат қилмоқчиман. Мен атайлаб баъзи мавзуларни бу китобнинг охирига қолдирдим. Ҳатто агар кўп одамлар “*Ҳузур-ҳаловатда ўсиб*” номли китоб уларга бошиданоқ қаттиқ зарба беришини кутган бўлсалар ҳам. Бу Муқаддас Китобни, ибодатларни ва Масиҳ танасидаги бизнинг ўзаро муносабатларимизни шахсий ўрганиш мавзуларидир.

Мен бу мавзуларни китоб охирига қолдирганимнинг сабаби — уларнинг доимо бузиб кўрсатилишидир. Биз табиий юз бериши керак бўлган ва Масиҳдаги бизнинг ҳаётимизни, шунингдек, У билан шахсий муносабатларимизни қувонч билан тўлдирадиган бу ҳаракатларни олдик ва улардан *тартиб-интизом* барпо этдик. Биз Худо болалари каби эга бўлган бу ажойиб имтиёзларни йўқ қилишнинг ёки биздан Уни англаш қувончини тартиб олишнинг бу ҳаракатларни *интизом* сифатида кўриб чиқишдан яхшироқ усули йўқдай, — худди биз “яхши масиҳий бўлиш учун” *қилишимиз керак* бўлган ишдай. Ушбу бобда мен Муқаддас Китобни

ўрганишни батафсил муҳокама қилмоқчиман. Бошқа масалалар тўғрисида биз кейинги бобда сўз юритамиз.

Мен юқоридан — Масихда туғилган вақтимда, Унинг ҳузурига 36 ёшли, Худо ҳақида мутлақо ҳеч нима билмайдиган одам каби келдим. Мен ўтмишимдаги эътиқод маълумотим ҳақида мақтана олмайман. Масихни қабул қилган ўша куним мен билган нарса фақат мана бу эди: “Зеро Худо оламни шунчалик севдики, Ўзининг ягона Ўғлини берди, токи Унга ишонган ҳар бир киши ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эришсин” (Юҳанно 3:16). Ва Худо ҳақиқатдан ҳам *мени* севади деган фикрдан лол қолган эдим! Мен У ҳақда кўпроқ билиш мақсадида Муқаддас Китобни очдим. Ҳақиқатдан ҳам кейинги икки йил давомида мен Худо Каломига шу даражада берилиб кетдимки, рафиқам Эми, ушбу қора чарм муқова — бу менинг юзим, деб ўйлаган!

Табиийки, мен ҳеч нарса тушунмасдим. Ёзувнинг мен учун жумбоқ бўлган жойлари кўп эди. Кўп масихийлар каби менда ҳам ҳозирда ўзимга аҳмоқона туюладиган ажойиб фикрлар ва изоҳлар пайдо бўлди. Аммо Худо менга Ўзини намоён қиларди ва аста-секин мени Ўз Каломини чуқур тушунишга ўргатди. Мен масихийлик ҳаётимнинг бошланишига назар ташлаб, ўша йиллар ҳаётимнинг энг қувончли йиллари бўлганлигини кўраман. Мен ҳақиқатдан ҳам Худога худди ёш бола сингари келдим ва У мени ўқитиши учун самовий Отамга батамом ўзимни ишониб топширдим.

Ҳеч ким менга Муқаддас Китобни ўрганишим *кераклигини* айтмади ва шундай бўлганлигидан мен хурсандман. Чунки “гуноҳнинг қуввати — Илоҳий Қонун” (1 Коринфликларга 15:56) бўлганлиги сабабли, одамларнинг онгига улар “нима қилишлари” кераклигини ўқитириш — уларда қарама-қаршилик ва қарши ҳаракат уйғотишнинг энг яхши йўлидир. Наридан борса, агар у

сизнинг *имтиёзингиз* эмас, *мажбуриятингиз* бўлса — бу сизнинг Муқаддас Китобни ўрганишдаги шодлигингизни ва эркинлик туйғунгизни бузади, холос. Мен ҳеч қачон етарлича бўлмаган ўрганиш ҳақидаги хира фикрни туғдирадиган ваъзни тингламаганман. Мен Муқаддас Китобни ўрганишнинг қандайдир дастурларига риоя қилмаганман. Мен ҳеч қачон “мажбуран бажаришимга тўғри келган” нарсани қилишга тўғри келмаган. Мен фақат Худо Каломини очардим ва ўқирдим. Чунки бу мен дунёда энг қилишни *хоҳлаган* иш эди. Сизга бир нечта маслаҳат беришга рухсат этинг. Бу маслаҳатлар кўплаб одамларга ўзлари учун Худо Каломини шахсан ўрганишнинг буюк туйғусини очишга ёрдам берган.

Биринчиси, *Муқаддас Китобни фақат Муқаддас Китоб далил-исботларини ўрганиш учунгина эмас, балки Масиҳни билиш учун ўқинг*. Биз ўзаро муносабатларга даъват қилинган эдик. Исо Масиҳ шундай деган: “Абадий ҳаёт эса Сени — танҳо Ҳақ Худони ҳамда Сен юборган *Исо Масиҳни* таниб-билишдан иборатдир” (Юҳанно 17:3). Павлуснинг ёзишича: “Чинакам, *Раббим Исо Масиҳни билишнинг афзаллиги олдида* мен ҳамма нарсадан бош тортиб, фойдасиз деб билдим, ҳа, Масиҳга сазовор бўлай, деб ҳатто ахлат ҳисобладим” (Филиппиликларга 3:8). Мен Масиҳ билан шахсий муносабатлардан кейинчалик қуруқ ўрганиш ва беҳудда хизмат учун узоқлашган вақтимда қилган ўша хатоимни сиз такрорламанг. “Яна ниманидир қидириш” йўлига тушманг. Биз Масиҳ билан бошлаймиз ва кейин Худонинг “чуқур яширинган ҳодисаларигача” бориб “ўқишни тугаллаймиз” деган гапга ишониб, ёлгонга берилманг. *Исо Масиҳ — ҳамма нарса*. Уни яқинроқ англашдан кўра “чуқурроқ” ҳеч нарса йўқ. Мана биз мангуликда нима қиламиз — Унинг мўъжизаларини очамиз ва улардан ҳузур-ҳаловат оламиз. Биз ҳеч қачон Унинг нима эканлигини охиригача била олмаймиз.

Мактабдаги ўқишим йилларида мен ҳеч қачон муаллифни билиш учун дарсликни ўқимаганман. Масалан, мен биология дарслигини имтиҳон топшириш учун ўрганганман. Мен уни ёзган олимни билмасдим ва билишга интилмасдим ҳам. Лекин Муқаддас Китоб бу борада жуда катта фарққа эга. Худо Каломини ўрганишнинг мақсади — энг аввало Уни, Муаллифни англашдир.

Мен агар Муқаддас Китобга далилларни билиш учун мурожаат қилсам, фақат қуруқ далилларни билишимни ва бошқа ҳеч нарсани била олмаслигимни ўзлаштирдим. Агар мен Муқаддас Китобга Худо билан шахсан учрашишни истаб мурожаат қилсам, У юрагимни Ўзини билиш учун очади ва айни пайтда, менга Муқаддас Китоб далилларини ҳам айтади. Ҳар сафар мен Муқаддас Китобни очганимда, буни айтилган ёки айтилмаган ибодат кайфияти билан қиламан: “Раббий, агар сен Ўзинг менга ўргатмасанг, мен бу китобни тушуна олмайман. Шубҳасиз, агар Сен Ўзинг менга намоён бўлмасанг, мен Сени англай олмайман. Ва бу мен энг истаган нарсадир. Раббий, мен билан боғлан. Мен Сенинг Сўзинг орқали Сени кўра олишим ва била олишим учун менинг кўзларимни оч. Онгимни менга нимани кўрсатишни хоҳлашингни тушунишим учун оч ва озод қиладиган ҳақиқатга мени ўргат”.

У бизнинг барча хоҳишларимизга Ўзининг мўл-қўллиги билан, жон деб жавоб беришга тайёр ваъдаси бизда бор. Аслида, *У биз билан яқинликни астойдил ахтаради* ва *У бизнинг жавоб беришимизни истайди*. Раббий Исо шундай дейди:

Мана, Мен эшик олдида туриб, тақиллатаянман. Кимда-ким овозимни эшитиб эшикни очса, Мен унинг ёнига кираман; Мен у билан, у Мен билан кечки овқатни баҳам кўрамыз (Ваҳий 3:20).

Биз қарама-қаршилиқ кўрсатаётган Худо билан иш кўрмаймиз. Унинг диққатини жалб қилиш учун қўлларида тортишимиз керак эмас. *У чин дилдан биз томонга интилади.* У бизга мўл-қўллик билан ҳаётни ва чексиз қувончни ҳадя этмоқчи. Худо Каломига эга бўлиш — ифодалаб бўлмайдиган бахт-саодатдир. Муқаддас Китобни ўрганишни худди “интизом”, зерикарли иш ва биз қилишга мажбур бўлган меҳнат зое кетадиган мажбурият, деб қабул қиладиганларга қандай қийин бўлса керак!

Иккинчиси, *Муқаддас Китобни итоаткорликда ўрганинг.* Мен бу фикрга тўхталиб ўтирмайман. Чунки бошқа бобларда мен бир неча марта бу ҳақда айтиб ўтганман. Қисқача қилиб айтганда, бу — биз Худо Сўзини мустақил равишда руҳий ҳақиқатларни тушуна олмаймиз деган қатъий ишонч билан ўрганишимиз кераклигини билдиради. Руҳий тушунча — бу Муқаддас Рух орқали очилиши керак бўлган бир нарсадир (1 Коринфликларга 2:9–16). Фақат Масиҳнинг севгиси қалбингизда илдиз отиб, маҳкам ўрнашсин,

токи сизлар барча Худонинг азизлари билан бирга бу севгининг кенглиги, узунлиги, баландлиги ва тегиронлигини тўла англашга кучингиз етсин. Ҳа, сизлар Масиҳнинг ақл бовар қилмас севгисини фаҳмлаб бориб, Худонинг бутун камолотига эришинглар (Эфесликларга 3:18, 19).

Ҳар бир одам илоҳиётни, яъни Муқаддас Китоб нима дейишини ўрганиши мумкин. Лекин агар биз чин дилдан Худони билишни ва Муқаддас Китобда яширинган мазмунни тушунишни хоҳласак, биз Каломга У Ўзини ва бизни озод қиладиган ҳақиқатини очиши учун Раббийга батамом ишониб ёндашишимиз керак.

“Худо мағрурларга қарши, аммо камтарларга иноятли” (Ёқубнинг 4:6) эканлигини эсдан чиқарманг.

Учинчиси, *Муқаддас Китобни мунтазам ва кўп-кўндан ўқинг*. Сиз узоқ вақт денгиз саёҳатида бўлиб, менга узундан—узоқ хатлар ёзасиз. Орадан кўп йиллар ўтгач, сиз уйга қайтасиз ва мен сизни аэропортда кутиб оламан. Мен жуда хижолатли ва хавотирли бўлиб кўринаман, шу ҳолатим узоқ вақтдан бери давом этаётгандай туюлади. Мен билан саломлашиб бўлгандан сўнг, сиз менинг тушкун кайфиятим сабабини билишни истайсиз. “Бунга сабаб — сизнинг менга ёзган хатингиз, — дейман мен. — Сиз нима ҳақда ёзганлигингизни била олмай ақлдан озяпман. Аммо барибир бу мен учун сир бўлиб қоляпти”. Мен чўнтагимдан бир нечта сийқаси чиққан хат ёзилган варақларни чиқараман.

Сиз хатингизда нима тушунарсиз эканлигини ўйлаб бошингиз қотади. “Сиз менинг ёзган хатимда нималарни тушунмадингиз?” — сўрайсиз.

“Мана бу ерда тўртинчи бетда”, — деб жавоб бераман мен. Мен сизга хатни кўрсатаман, сиз сатрларининг тагига чизилган, турли рангдаги сиёҳлар билан изоҳлар ёзилган варақни кўрасиз. Мен тушунтиришда давом этаман: “Мен мана бу гапни тушунишга ҳаракат қилдим. Аммо унда ҳеч қандай маъно йўқ! Мен барча сўзларни луғатдан қарадим ва уларнинг иккинчи даражали маъноларини ёзиб олдим. Мен грамматика дарслигига қарадим ва гапнинг чизмасини туздим. Мен барча дўстларимдан сўрадим ва ҳаттоки фикрни билиш учун собиқ тил ўқитувчим билан ҳам учрашдим. Аммо ҳеч ким ақлли бир гап айтмади. Мен сен билан қачон шахсан учрашар эканман, деб ўзимни қўйишга жой топа олмай юрдим”.

Сиз менга жиддий боқасиз ва аста сўрайсиз: “Боб, бу гап тўтинчи бетда. Сиз хатнинг қолган қисмини ўқи-

дингизми?” — “Йўқ, — деб жавоб бераман мен. — Мен бу гапни ўрганиб чиққанман-ку!”

Сиз мен ҳақимда нима деб ўйлайсиз? Юмшоқ қилиб айтганда, сиз мени ғалатироқ деб ўйлайсиз. Ҳеч ким хатни бундай тарзда ўқимасди. Сиз хат ўқиётганингизда, уни бошидан бошлайсиз ва охиригача ўқийсиз. Сиз матндан битта гапни юлиб олиб, унинг маъносини ҳеч чақа олмайсиз. Бутун матнсиз у ҳеч қандай маънога эга эмас. Тугалланган фикрни англаш учун гапга олдинги ва кейинги бошқа сўзлар, гаплар ва хат бошилар керак.

Одамлар кўпинча Муқаддас Китобни қандай ўқишади? Улар 5 — бобдан, 2 — хат бошидан, 3 — оятдан бошлашади. Кейин эса Худо Каломининг мазмунини илғаб ололмаётганликларига ҳайрон бўладилар! Ҳа, Муқаддас Китоб келиб чиқишига ва илҳом беришига асосан ўзига хос ноёб китоб ҳисобланади. Аммо унинг тузилиши худди бошқа ёзилган китобларники каби дир. У ҳам одатдаги грамматика қоидаларига биноан ташкил топган сўзлардан, гаплардан ва хат бошилардан иборат. Масалан, сиз Ибронийларга мактубнинг 9-бобини ўқиётганингизда, муаллиф сиз аллақачон олдинги саккиз бобни ўқигансиз ва унинг мазмунини тушундингиз, деб ўйлайди. Ёзувда ҳақиқатдан ҳам қийин парчалар бўлса-да, одамлар *агар фақатгина уни ўқишни давом эттираверсалар*, Муқаддас Китобнинг баъзи бир оятлари юзасидан пайдо бўлган жуда кўп саволларга жавоб топадилар.

Албатта, Муқаддас Китобни ўрганишда алоҳида услубга эга жойлари ҳам бор. Масалан, сўзларни ўрганиш ёки мавзу бўйича ўқиш; улар мамнунлик бағишлаши ва фойдали бўлиши мумкин. Аммо бундай услублар бизнинг асосий ўрганиш услубимиз эмас, балки *қўшимча* бўлиши керак. Бўлмаса биз Ёзувнинг уйғунлашган ва тўла тушунчасига эга бўла олмаймиз.

Эндигина масиҳий бўлган пайтларимда, мен тушунмаган жуда кўп нарсалар мавжуд эди. Аммо бу мени тўхтатиб қолишига йўл қўймадим. Худо ҳамма нарсани менга бир кунда ўргатишини мен кутмасдим. Шунингдек, мен Исо Ўз ўлими олдидаги кечада шогирдларига нима деганини ҳам мен унутганим йўқ эди:

Сизларга яна айтадиганларим кўпу, лекин энди ичингизга сиздиролмайсизлар. Муқаддас Ҳақиқат Руҳи келгач, У сизларни бутун ҳақиқат йўлига бошлайди. У Ўзича гапирмайди, неки эшитса, ўшани сўзлаб беради, У келажак ҳақида сизларга хабар қилади (Юҳанно 16:12, 13).

Агар Исо уч йил давомида бирга юрган одамлар барибир Унинг ҳамма таълимотини “сингдира” ёки англай олмаган бўлсалар, унда мен бир зумда барчасини қамраб оламан, деб ўйлаш учун мен кимман? Шундай қилиб, мен қачон тушуниш қийин бўлган парча ёки оятга дуч келсам, мен уни қалам билан белгилайман ва ибодат қиламан: “Раббий, бу мен ҳали тушунишга тайёр бўлмаган фикрлардан бири бўлса керак. Аммо Сен биласан: қачон хоҳласанг, ўша пайтда мен уларнинг музминини тушунишга тайёрман”. Шундай деб ибодат қилгандан сўнг мен ўқишни давом эттиравераман. Кўп ҳолларда бир неча бобдан ёки, эҳтимол, бир неча китобдан кейин бу ерда, Янги Аҳдда мен жавобни топаман. Бу мен: “Э-э-э, мана бу қаерда экан!” деган пайтимда, жуда ҳаяжонли бўлади. Кейин мен Муқаддас Китобимга савол-жавобдан иборат бўлган икки томонлама далилни махсус ажратиб қўйилган бетларга киритаман. Вақт ўтган сайин, агар мен ўқишни давом эттираверсам, то мен Раббий билан бўлган мулоқотдан ҳузурланар эканман, Худо Муқаддас Китоб ҳақиқатла-

ри тўғрисидаги тушунчаларни кенгайтираверади. Сиз қийин парчаларга дуч келган вақтингизда, оддий бир қоидани эсда сақланг: ҳеч қачон тушунарли жойларни ноаниқ парчалар нуқтаи назаридан шарҳламанг. Демак, шубҳаланган пайтингизда ўқишни давом эттираверинг.

Тўртинчи маслаҳат, менимча асосийси, айниқса Муқаддас Китобни эндигина ўрганишни бошлаганлар учун — *ўз машгулотларингизда Янги Аҳдга алоҳида эътибор қаратинг*. Бу маслаҳатни одатда нотўғри тушунишади. “Сиз Эски Аҳд Худо Каломи эмас, деяпсизми?” — деб сўрашади баъзилар. “Сиз Муқаддас Китобнинг ярмини ташлаб юборяпсизми?” — деб айблашади бошқалар. Йўқ, менга тўғриси айтишга изн беринг: Муқаддас Китоб — Эски ва Янги Аҳдлар — Худонинг Каломидир. “Ҳар бир Муқаддас Ёзув илоҳий илҳом билан ёзилган бўлиб, таълим бериш, далолат қилиш, тузатиш, солиҳлик йўлида тарбия бериш учун фойдалидир” (2 Тимотийга 3:16). Бироқ биз Янги Аҳд даврида яшаяпмиз ва *биз ҳақиқатдан ҳам унинг таъсири остида яшаётган Аҳдни* яхши тушунишимиз муҳим. Фақат қачонки сиз Янги Аҳд вазиятларини пухта тушуниб олганингизда, сиз Эски Аҳдни тўғри изоҳлай оласиз ва ҳаётда қўллай биласиз.

Кўп асрлар давомида дунё тарихи Масих Туғилгунига қадар (бизнинг асримизгача) ва ундан кейинги (янги аср) даврларга бўлинади. Мен кўпинча бу бизни адаштиради деб ўйлардим. Инсоният тарихини ҳақиқий бўлувчи нуқта бўлиб Масихнинг туғилиши эмас, балки Унинг ўлими хизмат қилади. Исо шундай деган: “Мени Таврот ёки пайғамбар оятларини бекор қилгани келди, деб ўйламанглар. Мен бекор қилгани эмас, балки *бажо* қилгани келдим” (Матто 5:17). У бутун дунё гуноҳлари учун ўлганда шундай қилди ҳам. У қонунни бажарди. Сўнгги Қутлуғ Зиёфатда У Ўз шогирдларига деди: “Бу коса Менинг қоним билан тасдиқланган Янги

Ахддир” (1 Коринфликларга 11:25). Хоч орқали Эски Ахд бажарилди ва Янги Ахд ҳаракатга киритилди. Мана нима сабабдан *хоч тарихнинг ҳақиқий бўлувчи нуқта-си дейилади.*

Бу худди инсоннинг васиятига ўхшайди. Агар менинг отам васиятнома ёзган бўлса, мен ўз меросимни оламанми? Бирданига эмас:

Қаерда васият бўлса, васият қилганнинг ўлимини қайд қилиб ўтиш керак. Чунки васият ўлимдан кейингина кучга киради. Васият қилувчи ҳали тирик экан, васиятнинг ҳеч бир таъсири йўқ (Ибронийларга 9:16, 17).

Бироқ васият қилувчининг нафақат ўлими даркор, балки фақат унинг *сўнги* иродаси ҳам кўриб чиқилади. Менинг отам ўз ҳаёти давомида ўндан ортиқ ёзган бошқа васиятномаларнинг аҳамияти йўқ. Унинг ўлимидан сўнг кучга кирадиган ягона васиятнома энг сўнгги *нусхаси* бўлади. Биз Эски ва Янги Ахдларни ҳам худди шундай кўриб чиқишимиз мумкин. Худо Исроил халқи билан ахд тузди. Аммо кейинчалик У Янги Ахд бўлади, деб ваъда берди. Демак, уларнинг қайси бири бугун биз учун “кучга кирган ҳисобланади”. Сўнгги ирода биз *Янги* Ахд деб атайдиганимиздир. Отам васиятномасининг эски вариантларини ўқиш, эҳтимол, ёқимли иш бўлар ва унинг ўтмишдаги турли даврларини ёритишга ёрдам берар. Аммо уларнинг ҳеч бири бугунги кунда ҳеч нарсага мажбур қила олмайди. Худди шундай Эски Ахдни ўқиш ҳам менга тарихнинг турли даврларида Худо одамларга қандай муносабатда бўлганини кўрсатади. Бироқ қонун мени бошқа ҳеч нарсага мажбур қила олмайди. Мен шу кунларда ва шу асрда ҳаёт ҳақида билиш учун Янги Ахдга мурожаат қиламан.

Охиргиси, ва муҳимларидан бири: *асосийга — асосийси, иккинчи даражалисига — иккинчи даражалиси*. Ғалати эшитилади. Лекин масихийларни Масихдан узоклаштирувчи барча сабаблар ҳам Муқаддас Китоб бўйича эмас. Биз *Муқаддас Китоб* ҳақиқатларидан ақлимизни йўқотиб қўйишимиз мумкин. Биз Муқаддас Китобни нафақат ўқишимиз, *балки биз Муқаддас Китоб ҳақиқатларига Ёзувдаги уларга мос маънога бинан ўқитишимиз ҳам мутлоқо шарт*.

Маслаҳатчи сифатида, масалан, мен жиддий шахсий муаммоларни ва фожеъларни бошидан кечираётган юзлаб одамлар билан учрашганман. Тажрибамга қарамасдан, ҳеч қачон кимдир менга: “Боб, яқинда менинг эрим ўлди ва юрагим вайрон бўлди. Менга айтинг-чи, қандай руҳий истеъдодим бор, сиз нима деб ўйлайсиз?” — деганини эшитмаганман. Ҳеч қачон ҳеч ким менга: “Боб, мен ҳозиргина ишимдан айрилдим ва биз хотиним билан ҳозир даҳшатли оилавий келишмовчиликларни бошдан кечиряпмиз. Менга айтинг-чи, Ваҳий китобидаги “666” нимани билдиради? Мен бу ҳақда яқинда билдим”, — демаган. Шубҳасиз, бу мавзулар Муқаддас Китобда бор. Бироқ улар “биринчи даражали” эмас.

Жиддий муаммоси бўлган одамлар нима ҳақда билишни исташларини биласизми? Улар: “Худо ҳақиқатдан ҳам борми? Мени севадиган, менинг ҳаётимда нималар бўлаётганини биладиган, мен ҳақимда қайғурадиган ва мен учун нимадир қиладиган Ўша Худо қани?” — деб қичқиришади. Ҳақиқий ҳаёт сизнинг оёғингиздан чалиб йиқитмоқчи бўлганда, мана нималарни сиз билишни хоҳлайсиз.

Шундай қилиб, Худо Каломида қандай мавзулар “асосий”? *Исо Масих*. Уни шахсан билиш. У сиз учун нафақат Ўз ҳаётини берганини, балки У шунингдек *сизда* яшашини, Унга бу ҳаётда сиз *орқали* яшашга қан-

дай имкон бериш кераклигини билишни тушунишнинг аҳамияти. Қандай қилиб Масиҳ севгисидан тобеликда яшаш ва Раббий бизга қолдирган биринчи даражали аҳдига эътибор қаратиш ҳақида билиш:

Сизларга янги буйруқ беряпман: бир-бирингизни севинглар. Мен сизларни қандай севган бўлсам, сизлар ҳам бир-бирингизни шундай севинглар. Агар орангизда муҳаббат ҳукмрон бўлса, сизлар Менинг шогирдларим эканлигингизни ҳамма шундан билиб олади (Юҳанно 13:34, 35).

Худо нимага биринчи даражали аҳамият беришини аниқ ифодаларда бизга айтган. У: “бамперларингиздаги наклейкалардан ҳамма сизни Менинг шогирдларим эканлигингизни билади” ёки “башоратларни билишингиздан сизни танишади”, — демаган. Павлус айниқса, бизни инсон ва фаришталар тилларида гапиришимиз, барча сирларни билишимиз ва ҳар хил билимга, тоғларни бир жойдан иккинчи жойга кўчирадиган ишончга эга бўлишимиз, бор нарсамизни, ҳатто ўз ҳаётимизни бериб юборишимиз мумкинлиги, аммо бизда севги бўлмаса, буларнинг ҳаммаси бефойда ва биз ҳеч нарсага эришмаслигимиз ҳақида бизни огоҳлантирган (1 Коринфликларга 13:1–3). Юҳанно Худо амрларини бир тўпламга йиғмоқчи бўлганда, у буни қуйидагича ифодалади: “Илоҳий амр — Худонинг Ўғли Исо Масиҳга ишонишдан ва худди Исо Масиҳ буюрганидек, бир-биримизни севишдан иборат” (1 Юҳаннонинг 3:23).

Мени доимо бир нарса ҳайрон қолдириб келади: биз Ёзувда учрайдиган юзлаб майда-чуйда саволларга биринчи даражали муҳимлик деб, эътиборимизни қаратамиз. Ва айти шу пайтнинг ўзида Худо учун биринчи даражали бўлган мавзуларга кўз юамиз. Биз

ҳали ҳам жуда кўп нарсаларда худди фарзийлар сингари йўл тутмоқчи бўламиз: “Сизлар чивинни пеш қилувчи, аммо туяни ютиб юборадиган басир пешволарсиз!” (Матто 23:24). Бошқа томондан, агар биз ўрганишга берилсак ва эътиборимизни Худонинг йирик кўрсатмаларига тўла қаратсак, У бизни майдароқ нарсаларга ҳам ўргатаётганлигини кўрамиз. Шунда бизнинг тушунчамиз Муқаддас Китоб намуналарига мос уйғунлашган бўлади.

Одамлар, шунингдек, ўз йўлларида Муқаддас Китоб ҳақиқатларини бошқача қилиб ва ундан нотўғри фойдаланиб ҳам адашадилар. Биз ўз суҳбатимизда қонундан нотўғри фойдаланишни кўриб чиқдик. Павлус шундай дейди: “Биз биламизки, Илоҳий Қонун ундан тегишлича истифода этувчилар учун фойдалидир” (1 Тимофейга 1:8). Қонун, қачонки у одамга Исо Масихга қутулиш учун мурожаат қилгандаги эҳтиёжини кўрсатса, тўғри фойдаланилган бўлади. Аксинча, агар қонун масиҳийлик ҳаёти билан яшашга уринишлар учун қўлланилса, унда нотўғри фойдаланилган бўлади.

Кўп бошқа мавзулар ҳам одатда нотўғри қўлланилади. Бизнинг ўз вазифамизни ва Масиҳ танасидаги бошқа одамларнинг вазифаларини тўғри баҳолаш ўрнига, руҳий истеъдодлар рақобатчилик муҳитини яратиш ва руҳий такаббурликни пайдо қилиш учун фойдаланишлари мумкин. Биз мустаҳкам умид ва бизнинг ҳақиқий ҳаётимизда вазиятга мос қарорлар қабул қилиш қобилиятини бериш ўрнига, башорат қилишларни ўрганиш такаббурлигининг ва ўзига бино қўйишнинг намоён бўлишида ифодаланиши мумкин.

Демак, “асосийга — асосийси, иккинчи даражалига — иккинчи даражалиси” мана нималарни билдиради: Муқаддас Китоб Шахс ҳақидаги таълимотга ва Исо Масиҳнинг ишига, қонун ва ҳузур-ҳаловат ўртасидаги тўғри мақсадлар ва фарқларга, барҳаёт Масиҳга ва одам-

лар орасидаги худди У бизни яхши кўрганидай ўзаро севгига ишониб яшашга катта эътибор ва аҳамият беришдир. Мен ўз машғулотларим ва фикрларимда ажратиб кўрсатмоқчи бўлган мавзулар шулардир. Ёзувнинг камроқ аҳамиятга эга бўлган бошқа масалалари менинг эътиборим ва вақтимнинг камроқ қисмига лойиқдир.

Агар сиз бу маслаҳатлардан фойдаланиб Худо Каломига мурожаат қилсангиз — Масих Шахси билан учрашишга уриниб; Унга таянган ҳолда Муқаддас Китобни ўрганиб; тартиб билан ва катта матнларда ўқиб; эътиборингизни кўпроқ Янги Аҳдга қаратиб; “асосийсига — асосий” тамойилига риоя қилиб — унда Муқаддас Китоб ҳеч ҳам сиз ўйлаганчалик сирли китоб эмаслигини кўрасиз. Сиз шахсан Худодан ўрганиш — дунёдаги энг ҳаяжонли кечинма эканлигини кўрасиз ва ҳеч ким сизни қайси йўл билан Муқаддас Китобни ўрганишга ундашини ҳисоблаб чиқиш керак бўлмайди. Исо айтганидай: “Инсон биргина нон билан эмас, балки Худонинг оғзидан чиққан ҳар бир сўз билан яшайди” (Матто 4:4). Ҳеч ким мени “интизомли” бўлишга ва ўз тушлигини ейишга мажбур қилмаслиги керак. Тушлик — бу ҳузур-ҳаловат. Худди шундай, сиз Худо томонидан Унинг Каломи орқали мўл-кўл қилиб тайёрланган *руҳий* тушликни татиб кўраётган вақтингизда, ҳеч ким сизни, шунингдек, руҳий озиқланишга ҳам мажбур қилмаслиги керак.

Хулосада муаллимлар, шарҳлар ва ўқиш жараёнидаги бошқа ёрдам ҳақида бир неча сўз қўшимча қилишга рухсат беринг. Масихийларни Муқаддас Китобни “қазишга” ва мустақил билим олишга қатъият билан қилган ҳаракатларим сабабли баъзида мендан сўрашади: “Биз муаллимлар қўлида ўқимаслигимиз ва шарҳлардан фойдаланмаслигимиз керак дейсизми?” Агар бирпас тўхтаб ўйлаб кўрилса-чи: Муқаддас Китобни ўқитаётган баъзи бировлар яхши аҳволга тушадилар-

ку! Лекин агар бизга муаллимлар ёрдам берсалар ҳам, бу Худо ҳақиқатини тушунишимизда, биз инсон ўқитувчиларга батамом *суяниб қолишимиз* керак дегани эмас.

Масихийлик ҳаёти ҳар бир одам томонидан *якка тартибда* ўзига хослик билан олиб борилади. Ҳақиқий ҳаёт бизга кулфатлар ва бахтсизликлар тўлқинини ағдарганда, фақат бизнинг Масихга ўзига хос ишончимиз ва Уни шахсан англашимиз бизни қўллаб-қувватлайди. Иккинчиси, муаллимлар ҳам инсон, улар қанчалар истеъдодли бўлмасинлар, гуноҳсиз эмас. Мана нима учун мен ҳамиша “Инсон — инсонга” дастурининг тингловчиларига қарата: “Менинг айтганларимни худди чин ҳақиқат деб қабул қилманг. Муқаддас Китобни қўлга олинг ва менинг фикрларимни текшириб кўринг: қаранг, улар Худо Каломига мос келадими ёки йўқми”. Учинчиси, бошқа масихийлар Худо ҳақиқати ҳақида муаллимлардан ёки уларнинг тушунтиришларидан билганларича тўлиқ ишониш — бу ўз-ўзидан Худо боласининг энг буюк имтиёзларидан ва шахсан бизнинг сарманий Отамиз берадиган қувончларидан бирини ўғирлаш демакдир. Мен учун бу аллақачон чайналган ва ҳазм бўлган овқатни ейишдир. Мен батамом Худо ҳақидаги “ярим ҳазм бўлган” ва қобилиятлироқ масихийлар аллақачон билган шарҳлар ва маълумотларга шўнғиб кетардим. Лекин бу вақтни бемаъни сарфлаш-ку! Агар мен Сўзнинг бутун теранлиги ва аҳамиятини менга кўрсатувчи Муқаддас Рухнинг муаллимлари сифатидаги қувончидан воз кечсам, қандай кўп нарсани йўқотган бўлар эдим! Мен бошқа одамларнинг ички сезгилари ва тажрибасидан муваффақият билан фойдаланган вақтимда, ҳеч қачон бу манбалар менинг шахсий ўрганишимнинг ўрнини *босувчилари* бўлишини хоҳлайман.

Муқаддас Китобдан қўрқманг. У Худо ҳақидаги, У сиз учун Масихда нима қилганлиги ва нима қилиши

ҳақидаги *эзгу хабарга* тўла. Унутманг, *Ёзувни тузишда одамларни илҳомлантирган Ўша Муқаддас Руҳ сизда яшаяпти*, сиз Унинг Руҳига итоаткор ва тушунадиган фарзанд бўлиб мурожаат қилганингизда Худо ҳақиқатини тушунишингиз учун У сизнинг ақлингизни ёритади!

Сиз ўз онгингизни Худо Сўзи билан тўлдириб ва Худо каломининг фақат тингловчиларигина эмас, балки ижрочилари бўлиб уни ҳаётга олиб кирганингиз сайин (Ёкубнинг 1:22), — Худо сизда *эътиқодли* аёл ёки эркакни ривожлантира бораверади.

Муқаддас Китоб ҳақиқатларидан шаклланадиган шахсий эътиқодлар — ҳаётимизнинг асосидир. Улар бизнинг ҳаётимизга куч ва тузилиш асосини беради. Бу худди скелет сизнинг танангизга куч ва тузилиш асосини берганга ўхшайди. Муқаддас Китоб эътиқодларини, шунингдек, савдо-сотиқ ташкилотини бошқариш стратегияси бўйича китоб-қўлланма билан ҳам таққослаш мумкин. Стратегия бўйича бундай китобларнинг мақсади *қарор қабул қилишда кераксиз жараёнларни йўқотиш* учун компания фаолият доирасини, мақсад ва тамойилларини аниқлашдан иборатдир. Стратегия бўйича қўлланма компания идорасига улар ишининг энг муҳим жиҳатига — расмийликларда ва майда-чуйда қарорларга тўхталиб ўтирмасдан ва турли йўналишларда ишлайдиган 14 та турли хил бўлимларга эга бўлмасдан компания фаолиятини кузатиш ва бошқарувни таъминлашга эътибор қаратишга ёрдам беради. Бошқача айтганда, расмий қарорлар олдиндан қабул қилинган эди. Бўлимлар ўз дастурларига эгадирлар ва улар шу дастурларга асосан ўз ишларини бажарадилар. Улар нима қила олишларини ва нима қила олмасликларини биладилар. Чунки “ўйиндан ташқари” мақсадлари ва кўрсатмалари аниқ белгиланади. Ишчилар ҳам “N ташкилотида биз ким эканлигимиз, нимага

ишонишимиз ва нимани амалга оширишга ҳаракат қилаётганлигимиз” ҳақидаги аниқ тасаввурга эга бўладилар. Аниқ белгиланган сиёсатсиз ҳатто кичкинагина фирма ҳам ўта тартибсизликка айланади.

Ўйлашимча, кўп масиҳийлар ушбу сабабга кўра ўз ҳаётларидаги ва кундалик қабул қилинадиган қарорларидаги доимий тартибсизликлардан азият чекадилар: уларда *шахсий* “стратегия бўйича қўлланма” вазифасини ўтайдиган ва қатъий ўзлаштирилган Муқаддас Китоб эътиқодлари йўқ. Шунингдек, биз “агар мен Худо фарзанди бўлсам, мен кимман, мен нимага ишонман ва нима сабабдан бу ерда эканлигимизни” ҳам билишимиз зарур. Худо Сўзи бизга ана шу барча жабҳаларда ҳақиқатни беради. Бутасдиқлар, шунингдек, расмий қарорлар қабул қилиш жараёнини бартараф қилувчи вазифасини бажаради. Менда қаергадир бориш ва ниманидир қилиш кераклиги борасида ҳеч қандай муаммо туғилмади ва бу мени сира ҳам ташвишга солмайди. Худо Каломи аллақачон бу ҳақда гапирган, мен Муқаддас Китобни мутлақо ҳақиқат каби қабул қилдим. Демак, мен “самовий нарсалар ҳақида ўйлашга” (Колосаликларга 3:1–3) ва “бир-биримизга меҳр билан хизмат қилишга” (Галатияликларга 5:13) эркинман. Мана қаерда биз Ёзувнинг ҳақиқатини очамиз: “Чунки Худо бизга кўрқоқлик руҳини эмас, балки куч-қувват, муҳаббат ва нафсни тийиш Руҳини берган” (2 Тимофейга 1:7).

Бу фақат Павлуснинг қуйидаги насиҳатининг кичик бир тармоғидир: “Бу дунёга уйғунлашманглар. Худонинг яхши, манзур, комил иродасининг нима эканини фаҳмламоқ учун фикрингизни янгилаш орқали тубдан ўзгаринглар” (Римликларга 12:2). Бу биз ўз ақлларимизни ҳақиқатга мувофиқ янгилаш учун Худога берганимизда содир бўлади. Биз “Унинг Сўзида бўлган” вақтимизда, бу ҳақиқат чиндан ҳам бизни озод қилишини англаймиз!

Ҳаёт бугун мўл-кўлликда

“Инсон–инсонга” дастурининг бир қисмини бажариш мақсадида биз бутун дунёга тарқалган хушхабарлар ва Муқаддас Китобни ўрганишга бағишланган бир нечта асарларни нашр қилдик. Улардан фойдаланган одамлар вақти-вақти билан бизга ўз фикрлари битилган мактубларни юбориб турадилар. Яқин яқингача бир қанча вақт давомида биз Нигериянинг узоқ туманларидан биридаги бир нечта ёш йигитлар билан алоқа қилиб турдик. Афтидан, миссионер бизнинг “Озодликда туғилганлар” ва Муқаддас Китобни ўрганиш рукнидаги “Сизнинг шахсий ўсишингиз” рисоаларидан фойдаланган ва ўз талабаларини улар менга хат ёзишни истаганларида қўллаб-қувватлаб турган.

Бу мен ҳеч қачон унутмайдиган кичик бир мактуб эди. Инглиз тилида хатолар билан ўзига ишончсиз тарзда ёзилган мактубнинг мазмуни қуйидагича эди:

Озисим Боб Жорж. Бу ер юзилаги энг татли исмдир. Фаришталар ва само сизнинг ушбу масиҳийлик ҳаётингиздан шодланадирлар. Илтемас, менга соат юборинг.

Бу хат мени шундай қаттиқ кулишга мажбур қилдики, мен ҳеч қачон бундай кулмаган эдим. У шунингдек,

менга кўп масиҳийларнинг ибодатга муносабатлари ҳақида эслатди. Кўпчилигимиз ибодатни хоҳлаган нарсаларга эришиш учун хом ҳаёлларга берилиб “истакларни амалга ошириш” йўли деб ҳисоблаймиз. Ҳолбуки, ибодатни Худо билан мулоқот ва бизнинг шахсий ўзаро муносабатларимиз усули деб қарашимиз лозим.

Кўпинча биз дуч келадиган энг катта тўсиқлардан баъзилари ўзимизнинг ўқитиш услубларимиздан келиб чиқади. Ҳамма нарсани тушунарли қилишга уриниб, биз Муқаддас Китоб ҳақиқатларига “формулалар” ва “шарҳлар” билан ёндашамиз. Хизматлар “уч банд ва шеърга” ўхшаб қолади. Бунинг устига бандлар ҳамиша бир хил ҳарфдан бошланади ва (моҳирлик чўққиси) деярли бир хил ҳажмга эга бўлади. Шарҳловчилар Инжил китобларининг осон эслаб қолинадиган режаларини кашф қилиш учун ўз қобилиятларини ишга соладилар ва ёзилган матнни ўзлари ўйлаб топган қолипларга соладилар. Биз масиҳийлик ҳаётини “қадамлар” рукнига сингдиришга ҳаракат қиламиз ва Ёзувни у ўзи учун ўзи гапиришига имкон бериш учун эмас, балки “бизнинг маънавий юксаликка томон қўйиладиган ўн қадамимизни” оқлашга далиллар топиш учун ўрганамиз. Натижада одамлар Худо билан Унинг Каломи орқали шахсан мулоқотда бўлишдан кўра, муаллим айтган бандларни эслаб қолишдан кўпроқ ташвиш тортадилар.

Жуда кўпчилик одамларнинг ибодатида мана нима содир бўлади. “Ибодатга қадам” қўйишнинг кенг тарқалган ва осон эслаб қолинадиган формуласи қуйидагича бўлган: Итоат, Тавба, Шукрона, Илтижо. Асрлар давомида одамлар фақат Муқаддас Китобдан бошқа одамларнинг ибодатлари ёзувларини қидирадилар. Бу борада юқорида келтирилган элементлар барча ибодатлар учун умумий эканлиги эътироф этилган. Худонинг ҳузурига ҳақиқатдан ҳам бора олиш ва Ундан

исталган нарсани олиш учун биз тахминан риоя қилишимиз керак бўлган формула ана шундай кашф қилинган.

Бундай ёндашувда Худо Шахсдан кўра кўпроқ савдо автомати сифатида қабул қилинади. Мен автоматга ўз эътиқодим тангасини ташлайман, хоҳлаган нарсамни олиш учун тугмачани босаман ва шу нарса автоматдан сакраб чиқади. Одамлар ибодат ҳақида — эшитилган ёки эшитилмаган ибодат ҳақида гапирганларига қараб, сиз шундай ёндашувни кўришингиз мумкин. Улар ўз “ибодат ҳаётлари” ҳақида ва “қандай ибодат қилиш кераклиги” ҳақида сўзлайдилар, ғурур билан ўз ибодатларига олинган ажойиб жавобларни — “агар мен каби ибодат қилсангиз, сиз ҳам уларни олишингиз мумкин”, — деб санаб ўтадилар. Улар ўз сўраган нарсаларини ололмаган вақтларида, бир савол туғилади: “Мен нимани нотўғри қилдим?” Улар “ибодат учун масъул шахсга кўнғироқ қиладилар” ва ундан ўзларининг ибодат техникаларига тааллуқли маслаҳат сўрайдилар. Бу худди улар бузуқ машиналари борасида механикка телефон қилаётгандай бўладилар.

Фараз қилайлик, ўғлим Бобби ўсмир ёшида олдимга шундай сўзлар билан мурожаат қилиб келди: “Дада, мен сизга зўр отасиз деб айтдимми? Яъни, сиз шундай ғамхўрсизки, умуман сиз дунёдаги зўр отасиз (ўзи тўғрисида ўйлаб: “хўп, бу — итоат этиш. Кейингиси — эса тавба”). “Дада, мен бугун ўзимни унча яхши тутмаганимни сизга айтишим керак. Мен ўт ўришим керак эди, аммо буни қилмадим. Кечиринг, мен эртага бу ишни қилиб қўяман (ўзича ўйлайди: “жуда зўр, бу — тавба қилиш. Кейингиси нима энди? Ҳа, айтганчалик, шукрона айтиш”). Дада, биз учун қилган барча яхшиликларингиз учун шукроналар айтаман. Сиз ўтган куни менга сотиб олиб берган янги кийим-бош учун раҳмат. Мен чиндан ҳам бунинг қадрига ета-

ман. (“Шундай қилинди. Энди энг муҳимиға етиб келдик”, — деб ўйлаб). Дада, мен бугун кечкурун сизнинг машинангизни олсам майлими?”

Агар сизнинг болангиз олдингизга шундай илтимос билан келса, сиз нима қилган бўлардингиз? Мен нима дейишимни билардим: “Нега сен шунчалик узоқдан бошладинг? Агар сен машинани олмоқчи бўлсанг, бунақанги ҳийла ишлатмасдан, нега дарҳол сўрай олмайсан?” Нега ота-оналардан ҳеч ким ўзларига шу тарзда мурожаат қилишларини исташмайди (агар албатта бу ота аҳмоқ бўлмаса), нега биз Худо айнан шуни хоҳлайди деб ўйлаймиз?

Иккинчиси, агар ота ва ўғил бир-бирлари билан шундай муносабатда бўлсалар, уларнинг орасида қандай *муносабатлар* бўлиши мумкин? Бу ерда умуман ҳеч қандай *шахсий муносабатлар* йўқ! Ота ҳеч нарса қилмасдан ўтиради ва ўғли қачон бу маросимни тугатишини кутади, холос. Бола фақат ўзи хоҳлаган нарсасини олишдангина манфаатдор ва ўзи истаган нарсани қўлга киритиш учун қандай шаклда ифодаласин, бу маросимдан ўтишга тайёр. Бундай шароитларда ҳеч қандай жонли ўзаро муносабатлар бўлмайди.

Ибодат нима ўзи? Бу Худо билан мулоқот. Бу бизни севадиган ва биз севадиган самовий Отамиз билан онгли ва шахсий равишда бўладиган мулоқотдир. Исо Масих бизнинг гуноҳларимизни ювиб кўзлаган мақсади — ушбу шахсий ўзаро муносабатларга йўл очиш эди. Бунга ҳеч эришиб бўлмайдигандай туюлиши мумкин. Лекин Худо чин дилдан биз билан яқин муносабатлар ўрнатишни, бизга ўзида бор бўлган энг яхши нарсани — *Ўзини Ўзи* беришни хоҳлайди. Мен масихийнинг ҳаётида у ўзи учун *Уни англаш* каби ажойиб қувончни очмасдан туриб, — кечирилган, оқланган, Масихда тирик мангу мероснинг меросхўри — ҳаётдан боришидан ҳам даҳшатлироқ фожеани билмайман.

Ҳаттоки “Исо номидан” гапани ҳам биз формула қилиб олдик. Кўпчилик учун бу фақат ибодат охирида қилиши керак бўлган михдай гап, холос. У худди: “Сизни тушундим, қабулга ўтаман” деганга ўхшайди. Аммо бу гап аслида бизнинг Отамиз билан бўлган суҳбатда ишонч манбаидир ва у бизнинг ҳаётий нуқтаи назаримизни акс эттиради. Демак, “*Биз Исо Масиҳ орқали, Унга бўлган имонимиз орқали Худо ҳузурига дадил ва тўла жасорат билан яқинлашиш имконига эгамиз*” (Эфесликларга 3:12). Бу — Исо номига ибодат қилаётган вақтимизда ҳуқуқимизни даъво қиладиган ваъдадир.

Исо ўз ўқувчиларига берган ва “Бизнинг осмондаги Отамиз”, деб атайдиган ўша ибодатдан биз нотўғри фойдаландик. Исо шундай дейди:

Ибодат қилаётганингизда, мажусийлар каби ортиқча сўзларни такрорлаб турманглар. Улар, кўп сўзласам, ибодатим ижобат бўлади, деб ўйлайдилар. Уларга ўхшаманглар, чунки Отангиз нималарга муҳтожлигингизни Ундан сўрашингиздан олдин билади. Сизлар эса бундай ибодат қилинглар: “Бизнинг осмондаги Отамиз! Сенинг муқаддас исминг улуғлансин!” (Матто 6:7–9).

Исо: “Мажусийлар каби ибодат қилманглар”, — дейди. Улар ибодат сўзларини бошқатдан, яна бошқатдан ва яна такрорлайверадилар. “Лекин сизлар бундай ибодат қилинглар...” деб, У намуна келтиради. Бироқ биз нима қилдик? Исо бизга намуна сифатида берган ибодатни биз олдик (“бундай ибодат қилинглар”) ва сўзларни бошқатдан, яна бошқатдан ва яна, худди мажусийлар каби такрорлаб ибодат қиламиз! Биз буни тез-тез қилаётганлигимиз сабабли эса, биз ўртак оламиз ва уни формулага айлантирамиз.

“Мен қачон ва қандай қилиб ибодат қилишим кераклигини айтинг”, — деб сўрашади одамлар. “Тиззалаб, ўтириб ёки тик туриб ибодат қилиш керакми? Бошқа ишлар билан шуғулланиб ҳам ибодат қилса бўлаверадими ёки мен буни ёпиқ эшиклар ортида амалга оширим керакми? Мен овоз чиқариб ибодат қилишим керакми ёки ичимда ибодат қилишим керакми? Мен бирон нарса ҳақида қатъиятлик билан ва сидқидилдан сўрашим керакми ёки Худодан бир мартагина сўраб, кейин Унга инонишим керакми?”

Ушбу саволларнинг барчасига менинг жавобим куйидагичадир: “Ҳа! Сизнинг ҳамма айтганларингиз тўғри. Ибодат қилиш тўғрисида *қатъий қоидалар йўқ*. Юрагингизнинг хоҳиши ва сизнинг Худо билан шахсий муносабатларга тўлалигингиз сизни бошқаради ва сиз бошқа бирон эркак ёки аёлдан намуна олсангиз ҳам бўлади. Худо сизни севади. У билан гаплашинг. Нималарни ҳис қилаётганингизни Унга айтинг. У сизнинг ҳаётингизда қилган ишлари учун Унга шукроналар билдиришингиз ҳақида айтинг. Унга ўз эҳтиёжларингиз ҳақида сўзлаб беринг. Ундан ўзингизнинг эзгу истакларингизни рўёбга чиқаришини сўранг. У сиздан энг кўп хоҳлайдиган нарса — бу сизнинг ўзингизсиз. У сиз орқали яшай олиши учун Уни билишингизни, Унда севги билан ўсишингизни, Унга ўз ақлингизни ва танангизни йўл очиб беришингизни хоҳлайди.

Мен кўпинча ўзимнинг отам билан ўзаро муносабатларим ҳақида ўйлайман. У Индиана штатининг сиёсий ҳаётида фаол иштирок қиларди ва сиёсий мавзуларда суҳбатлашишни яхши кўрарди. Отам мустаҳкам фикрли консерватор эди ва табиийки, унинг сиёсий қарашлари менга ўтган. Унинг ғояларини тушунадиган даражада улғайгаганимдан кейин, эсимда, отам билан соатлаб сиёсий фикрлар ва муаммоларни муҳокама қилардик. Ўйлашимча, ўша дақиқалар бизнинг

бирга ўтказган вақтимизнинг энг ёқимлиси эди. Мен бир нарсани таъкидламоқчиман: ўшанда менда қандайдир сиёсий нуқтаи назарлар бўлган ёки отам менга ўргатмаган қарашларнинг тарафдори бўлганман деб ўйлайман. Бизнинг суҳбатларимизгача бўлган кўп йиллар давомида у ўз ғоялари устида бош қотирган. Мен фақат у менга кўп йиллар давомида айтган нарсаларига жавоб берганман, холос. Ўша суҳбатлардан ҳис қилган ҳузур-ҳаловатимиз янги фикрларнинг туғилишидан келиб чиқмаган. У суҳбатлашаётганимизда фикрларимизнинг уйғунлигидан пайдо бўларди. Мен ибодатга кўпинча мана шу нуқтаи назар билан қарайдиган бўлдим.

Мен одамларга: “Сизнинг икки қулоғингиз ва битта оғзингиз бор. Шу сабабли сиз гапиргандан кўра, икки марта кўпроқ эшитишингиз керак”, — деб эслатишни яхши кўраман. Ўйлашимча, бу ҳам ибодатга, ҳам инсоний ўзаро муносабатларга ҳам тааллуқлидир. Мен ўзим ибодат қиладиган Худо ҳақидаги ҳақиқатни қандай билдим? Нашр қилинган сўз орқали, Ёзув орқали. Муқаддас Китоб гувоҳлигидан ташқари ҳеч нарса — Худо ҳақидаги ҳақиқий билимга эгаманми, йўқми ёки ўз тасаввуримдаги Худога ибодат қиламанми — бу ҳақда айтиб бера олмайди, мана қаерда “эшитиш” ишга тушади. Ибодатим *мен билан қилаётган Худонинг* илҳомига муҳтож ва буни У Ўзининг нашр қилинган Каломи орқали амалга оширади. Сўнгра мен Худо Каломига жавобан ибодат қиламан — формула билан эмас, балки менинг шахсий ҳаётим билан, қалб оғриқларим билан, эҳтиёжларим ва интилишларим билан боғлиқ бўлган нарсалар ҳақида ибодат қиламан. Унинг фарзанди эканлигимни билиб, мен ўқишга интилишимни, ички ҳолатимнинг сезгирлигини сақлаб қоламан ва Худо мени ўқитишига ишонч ҳосил қиламан. У менга Ўзининг Муқаддас Китобидаги беғараз ҳақиқатини

кўрсатади. Кейин шу ҳақиқатнинг ҳақиқий мазмуни ва аҳамиятини кўриш учун уни синаб кўришга имкон беради. Бундай ҳаётий тажриба аста-секин Унинг Каломи содиқлигига менинг ишончимни мустаҳкамлайди. Шунда Унинг мўминлиги, содиқлиги, мураввати, раҳмдиллиги ва севгиси учун менинг миннатдорчилигим ўса боради.

Агар ибодатда менинг ҳаётимда нима бўлганлигига мисол бўла оладиган оят мавжуд бўлса—да, бу Муқаддас Китобдаги энг қисқа оятлардан биридир: “*Тинмай тоат-ибодат қилинглар*” (1 Салоникаликларга 5:17). Эҳтимол, агар ибодат фақат диний маросим бўлиб, у пайтда тиз чўкиб, кўзингизни юмиб ва қўл қовуштириб туришингиз керак бўлганда эди, дунёда бу оятни қўлласа бўладиган усул бўлмаган бўларди. Лекин сиз ибодатга худди сизда Муқаддас Рух бўлиб яшайдиган севувчи ва эътиборли самовий Отангиз билан мулоқот сифатида қарасангиз, сиз уни қўллай оласиз. Сиз ҳар бир тетиклик соатингизда Худо олдидаги тайёргарлигингизга жавоб беришингиз, суянишингиз ва унда бўлишингиз мумкин. Юрагингиз хавотирга тушган ҳар қандай дақиқада У билан жонли мулоқот қилишингиз мумкин. Ҳақиқатдан ҳам қониқиш ва ажойиб хурсандчилик ҳис қилиш туйғуси мавжуд. Бу туйғу ҳақида Павлус шундай дейди: “Мен учун ҳаёт — Масихдир, ўлим эса — ютуқдир” (Филиппиликларга 1:21). Оятнинг “ўлим эса — ютуқдир” деган иккинчи қисмини тўла тушунишга фақат ўз ҳаётида унинг биринчи қисмини бошидан ўтказганларгина муваффақ бўла оладилар.

Биз Масихда ва У бизда бўлганда, У эътиқоднинг яна битта хатосини кўрсатади: ҳамма нарсани “руҳий” ва “дунёвий”га бўлиниши — бу бизнинг У билан ҳақиқий бирдамлигимиздир. Кўпдан буён турғун умумий фикрга мувофиқ руҳий фаолият ўз ичида жамоатга

қатнашни, Муқаддас Китобни ўқишни, ибодатни, қурбонликларни, мадҳияларни куйлашни олади. Бошқача қилиб айтганда, фақат аниқ “диний” ҳаракатларгина фақат “руҳий” деб ҳисобланади ва шунинг учун Худо олдида аҳамиятга эга. Бошқа қолганлари, жумладан, иш, дам олиш, оилавий ва уй ишлари “дунёвий” ҳисобланади — шунинг учун улар Худо олдида камроқ аҳамиятга эгадир. Агар биз ўзимиз учун Масиҳни очмоқчи ва ундан — биз орқали Ўз ҳаёти билан яшайдиган Масиҳдан ҳузурланмоқчи бўлсак, ҳузур-ҳаловатда ўсишни давом қилдирмоқчи бўлсак, биз бу хатони тузатишимиз лозим.

Бир куни Масиҳ самариялик аёл билан ажойиб суҳбат қурган. Бу суҳбат Юҳанно Хушхабарининг 4:4-26-оятларида ёзилган. Суҳбат вақтида аёл ўша пайтда долзарб бўлган қаерда топиниш кераклиги ҳақидаги баҳсни эслатган. “Ота-боболаримиз бу тоғда топиндилар. Аммо сизлар топинадиган ер Қуддусда дейсизлар” (Юҳанно 4:20). Бунга жавобан Исо яҳудийларнинг ҳақиқатдан ҳам баҳсда тўғри йўл тутганларини таъкидлайди: “Сизлар (самарияликлар) нимага топинишни билмайсизлар, бизлар эса нимага топинишни биламиз. Чунки нажот яҳудийлардандир” (Юҳанно 4:22).

Ўша воқеагача Худо аллақачон ибодат вақти ва жойини белгилаб қўйган эди. Шаббатлар, диний байрамлар, ҳар бир еттинчи йил ва ҳоказолар хоҳласа байрам қилинадиган ёки бўлмаса байрам тариқасида ўтказмаса ҳам бўладиган байрамлар эмасди. Раббий Исроилга ана шу белгиланган одатларга риоя қилмаганлиги учун қаттиқ жазо белгилади. Шунингдек, топиниш учун жой танлаш ҳақида ҳам гап бўлиши мумкин эмас эди. Худонинг айтишича, қурбонликлар жамоатнинг марказида — фақат белгиланган жойда — бошқа бирон жойда эмас ва фақат руҳоний-левитлар

томонидан амалга оширилиши керак. У, агар кимдир бошқа жойда қурбонлик келтирадиган бўлса, “унда ўша одам ўз халқининг орасидан йўқотилади” (Левий 17:8,9) деб айтган. Мусо қонуни Худо томонидан берилган эди ва у ниҳоятда аниқ қонун бўлган. Бироқ Исо самариялик аёл билан бўлган Ўз суҳбатида муҳим ўзгаришлар ҳақида хабар берди. Ўз таъсир кучига кўра Унинг жавоби жуда ажойиб эди:

*Менга ишонгин, шундай вақт келадики, ўшанда Отага на бу тоғда, **на Қуддусда** топинасизлар... Бироқ вақти-соати билан ҳақиқий топинувчилар Отага Рух ва ҳақиқат билан топинадилар, ана ўша вақт-соат келди! Ота шу йўсунда Ўзига топинувчиларни излайди. **Худо — Рухдир, Унга топинувчилар эса Рух ва ҳақиқат билан топинмоқлари лозим** (Юҳанно 4:21, 23, 24).*

Исо ҳақиқий Худога топиниш қандайдир маълум, белгиланган жой ва вақтга боғлиқ бўлмайдиган пайтлар келишини айтган. Кейин У олдинги аҳдини охиригача бажариб хочга борди. Худди ўша хочда У Янги Аҳдни Ўз қони билан тасдиқлади. Худо энди тош, оҳак ва дарахтдан бўлган маъбадида яшамайди. *Энди Худонинг маъбади — бу Унинг халқидир!* “Наҳотки билмасангиз? Сизлар Худонинг маъбадисизлар, Худонинг Рухи ичингизда яшамоқда”, — деб айтади Павлус коринфликларга (1 Коринфликларга 3:16). У яна 1 Коринфликларга мактуб 6:19, 20 да шундай насихат қилади:

*Наҳот билмасангиз? Сизнинг баданингиз ўзингизда яшаётган Муқаддас Рухнинг маъбадидир. Уни сизга Худо берган, сизлар ўзларингизга тегишли эмассизлар. **Қиммат баҳо** билан сотиб олин-*

дингизлар. Шунинг учун баданингиз (ва руҳингиз) билан Худони улуғланглар. (Чунки сизлар Худого тегишлисиз.)

Агар Масих Ўз халқида яшаса, унда ҳақиқий “маъбад” “бурчакдаги” бино эмас. Ҳеч қандай бино жамоат бўлмайди. *Худо халқи — мана жамоат!* Шунинг учун якшанба кунлари эрталаб жамоат қаерда? У бутун шаҳардаги биноларда учрайди, юқоридан Исо Масихда туғилган одамлар йиғиладиган ҳамма жойда. *Душанба* куни эрталаб жамоат қаерда? У шу ерда, мактаб, офис ва шифокор хоналарига қўшни. Жамоат — яъни *Худо халқи* — бу шаҳар ва қишлоқ ҳаёт йўллари-га тарқалган. Одамлар якшанбада жамоат биносида қанақа бўлсалар, хизмат идораларида ва барча бошқа жойларда ҳам бу худди шундай алоҳида Худо ибодатхоналаридир.

Руҳий фаолият *тури* билан эмас, балки фаолият *манбаи* ким эканлиги билан белгиланади. Масих менда яшайди. Агар мен ўзимни У мендан фойдаланиши учун Унга тақдим қилган бўлсам, мен нима қилаётган бўлсам — ўт ўраманми, кир юваманми, дўстларим билан суҳбатлашаманми ёки ўғлим билан бейсбол тўғрисида гаплашаманми — ҳаммаси “руҳий” деб аталиши мумкин. *Мен қаерда бўлишимдан қатъий назар*, “тўхтовсиз ибодат қилишим” ва Худо билан муносабатларимдан ҳузурланишим мумкин.

Раббийнинг ҳақиқий иродаси шундаки, агар қўлимиздан келса биз меҳнат қилишимиз ва ўз-ўзимизни таъминлашимиз ва шунингдек, “муҳтож бўлганларга ҳам бирор нарса бериш”имиз керак (Эфесликларга 4:28). Биз хизмат қилаётган пайтимизда сарфлайдиган вақтимиз ва ақлий қувватимиз Худо кўзи ўнгида “вақтни бекорга кетказиш эмас”. Аксинча, биз У билан яқин муносабатда бўлиш, У бизнинг эҳтиёжла-

римизни қондирадиган садоқатни кўриш ва бу зулматли дунёга ёруғлик олиб бериш учун биздан қандай фойдаланишини кўриш имконидир. Бошқача сўзлар билан айтганда, сиз қандай қилиб Муқаддас Китобни ўрганаётганингизда ҳузур-ҳаловатда ўссангиз, ўз иш жойингизда ҳам шундай ўсасиз.

Бир куни кичик бир аёллар жамоатидаги — профессионал теннис турнири қатнашчиларининг ибодатларини бошқариш имкони менда пайдо бўлди. Мен ана шу спортчи-масиҳий аёлларнинг кўпчилиги худди тадбиркорлик билан шуғулланадиган кўп масиҳийлар каби ўз касбларидан хижолат бўлишларини кўрдим. Мен уларга шундай савол бердим: “Сиз нима деб ўйлайсиз, сиз дунё бўйлаб учратган одамларингиз Масиҳни англашга муҳтожмилар?” Шубҳасиз, уларнинг жавоби ижобий эди. “Сиз қандай фикрдасиз, Худога профессионал теннисчи масиҳий аёллар керакми, Унга тадбиркорликдаги, мактабдаги масиҳийлар керакми, оддий масиҳий-қўшнилар Унга керакми?” Яна жавоб ижобий бўлди. “Унда ўз қобилиятингиздан ва Худо сизга берган шу имкониятдан хурсанд бўлинг! Масиҳ сизда яшашини ва У айнан сизнинг жабҳангизда ўзингиздан фойдаланмоқчи бўлганлигини, тагин жуда ажойиб тарзда фойдаланишини англаб яхшироқ шуғулланинг ва муваффақият билан иштирок этинг. Дунё бўйлаб саёҳат қилиб, Унга фойда келтиринг. Сизнинг касбингиз сизга барча эшикларни очиб беради. Хушхабарни шунда бизнинг кўпчилигимиз, ҳаттоки ҳеч қачон кўра олмайдиган одамлар ҳам эшитишади. Агар сиз ўзингизни “тирик қурбонлик” қилиб ўз самовий Отангизга берсангиз, унда Исо сиз билан ҳаттоки теннис кортида ҳам яшайди”.

Одам ўзини “Муқаддас Рух маъбади” деб билиш, шунингдек, сизнинг бошқа масиҳийларга нисбатан фикрингизни ва уларга Масиҳ танасидаги сизнинг

муносабатингизни ҳам ўзгартиради. Масиҳ кун сайин сизда ва сиз орқали яшар экан, сизда худди шундай тарзда яшаётган одамларни ахтариб топиш ва улар билан мулоқот қилиб ҳузурланиш истагини сезасиз. Сиз агар ўз эътиборингизни Исо Масиҳга ва Унинг Каломига қаратсангиз, сиз тақводор-маслакдошларингиз билан ҳақиқий биродарликдан ҳузур-ҳаловат оласиз.

Биз ўзгалар билан бўладиган мулоқотга жуда катта инсоний эҳтиёж сезганлигимиз сабабли, керак бўлмаган жойга бориб қолишимиз мумкин. Бу қанчалар ғалати туюлмасин, бизнинг бошқа одамлар билан дўстона муносабатлар ўрнатишга уринишимизнинг нотўғри усулларида бири бу — танишиш жараёнини муайян бир мақсадга айлантиришдир. Аслида бундай эмас. Сиз агар биродарликнинг ўзига эътибор қаратсангиз, унда чуқур ва барқарор биродарлик ҳиссини сезмайсиз. *Сиз агар Исо Масиҳга тўла эътибор қаратсангиз, унда ҳақиқий ва чуқур масиҳийча биродарлик туйғусини ҳис қиласиз.*

Ўйлаб кўринг: агар сизга юзта роялни бирданига созлашни топшириқ қилиб беришса, нима қилган бўлардингиз? Агар сиз бирини иккинчиси билан таққослаб ва бирини иккинчисига мослаб созламоқчи бўлсангиз, сиз ҳеч қачон бу топшириқни бажара олмаган бўлар эдингиз. *Лекин агар сиз бир камертон ёрдамида созласангиз, улар беихтиёр бир-бирларига жўр бўлиб янграй бошлайдилар!* Худди шундай: биз ўз эътиборимизни бир-биримизга қаратган ва ўз ақлимиз ва юрагимизда мувофиқликка келган вақтимизда биз носозликдан бошқа ҳеч нарсага эга бўлмаймиз. Бироқ агар биз Исо Масиҳга, Унинг биз учун нима қилганлигига, Унинг биздаги ҳаётига ва ҳаётимиздаги руҳий воқеликларга эътиборимизни қаратсак, шунда биз ҳақиқатдан ҳам “Худода бирдам” эканлигимизни кўрамиз. Биз-чи? Биз нима билан яшаяпмиз?

Эфесликларга мактубнинг 4:4–6 оятларида шундай дейилган:

Бадан — бир, Руҳ ҳам — бир. Чунки Худо ҳам-маларингизни ҳам бир хилда умидвор бўлишга чақирган. Раббимиз — бир, имон — бир, сувдаги иқдор — бир. Ҳамманинг Отаси Худо — бир. У ҳамманинг устидан ҳоким, ҳамма орқали амал қилади, ҳаммада мавжуддир.

Айнан шунинг асосида биз қуйидаги насихатларни оламир:

Бутун камтарлик ва юмшоқлик билан, муҳаббат билан бир-бирингизга сабр-тоқат қилинглр. Ўзаро тинч-тотув яшаб, Руҳнинг бирлигини сақлашга жон куйдиринглр (Эфесликларга 4:2, 3).

Бизнинг вазифамиз Масиҳ билан ўз иттифоқимизни яратишда эмас, балки уни сақлаб қолишдадир! Биз Масиҳга эътибор қаратишимиз орқали Ундаги ўз биродарлигимизни очамиз ва бу биродарликни бир-биримизга хизмат қилиш орқали худди Масиҳ танасидаги иккита тенг ҳуқуқли аъзо сингари асраймиз.

“Ёлғиз жангчининг масиҳийлиги” — бу Худонинг режаси эмас. Биз ўзимизни ўзимиз таъминлай олмаймиз. Биз бир-биримизга керакмиз. “Шунга ўхшаб, биз кўп киши бўлсак ҳам, Масиҳ вужудида бирлашганмиз ва бир баданни ташкил этамиз, ҳар биримиз алоҳида-алоҳида бўлиб, бир-биримиз учун узвдирмиз” (Римликларга 12:5). Бизнинг ҳеч биримиз Муқаддас Руҳ ҳадяларига эга эмасмиз. Шунинг учун биз ўз истеъдодларимиз билан тананинг бошқа аъзоларига нафақат хизмат қилишимиз керак, балки уларнинг биз учун хизмат қилишларига ҳам муҳтожмиз. Мана нега

масиҳийликда “юлдузлар” ёки “катта мансабдорлар” бўлмайди.

Масиҳийлик ҳаёти — бу *Масиҳдир*, Уни билиш ва Унда бу дунёдаги ҳаётнинг ҳар бир томонига тааллуқли ишончга асосланган ўзаро муносабатларда юришдир. Исо Масиҳ Ўз ҳаётини *бизга* бериш мақсадида ҳаётини *бизга* бағишлади, токи *У биз орқали* Ўз ҳаёти билан яшай олсин. Агар биз ҳам ўзимизни Унга — У Ўз Отаси билан юрганда кўрсатган тобелик ҳолатига тақдим қилсак, биз ўзимиз учун У биздан кундалик ҳаётда қандай фойдаланишининг ҳаяжонга солувчи туйғусини очамиз. Ҳузур-ҳаловатда ўсиш — фақат биз Муқаддас Китобни ўрганиш, ибодат ва жамоат хизмати орқали эришадиган ютуғимиз эмас. Масиҳийлик ҳаёти — бу ёдлаш керак бўлган мактаб дарси эмас; бу биз риоя қилишимиз керак бўлган ҳаёт тарзидир! Ҳар куни — бу ҳузур-ҳаловатда ўсиш ва бизнинг Раббимиз, Халоскоримиз Исо Масиҳни билиш имкониятидир.

Ҳузур-ҳаловатда ўсиш белгилари

Бир куни мен Техас штатининг федерал қамоқхонасида семинар ўтказдим. Ёнимда менга маҳбуслар билан ишлашимда яқиндан ёрдам бериб турадиган бир нечта кўнгиллилар бор эди. Уларнинг орасида Довуд исмли эркак ҳам бор эди. Довуд Худога имон келтирганига фақат икки йил бўлган эди, бироқ Худо севгиси унинг ҳаётини батамом ўзгартириб юборганди. Мен уни илгари қурилиш компаниясининг сурбет ва шафқатсиз хўжайини сифатида билардим. Ҳозир у ҳузур-ҳаловатда ўсди. Исо Масиҳ таъсири остида Довуд жонкуяр ва самимий одам бўлди. У конференция пайтида маҳбуслар билан берилиб ишлади ва тўсатдан уни ҳаяжонга солувчи учрашув юз берди.

Бу воқеа менинг сўнгги маърузаларимдан бирида содир бўлди. Бу маърузам — ўзимиз Худодан олган нажотимизни бошқа одамларга тарқатишнинг зарурлиги ҳақида эди. Довуд бу фикрдан завқланар ва бутун юраги билан мен томонда эди. “Қани, бўл, Боб!” — ўйларди у. “Умид қиламанки, барча маҳбуслар буни эшитишади. *Чунки бу уларга жуда керак!*”

Довуднинг кайфияти жула яхши эди. У одамларнинг диққат билан тинглашларини кузатиб, жилмайиб турарди. Тўсатдан у *ўгирилиб, ўзи дунёда энг ёмон кўрган одамнинг юзини кўрди*. Довуд имонли бўлишидан

бир неча йил олдин, бу одам Довуднинг шахсий ҳаётига ҳам, профессионал хизматига ҳам оғир кулфат келтирадиган бир иш қилган эди. Аслида Довуднинг нафрати ва ўч олиш истаги шунчалар кучли эдики, у кейинроқ менга шундай деди: “Профессионал қотил ёллаб уни ўлдириб юборишдан мени сақлаб турган ягона нарса — бу қўлга тушиб қолишдан қўрқиш бўлган!”

Шундай қилиб, мана улар бирга: ўша одам қамоқхонада маҳбус, Довуд эса бу ерга маҳбуслар билан ишлаш учун келган масиҳий эди. У ҳам Довудни кўрмади, шунинг учун у тезроқ бирор қарор қабул қилиши керак эди. Унинг юрагида ақлга тўғри келмайдиган кураш борарди. Кўп йиллардан буён биринчи марта юз берган бу учрашув бир зумда нафрат туйғусини қайта уйғотди. Аммо ҳозир Довуд янги одам эди. Исо Масиҳ унинг дилига кирди ва унинг ҳаётида ажойиб ўзгариш содир қилди: буни инкор қилиш сира мумкин эмасди. Аммо тана хотираси ва истаклари ҳали ҳам унда яшарди. “Худо Каломи одамлар бир-бирларини кечиришлари ҳақида сўзлашини мен билардим, — деди Довуд, — лекин мен бунга ҳали тайёр эмасдим! Исонинг “душманларингизни севинглар” деган амри, ҳақиқатдан ҳам душманинг пайдо бўлмагунча яхши кўринар экан. Ҳаммасидан ҳам мен ўша хонадан қочиб чиқиб кетишни хоҳлардим!”

Бироқ Раббий Довудда яшарди. “Мен ўтмишга қарашим ва бу одам менга нима қилганини кўришим мумкин эди, — дейди у, — аммо мен орқага қараб ўзимнинг дала нилуфаридай соф бўлмаганимни ҳам кўришим мумкин эди. Худо мени Ўзига маъкул қилиш учун менинг баъзи жиддий қилмишларимни ҳам кечириши керак эди. Тўғрисини айтганда, агар бизга Худо нуқтаи назаридан қаралса, мен билан ўша йигит ўртасида унча катта фарқ йўқ эди”.

Туйғулар жанги Довуднинг юрагида то мен гапиришдан тўхтаб, танаффус эълон қилмагунимча давом қилди. Довуднинг туйғулари ҳали ҳам эски аламлардан қичқирарди. Аммо унда шунингдек, Худо севгиси ҳам сўзларди. У Худо кўрсатганидай, йўл тутишга қарор қилди. “Мен унинг олдига келиб турдим, — ҳикоя қилади Довуд, — сиз шу пайтда унинг юзини кўришингиз керак эди! У мени кўрган пайтда бу кутилмаган учрашувдан сакраб тушди. Эҳтимол, мен унинг кулоқ-чаккасига боплаб мушт туширишимни у кутгандир. Бироқ бунинг ўрнига мен биродарларча унга қўлимни узатдим ва шундай дедим: “Умид қиламанки, сен бу ерда айтиб ўтилган гапларнинг ҳаммасини эшитдинг, чунки Боб ҳақ. Исо Масих менинг ҳаётимни ўзгартирди ва У сенинг ҳам ҳаётингни ўзгартириши мумкин”.

Ўша одам бир дақиқача лом-лим ҳам дея олмай турди. Кейин у Довуднинг қўлини сиқди ва деди: “Агар бу гапларни эшитишга олдин менда истак бўлмаган бўлса, энди менда бунга сабаб борлиги аниқ!”

Бугун Довуднинг айтишича, ўша эски алам туйғуси батамом йўқолиб кетибди. Эски нафрат тарқалиб кетди ва энди қачонлардир у ўлдиришдан ҳам тоймаган одамга нисбатан, Довудда самимий ачиниш ҳисси қолди. Сиз бу ҳолатни қандай изоҳлайсиз? Бу ғайриоддий воқеа. Фақат Худо севгиси ва ҳузур-ҳаловатини *олганларгина* ўз йўлларини давом эттиришга ва тиришқоқлик билан “яраштириш хизматини” (2 Коринфликларга 5:18), ҳаттоки энг ёвуз душманларига нисбатан ҳам олиб боришга қодирдирлар! Муқаддас Китоб шундай дейди: “Биз Уни севайлик, чунки аввал У бизни севди” (1 Юҳаннонинг 4:19). Қачонки Худонинг муқаррар севгиси тан олинса ва Исо Масихда қабул қилинсагина, Унинг куч-қудрати инсоний муносабатларда нажот топади.

Коринфликларга 2 мактубнинг 5:14, 15-оятларида Павлус инсон ҳузур-ҳаловатда ўсиши жараёнида унинг масиҳийлик ҳаётидаги энг асосий мақсадини тасвирлаб беради. У ерда шундай дейилган:

Ахир, Масиҳнинг севгиси бизни қамраб оляптику! Агар ҳамма одамлар учун Биттаси ўлган бўлса, бу ҳаммаси ўлгани демак, деган хулосага келдик. Масиҳ ана шу мақсадда ҳамма учун ўлди, токи яшаётганлар энди ўзлари учун эмас, балки ўзлари учун ўлган ва тирилган Масиҳ учун яшасинлар.

Бошқача қилиб айтганда, Худо севгисини англашда ва Исо Масиҳ биз учун қилганига миннатдорчилик ҳиссида ўсиб борганимиз сайин Унинг севгиси бизни бошқара боради — бизни роботлар қилиб иродамизга қарши ҳаракат қилдириш маъносини эмас, балки бизда ўзимизни ўзимиз Унга бериш истагини уйғотади: “яшаётганлар энди ўзлари учун эмас, балки улар учун ўлган ва тирилган Масиҳ учун яшасинлар”. Бу ерда Павлус биз бу китобда бир неча бор кўриб чиққан Римликларга мактубнинг 12-бобидаги биринчи оятнинг ўша фикрини ифодалайди.

Шундан сўнг Павлуснинг эслатишича, биз ўзимизни “биз учун ўлган ва қайта тирилган” учун бағишлаганимиздан сўнг, *бизнинг бошқа одамларга муносабатимиз ўзгаради*. Павлус 2 Коринфликларга мактубда 5:16 ўз сўзини давом эттириб шундай дейди: “Шунинг учун биз энди ҳеч кимни инсоний фикр билан қадрламаймиз”. Ўзимизни ўзимиз тирик қурбон сифатида Худога такдим қилдик ва ўз ақлларимизни ҳақиқатга мос янгиланишга йўл қўйиб, биз энди одамларни мутлақо янгича нуқтаи назардан қадрлаймиз. Биз одамларнинг ташқи кўриниши остида нима ётганлигини

кўришга ўрганамиз ва уларни худди Худо тасаввур қилганидай кўра бошлаймиз.

Бу Ёзув ўргатадиган намунадир. “Бир-бирингизни севинглар”, — дейди Исо Масиҳ Ўз шогирдларига. Лекин қандай қилиб? “Мен сизларни қандай севган бўлсам, сизлар ҳам бир-бирингизни шундай севинглар” (Юҳанно 13:34). Римликларга мактубда 15:7 Павлус шундай деб ёзган: “Сизлар ҳам бир-бирингизни қабул қилинглар”. Қандай қилиб? “Худони улуғлаш учун Масиҳ сизларни қабул қилганидек”. Худди шу мантиққа риоя қилган ҳолда, Эфесликларга мактубда 4:31, 32 шундай дейилади:

Ҳар қандай ёмон ният ва гина-қудрат, ҳар қандай қаҳру жаҳл, нолиш ва гийбатчиликни ўзингиздан соқит қилинглар. Бир-бирингизга кўнгилчан ва меҳр-шафқатли бўлинглар. Худо сизларни Масиҳ ҳақи кечиргани каби, сизлар ҳам бир-бирингизни кечиринглар.

Инсон хулқининг олдиндан айтиб берса бўладиган қонуни шундан иборатки, одамлар ўз фикрларига кўра Худодан олган севгилари, эътирофлари ва кечиримларини ҳадя қиладилар. Бошқача қилиб айтганда, мен агар Худо менинг муваффақиятсизликларим учун инкор қилади деб ўйласам, мен 180 градусга ўгириламан ва сизни сизнинг муваффақиятсизликларингиз учун инкор этаман. Шунинг учун биз Муқаддас Китоб ўргатганидек, севгида бир-биримиз томон биринчи қадамни қўйишга қодир бўлишимиздан олдин, биз Худо севгиси ва кечиримини қабул қилишимиз керак. Ҳақиқатдан ҳам ҳузур-ҳаловатда ўсаётган одам бошқа одамларга нисбатан мурувватлироқ бўлади.

Худо севгиси одамларга таъсир қилинишининг ва улар ҳақиқатдан ҳам ҳузур-ҳаловатда ўсишларининг

бошқа ишончли белгиси — одам ўзини Раббий Исо намоён қилган хизмат ҳолатига солган вақтда ички хизмат ҳолатининг ривожланишидир: “Зеро Инсон Ўғли ҳам *Ўзига хизмат қилдириш учун эмас, балки Ўзи хизмат қилиши* ва Ўз жонини фидо қилиб, кўпларни қутқариш учун келган” (Матто 20:28). Павлус Галатияликларга мактубда 5:13 бизга шундай деб айтади: “Эй биродарлар, сизлар эркинликка чорлангансизлар. Фақат бу эркинликни *нафсингиз учун* қурбонлик қилманглар, *балки бир-бирингизга муҳаббат билан хизмат қилинглар*”. Худо инсон юрагида хизмат қилаётганида бу илоҳий хусусият энг ажойиб ҳолатларда намоён бўлиши мумкин.

Бир шаҳарга семинарга борганимни ҳеч қачон унута олмайман. У ерда шодликдан нур сочиб турган учта аёл менинг олдимга гаплашиб олиш учун келишди. Улардан иккитасида жисмоний нуқсони бор эди — биттаси қўлтиқ-таёқда, иккинчиси — ногиронлар аравачасида юрарди. Улар ўзларини таништиришди, ва биз бирпас анжуман ҳақида суҳбатлашдик. Кейин қўлтиқ-таёқдаги аёл — унинг исми Катрин эди — кулиб шундай деди: “Биласизми, Боб, учаламизнинг қандай ўхшашлик томонимиз борлигини сиз ҳеч қачон топа олмасиз!” Мен ундан аниқроқ қилиб айтишини сўрадим ва у шундай деди: “Яхши, бошланиши учун айтайлик, биз учаламиз ҳам тепадан ўзимизни ташлаб, ҳаётимизга нуқта қўймоқчи бўлганмиз! Терри (бу ўша соғлом аёл) ва мен кўприкдан ўзимизни дарёга ташлаб ўлдирмоқчи бўлганмиз. Маржи (ногиронлар аравачасида ўтирган аёл) ўзини деразадан ташлаган. Ҳозир эса биз тушқунлик ҳолатида қолган бошқа одамларга ёрдам бериш учун бирга масиҳийлик гуруҳини ташкил қилдик”.

Катрин гапини давом эттирди: “Ўзимни ўлдиришга ҳаракат қилганимдан кейин, мен узоқ йилларни тур-

ли соғломлаштириш муассасаларида ўтказдим. Мен икки марта асабий тутқаноқ дардини бошимдан кечирдим ва мени барча мавжуд усуллар билан даволаб кўришди, шу билан электрошок билан ҳам. Аммо ҳеч нарса ёрдам бермасди. Сўнгра мени Терри билан таништиришди. У ҳам худди ўша мен сакраган кўприкдан айнан ўша йили ўзини сувга ташлаганини эшитганимдан сўнг, биз дарҳол танишдик ва дўстлашиб олдик. У менга хушхабар ҳақида сўзлаб берди ва шунингдек сизнинг “Тушкунлик устидан ғалаба” номли асарингизнинг кассеталардаги ёзувларини берди. Ва натижада муаммо *менинг ўзимда* эканлигини мен тушуна бошладим. Мен Исо Масиҳни ўзимнинг Қутқарувчим сифатида қабул қилдим ва биринчи бор хотиржамлик ва шодликни ҳис этдим. Энди менинг ҳаётим Унга тегишлидир. Унинг Рухи мени хотиржамлик, қувонч ва умидга тўлдириб, менда яшарди. Ҳозир ҳам менинг муаммоларим етарли даражада ва ҳаттоки баъзида тушкунликка ҳам тушиб тураман. Лекин энди фарқ шундан иборатки, ҳозирда У менинг йўлимнинг ҳар бир қадамида мен билан эканлигини биламан. Мен ўз кучимга эмас, балки Унинг нажотига суянаман”.

Катрин ва Терри дўст бўлишди ва биргаликда Муқаддас Китобни ўрганиш курсларига қатнай бошлашди. Бир куни улар ўзини ўлдиришга уруниш натижасида олган жароҳатлардан азоб чекаётган Маржини учратиб қолишди. Уларнинг учалови ҳам тез-тез учрашиб турадиган бўлишди ва шундай қилиб ёрдам гуруҳини яратиш ғояси пайдо бўлди.

Катрин шундай деб изоҳ беради: “Бизнинг мақсадимиз — тушкунлик ҳолатидан азоб чекаётган, жохиллашган ногиронларга ва бошқа бағритош одамларга ўз тарихимизни айтиб бериш. Бизнинг вазиятларимиз турлича бўлишига қарамасдан, ҳаммамизнинг муаммоларимиз ва тушкунлик дарди бир хил эканлиги-

ни биз тушунардик. Бизнинг марказимиз — Исо Масих, чунки У барча муаммоларимизнинг жавобидир, ҳа, яккаю-ягона жавобидир”.

Худо қанчадан қанча одамларнинг ҳаётини ўзгартириб, буюк ишлар қилишини мен кўп марта кўрган бўлсам-да, бу учала бахтли, Унга ишонган аёлларнинг турмуш тарзи мени лол қолдирди. Уларнинг ҳар бирининг тарихида умидсизликлар, шафқатсизликлар, мустақилликни йўқотиш ҳоллари ва тушкунлик йиллари бор эди. Аёлларнинг иккитасида тузатиб бўлмайдиган жисмоний заифлик — уларнинг ўзига хос курашларининг оқибати мавжуд эди. Дунё нуқтаи назаридан сиз улардан то ҳаётларининг охирига қадар шафқатсизлик ва алам туйғуларини кутган бўлардингиз. Тушкунлиكنинг шафқатсизлик, ўзига ўзи ачиниш ва фақат ўзинигина ўйлаб ташвиш қилишдан ҳам ортиқроқ ўзига хос белгилари йўқ. Бу аёллар эса хотиржам ва шодон эдилар, чунки улар *бошқа одамларнинг* эҳтиёжларини қондиришга интилардилар. Исо Масих заифларнинг нафақат ғалаёнга дуч келган қалбларини хотиржам қилди, балки уларнинг юракларини Ўз юрагига мослаб ўзгартирди.: “Зеро Инсон Ўғли ҳам Ўзига хизмат қилдириш учун эмас, балки Ўзи хизмат қилиш ва Ўз жонини фидо қилиб, кўпларни қутқариш учун келган”. Бу аёлларнинг ҳаёт тарзи 2 Коринфликларга мактубнинг 1:3, 4-оятларидаги ҳақиқатни жуда ажойиб намоён қилади:

Ҳар турли тасаллининг манбаи бўлган Худо, марҳаматли Ота, Раббимиз Исо Масихнинг Ота-си Худога ҳамду санолар бўлсин! У бутун ғамқайгуларимиз учун бизга тасалли беради. Шу тариқа ўзимиздек ҳар турли қайгуларга йўлиққан бошқа одамларни биз Худодан олган тасалли билан овунтира оламиз.

Исо шундай деган: “Дунёда қайғу-алам чекасизлар; лекин дадил бўлинглар, Мен дунёни енгдим” (Юҳанно 16:33) ва бу бизнинг ҳаммамизга тааллуқлидир. Бизга харқандай бахтсизлик хавф солса ҳам, биз бир нарсага ишонч ҳосил қилишимиз керак: биз бир ўзимиз эмасмиз. Худди шундай аҳволга тушган жуда кўп бошқа одамлар ҳам мавжуд. Шунинг учун биз ана шу барча азоб-уқубатлар орасида эзгуликни ҳам учратишимиз мумкин. Иблис бизга ёвузлик қилиш учун азоб-уқубатларни юборади, лекин Худо азоб-уқубатларни эзгулик учун хизмат қилишга мажбур этади. Бу бизни янада самаралироқ ва янада шафқатлироқ хизматчиларга айлантиришнинг усулларида биридир.

Одамларга масиҳийлик хизматида кўрсатиш жараёнида мен шунга гувоҳ бўлдимки, ўзим ҳеч қачон бошимдан ўтказмаган бахтсизликларга дуч келган одамларга одатда, унчалик ачинмайман. Айнан ана шундай ҳолларда биз, масиҳийлар “тез таъсир қиладиган ҳапдориға” айланишга мойил бўламиз: инсоний муаммоларга жавобан биз у ёки бу ҳақиқат ҳақида маълумот берувчи оят ёки парчани Муқаддас Китобдан суғуриб оламиз. Биз уларга жавоб берамиз, аммо буни чин юракдан қилмаймиз. Одамлар ҳам ҳамдардлик кўрсатмайдиган бундай маслаҳатчиларни инкор қилишга мойилдирлар.

Бироқ, биз ўзимиз шундай ҳолатда бўлган вақтимизда, юрагимиз бошига кулфат тушган бундай одамга нисбатан ҳамдардлик кўрсатиш учун интилади. Бундай ҳолларда одам ўзини қандай ҳис қилишини биламиз ва ўзимиз қийин вазиятга тушиб қолганимизда инсон ўз онгининг ҳужумларига қарши туриш қанчалар оғир эканлигини ҳам биламиз. Лекин айни пайтда биз муаммога аниқ бир жавоб ҳақида тўла ишонч билан гапира оламиз.

Кунларнинг бирида бизнинг идорамизда ўзини ўлдиришга тайёр, умидсизликка тушган аёл телефон

қилди. Одатда идорада маслаҳат билан ёрдам беришга тайёр жуда кўп эркак ва аёллар бўлади. Аммо бу сафар телефон қўнғироғига жавоб қилган котиб — Лоридан бошқа ҳеч ким бўлмаган. Лори бор-йўғи бир неча ҳафта илгари ўқитиш курсларини тугатган эди ва телефон қилган аёлга ёрдам бера олмаслигини ҳис қилди. У ҳаяжондан ўзини йўқотишига озгина қолди, чунки ёнида унга ёрдам бера оладиган ҳеч ким йўқ эди. Ана шу тарзда у ўтирганича, аёлга қандай шафқатсизликлар қилинганига мисоллар келтирилган, тушкунлик ва умидсизликлар билан суғорилган ҳикоясини тингларди. Шундан сўнг Лори телефон қилаётган аёлнинг Масихга муносабатлари ҳақида савол бера бошлади. Аста секин у қандай қилиб Масих бизга хотиржамлик бера олиши ҳақидаги ҳикояга ўтди. Лекин аёл ўз сўзидан қайтмасди: “Менга таъсир қиладиган жавоблар керак”, — нолирди у. “Сиз мени тушунмаяпсиз...”

“Йўқ, бу сиз мени тушунмаяпсиз!” — унинг гапини бўлди Лори. “*Мен ҳам буни бошимдан ўтказганман.* Бундан бир неча йил илгари худди сиз ҳис қиладиган нарсаларни мен ҳам ҳис қилганман. Мен бутун ҳаётим давомида мени тан олишларига интилдим. Ва охир оқибатда ўз ҳаётимга нуқта қўйишгача бориб етдим. Лекин Исо ҳақиқийдир ва У сизни беғараз севишини ва қабул қилишини билганингизда, У сизга чиндан ҳам хотиржамлик ҳадя қиладди. Мен буни ҳақиқат эканлигини биламан. Чунки У менинг ҳаётимни ўзгартирди”.

Лори ўз ҳаёти ҳақида ҳикоя қилгани сайин аёл юмшаб борарди ва Лорини диққат билан эшитарди. Лори ҳақиқатдан ҳам уни тушунаётганлиги аниқ эди. Ва Лорининг у билан қатъий, аммо ҳамдардлик билан уни тушуниб гаплашиши унинг ғалаба қозонишига имкон берди. Деярли икки соатлик шаҳарлараро суҳбатдан сўнг Лори у аёлни Исо Масихга имон келтиришга олиб келди. Кейинчалик мен ўша аёл билан учрашдим: энди

у ўз оёқларида қатъий турарди. Ҳозирда у Худо фарзанди сифатида, алам, шафқатсизлик ва ўзига ўзи ачиниш туйғуларисиз — уни шунча йиллар давомида қулликда ушлаб турган нарсаларсиз ҳузур-ҳаловатда ўсарди.

Бир куни мен бир ҳайкалтарош воқеасини эшитдим. У катта мрамар тош бўлаги олдида қўлида болга ва искана билан турарди. Ташриф буюрган одам ундан сўради: “Сиз бу бесўнақай, бўлмағур тош бўлагини нима қилмоқчисиз?” Ҳайкалтарошнинг жавоби қуйидагича эди: “Ҳозир мен бу тошнинг ичидаги ажойиб фариштани озод қиламан”.

Бу менга бизнинг одамларга ва ҳаётий вазиятларга муносабатимиз билан Худонинг муносабатларидаги фарқ ҳақида эслатади. Биз ўзимизни ва бошқа одамларни хунук тош бўлагига ўхшаш кўрамиз. Биз нарсалар ҳозир қандай бўлса, шундай кўрамиз. Лекин Худо худди ҳайкалтарош сингари бизни *келажакда қандай бўлсак*, шундай кўради. Бу жараён доимо ҳам ёқимли бўлмаса-да, бизга учрайдиган бахтсизликлар ва азоб-уқубатлар биздан Масиҳ тимсолини йўнадиган Худо “болғаси ва исканасидир”. Ўзимиз дуч келадиган муаммолар машаққатли вазиятлар орқали биз Худога суянишга ва янада итоаткорроқ бўлишга ўрганамиз. Натижада биз Унинг дунёси ҳақиқатдан ҳам “инсон ҳаёлига сиғмайдиган” (Филиппиликларга 4:7) эканлигини биламиз. Чунки худди дунёдан фарқли каби у вазиятларга боғлиқ эмас. Масиҳдан тобелигимиз туфайли биз Унинг ҳузурига келамиз ва Унинг ҳаёти билан яшаймиз. “Эй биродарлар, сизлар эркинликка чорлангансизлар. Фақат бу эркинликни нафсингиз учун қурбон қилманглар, балки бир-бирингизга муҳаббат билан хизмат қилинглар” (Галатияликларга 5:13). Биз ичимиздаги Масиҳ ҳаётига ўз ҳаётимиз устидан ҳукмронлик қилишга имкон берганимиз сабабли биз

ҳаммамиз кўпинча хизматчининг ташқи кўринишига эга бўламиз.

Ва бизда — бу “бир-биримизга муҳаббат билан хизмат қилиш” истаги кучайганда, биз ҳаттоки агар бу севги учун керак бўлса, ўз эркинлигимиздан фойдаланишни чеклаб қўйишга ҳам тайёرمىз. Бизда ҳеч қачон қонунчилик олдида Худо ҳузур-ҳаловати ҳақидаги ҳақиқатни бузиш истаги бўлмаганлиги сабабли, “биродаримизни йўлига тўсиқ қўймаслик, уни васвасага солмаслик” ўсаётган етуклик белгиси бўлади (Рим. 14:13). Павлус шундай изох беради:

Биз, имони кучлилар ўзимизни мамнун қилишни кўзламасдан, кучсизларнинг оғизлигига сабр-бардош қилишимиз керак. Ҳар биримиз ўзганинг яхшилик ва ривож топишига ғамхўрлик қилиб, уни мамнун қилишга ҳаракат қилайлик (Римликларга 15:1, 2).

Павлуснинг фикрига кўра, озодликдан ўйлаб фойдаланиш бошқа одамларнинг фойдасига хизмат қилишни англаш — ўз истакларининг амалга ошишидан кўра муҳимроқ эканлигини назарда тутати. “Мен ҳаммасидан озод бўлсам ҳам, янада кўпроқ одамни эргаштирай деб, ўзимни ҳаммасига қул этдим” (1 Коринфликларга 9:19). Келинг, оддий бир мисолни кўриб чиқайлик: айтайлик, мен хушхабар ҳақида яҳудийлар динига кўра чўчка гўштини ейиш манъ қилинган қўшнимга айтиб бермоқчиман. Агар мен уни ажойиб дудлаб пиширилган чўчка гўшти тортиладиган тушликка таклиф қилсам, сизнингча, мен ундан қандай жавобни эшитган бўлардим? Ҳеч қандай. Тушликнинг ўзи ҳам, менинг фаросатсизлигим ҳам у учун ҳақорат бўларди ва ҳали мен унга бирон нарса ҳақида айтиб бериб улгурмасимдан, у мени уйдан ҳайдаб чиқарарди.

Худо ҳузур-ҳаловатини нотўғри тушунадиган одам айтиши мумкин: “Аммо Муқаддас Китоб ҳозир ҳар қандай нарсани тановул қилиш мумкин, дейди-ку. Сиз ўз озодлигингиз билан ён бермаслигингиз керак. Биз егуликлар ҳақидаги Эски Аҳд қонунига бошқа бўйсунмаймиз”. Бунинг аҳамияти йўқ. Масала — *мен нимани ейишим мумкин ёки нима ейишим мумкин эмаслиги ҳақидаги қонунда эмас*. Масала — *менинг озодликдан фойдаланишимда: меҳр-муҳаббат билан ҳаракат қиламанми (“ўз яқинимнинг фойдасини ўйлаб иш қиламан”)* ёки ўз номукаммаллигимдан Масихга одамни олиб келишдан кўра кўпроқ ўз истакларим ҳақида қайғураманми. Агар биз ҳақиқатдан ҳам одамларга бефарқ бўлмасак ва Масих бизнинг қарорларимизни белгилаб берса, биз худди Павлус сингари қарор қабул қиламиз: “Хизматимиз қораланмасин деб, ҳеч кимга ҳеч қандай ҳалақит бермаймиз” (2 Коринфликларга 6:3). Мен нимадан манфаатдорман? Бошқаларга меҳр-муҳаббат билан хизмат қилишданми ёки ўзимиз ўзимизга хизмат қилишданми? Мана муаммо нимада!

Ушбу мисол ёрдамида сиз нима учун озодлик бизнинг ҳузур-ҳаловатда ўсишимизнинг асоси эканлигини кўришингиз мумкин. Қонун замирида сизга нима қилиш ва қачон қилиш аниқ айтилган; ҳеч қачон сизнинг ўйлашингизча ёки ўйланган қарорлар қабул қилишга ўрганишингизга тўғри келмайди. Лекин, агар биз ҳузур-ҳаловат эркинлиги остида бўлсак, биз Масих севгиси кўрсатган ва бошқа одамларга меҳр-муҳаббатдан келиб чиққан қарорлар қабул қилишга ўрганамиз. Қонун ҳамма одамларни бир қаторга қўйиб *бошқармоқчи* бўлади. Аммо одамлар тўғри мақсадга асосланган қарорлар қабул қилишни ўрганаётганларида, фақат ҳузур-ҳаловат остида ривожланадилар.

Бу — бир нечта ҳаракатдаги Худо ҳузур-ҳаловатининг белгиларидир. Сиз самимий ва ҳақиқий севгини

намоён қилаётган одамни, мажбуран ҳаракат қилаётган одамни, “катта мунофиқ” бўлмаган одамни кўрасиз. Аксинча, севги худди Исо Масих севгиси ва марҳамати илиқлигидан ҳузурлангани каби тубдан чиқади. Бу — Унда шахсий ўзаро муносабатларда бўлиш самарасидир. Бу — биз Унинг ҳақиқий Каломида бўлиб биладиган, ҳақиқат билимидан келиб чиқадиган ва У бизга саҳийлик билан берган севги туфайли даъват этувчи ҳаёт натижасидир.

Бу Худо севгиси ва муруввати мактубисиз масиҳийлик қандайдир диний баландликка сакраш мусобақаси бўлади. Ҳаттоки агар сиз кўп сакрасангиз ҳам дам ололмайсиз. Дарҳол сакраш чизигини, яъни лангарни юқоридаги даражага кўтариб қўйишади. Охир-оқибатда лангарни шундай кўтариб қўйишадики, сиз уни забт эта олмайсиз. Сиз бу сакрашга бутун жон-жаҳдингиз билан уринасиз. Аммо бунинг ўзи камлик қилади. Мана шунда сизда ҳаммасидан воз кечиш истаги пайдо бўлади ва сиз ўйланиб: “Масиҳий сифатида мен омадсизман!” — деган хулосага келасиз.

Раббий ҳеч қачон сиз “бутун борлигингиз билан ҳаракат қилиб” куйиб қолишингизни истамайди. Бизни Ўша билан ҳаётни бўлишишга даъват этишади, зеро У шундай деган:

Эй оғир юк остида қийналиб, ҳриб-толган ҳаммаларингиз! Менинг ҳузуримга келинг, Мен сизга ором бераман. Менинг бўйинтуругимга ўзингизни қўйинг ва Мендан ўрганинглар. Чунки Мен беозор ва соддадилман. Шундай қилиб, жонларингиз таскин топар. Чунки Мен солган бўйинтуруқ юмшоқ, Мен берган юк енгилдир (Матто 11:28–30).

Кўпчилик одамлар “зулм” нима дегани ҳақида эшитишмаган ва уни тушунишмайди ҳам. Унинг

ваъдасига менинг янгича фикрим қуйидагича: ўзингизни иккита бошқарув тизими бор бўлган машинадаман деб тасаввур қилинг. Иккита рул, иккита газ бериш педали, иккита тормоз ва ҳоказолар. Сиз бир ўтиргичда ўтирасиз, Раббий эса бошқасида. У сизга шундай дейди: “Болам, Менинг сен учун бир ажойим режам бор. Мен сенга Ўзимни очаман, сенга Ўз севгимни ва эътирофимни қуяман, сени Менинг ҳақиқатим билан ақлингни янгिलाш орқали озод қиламан. Биз иккаламиз ҳаётдан бирга бораётган пайтимизда, сени Ўз тимсолимга мос қиламан. Сенинг энг асосий қиладиган ишинг — ушбу сафардан ҳузур-ҳаловат олиш ва Менга машинани бошқаришга имкон беришдир. Лекин қара, сенинг олдинда ҳам бошқарув ричаглари бор. Сен рулни ушлашга ва барча нарсани ўз қўлингга олишга қодирсан. Машинани фақат биттамыз бошқара оламиз ва сенинг танлаш имкониятинг бор. Агар сен бошқарувни ўз қўлингга олсанг, Мен Ўз қўлларимни бўшатаман. Сен нимани танлашингдан қатъий назар, Мен ҳеч қачон сени ташлаб кетмасликка ва сени ёлғизлатиб қўймасликка ваъда бераман. Агар сен рулни қоя томонга бурсанг, Мен доимо сен билан бирга бўламан. Бироқ машинани Мен бошқарганим яхши эмасми? Мен сени яхши кўраман. Мен ҳамма нарсани кўра олиш қудратига эгаман ва Мен жуда-жуда қудратлиман. Менинг бурчим — сенга энг кўп фойда келтиришдир. Менга ишонишингни илтимос қиламан, бироқ бу сенинг ўзингга ҳавола”.

Хато ёки қўрқув таъсири остида биз кўпинча рулдан ушлаб қолишга ҳаракат қиламиз. Шундай бўлса-да, Худо бизга содиқ қолишда давом қиладди. Биз унга ишонишга ўрганган вақтимизда, биз ўзимиз Ибронийларга мактубнинг муаллифи “Фароғат куни”, яъни “дам олиш куни истироҳати” деб атаган ҳодисани ҳис қиламиз: “Демак, Худо халқининг фароғат куни, ке-

лажакка қолади. Худо Ўз ишларидан қандай фориғ бўлган бўлса, Унинг фароғатига кирувчилар ҳам ўз ишларидан шундай фориғ бўладилар” (Ибронийларга 4:9, 10).

Бир куни кечкурун кўл бўйида Исо Ўз шогирдларига шундай деди: “Нариги томонга сузиб ўтайлик” (Марк 4:35). Тун эди, шу орада кучли бўрон кўтарилди ва шогирдлар жуда қўрқиб кетишди. Чунки тўлқинлар уларнинг кичкинагина қайиғини худди коптокдай у ёқдан бу ёққа ташларди. Исо эса қайиқнинг қуйруқ томонида ёстикқа бош қўйиб, ухлаб ётган эди. Улар Раббийни уйғотишди. Исо дарҳол шамолга ва тўлқинларга жим бўлишни буюрди. Кейин У Ўз шогирдларига шундай деди: “Нега бундай қўрқоқсизлар? Қандай қилиб ҳалигача ишончингиз йўқ?” (Марк 4:40). Нега У шогирдларига эътиқоднинг етишмаслиги тўғрисида гапиради? Чунки У шогирдларига шундай деб айтган: “Нариги қирғоққа сузиб ўтайлик”. Сиз Унинг сўзига суянишингиз мумкин. Агар Раббий биз нариги қирғоққа ўтамиз деб айтса, демак биз албатта бошқа қирғоққа ўтамиз!

Биз ҳам Исонинг худди ўша шогирдларига ўхшаймиз. Раббий Ўз Каломида бизга ажойиб ваъдалар берган. Лекин биз ҳали ҳам фақат ўз ҳаётимизнинг шамол ва тўлқинларига қараймиз. Худди Ўша Раббий Филиппиликларга мактубда 1:6 берган ваъдасини бажаради: “Худо сизларда бошлаган хайрли ишини то Исо Масихнинг келадиган кунигача тамом қилишига аминман”. Агар У сизда бошлаган ишини охирига етказаман деган бўлса, сиз бунга ишонишингиз мумкин: У сизда бошлаган ишини албатта охирига етказади! Демак, Унда бўлинг.

Биз ҳузур-ҳаловатда ўсганимиз сайин, ҳаётга бошқачароқ, улуғроқ нуқтаи назардан қарай бошлаймиз. Биз энди ўзимизни дунёда сарсон бўлиб юрганлардай кўрмаймиз. Исо Масих бизда яшайпти! Бизда мақсад

ва мазмун, югуриш йўлкаси бор. Маррада Худо буюк мукофот билан турибди. Мен бу мукофотни фақатгина куйидагича сўзлар билан ифодалашим мумкин: “Яхши ва содиқ хизматкор!” (Матто 25:21).

Бу дунёнинг “ўйинчоқларига” қизиққан жуда кўп одамлар худди “200 йиллик режа”га эга бўлиб яшаётгандай туюладилар. Лекин вақт йўқ. Наридан борса, бизда бу дунёда бир неча қисқа йил бўлади. Энг асосийсини қўлдан чиқариб юбормаслик керак, чунки ҳаёт жуда қисқа! Тирик Масиҳ билан ишончга асосланган туйғуларни қўлдан бой бермаслик ва У бизга таклиф қилдиган ҳаёт ва севгини қабул қилишимиз лозим. Биз бу дунёдан ўзимизнинг ҳақиқий уйимизга олиб бораётган йўлдан бораётганимизда, У биздан жуда буюк ишларни тугаллаш учун фойдаланишини кўриш имкониятини қўлдан бой бермаслигимиз керак, чунки ҳаёт жуда қисқа.

“Энди яшаётган мен эмас, балки Масиҳ менинг ичимда яшайпти. Энди танада яшаётганимга келсак, мени севган ва мен учун Ўзини фидо қилган Худонинг Ўғлига бўлган имон билан яшайпман” (Галатияликларга 2:20). Худди шундай биз ҳам бизни севган ва ўзини биз учун қурбон қилган Худо Ўғлига ишонч билан яшаш қарорини қабул қилишда давом этамиз. Биз Унинг ваъдаларини бажаришда Унга ишонишимиз керак: “Худо сизларда бошлаган хайрли ишини то Исо Масиҳнинг келадиган кунигача тамом қилишига аминман” (Филиппиликларга 1:6). “Сизларни Ўз Ўғли Раббимиз Исо Масиҳ билан мулоқотга чақирган Худо садоқатлидир” (1 Коринфликларга 1:9). Ҳузур-ҳаловатда ўсиш, бизнинг ҳеч тўхтамайдиган “мумтоз масиҳийлик” туйғумиз “ўзини ўзи тўла бахш этиши” дегани эмас. Бу сизга Унинг Ўзини тўла бахш этишга имкон беришингиз деганидир! Бу Шахс билан Раббий Исо Масиҳ билан жуда муҳим, ҳаётий ўзаро муносабатлар-

ҲУЗУР — ҲАЛОВАТДА ЎСИБ

дир. Илоҳим У сизни бошқарсин, ва сиз бу сафардан
ҳузур-ҳаловат олинг!



Таклифнома

Агар сиз “Ҳузур-ҳаловатда ўсиб” китобини ўқиб, ҳеч қачон Худонинг Исо Масихда қутулиш ҳақидаги таклифини қабул қилмаганингизни тушунсангиз, ёки сиз ўзингизнинг Масихда эканлигингизга ишонмасангиз, мен сизни ҳозироқ Уни қабул қилишингизга даъват этаман. Юҳанно баён этган муқаддас Хушхабарда 1:12 шундай дейилган: “Уни қабул қилганларга эса, барча Унинг номига имон келтирганларга У Худонинг фарзанди бўлиш эркини берди”. Масихда гуноҳлар батамом кечирилади, сиз тўла қабул қилинасиз ва мангу ҳаётга эришасиз.

Қутулиш — бу сиз ишонч билан қабул қиладиган текин ҳадядир. Ибодат бизнинг Масихдаги эътиқодимизнинг аниқ ифодаланиш усули бўлсада, сизни ибодат қутқара олмайди. Масалан, ибодат мана бундай бўлиши мумкин:

Раббий Исо!

Сен менга кераксан. Сен менинг гуноҳларимнинг кечирилиши учун ўлганинг ва менга Ўз солиҳлигингни ва қайта тирилган ҳаётингни таклиф қилаётганинг учун Сендан миннатдорман. Мен имон-эътиқод билан Сенинг қутулиш ҳадянгни қабул қиламан. Ўз Муқаддас Руҳинг билан мени Ўз севгинга ва

*мурувватингга, менга Ўзинг берган янги ҳаётга
ўргат.*

*Мен Сен хоҳлагандай одам бўлишим учун менда Ўз
ишингни бошла.*

Омин.

Ушбу сўзлар билан ифодаланган ибодатнинг айтилишида ҳеч қандай мўъжиза йўқ; Худо батамом Унга ишонган сизнинг юрагингизга қараяпти.

“Ҳузур-ҳаловатда ўсиб” китобини ўқиб чиққач, сиз Исо Масиҳни қабул қилган бўлсангиз, ёки шу китобга асосланган ибодат қандайдир ҳолда сизнинг ҳаётингизга таъсир қилган бўлса, ёки агар сиз бизнинг хизматимиз ҳақида янада кўпроқ маълумот олишни истасангиз, менга бу ҳақда ёзиб юборинг. Бундан мен фақат хурсанд бўламан. Хатни қуйидаги манзилга ёзинг:

Bob George,
c/o People to People,
2300 Valley View Lane, Suite 200
Dallas, Texas 75234
USA

ХУДО СИЗНИ ЧУҚУР ВА ТЕРАН
ТУШУНИШ БИЛАН, ЎЗ СЕВГИСИ
ВА ҲУЗУР-ҲАЛОВАТИ ТУЙҒУСИ
БИЛАН МАРҲАМАТЛАСИН!

МУНДАРИЖА

Муаллиф муқаддимаси	3
Ўзбек тилидаги нашрига сўзбоши	6
1. Ҳақиқий дунёдаги ҳақиқий ҳаёт	9
2. Шахсга даъват қилинганлар	32
3. Ҳақиқат билан бўлиш	52
4. Янги шахс	71
5. Суръатлардаги имон–эътиқод	93
6. Марказда — туйғулар	108
7. Ички низо	127
8. Умид ила қўллаб–қувватланганлар	152
9. Айбдорлик туйғусидан халос бўлиш	173
10. Озодлик ва етуклик	193
11. Ўсиш учун озуқа	215
12. Ҳаёт бугун мўл–кўлликда	234
13. Хузур–ҳаловатда ўсиш белгилари	249
Таклифнома	267